

ЎЛМАС
УМАРБЕКОВ

ФОТИМА
ВА
ЗУХРА



I

Милиция майори Қодиржон Алиев кечки соат бешларда уйига қайтди. Дарвоза қўнғироғини чалган эди, ичкаридан хотинининг «ҳозир» деган овози келди. Сўнг кўп ўтмай ковушини шапиллатиб ўзи эшик томон кела бошлиди.

Алиев ҳайдовчисига бир соатга жавоб бергач, машина жилар-жилмай шарақлаб дарвоза эшиги очилди.

Алиев кўпдан бери уйига бунақа барвақт келмаган эди. Шу боис, хотини уни кўриб ажабланди.

— Нечук, — деб қўйиб, уст-боши чангта беланган эрига йўл берди. У суюнишини ҳам, хавотирланишини ҳам билмасди.

Алиев даҳлизнинг зинасига етганда тўхтаб, орқасига ўтирилди.

— Иссиқ сувинг борми? Ювиниб олардим, — деди у.

— Ўтаверинг, бор.

«Ювиниб олардим!..» Эрининг бу гапидан Санобар ҳар доимги ҳолига тушди. Яна бирров келган. Ҳар гал шу: ювинадию кетади. Лекин у ҳозир жиндек хурсанд эди. Икки йилдан бери биринчи марта эрини кундуз куни кўриб турибди. Хаёлидан ҳам меҳрибонлик, ҳам шўхлик аралаш бир фикр ўтди. Шошиб эри ортидан ётоқхонага кирди. Алиев ечиниб бўлиб, оёқяланг ваннахонага кириб кетаётганди.

— Қаерда мунча чанг бўла қолдингиз? Орқангизни ишқалаб қўяйми? — деди-да, ваннахона эшигини ушлади. Алиев унинг қўлинини олиб, раъйини қайтарди.

— Ўзим, шошиб турибман.

Санобар орқасига қайтди. Эрининг ишидан кўнгли хира тортди. Турмуш қуришганига йигирма йил бўлибдики, эрининг ишни ўйламаган пайтини кўргани йўқ. Одам ҳамма нарсага кўникар экан. Санобар ичида кўп марта ранжиса ҳам, ҳеч маҳал эридан норозилик кайфиятига тушгани йўқ. Қизини, ўғлини ҳам шунга ўргатди. Шунинг учун улар ҳеч маҳал унинг вақтини оладиган саволлар ёки иш билан мурожаат қилишмас, ҳамма ишларини оналари билан бамаслаҳат ҳал қилишарди.

Тошкентлик аёлларнинг деярли ҳаммаси шошилинч пайтда қиласидан битта овқати бор. Бу овқат бир одам учун, нари борса икки одам учун қилинади. Иккинчи одам — овқат қиласидан битта овқат қиласидан бор. Бу — нон қовурдок. Иккиси қошиқ ёғ, бир-иккита тухум, шу тухумдек битта пиёз, озгина қийма бўлса, кўз очиб-юмгунча нон қовурдок тайёр.

Санобар кечаги қолган овқатни эрига иситиб бергиси келмади. Шунинг учун узоқ ўйлаб ўтирасдан нон қовурдоқда уннади. Эри ювиниб чиққунча, ошхона ва даҳлизни ёқимли овқат ҳиди тутиб кетди.

Алиев ювиниб, анча енгил тортган бўлса ҳам, дили яш эди. Хотини дарров буни пайқади. Ваннахонага киритмаганидан ҳам сезган эди.

— Тинчликми ишқилиб? — сўради бир коса қовурдокни унинг олдига қўйиб.

Тинчлик... — тўнг оҳангда жавоб қилди Алиев, кейин косани олдига суреб, овқат ея бошлади. — Қачон улгурдинг? Зўр бўлти!

— Ош бўлсин! Олинг!

Санобар чой қуйиб узатиб, қайтариб сўради:

— Тинчликми?

Алиев овқатдан анчагача бош кўтармади.

— Тинчлик, дедим-ку. Ўзинг билган иш-да. Кимдир ишлаши керак. Вазир шундай дейди. Мен ҳам шу фикрдаман. Нафақагача шу ахвол давом этаверади. Болалар қалай?

— Иккалови ҳам ўқишида. Дадамларни қачон кўрамиз, дейди иккалови. Қизингизга совчилар қеляпти.

— Йўқ, — шартта кесдӣ Алиев. — Ўқишини битирсинг.

— Ўзи ҳам шундай деяпти.

— Райхон ақлли қиз, — деди ички бир гурур билан Алиев ва овқатта фотиҳа қилиб, ўрнидан тура бошлади.

— Қачон келасиз?

— Кутма. Калитни олиб кетаман.

Алиев ичкари уйга кириб, деразадан кўчага қаради. Унинг оқ «Волга»си ҳали келмаган, аммо мутолишининг бошида жигар ранг «Жигули» турарди. Алиев танимади. Унинг маҳалласида бундай рангли машина йўқ, эди шекилли. Беихтиёр рақамига қаради. ТНЖ 62-12. Шашар рақами. Машина ичидаги ўтирган икки одам унинг қараёттанини пайқашди шекилли, биттаси машинадан тушиб, капотни очди ва ичига эгилди. Кимлар экан?

— Санобар, эшикларни қулфлаб юринглар.
«Секретка» ишлайтими?

— Ишлайти, — жавоб қилди хотини бамайлихотир. — Мен доим уйдаман-ку?!

— Барибир қулфлаб юр.

— Алиев ҳовлига тушганда машинасининг овозини эшилди.

— Хўп, мен кетдим, — деди у хотинига, — Ҳавотир олманглар. Кеч қайтаман.

— Санобар индамади.

Алиев машинасига ўтириши билан бугунги аҳмоқона куннинг ташвишлари яна зилдек босиб, оиласию уйиу бола-чақасини эсдан чиқариб, хаёлан яна вертолётта минди.

Икки йилдан бери у вилоят ерларини вертолёт ёки икки қанотли секинучар самолётда биринчи марта айланаётгани йўқ эди. Ҳавога чиқарган мақсад, ташвиш чиройли манзаралардан ҳам устун келиб, бош оғрийдиган, кўз тинадиган даражада одамни чарчатар эди.

Кеча эрталаб вазир ўринбосари бўлим ходимлари ҳамда вилоят бошқармаси бошлигини чақириб мажлис ўтказди. Унга тушган маълумотларга қараганда Йўғонтепа, Тангатопди, Найманча қишлоқдарининг Қуррама тоғларига туташ ерларида ҳисобга олинмаган кўкнори майдонлари бор эмиш. Кўкнори ҳозир етиладиган пайт. Уч-тўрт кун ичида ўриб олишлари, ерни яна теп-текис қилиб қўйишлари мумкин. Қурамага туташ ўндан зиёд кичик-кичик қишлоқлар «Шифокор» жамоа хўжалигига қарайди. Тошкентдаги доридармонлар заводи билан йигирма-йигирма беш йиллардан бери шартнома асосида доривор ўтлар етишириб келаётган бу хўжаликнинг ҳар қарич ери ҳисобкитобли, у экадиган кўкнорининг ҳар тути барча хўжаликларнинг, ҳатто милициянинг кўз остида эди. Буннинг устига, вазир ўринбосарининг гапига қараганда, шу ҳисобда йўқ кўкнори майдонларини «Шифокор»-нинг раиси Тешабой ака Султонов топиб, хабар қилибди. Демак, хўжаликнинг, хўжалик аъзоларининг бу экинларга алоқалари йўқ. Вазир ўринбосари дарҳол шу майдонларни аниқлаш, кимларга тегишли эканини билиш, кўкнорини эса ўрдириб, фармазаводга топшириш лозимлигини айтди. Асосий вазифа Алиевнинг одамларига юкланди.

Орадан бир соат ўтар-ўтмас, Алиев бошлиқ беш киши вертолётда ҳавога кўтарилишиди. Вазирликдан

хўжалик идорасига телефон қилиб, раисни топишни ва ўроқчилар билан вертолёт етиб боргунча Тангатоп-дидаги майдонга бориб туриши лозимлигини айтишни вазир ўринbosари ўз зиммасига олди.

«Бир соатда қандай етиб боради?» — демоқчи бўлди Алиев, лекин айтмади. Кўкнори бир соат олдин ўриб олинадими, бир соат кейинми, бунинг ҳозир ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди. Энг муҳим нарса — ким эккан, кимга тегишли бу ерлар? Мана шу саволга жавоб то-пиш улар учун муҳим эди.

Аэродромга кетиш олдидан Алиев илгари қўлга тушган барча кўкнорифурӯшларнинг рўйхати ва ишларини топиб қўйишини бўлим котибига топширди. Ҳар эҳтимолга қарши, республикадаги иккала дори-дармонлар заводи йилига қанча қўкнори ишлатишини, кимлардан сотиб олишини яна бир бор аниқлашни ҳам айтди. Ким билади, балки «Шифокор»дан ҳам бўлак кўкнори етказиб берадиганлар бордир?

Кўп ўтмай Дуркент кўринди. Кўм-кўк дараҳтлар, узумзорлар орасида катта-кичик кўк, қизил томлар пайдо бўлди. Дераза ойналари, оқ тунука томлар офтобда ярақлаб кўзни қамаштира бошлади. Чорак соатдан сўнг вертолёт Тангатопдининг устида бўлади. Хўп фалати ном қўйишганми?!

Тангатопди... Ким қўйган экан? Нима сабабдан? Иштонтушдини-чи?.. Сабабини Алиев билмас эди. Битта у эмас, ҳатто қишлоқларда яшаётганлар ҳам билишмайди. Биладиган кексалар оламдан ўтиб кетишиди. Қишлоқларга янгича номлар қўйилди-ю, лекин сингишиб кетмади. Халқ ўз қишлоқларини ота-боболари қўйган номлар билан айтайверди. Иштонтушди, Йўғон-тепа, Тангатопди.

Алиев бу жойларни яхши биларди. Шунинг учун вазир ўринbosари айтган қишлоқларни қидириб юришга мутлақо ҳожат йўқ эди.

Рациядан вертолётчининг овози келди:

— Квадрат 46-35!

Алиев беихтиёр иллюминаторга пешанасини тақаб, пастга қаради. Теп-текис ердан бўлак ҳеч вақо кўринмади.

— Адашмадикми? — рация тутмасини босиб, сўра-ди вертолётчиidan.

— Йўқ, ўртоқ майор! 46-35 дамиз. Бир айланиб чиқайми?

— Майли. Қани, кўрайлик-чи!

Вертолёт чап томонга эгилиб, бир оз пастлаган бўлди-да, яна юқорига кўтарилиди. Алиев, бўлим ходимлари, вилоят бошқармаси бошлиғи Сиддиқов иллюминатордан қўзларини узишмасди.

— Ўртоқ майор. Биз белгиланган жойдамиз. Танга-топидан тепада. Мен бу жойларни биламан.

Алиев майор Сиддиқовнинг йўғон овозини эшилса ҳам эътибор бермади. Тўғри учеб келишганини, вертолёт белгиланган квадрат устида эканини у ҳам яхши билар эди. Аммо экин майдони кўринмайди? Қани вазир ўринbosари айтган чоракам бир гектар қўкнори.

— Нима қиласиз? Кўнамизми?

Алиев розилик берди.

Уч дақиқа орасида вертолёт тоғ этагига туташ майдончага қўнди. Қўкнори экилган майдон шу ер бўлиши керак. Аммо бир туп ҳам қўкнори йўқ эди. Ҳамма вертолётдан тушганда буни ўз кўзи билан кўрди. Ер ҳайдалган ва устидан текислаб қўйилган эди.

— Ассалому алайкум!

Хаёлчан турган Алиевга семиз гавдали бир одам қўл узатди. У бошини кўтариб «Шифокор» жамоа хўжалигининг раиси Тешабой ака Султоновни кўрди.

— Саломалайкум, Тешабой ака. — Алиев унинг қўлинни олди. — Қачон келдингиз?

— Жалолов телефон қилишлари билан йўлга чиқканман! Ҳализамон ўроқчилар ҳам келиб қолади.

Алиев кулиб юборди.

— Улар нимани ўради?

Раис ҳайрон бўлиб Алиевга қаради-да, беихтиёр унга қўшилиб кўлди.

— Қайдам. Ўроқчи, деганларига, тез етиб боринглар деб ўзим келавергандим...

— Қўкнори у ёқда турсин, уруғи ҳам қолмабди-ку бу ерда!?

Алиев раисга тикилиб қаради. Раис ҳеч нарса тушунмагандек, ерга чўккалади. Бир сиқим тупроқни кафтига олиб эзғилади-да, йўғон япалоқ бурнига тутиб ҳидлади.

— Баччагарлар, ўриб кетишибди!.. — деди у ва кичкина қийиқ қўзларини қисиб, атрофга қаради. — Қандай ўришганийкин? Бу ерга комбайн чиқмайди...

— Бир кечада қандай ўриб олишганини сиз, дех-қон одам билмасангиз, биз билолмаймиз.

Алиев шундай деб, унинг ёнига чўккалади.

— Ақл бовар қилмайди! — бошини сарак-сарак

қилиб гапирди раис. — Унча-мунча деҳқон бир кунда ўриб кетолмайди. Ўрса ҳам, чопиб текислаб кетолмайди. Комбайн бу ерни камида тўрт соат ўради. Лекин уни бу ёқса олиб келиш, кейин олиб кетиш ҳам бор. Биз «УАЗ»да келган йўлдан комбайн зўрга чиқади. Демак, бир кунда неча комбайн бўлмасин, бу ерга чиқолмайди, ўролмайди. Тағин ким билади дейсиз?.. Булардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

Уларни биласизми? — беихтиёр сўради Алиев.

— Қаёқда! — раис ижирғаниб, қўлинни силтади. — Хўжалик ҳисобидаги қишлоқларда жами етти яrim минг одам яшайди. Уларнинг қайси бири кўкнорифуршлик қилади — ким билади дейсиз? Фермадагиларми улар, ё чўпонларми? Балки мактаб ўқитувчилари-дир? Ҳафтада баъзилар уч кун ишлайди, уч кун бўш. Бўш кунларй нима қилади — ким пойлаб юрибди? Балки ҳар куни мен билан саломлашиб юрадиган идора ходимлари-дир? Қодиржон, ука, буни яхшилаб текшириш керак. Қолаверса, бу иш мен учун ҳам зарур. Хўжаликпинг кўкнорисидан буларники яхши, бўлиқ. Ўзим кўрганман.

Алиев раиснинг хуноб бўлиб гапирган бу гапларига фикран қўшилди. Улар ниҳоятда усталик билан ўз савдоларини қилишар эди. Икки йилдан бери йигирмага яқин одам қўлга тушган бўлса, ҳаммаси ё истеъмолчи, ё олибсотар. Етиштириб сотадиган одамлардан биронтаси қўлга тушгани йўқ. Гўё кўкнори, бу халқ учун зарур, қимматбаҳо ва айни пайтда вабо бўлган ўсимлик ўзидан-ўзи униб етилгандек ҳамда бир зумда ўзидан-ўзи гойиб бўлгандек эди. Алиевнинг бўлими-ни, унинг ўзини ҳеч ким жиiddий танқид қилмаган бўлса ҳам, ҳамма аҳволни тўғри тушуниб етаёттан бўлса ҳам, Алиев ўз-ўзидан хуноб эди.

Қандай гап? Ўсимлик экиласди, унга кунида бўлмаса ҳам, ҳафтада бир марта икки-уч киши қараб туради. Кимлар улар? Қачон қарайди экинга? Нега ҳеч ким кўрмайди уларни? Кейин ўрилади, қопларга дони солинади, поялари алоҳида бедага ўхшатиб боғланади, кечасими, кундузими, қаёққадир олиб борила-ди, ёйиб қуритилади, янчилади, қандайдир одамлар келиб, машиналарга ортиб олиб кетишиди. Лекин қанчадан-қанча одам, милиция ходимлари уларни кўришмайди. Кўриш у ёқда турсин, нима билан шугулланаётганларини билишмайди. Вақти-вақти билан қишлоқлар устида одамни гангитадиган ёқимли ҳид

пайдо бўлади. Кўп ўтмай бу ҳидни шамол бошқа томонга олиб кетади, ё ҳид-пиди билан дорининг ўзи қаёққадир ғойиб бўлади. Бир ой-икки ойдан сўнг кимнингдир ҳовлисига янги, рақамсиз машина кириб келади, кимнингдир ҳовлиси ва кўчасида бутун қишлоққа ўғил тўйи баҳона қулинг ўргилсан ош тортилади, жizzали нон ушатилади. Кимнингдир эски уйи ёнида пишиқ фиштдан баланд уч-тўрт хонали янги уй кўтарилади, устига тунука ёпилади. Аммо ким кўкнори ўстиради, кимга сотади, ҳеч ким билмайди. Қўлга тушган гиёҳвандларнинг ҳеч қайсиси дорини қаердан олганини айтмайди. Йиглайди, уввос солади, қасам ичади, лекин кимдан сотиб олганини, қанчага олганини айтмайди. Алиев бангилик балосига гирифтор бўлғанларнинг кўпини билади. Яхши-яхши оиласларнинг фарзандлари. Эркалик, ёлғизлик, тўқлик баъзиларини шу кўчага бошлаган. Қизларнинг аксарияти эса соддалик қилиб қўлга тушишган. Турмуш қуриш ниятида алданиб, қўлма-қўл бўлиб кетишган. Йиглашади, ялинишади, аммо бу йўлдан чиқиб кетишолмайди... Майор Сиддиқов майдоннинг пастки томонидан нимадир топиб келди ва Алиевга узатди.

— Кўрмай қолишибди-да, — деди раис унинг қўлидаги бўлиқ кўкнори донларига қараб. — Яхши етилибди. Хўжаликники бунчалик катта эмас.

— Нега? — сабабини унча-мунча тушуниб етса ҳам қизиқиб сўради Алиев.

— Нега бўларди? Хўжалик ҳукумат идорасига, ҳукумат белгилаган нарҳда сотади. Дехқонга фойда кам. Булар ўзи учун экади. Нархни ҳам ўзи белгилайди.

— Поянинг бир боғи уч минг!

Алиев бу гап эгасига ялт этиб қаради. Раис билан бирга келган одамнинг ёшини аниқлаш қийин эди. У катта, елқадор, баҳайбат маймунни эслатарди. Кичкина думалоқ қора кўзлари устидаги қошлари туташ, шалпангкулоги елкаларига тегай-тегай деб турарди. Енги калта кўйлаги ичидан чиқиб турган қўллари саксовул шохларига ўхшайди, узунлигидан ерга тегай деб турибди.

— Қимматмасми жуда? — сўради майор Сиддиқов. — Мен бир ярим, нари борса икки минг, деб эшитган эдим.

— Куқунга жуда яхши кетар экан. Тағин ким билади? Фермада канализация ўtkазаётган боллар шундай деяпти.

— Одамбой нарх-навони яхши билади, — деб гапга аралашди раис.

Одамбой ғалати овоз чиқарип кулди. Мақтовордан, афтидан, у севинган эди. Шу пайт ўроқчилар икки отли аравада етиб келишди.

— Энди буларга жавоб-да, а? — сўради раис Алиевдан.

— Йўғонтепага ўтишмайдими?

— Ўтса бўлади, — раис бош силкиди.

— У ердагисини ўриб олишмаганмикин?

— Ким билади дейсиз? — раис елкаларини қисди.

— Ҳар эҳтимолга қарши боришсин. Биз ҳам ўтамиз.

Алиев шундай деб, вертолёт томон юрди.

Раис Одамбойни машина томонга жўнатиб, ўзи Алиевга эргашди.

Ярим соат ўтар-ўтмас улар Йўғонтепанинг тахмин қилинган кўкнори майдонига кўнишди. Бу майдон ҳам худди Тангатопдидағидек ўриб олинган, теп-текис қилиб ҳайдаб кўйилган эди.

— Ҳаҳ баччағарлар! Ҳаҳ баччағарлар-ей! — сонларига семиз қўлларини уриб сўкинди Тешабой ака. — Кеча турувди-я! Мана-ман, деб турувди-я кечади!

Алиев индамади. Унинг ҳафсаласи пир бўлган, лақиллаб изза бўлган одам ҳолига тушган эди.

Кимдир жуда усталик билан уларни лақиллатган, њеч нарсадан қўрқмай, шунча жойдаги қимматбаҳо ўсимликни бир кунда йиғишириб, милициянинг қанчалик ночор эканлигини кўрсатган эди. «Булар билан ўйнашиб бўлмайди», — хаёлидан ўтказди Алиев ва овонини чиқарип сўради.

— Бу ерга ҳам комбайн кўтарилиши қийинми?

— Агар учар комбайн бўлмаса бу ерга келолмайди.

— Бу майдон каттароққа ўхшайди?

— Бир ярим гектар чиқса керак. Кам эмас.

Раис у ёқ-бу ёқда юриб, синчиклаб қаради.

— Ҳа, камида бир ярим гектар.

Алиев ўзидан, вазир ўринбосаридан яна ранжиди. Улар жуда кеч ҳаракатта тушишган эди. Энди ўриб олинган кўкнори қаердалигини ҳам, кимларга тегишли эканини ҳам аниқлаш амри маҳол. Охирги умид, сотиб олиб кетаётган одамларни қўлга туширишда. Бозорда, аэропортда, вокзалда. Бу ишга энди анча одами аралаштириш керак бўлади.

— Собиржон ака, — Алиев майор Сиддиқовга му-

рожаат қилди. — Сиз қолсангиз. Агар раис қаршилик қилмасалар, хўжалик гаражидаги ҳамма комбайнларни текшириш лозим. Уларни текширмагунча чиқармаслик керак. Кечак, ўтган куни, бутун аzonда ҳайдовчилари қаерда бўлган, қаерга боришган — шунни аниқлаш шарт. Учала қишлоқдан чиқиб кетаётган машиналарни бирма-бир кўриш керак. Учала қишлоқ деяпман, Иштонтушдида ҳам ўриб бўлишган. У ерга ҳам кеч қолдик. Розимисиз?

— Бўпти. — Майор Сиддиқов қаддини ростлаб, честь берди.

Олисдан йўлни чангитиб, раиснинг «УАЗ» машинаси кўринди. Алиевнинг кўз олдидан Одамбой ўтди. Ким бўлди экан бу одам? Раисга нима алоқаси бор? Нега у бу фалати одам билан юрибди? Алиев шу хаёлда раисга қаради.

— Одамбой ҳам вертолётга сифарди...

— Э, уми, осмондан қўрқади. Умрида бир марта ҳам тушмаган. Машинага ҳам зўрга чиқади, — деб раис кулди. — У отни яхши кўради.

Алиев раисга ажабланиб қаради. Ернинг тагида илон қимиirlаса биладиган одам, наҳотки уч жойда гектар-гектар экин экилиб, ўриб кетилармиш-у, ким экканини, ким ўриб кетганини билмас эмиш. Бу ҳеч ақлга тўғри келмас эди. Ундан деса, вазир муовинининг гапига қараганда, шу ерларда ўғринча кўкнори борлигини у хабар қилган. Хўш, хабар қилишдан мақсади нима эди? Нега шунча имкониятлари бўлатуриб, ўзи ўрдирмади? Ўрдириб, жамоа маҳсулотига қўшиб юбормади? Чўчидими? Балки рёжасиз кўкнори унга керак эмасдир? Заводлар ундан шартномадагидан зиёдини олишмас? Хабар қилганилиги бир ҳисобда тўғри. Аддия идораларига қишлоқларда нима бўлаётганини, одамлар ҳалол иш билан бирга мана шундай ҳаром йўлга ҳам қадам қўйишяпти, билиб қўйинглар, демоқчи. Бир куни у тегишли жойларга айтганман, дейди. Дўппи тор келиб қолгудай бўлса, сувдан қуп-қуруқ чиқади... Алиев унинг фаросатига тан берди. У вақтидами, кечми, барибир, хабар берди. Милиция эса кеч қолди. Мантиқ нуқтаи назаридан энди айб жиноят қидирув идораларига тушади.

Машина қандайдир ҳайкални айланиб ўтаётганда, Алиевнинг хаёли бўлинди. У бошини кўтариб, оғир хўрсинди. Бошлиқлар олдида уни нима, қандай гап кутаётган экан? У бир нарсани аниқ биларди. Уни

уришишмаса ҳам, аҳволнинг жиddийлигини албатта писанда қилишади. Сўнгги йилларда республикада ги- ёхвандлик кўпайди. Натижада, жиноятларнинг турла- ри ҳам кучайди. Ота-оналар қоронғи тушиши билан болаларини уйдан чиқармайдиган бўлиб қолдилар. Кўп томоша заллари, истироҳат боғлари одам камлигидан ҳувиллаб ётибди. Безориларга қарши кураш қанчалик қаттиқ олиб борилмасин, сезиларли натижа йўқ, халқ милициядан норизо, унга ишонмай қўябошлаган. Ҳозир кўчада бирор йиқилиб ётса, устидан ҳатлаб ўтиб кетишади. Лекин одамлардан гина қилишга асос йўқ. Айб уларда эмас, мамлакатдаги бебошвоқлик, давлат, масъул идораларнинг инқирозга юз тутиши уларни шу аҳволга солиб қўйган. Битта Алиев эмас, ҳарбий кийимдаги кўп зобитлар, туман, шаҳар идорала- рининг баъзи бошлиқлари, масъул муассасаларда кўп йиллардан бери ишлаб келаётган одамлар мамлакат- даги бу аҳволнинг сабабларини Москвадаги давлат раҳбарларига олиб бориб тақашар: жиddий, одамлар фамини ейдиган, ҳокимлигини бир чеккага қўйиб, фа- қат халқ ҳаётини яхшилаш ниятини асосий мақсад қилиб олган давлат ўрнатилмагунча шу парокандалик, инқироз ҳали узоқ давом этиши мумкинлигини яхши билишарди. Ҳозирги мамлакат аҳволи хонлик, амирлик даврини кўп ўринда эслатиб қўяди. Энг аввало, халқ иккига бўлиб ташланди — бойлар ва камбағал- лар пайдо бўлди. Ўтган йили вазирлиқда навбатчилик қилиб ўтирганда Алиевнинг қабулига Қаршидан бир оқсоқ қиз кирди. У мактабни олтин медаль билан битирганини айтиб, медални Алиевнинг олдига қўйида, йифлаб юборди. Уч йилдан бери ТошМИга кирол- мас эмиш. Йилдан-йилга кириш нархи ошиб кетаёт- ган эмиш. Биринчи йили беш минг сўрашибди. Қиз рад, қилиб, ғазаб билан юртига қайтиб кетибди. Ўтган йили саккиз минг талаб қилишибди. Бу йил эса ўн икки мингсиз рўйхатта ҳам олмаймиз, дейишибди. «Мен касалманд одамман, умрим, билимим, ақдимни яхши нияtlар билан одамлар соғлигини сақдаш, қай- таришга бағишлоқчи эдим. Қайси мамлакатда бун- дай хўрлик, хорлик бор? Мен энди нима қилай? Ўзимни ёндирайми? Бу қийин эмас!» — Қизнинг аlam билан айтган бу гапларини Алиев юраги эзилиб эшитди. Бир амаллаб уни фармацевтика институтига ки- ритиб қўйди. Алиев қиздан ўшандада бир нарсани ил- тимос қилди. Пул сўраганларни айтиб беринг, деди.

Қиз институтта кирганидан кейин айтишга ваъда қилди. Аммо қелмади. Алиев уни тушунди. Ўнта одамнинг исм-шарифини айттани билан исботлаб беролмайди. Исботлашни истамайди ҳам. Чунки исботлашга уринса, бу институтдан ҳам ҳайдалиб кетади. Үнга кун беришмайди. Пул ўртага қўйилган жойда орномус бўлмайди, андиша, ҳурмат йўқолади. Ўз тала-баларини тартибга чакиролмайдиган, улардан билим талаб қила олмайдиган, дарсларига қатнашмаса сабабини суриштиrolмайдиган, қорадори еганини, кайф билан институтда юрганини кўриб, ўзини кўрмаганга оладиган ўқитувчилар кўпайиб кетди. Сабаби — пул. Сабаби — олинг қуда, беринг қуда. Шунинг учун тили қисиқ. Ақли калта, келажакни ўйламайдиган бойвачча талабалар бундан фойдаланишади. Ҳафталааб институтта келишмайди. Лекин рўйхатда доим бор. Синов, имтиҳон топширишмайди. Группа бошлиғи тўрт-беш қўйилган имтиҳон китобчаларини олиб келиб беради.

Алиев билган, аммо қўли калталик қилган bemaza ишлар кўп эди. Биттаси бугунги хуфия экилган, эгаси номаълум кўкнори майдонлари. Шу оддийгина иш ҳам натижасиз чиқди. Лекин шундай қодириб бўлмайди. Жиноятчиларни топиш керак. Аммо қандай йўл билан? Қачон?

Алиев вазирликка кириб, хонасига эмас, вазир ўринbosарининг қабулхонасига кўтарилди.

— Бормилар? — сўради у.

Бошини машинкадан кўтармай, нимадир босаётган котиба унинг овозини таниди, жилмайиб, жавоб берди.

— Гулистонга кетдилар. Эшитмадингизми?

— Нимани? — деб сўради Алиев қизнинг рўпарасига келиб.

Қиз ишдан тўхтаб, қўлларини ёзди-да, Алиевга қаради.

— Болаларни олиб кетаётган автобус поездга урилиб кетибди.

— Болалар тирикми?

— Ҳаммаси ҳалок бўлибди. Айтишларича, ҳайдовчи наша чекиб олган экан.

Алиев ҳеч нарса демай чиқиб кетаёттанди, котиба сўради:

— Хонангизда бўласизми?

Алиев бошини силкиди.

— Мабодо, келиб қолсалар, айтаман.

Алиевнинг қайфияти баттар бузиди. Бир автобус бола нобуд бўлибди. Йўқ, бу ярамас ўтни уруғ-пуруги билан йўқотиш керак. Жиноятчиларни қаттиқ жазолаш керак. Ким билади, балки Йўғонтепада сотилган дори Гулистоңда ҳам бордир?

Алиев хонасига кириб, кўчага қараган деразани очди. Иссиқ ҳаво юзига урилди. Бу ҳавода чанг ҳам, бензин куйиндиси ҳам, резина ҳиди ҳам бор эди. Шундай бўлса ҳам барибир, хонанинг дим ҳавосидан яхши эди. У дераза олдида бирпас турди, кейин жойига бориб ўтироқчи бўлганида боя, уйи олдида турган жигар ранг «Жигули» кўринди. Синчилаб қараб, машина ичида япалоқ юзли семиз ҳайдовчи билан қораҷадан келган ёш ийгитни кўрди. Алиевнинг назарида улар ҳам уни кузатиб туришгандек бўлди. Ким булар? Унда нима ишлари бор?

Телефон жиринглаб, унинг хаёли бўлинди.

— Алиев, — деди у одати бўйича.

— Менман, — бу Санобарнинг овози эди.

Алиев хотинининг нимадандир хавотирда эканини сезди.

— Нима гап?

— Ўзим, шундай, — деди Санобар. — Қачон қайтишингизни айтсангиз бўларди.

— Кеч қайтаман, дедим-ку, боя. Тинчликми? Нима ишинг бор эди?

Алиев хотинининг бекорга хавотирланмаётганлиги ни биларди.

— Майли, — деди Санобар. — Қачон қайтманг, кутаман. — Телефонда айтмайман. Хавотир олманг. Болалар ҳам, мен ҳам тинчмиз.

— Иложи борича эрта қайтишга ҳаракат қиласман, — деди Алиев.

— Кутаман, — Санобар трубкани қўйди.

«Нима гап экан? — ўзича ўйлади Алиев. — Равшан бир бало қилиб қўйдимикан? Ё яна совчилар келдимикан Райхонга?»

Яна телефон жиринглади. Унинг хаёли бўлинди. Телефоннинг овози шаҳарники эмас эди.

— Қодиржон Алиевич! Майор Сиддиқов!.. — бўғиқ овозни эшитди Алиев трубкани кўтаргандা. — Йўғонтепадан гапирияпман.

— Эшитаман. Нима гап? — тоқатсизланиб сўради Алиев.

— Бир соат бурун бу ерда участкавойнинг ўлигини

топдик. Кечадан бери йўқ экан. Экспертизага жўнатдим. Ҳозирча битта нарса аниқ; уни ўлдириб кетишиган.

— Қаерда?

— Уйининг орқасидаги ташландиқ ферма йўлида.

— Сиз ўша ерда бўлиб туринг. Экспертиза билан ўзим шуғулланаман.

— Хўп бўлади.

У столни айланиб ўтиб, яна дераза олдига келди. Жигар ранг «Жигули» жойида турарди. Иккала одам ҳам машина ичида. Демак, уни пойлашяпти. Ҳар бир қадами кузатувда. Нима қилишмоқчи? Агар ниятлари уни йўқ, қилиш бўлса, бундай пойлашмас эди. Қизик, Санобар нима демоқчи эди?

Алиев селектор тутмаларидан биттасини босиб, лейтенант Исмоиловни чақирди.

— Ўқтамжон, деразадан қаранг, жигар ранг «Жигули» турибди. ДАНдагиларга айтинг, кимнинг машинаси экан, аниқлашсин. Ҳозирдан эътиборан назоратга олинсин.

— Хўп бўлади, ўртоқ майор. Эрталабки топшириқларингиз бажарилди. Ҳамма қоғозлар шу ерда. Қачон олиб кирай?

— Бугун кўришга вақтим йўқ. Халиловга телефон қилинг. Қачон боришими мумкинлигини сўранг.

Рустам Халилов вилоят суд медицина экспертиза институтининг бош шифокори эди. Лейтенант гап нима ҳақида кетаёттанини, афтидан билинса керак, суриштириб ўтирмади.

— Аниқлаб, телефон қўлламан сизга, — деб гапни калта қилди.

Майор Алиев хотинига берган ваъдаси устидан чиқолмади. Уйига тунги соат иккиларда қайтди.

II

Санобарнинг эрига телефон қилгани бежиз эмас эди. Эри билан гаплаша туриб, нотўри иш қилаёттанини тушунди-ю, гапни бошқа ёқقا буриб юборди. Унгача эса ўзини тутолмади, ниҳоятда қаттиқ ҳаяжон, ростини айтганда, қўрқув бугун вужудини қоплаб олган эди.

Эри кетиши билан телефон жиринглади. Санобар тез-тез юриб келиб, трубкани кўтарди.

— Санобархон! — йўғон эркак овози эшитил-

ди. — Диққат билан қулоқ солинг: эрингиз Йўғонте-па бўйича олган ишини ташласин, ё бошқа бировга берсин.

— Тушунмадим, ким гапиряпти? — ҳайрон бўлиб сўради Санобар.

— Ким гапираёттанининг аҳамияти йўқ, — деди яна йўғон овоз. — Хаёлингизни йигиштиринг. Қайтараман: эрингиз Йўғонтепа бўйича топширилган ишни қайтариб берсин. Шуғулланмасин. У томонларга яхиси бормасин. Агар қулоқ солмаса, ўзидан кўрсинг.

Санобар аввалига гарантсиб қолди. Сўнг гапираётган одам жиноятчилардан эканини англаб, телефона уланган магнитофон тутмасини босиб қўйди.

— Фуф! Фуф! Қайтаринг. Яхши эшитилмаяпти.

Қайтараман: агар эрингиз Йўғонтепа иши билан шуғулланар экан, фожия юз беради. Тушундингизми?

— Ҳа, тушундим, — хавотирга тушиб жавоб қилди Санобар ва магнитофонга қараб қўйди. Унинг лента ўралган ғалтаклари айлана бошлаган эди, — Қандай фожия?

— Билмоқчимисиз? — сўради йўғон овоз кулиб. — Майли. Айтаман. Болаларингизни яхши кўрасиз-а? Равшани ҳам, Райҳонни ҳам. Кўрдингизми? Уларни биламиз. Қаерда ўқишилариниям биламиз. Қодиржон ҳам болаларини сизга ўхшаб яхши кўради. Ё яхши кўрмайдими? Нега индамайсиз?

— Йўқ, яхши кўрадилар.

Санобар юраги гушиллаб ура бошлаганини сезди.

— Баракалла. Шу яхши кўрган фарзандларингиз билан ҳар нарса бўлиши мумкин. Масалан, Равшан аварияга учраб, умрбод ногирон бўлиб қолиши, Райҳонойни ўтирилаб кетишилари мумкин. Бир ой, ярим ойдан кейин бирон жарлиқдан топасизлар ўлигини.

— Ифлос! Ярамаслар! Нима деяпсанлар! Ҳали сенлар шошмай турларинг! Санобар чидомлай бақира бошлади. — Ўша жарлиқдан ўзингнинг ўлигингни кўрай, яшамагур!

— Ўзингизни қийнаманг, — йўғон овоз хотиржам гапирди. — Мен сизни огохлантиряпман. Бекордан-бекорга болаларингизни ҳеч ким хафа қилмайди. Бахти бўлишсин. Уларнинг роҳатини кўринг. Аммо, яхшилаб эшитиб олинг. Биз ҳазиллашаёттанимиз йўқ.

Икки кун мұхлат берамиз. Эрингиз биз айтган гапға құнмаса, болаларингизнинг уволига қолади.

— Ҳой, тұхтанг, мен сизни қаердан топаман?

Санобарнинг гапи узилиб қолди, йүғон овоз этаси гүшакни илиб қўйди. Санобар титраб турған қўлидаги гүшакка қаради. Кейин яна қулоғига тутди. Узлусиз овоздан бошқа ҳеч нарса эшитилмади. Санобар бўшашиб, стулга чўқди-да, гүшакни жойига қўймай, эрининг рақамини тера бошлади. Эри билан гаплашганига жиндек хижолат бўлди. Уни бекор ташвишга солиб қўйди. Эрининг ҳушёр одамлигини яхши биларди. Пўписа ҳақида ҳеч нарса демаган бўлса ҳам, унинг хавотирга тушганини сезди. Шошиб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Санобарнинг ўрнидан қўзғалишга мажоли йўқ эди. Телефондаги бегона овоз унинг ўзини сўкканда, қўрқиттанида бошқа гап эди. Хавотирга тушса ҳам, бунчалиқ безовта ва бетоқат бўлмасмиди? У бир нуқтага тикилиб, ҳеч нарсани кўрмай, анчагача хомуш ўтириди.

Ярамас, икки кун мұхлат берди-я. Икки кундан кейин... Нима қилиш керак? Албатта, аввало эрига айтиб, ёзувларни эшиittiриш керак. Биргалалиш аниқ бир режа тузиб қўйишлари шарт. Болаларни ҳам огоҳ қилиш зарур. Адалари қаерда ишлашини, қандай хавфли одамлар билан дуч келишини билишади. Улар ҳам ўзларича эҳтиёт чораларини кўриб қўйишсин. Масала бир ёқлик бўлгунча ким билади, балки уйдан чиқмаганлари, уй атрофига эса соқчи қўйишгани маъқулмиди? Санобар ўзича шундай ўйлар, лекин бунга қандай қарайди, умуман, милиция қандай чора кўради — у билмасди. Лекин у бир нарсани дилига туғиб қўйди. Эрининг камтарлигини у яхши биларди. Шунинг учун у лозим бўлиб қолса, тўшпа-тўғри вазир ёки унинг ўринбосарига айтиб, болаларни яхшироқ, қўриқлашни илтимос қилади. Эрини ҳам эҳтиёт қилишларини сўрайди.

У беихтиёр девордаги осма соатта қаради. Олтидан йигирма дақиқа ўтибди. Шу бугунгача у болаларининг қачон ўқищдан қайтишларига эътибор қилмай келар эди. Равшан-ку, ўзига хон, ўзига бек, баъзан ўртоқдариникида ётиб ҳам қолади. Ҳозир ўйлаб қараса, Райхоннинг ҳам уйга қайтишида бир аниқлик йўқ, экан. Санобарни қўрқув босди. Қизининг институтига телефон қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин қизи ҳақида ногўри фикр туғдириб қўйищдан қўрқиб, шаштидан қайтди.

Аммо дарс соатларини билиб қўйиши керак. Бутунок билиш керак.

У онасининг вафотидан сўнг ишламай, ўзини уйга, болаларига бағишилаган эди. Вақт тез ўтар экан, кўз очиб юмгунча, ўн беш йил ўтиб кетибди. Онаси каби у ҳам бирон марта болаларини уришгани, ургани йўқ. Сокиналик, оғирлик билан ўстирди. Эри ҳам унга ўхшайди. У ҳам бирон марта болаларига қаттиқ, гапиргани ўйқ. Шунинг учун улар эркин ўсишди. Уйда иккалови ҳам ўзини ота-оналари билан тенгдек тутишади. Ҳамма нарса уйда очиқ-сочиқлигига, пул ҳам, қимматбаҳо нарсалар ҳам бекитилмай, саналмай ётишига қарамасдан иккалови ҳам берухсат ҳеч нарсага тегинишмайди. Қодиржон битта нарсани болаларидан, айниқса, ўғлидан узоқ вақт яшириб юрди: шахсий машинанинг калитларини. Равshan, айниқса, ўн тўрт-ўн беш ёшлик пайтлари машина атрофидан жилмайдиган бўлиб қолди. Дам олиш кунлари у ёқ-бу ёққа ҳаммалири чиққанларида иложи борича машинани бошқаришга интилар, отаси ўйқ пайтида дарҳол рулга ўтириб оларди. Ҳозир эса, машина очиқ турса ҳам, рухсат сўрамай олдига бормайди. Ота-бола машина калитларини бўлиб олишган. Алиев ўғли ҳайдовчилик ҳуқуқини олганидан бери оила ишларининг кўпидан қутулди. Бозор асосан ўғлининг бўйнида эди. Равshan яхши ҳайдовчи чиқди. Бир марта қишида катта юк машинасига урилиб, бир эшик, бр қанотини пачоқ қиласидан бери, тўрт йил ўтди, машинани яхши мишиб юрибди, ками кўстларининг ҳаммасига ўзи қарайди.

Шундай бўлса ҳам Санобар ўғлини эслаб, бирдан хавотирланиб кетди. Ҳовлига тушиб, гаражни қараб келди — машина жойида эди.

Кўнгли бир оз таскин топиб, овқатта уннай бошлади. Нима қилишини билмай, пиёз тўўради, картошка арчди. Шундагина қовурдок қилиб қўя қолиш фикри келди. Қозонга ёғ солиб, қиздира бошлагандек, маслаҳатлашгандек Равshan билан Райхон кетма-кет кириб келишди.

— Опа! Шоппиг турибман! Ейишга нимангиз бор?

Райхон опасининг юзидан чўлл этиб ўпди-да, сум-касини диванга ташлаб, ичкари хонага кириб кетди.

— Қаёққа шошяпсан? — сўради Санобар.

Аммо қизи унинг саволини эшитмади. Тезда юваниб, бошқа кўйлагини кийиб чиқди.

- Қаёққа қетяпсан? — деб сўради Санобар.
- Мисрдан бир профессор келибди. У лекция ўқиб берар экан. Миср маданияти, фиръавилар ҳақида.
- Бормайсан. Рухсат бермайман.
- Санобар қандай қилиб шундай қўйпол тарзда қизи-нинг хоҳишини рад қилганини ўзи сезмай қолди.
- Райҳон кўзларини катта очганича онасига тикилди. У эсини таниганидан бери биринчи марта шундай жавобни эшигиши эди. Нега? Нима учун? У тушумади.
- Кеч бўлиб қолди. Қоронғида ҳеч қаёққа чиқмайсан. Ёзинг ўргасида кеч ўнгача кун ёруғ бўларди. Буни билган Райҳон баттар ажабланди. Шуни айтмоқчи эди, онаси гапиртиргмади.
- Мендан хафа бўлма. Миср маданиятини китобдан ўқиб оларсан. Кейин, сен инглиз тили ўрганяпсан. Арабчани эмас.
- Опа?!
- Райҳон хафа бўлишни ҳам, ғазабланишни ҳам билмас эди.
- Онанг сенга ёмонликни раво қўрмайди, — шартта-шартта гапирди Санобар. Болалари учун хавф пайдо бўлганини сезган пайтидан бери ўзида қандайдир янги бир қудрат ва режа пайдо қилган эди. — Замон нотинч. Аданг келсин, кейин нима қилишни гаплашамиз. Гап фақат бутун устида эмас. Гап...
- Шу пайт Равшан кириб келди. Уни кўриб, Санобар қаттикроқ гапирди.
- Гап кейин сенинг ҳақингдагина эмас, гап аканг, Равшангаям таалуқли. У ҳам ҳеч қаёққа чиқмайди.
- Нима гап ўзи? — сўради Равшан.
- Айтинг ўғлингизгаям! — деди Райҳон қошларини чимириб. Үнинг энди жаҳди чиқа бошлаган эди.
- Айтаман, — Санобар ўғлига қаради. — Вақтли келганинг яхши бўлди. Иккаловинг ҳам бугун кечқурун ҳеч қаёққа чиқмайсизлар. Чиқармайман.
- Мен боришни ҳам истамайман. Қиласиган ишларим кўп уйда, — деди Равшан хотиржамлик билан.
- Жуда яхши. Демак, гап Райҳонга тегишли.
- Опа, айтинг, нима гап ўзи? Нега Райҳон бутун кечқурун кўчага чиқмаслиги керак? Мени ҳам нега чиқармоқчи эмасдингиз?
- Замон нотинчмиш! — киноя қилди Райҳон.
- Ҳа, нотинч, — кинояни тушунган бўлса ҳам

парво қилмай гапирди Санобар. — Боя бир нотаниш одам телефон қилди. Адаларинг келганида айтмоқчи эдим. Майли. Ҳозир айтиб қўяқолай. Аданг бир иш билан шуғуллана бошлаган эмиш. Шу ишини ташламаса, ё бирорвга топширмаса, сенларга ёмон бўлар экан. Энди тушундиларингми?

Равшан ҳам, Райҳон ҳам жавоб беришмади. Улар тушунган эди, албатта. Бу — мафия, жиноятчилар гурӯҳи. Қанча улар? Буни адлари билади фақат. Балки, у ҳам билмас ҳали? Оналарининг чўчиганида жон бор. Улар ёлғондакам пўписа қилишмайди. Равшан ҳам, Райҳон ҳам шундай баъзи пўписалар нима билан тутаганини яхши билишади.

— Жуда зарурмиди боришинг? — деб сўради Равшан синглисидан.

— Бунақа лекция бошқа бўлмайди, — деди Райҳон хўрсиниб.

— Опа! — бирдан ўрнидан турди Равшан. — Қизингизни институттага мен обориб келаман. Лекция туғагунча машинада ўтираман. Рухсат бера қолинг?

Санобар ўйланиб қолди. Улар икки кун рухсат беришли. Бугун, эрта ҳеч кимга тегинишмайди.

— Жон опа! — ялинди Райҳон. — Хўп дея қолинг.

— Хўп, — ниҳоят рози бўлди Санобар. — Лекциядан кейин тўғри уйга келларинг. У ер-бу ерда сув-пувичамиз, деб машинадан тушманлар.

— Хавотир олманг. Келишдик.

Равшан ўрнидан туриб гараж томон йўл олди.

Улар кетиши билан Санобар ўзи дарвозани беркитиб келди.

Телевизорда «Ахборот» бошланганида кўча эшик қўнғирори чалинди. У телевизорни ўчириб, эшикка йўл олди.

У дарвоза олдига бориб, эшикка ўрнатилган шиша тирқищдан кўчага қаради. Эшик олдида икки кўча наридаги маҳалладоши Шаҳодат опа турарди. Баъзи-баъзида ундан сут-қатиқ оларди. Санобар эшикни очди. Шаҳодат опа тортиниб кирди. Уялинқираб атрофга бир қараб чиқди.

— Қодиржон ишда бўлсалар керак?

— Ҳа, ишда эдилар.

— Биламан, ишлари оғир, — Шаҳодат опа яна бир қандайдир хижолатлик билан атрофга қаради. — Боя келаётувдим. Болаларингиз машинада кетишашётган экан, қайтдим. Улар кетищдими ё уйдами?

— Райҳоннинг институтига кетиши. Нима эди? — сўради Санобар ундаги иккиланишини сезиб.

— Айланай, Санобархон... — Шаҳодат опа гапни нимадан бошлашини, нима дейишини билмай бошини эгди.

Шунда Санобарнинг кўзлари унинг қўлларига тушди. У гулли дастрўмолга ўроғлиқ кичкина бир нарсани дам у, дам бу қўлига олиб, қаерга қўйишини, уни нима қилишини билмасди.

— Мен Қодиржонни кўрмоқчи эдим, — зўрга тап бошлади Шаҳодат опа. — Лекин оддин сизга бир нарсани тапириб қўйсам. Яхшиям битта ўзингиз экансиз. Майлими, жоним?

— Майли, майли! Юринг! — Санобар эшикни занжирлаб, уни равонга бошлади.

— Тинчликми ишқилиб?

— Э, тинчлик менга нариги дунёда насиб қилса керак. Бу дунёда умрим фақат ташвиш билан ўтяпти.

— Қўйинг, ундай демантг!.. — юпатди Санобар. — Яхши кунларниям худо ато қилиб қўйгандир??!

У ичида Шаҳодат опага ачинди. Энди эллик бешларга борган бу аёл етмиш-саксон ёшли кампирлардек қариб қолган эди. Ер қимирлаган йили бир кунда ҳам отаси, ҳам онасидан ажради. Қариндош-уруглар, отасининг ошна-оғайнилари қўшиб-чатиб, Шаҳодат опага Санобарларнинг маҳалласидан қора сувоқдан чиққан уй олиб бериши. Яхши бир одамни топиб, ичкуёв қилиб қўйиши. Эри ҳақиқатан яхши одам чиқди. Жуда мўмин, камтар-камсукум экан. Қандайдир тайёрлов базасида экспедитор бўлиб ишларкан, яrim йил ичида уйнинг ҳамма ишларини битириб, қўғирчоқдек қилиб юборди. Маҳаллага ўзини танитиш мақсадида ош берди. Кичкина кўча эшикни олиб ташлаб ўрнига чиройли, ўймакор тахта дарвоза ўрнатди. Дарвозанинг рўпарасига гараж қуриб, янги «Жигули» машинасини сотиб олди. Турмушлари яхши ўта бошлади. Қиз кўриши. Аммо эри бечоранинг умри қисқа экан. Дуркент томонга сафарга кетиб, бир ҳафтадан зиёд қолиб кетди. Одатда, икки-уч кун деганда қайтарди. Саккизинчи куни яrim кечада ўлигини олиб келиши.

Шаҳодат опа бошқа турмуш қургани йўқ. Ҳаётини шу қизи — Шоҳидага бағишилади. Шундан бери йигирма беш йил ўтибди. Шаҳодат опа қизини охирги

марта биринчи май куни кўрди. Онасига совға-салом олиб келиб, ўша куниёқ ишлаётган жойи — Дуркент маданият уйига жўнади. Онасини ҳам юринг, деб ўўрлади. Шаҳодат опа рози бўлмади. Қизи каталак-дек икки хонали уйда туарарди. Бир томондан куёвнинг қош-қовоғига қараб ўтириш оғир. Яна бир томондан, бориб уларни сиқиб қўяман деб хижолат бўлди. Одам бир кун бўлса ҳам яйраб, бировга оғирлиги тушмасдан яشاши керак. У шундай деб, қизининг илтимосини рад қилди. Борса бўларкан. Ким билади, борганида Шоҳидаси беному нишон кетмасмиди? Шаҳодат опа ҳеч ўзини кечирмайди. Шоҳида ўшанда «Шифокор»нинг ГАЗ-69 машинасида келиб кетди. Машина бор. Ҳайдовчи бола бор. Шоҳида йўқ. Ҳайдовчининг гапи бўйича ўша куни у уйида қолган, машинага рухсат берган. Чунки маданият уйи шундай уйининг ёнида. Ҳайдовчи кетган. Шоҳида уйига кирганича, беному нишон йўқолган. Уч ой қидирилди. Ҳеч қаердан дараги чиқмади. Уч ярим ой ўтганда маҳалладаги кексалар жаноза очишни масла-хат беришиди.

Сағбондаги фолбин киши Шаҳодат опанинг дардии эшитиб:

— Қизинг ўлган, — деди. — Ўра десаммикан, жар десаммикан, ишқилиб қоронғи бир жойда ётибди. Худди тириқдек ётибди. Қон чиқмаган. Бўйнида қора чизиқлар кўряпман. Эҳтимол. Бўғиб ўлдиришгандир? Жаноза оч, руҳи шод бўлади.

Шаҳодат опа маҳалла оқсоқоллари билан фолбининг айтганини қилди. Бедарак йўқолган қизига жаноза ўқитди.

Санобар шуларни билгани учун бу бечора аёлнинг бошига яна нима ташвиш тушди экан, хавотир олди.

Шаҳодат опа айвонга кўтарилиб, стулга омонат ўтирди. Фотиҳа қилди. Кейин қўлидаги чақалоқ муштидай тутунчани стол устига, Санобарнинг олдига қўйди.

— Кўринг, айланай. Тарихини кейин айтиб бераман.

Санобар дастрўмолнинг тутунини ечиб, очди. Ичидан аёллар соати чиқди.

— Шоҳиданини бўлса керак? — тахмин қилди Санобар.

— Ҳа, қизимники, — бошини эгиб тасдиқлади Ша-

ҳодат опа ва йиғлаб юборди. — Шу кўргилик ҳам бор экан бошимда, — деди у йиги аралаш.

— Кейин бор гапни айтиб берди. Курбон ҳайити яқинлашиб қолган, келди-кетди кўпайиши, бир автобус бўлиб тумандан, қизининг ишхонасидан келиб қолишлари мумкин. Қариндош-уруг, маҳалла йигилади. Йилини ҳам ўтказиш керак. Отин бувига айтиб кўйган. Шуларга, кейин мева-чевага пул зарур. Куёв ташлаб кетгани кам, етмайди. Ўзининг нафақасига ишониб бўлармиди? Уйни йифиштираётуб, Шоҳиданинг хонасида жавондаги бир семиз китобнинг устида шу соатта кўзи тушиб қолди. Чанг босиб ётган экан. «Худо ўзи етказди», — хаёлидан ўтказди Шаҳодат опа. Қолган ишларини наридан-бери қилиб, соатни рўмолчасига тутди-да, икки кўча нарида турадиган армани соатсозниги қараб йўл олди.

Уста уйида экан.

— Келинг, опажон, — танишлардек кутиб олди у. — Яхши ўтирибсизми? — Яқинда бир туш кўрдим. Шоҳидахон икковингиз, она-бала ясаниб, атлас кўйлаклар кийиб, амиркон туфлиларни фирчиллатиб кетаётган эмишсиз.

— Қаёққа? — беихтиёр сўради Шаҳодат опа.

— Қаёққа бўларди? Тўйга-да! Бизда бунақа туш яхшиликка, дейишади.

— Кошкийди, шундоқ бўлса, уста. Илоҳи омин, айтганингиз келсин. Бутун маҳаллага ош қилиб берардим.

— Қиласиз, опажон! Қиласиз! Мен ҳам бораман. Шоҳидахоннинг тўй ошларидан ейман. Аммо опажон, сиз ҳозир тўғри қиляпсиз.

— Уста, — уни бўлди Шаҳодат опа. — Ҳайит келиб қолди. Озгина пул керак эди. Манавини сотиб беринг.

Уста унинг қўлидан рўмолчани олиб очди.

— «Полёт». Яхши соат, — деди у ва қулогига тутди. — Юриши ҳам бинойи. Ҳозир юз сўмга олади.

— Майли, — рози бўлди Шаҳодат опа. — Қанчага олса ҳам сотоверинг. Мен уни тақмасам. Соатга қарайдиган ёшдан ўтдим. Уйда бекор ётиби. Мабодо омон бўлса, янгисини олиб бераман.

— Айтганингиз келсин, опа!

Уста шундай деб соатнинг вақтини тўғрилай бошлиди ва бирдан ҳайратга тушиб, тўхтаб қолди.

— Опажон! Бу... бу соатни қаердан олгансизлар? — сўради соатдан кўз узмай.

— Қаердан билай, уста. Соат қизимники эди. Магазиндан олгандир-да.

— Йўқ, бу соат магазинники эмас, — уста шундай деб ўрнидан турди. — Қани, тўхтаб туринг-чи?

Уста ичкари хонага кириб кетди. Шаҳодат опа уни бетоқат бўлиб кута бошлади. Бир оздан сўнг соатсоз чиқди.

— Опажон! Бу оддий соат эмас, бриллиант соат. Жуда қиммат. Манавинга қаранг. Уста Шаҳодат опанинг қўлидан ушлаб, соат рақамларини кўрсатди. — Нуқталарни кўраяпсизми? Шу нуқталарнинг ҳаммаси бриллиант! Ўн иккита бриллиант. Ҳар бир рақамнинг устидаги нуқта бриллиант. Бунаقا соат магазинда бўлмайди. Қандай тушунтиурсам экан? Соат тўғри, магазинники. Аммо кейин менга ўхшаган, мендан ҳам зўр уста рақамларнинг устини тешиб, ҳаммасига бриллиант тош қўйиб чиққан. Бу соат ҳозир камида ўн минг сўм туради. Юз сўм эмас. Тушим тўғри чиқди. Сизга яхшилик келтирди тушим, опажон!

Устага ўхшаб Шаҳодат опа ҳам ҳайратга тушган, нима дейишни, нима қилишини билмас эди.

— Яхшиям менга келдингиз! — деди ғуурур билан уста. — Агар бошқа соатсозга борганингиздами, мен дек синчилкаб қараб ўтирасдан, юз сўм бериб сизни жўнатиб юборарди. Сиз ҳам ҳеч нарсани билмай кетаверардингиз! Ё нотўғрими?

Шаҳодат опа рози бўлди.

— Энди нима қиласми?

— Пул бўлмаса бир ташвиш, пул бўлса яна минг ташвиш! Ё нотўғрими?

Шаҳодат опа бу гапга ҳам рози бўлиб, бошини қимирлатди.

— Лекин опажон соатингизни мен олиб қололмайман энди. Ўн минг нақд пулим йўқ. Буни комиссион магазинга олиб бориш керак. У ердан тез олиб кетишиди. Чет элга кетаётганлар шунаقا қимматбаҳо нарсаларни олишяпти. Тез сотилиб кетади. Лекин опажон, сизга маслаҳат. Ҳозир сотманг. Озгина пул керак бўлса, мен бериб турай. Бошқалардан қарз олиб туринг. Қанча керак? Икки юзми, уч юзми? Тортинманг. Биз, ахир қўшнимиз. Бир-биrimизга ёрдам беришимиш керак.

Уста шундай деб, соатта яна бир ҳавас билан қарди-да, рўмолчага эҳтиётлаб ўраб, учларини тугди ва авайлаб Шаҳодат опага узатди.

Шаҳодат ола минг хил ўй билан тутунчани олди. Уни ғалати туйғулар ўраб олган, соатсоз топган янгиликдан, кутилмаганды қўлига қўнган бойлиқдан у хурсанд бўлишини ҳам, хафа бўлишини ҳам билмас эди. Нега шундай қимматбаҳо соати борлигини айтмади? Қачондан бери бор эди ўзи бу соат? Кимдан сотиб олган? Қайси пулга? Ё бирор совға қилганми? Совға бўлса кимдан? Бу жумбоқлар сезгир она дилини қоплаб, хаёлини олиб қочган эди.

— Ҳа опажон, айтинг, қанча берай?

Шаҳодат ола соатсознинг гапига ниҳоят тушуниб, деди:

— Икки юз сўм бўлар..

— Мана, икки юз эллик олиб туринг.

— Қачон қайтарай?

— Бўлганида, опажон. Биз ахир қўшнилармиз.

Шаҳодат ола уйга қандай келганини билмади.

Соатни жойига қўйиб ҳовлига тушди. Кун пешиндан оғган, ҳаво дим эди. Ёғоч сўри устида шотутдан тушган бир супра энли соя лишиллаб турарди. Шаҳодат ола мадорсиз оёқларини зўрга судраб, шу ерга бориб ўтиреди. «Худо, ўзинг ҳар қандай бало-қазодан асра, қариганимда беобрў қилма!» — деди ичида у ва яна хаёлга берилиб кетди. Шу алпозда анча ўтиреди. Кўчада машина фийқиллаб тўхтамаганида ва уни бўғиқ эркак овози чақирмаганида, у жойидан қимирламай ўтираверарди. Қизи ҳақидаги янгилик унинг бугунги режаларини, умуман, бутун вужудини ағдар-тўнтар қилиб юборган эди.

— Ким? — зўрга ўрнидан туриб, овоз берди у.

— Мен! Одамбойман, — жавоб қилди ҳалиги бўғиқ овоз.

Шаҳодат ола бир амаллаб турди-да, қўча эшик томон юрди.

Эшик олдида қўллари ерга тегай-тегай деб турган маймунбашара бир одам турарди. У Шаҳодат опани кўриб, жилмайди.

— Ассалому алайкум! Мани унутган бўлсангиз кепрак? Бир келиб кетувдим шу машинада.

— Келинг, келинг! — саломлашиб ичкарига таклиф қилди Шаҳодат ола уни танигандек бўлиб.

— Йўқ, шошиб турибмиз. Раис юбордилар. Ҳайит яқинлаб қолди, дедилар, у-бу ташлаб кел, дедилар.

Одамбой шундай деб, эпчилик билан машина бортини очди. Ёшгина ҳайдовчи йигит кузовга чиқиб, унга

ёрдамлашди. Иккалови бирпасда бор нарсаларни туширишди.

— Манави ҳам сизга.

Одамбой юклардан бўшагач, шимининг чўнтағидан бир конверт чиқариб, узатди.

— Нима бу? — сўради Шаҳодат опа конвертни олар экан.

— Пул. Тешабой ака яқинда шаҳарга тушаман, шунда ўзимам кириб чиқаман, дедилар. Хўп, хайр. Саломат бўлинг, опа!

— Ҳой, тўхтанглар! Чой-пой ичиб кетинглар! — илтимос қилди Шаҳодат опа.

— Аммо улар жавоб беришмади. Машина силтаниб, кўм-кўк тутун чиқарди-да, орқа фидирақлари остидан худди депсинган отдеқ, чанг чиқариб, йўлга тушиди.

— Шаҳодат опа Одамбойни машина кеттанидан кейин эслади. Шоҳидага жаноза очилганда, у келиб «Шифокор» хўжалигининг раиси Тешабой ака Султонов номидан анча-мунча нарса ташлаб кетган эди. Кейин Тешабой аканинг ўзи ҳам келиб кетди. Қандай ажойиб одамлар бор бу дунёда! Шаҳодат опа қўлларини ёзиб, уларни дуо қилди.

Шоҳида жамоада ишламаган. Отасининг ҳурмати туфайли бу бағри кенг, сахий раисдан кўп яхшилик кўриб келди. Дуркентга юборилганда, институтни битиргандан кейин, йил ўтмади, каттакон клубга мудир қилиб қўйишиди. Шоҳиданинг айтишига қараганда, раиснинг гапи билан шундай қилишганмиш. Раис билан уни эри таништириб қўйди. Эри, Пўлатжон, асли йўғонтепалик эди. Қишлоқ, хўжалик институтини тамомлаб, у қишлоғига кетди. Бир йилдан сўнг, Шоҳида ҳам маданият институтини битирганидан сўнг, тўй қилиб, ўзи билан олиб кетди. Лекин Йўғонтепада Шоҳидага иш йўқ эди. Туман марказидаги клубга олишди. Тешабой акани Шоҳида шу клуб биносида қандайдир мажлис бўлганида кўрди. Гапдан-гап чиқиб, отасини билганини, жуда камтар, ишбилармон одам бўлганлигини айтиб, бевакъ ва фожиали ўлимидан ачинди. Ўшандан бери ўзини Шоҳидага нисбатан отасидек тутар эди. Шаҳодат опа қизидан шуни эшитган эди. Лекин ўзини ҳеч кўрмаган эди. Кўп ўтмай, Пўлатжон— куёви ҳам, қизи ҳам бу одам ҳақида гапирмай қўйишиди. Бир марта қизиқиб сўраганида, у одам билан нима ишингиз бор, деб

Шоҳида жеркиб берди. Шу-шу раис ҳақида бошқа гапирмайдиган бўлиб кетишиди. Шаҳодат опа бунга эътибор бермади. Бир жойда ишламаса, бунинг устига Шоҳида эрининг олдига, хўжаликка бормаса?! Нега у одам ҳақида ҳадеб гапиришлари керак экан? Пўлатжон қатнаб ишларди. Хотинига кичкина бўлса ҳам икки хоналик уй беришганидан кейин, у Йўғон-тепадан туман марказига кўчиб келган эди.

Шаҳодат опа шуларни хаёлидан ўтказиб, ошхонага борди. Раис яна анча нарса юборибди: бир қоп ун, бир қоп гуруч, уч қути помидор, олма, узум. Икки хил чиллаки. Бир қоп сабзи, пиёз. Анави қопдаги нима экан? Тагида қолиб кетибди. Картошка экан. Шунда у қўлидаги конвертни эслаб, очиб қаради. Минг сўм пул. Шаҳодат опа яна дуо қилди. Мартабаси баланд бўлишини, сердавлат, серфарзанд бўлишини Худодан сўради, узоқ умр тилади. Кўзларини юзига тортар экан, соатсоз устанинг омонат пулини дарров, бутуноқ қайтариб бериш лозимлигини дилидан ўтказди.

У қизининг маъракаси яхши ўтишидан энди хотиржам эди. Олдин у фақат аёлларни чақирмоқчи эди. Энди маҳалла кексаларини пешин намозидан кейин таклиф қилишни ўйлаб қўйди. Бигта ош қилдиради. Озгина шўрва тортиради... Шу режа-ўйлардан кейин Шаҳодат опанинг руҳи бир оз кўтарилиди. Қизил чиллакидан бир бош олиб, водопровод тагига борди-да, муздек сувда ювиб, ея бошлади. Ширин, эртаги узумни карс-курс қилиб чайнар экан, оғзининг бир четидан қип-қизил томчи тиззаси устига оқиб тушди. Шаҳодат опа бирдан чўчиб кетди. Назарида қизил томчи ичидан қизи чиқиб келаётгандек бўлиб кетди. Кулоқлари остида «Ойи!» деган овози ҳам эшитилгандек бўлди. Титроқ, қўли билан томчини сидириб ташлади-да, ўрнидан турди. Иккинчи қўлидаги узум боши ерга тушиб, бир қанча доналар ёқут тошдек ҳар қаёқقا думалаб кетди. Шаҳодат опа чўккалаб, уларни терди, узум бошини ҳам кўтарди, аммо емади, супа четига оҳиста қўйиб қўйди.

Шаҳодат опа зўрга кунни кеч қилди. Соатсозникига бориб, пулини қайтарди-да, соатли тутунчани бағрига босганича Қодиржон Алиевнинг уйига қараб юрди. Қодиржон билан маслаҳатлашиш фикри тўсатдан келди. Маҳаллада кўпчилик уни яхши гап билан тилга олади, хотини эса, Санобархон, сигири борлигида ундан сут-қатиқ олиб туради. Улардан бирон маслаҳат

чиқиб қолар. Соат бир ёқли бўлмагунча, у энди тинч ишай олмас эди. Лекин Алиевнинг уйига оёғи тортмай борди. Бир томондан, у ҳақиқатни билишни истаса, иккинчи томондан, ҳақиқат қизининг обрўйига тегиб кетишидан қўрқарди. Битта одам билди, ҳамма билди, деган гап:

Биринчи борганида, Алиевнинг болалари машинага ўтириб, кетишимоқчи бўлиб туришган экан. Шу баҳона бўлиб, уйга қайтди. Лекин уйидаги ўтиромади. Энди то бир нарсани аник билмагунча уйда ўтиромаслигини билиб, яна кўчага чиқди. Бу гал бор кучини тўплаб, ёшикни тақиллатди.

* * *

— Укангиз, Қодиржон бу гапларни билишлари керак, — деди Санобар уни эшитиб бўлиб ва яна соатга қаради. — Тавба! Бундай қараганда оддий соатга ўхшайди.

— Ҳамма гап шунда-да, — Шаҳодат опа унинг гапларини тасдиқлади. — Оддий бўлиб кўринмаганда, сўрардим ўзидан. Айтмаганига қўймасдим.

Санобар бу баҳтсиз аёлнинг нимадан хавотирга тушганини яхши тушунди. Шундай қимматбаҳо нарса кўчада ётмайди, бирор шунчаки совға қилиб ҳам бермайди. Бунинг тагида бирон жиiddий гап бўлиши керак. Лекин у тахмин эди.

— Опа, бир нарса дейишга ожизман, — деди Санобар. — Қодиржон акамга айтаман. Сиз билан учрашадилар.

— Буни ташлаб кетаман бўлмаса, — деди Шаҳодат опа соатни қайтадан рўмолчага ўрар экан.

— Йўқ. Йўқ! — Санобар ўрнидан туриб кетди. — Олиб кетаверинг. Бу ерда турмасин. Қўрқаман. Қодиржон ака ўзлари сизникига борадилар. Ё бир вақтни тайин қилиб, менга айтадилар. Ўшанда ўзингиз кўрсатасиз.

— Майли, — Шаҳодат опа ҳам ўрнидан турди. — Битта илтимосим бор, шуни Қодиржонга айтсангиз...

— Хўп бўлади. Нима эди? — сўради Санобар.

— Албатта бу соат билан Қодиржоннинг ўзлари шуғулланмайдилар. У киши учун бу майда ишдир. Қандай-қандай катта ишлар бошларидан ошиб ётибди. Бирорвга топширадилар. Шу одам соатнинг эгаси менинг қизимлигини эътиборга олса... Мабодо бирон ёмон

гап чиқиб қолса, бу гап милисанинг ўзида қолса. Одамларни биласиз-ку. Ҳозир оёғи билан эмас, оғзи билан юради. Аввало, Шоҳиданинг тирик эканига умидворман. Тунов куни бир хабар эшитиб қолдим. Ёш бир жувонни ўғирлаб кетишибди. Қирқ кун деганда қўйиб юборишибди...

— Ажабмас, тирик бўлса!

— Илоҳим айттанингиз келсин, — Шаҳодат опа фотиха қилиб ўрнидан турди.

Санобар уни дарвозагача кузатиб борди. Дарвоза эшиги очилиши билан шундай рўпарада турган бир жигар ранг «Жигули» гийқ этиб, жойидан қўзғалтида, катта кўчага бурилиб кетди. Санобар карахт бўлиб қолди. Шаҳодат опа ҳам ҳайрон бўлиб сўради:

— Ким бўлдийкин?

— Ким билади? Маст-аластмикан-а?

Лекин маст одам машинани ҳайдайдими? Рости, уларни кўриб, қўрқиб кетди шекилли, ўйлади ўзича Санобар. Ва дафъатан эслади. Балки телефон қилган шулардир? Машинадагилар нечта киши эди — Санобар яхши кўролмай қолди.

— Машинада ҳайдовчидан бошқа ҳам одам бормиди? — деб сўради у Шаҳодат опадан.

— Бор эди шекилли. Унча эътибор ҳам бермабман. Майли, бўлмаса, мен борай.

— Шаҳодат опа хайрлашди.

Санобар опа дарвозани ёпди. Айвонга ўтиб соатга қаради. Саккиздан чоракта ошган экан. Болаларининг қайтишига ҳали бир соатлар бор. Яхшиям иккови бирга, машинада кетишли. Ҳозир Райхоннинг якка ўзига жавоб бериб юборганда борми, хавотирда роса эзиларди.

* * *

Алламаҳал дарвоза шарақлаб очилди. Болалари. Фақат улар дарвозани шундай, аямасдан очишади. Бир томони деворга, бир томони гаражнинг устунларига тегиб, дарвоза табақалари қарсиллаб кетади. Аммо улар ҳеч парво қилишмайди. Неча марта айтди, қулоқ солишмайди. Аммо ҳозир у дарвозанинг шундай шарақлаганидан ҳам хурсанд эди. Ҳудога шукр, ниҳоят эсономон қайтишли.

Райхон овқатланаркан, эшитиб келган маърузасини тинмай гапиравди. Аммо Санобарнинг қулоғига қани бирон гапи кирса. На фиръавнлар, на эҳромлар... Сеҳр-

ли Хеопс... Бир оёғи синиб тушган Сфинксми-ей... ҳаммаси бу қулоғидан кириб, у қулоғидан чиқиб кетди. Шаҳодат опанинг бугунги гаплари, анови машина-нинг уйи олдидағи ғалати ҳаракатидан кейин Шоҳиддининг йўқолгани хаёлини эгаллаб олган эди. Қизига қаттиқ тикилиб қолганини ўзи ҳам сезмасди.

— Ҳа, опа, мунча тикилиб қолдингиз? — деб сўра-ди Райхон.

Санобар яширмади, тўғрисини айтиб қўяқолди:

— Сениям ўғирлаб кетишларидан қўрқаман. Шоҳидаям шундай, ярамас одамлар қўлига тушган бўли-ши мумкин.

— Қайси Шоҳида?

— Танийсан, Шаҳодат опанинг қизи. Сут олиб турардик-ку. Бемаҳал юришларингни йифиштир, болам. Энди қоронғи тушиши билан уйдан чиқмайсан. Ҳали аданг келсин, гаплашамиз. Балки, аданг бир чорасини топгунича ўқишига ҳам бормай турарсан?

— Вой, намунча қўрқасиз?

— Нега қўрқмай? Безорилар ҳеч нарсадан тап тортишмаяпти. Одам ўлдириш жуда осон бўлиб қолди. Ўттиз минг, қирқ мингга индамай ўлдириб кетишаётган эмиш. Мени қийнама, қизим. Аданг билан масла-ҳатлашганимдан кейин, нима десам, шуни қиласан. Аканг ҳам энди уйда ўтириб туради.

Қодиржон эшик қўнғирофини босганда тунги соат бирдан ошган эди.

— Йўғонтепага кетгандик, шунинг учун кечикиб қолдик. Тинчликми? — деди у, эшик очган хотинига.

— Сизни кўриб, тинчиидим, — деди Санобар.

Қодиржон кийимини алмаштириб, стол ёнига ке-либ ўтирди. Хотини косани тўлдириб лағмон олиб келди. У иштаҳа билан еб, бир пиёла чой ичиб, чўзилмоқчи эди, бўлмади.

— Вой, бугунги хавотир олганларим, эшитмасан-гиз, ёриламан, — деди Санобар.

Кейин телефондаги бегона одамнинг гапини, эшик тагида турган машинани, ниҳоят Шаҳодат опанинг ил-тимосини бирма-бир айтиб берди. Ўзини қўрқитган одамнинг овози ёзилган магнитофон лентасини қўйиб эшиттиди.

Кўкнорифурӯшларнинг тинчлиги бузилибди шекилли. Алиев экспертиза яқунлари билан Йўғонтепага бо-риб, буни аниқ билди. Мана, энди бу кассета. Хоти-нининг ҳикояси... Биринчи қурбон беш болали, қирқ-

ларга борган сержант Ашурали Исматов бўлди. Бечорани орқасидан келиб, силлиқ капрон арқон ташлаб бўғиб ўлдиришибди. Нега? Ҳали номаълум. Санобар Шаҳодат опанинг гапларини айтиб бергач, Алиев яна ўйланиб кетди. Балки анави участка милиционери биринчи қурбонмасдир? Шаҳодат опанинг эри Мирҳолиқ, ака шу томонда, Йўғонтепа билан кичик Найманча орасида ҳалок бўлган эди. Ҳалқ, дехқонлар йифиштирган доривор ўсиммилкларни сотиб оларди у. Демак, кўкнори ҳам сотиб оларди. «Шифокор» хўжалигида кўп бўларди. Шоҳиданинг эри ҳам шу томондан. Шу томонда, ўз юртида у хотинидан айрилди. Шоҳида беному нишон фойиб бўлди. Албатта, у ўлган ёки ўлдирилган. Бир кун изи чиқади. Аммо ҳозирча милиция ҳеч нима қилолмади.

— Болаларни нима қиласиз? — унинг хаёлини бўлди Санобар.

Алиев жавобга тайёр эмас эди. У кўпроқ Йўғонтепа воқеаларидан ташвишда эди. Чиндан ҳам нима қилиш керак экан? Институтга бормай туришса, устидан кулишади, ярамаслар! Кўрқди, деб ўйлашади ва баттар авжига чиқишиди.

— Кечқурун уйда бўлишсин, — деди охири. — Айтиб қўй, иложи борича ёлғиз юришмасин. Иккала институтта ҳам одам қўйдиралими. Ҳавотир олма.

У гап тамом дегандек ўриидан турди.

Қизиқ, ҳамма воқеалар негадир «Шифокор» хўжалигига бориб тақалаяпти. Нега бундай экан? Алиев шуларни ўйларкан, кўз олдидан колхоз раиси Тешабой Султоновнинг йўғон гавдаси ўтди. Дирида унга нисбатан қандайдир гумон пайдо бўлди, дарҳол бу фикрни ўзидан ҳайдади. Чунки... Тешабой Султоновдай обрўли киши билан ўйнашиб бўларканми?!

Шу куни Алиев ўринга ётаркан, ҳадемай даҳшатли воқеалар гирдобида қолишини билмас эди.

III

Одамбой раисникига нонушта пайти борди. Бу унинг ҳар кунги одати эди. Эсини тапиб, унга хизмат қила бошлабдики, бу одатини канда қилмайди. Нонушта пайти борса ҳам, дастурхонга яқинлашмайди. У ўз ўрни ва кимлигини яхши билади. Ёз бўлса, шундай пастак, ўтиришга қуляй қилиб ясалган жимжимадор тахта сўрининг четига ўтиради, узатилган

пиёлани олдига қўйиб, хўжайинининг оғзини пой-
лайди. Киш бўлса, айвоннинг ичкарига кўтарилади-
ган зинасига чўккалайди. Одамбой аслида камгап,
айниқса, раиснинг олдида ҳеч маҳал ўзича гап бош-
ламайди, саволларгагина жавоб қайтаради. Буни унга
ҳеч ким ўргаттани йўқ, ички бир сезги билан шун-
дай қиласди.

Тешабой ака бир оёғини остига қайириб, иккинчи
оёғини осилтириб, сўри бурчагида ўтиради. Тўрда эса
Одамбойнинг тенгқури — туман милициясининг бош-
лифи, капитан Азим Турсунов чордана қурган эди. Улар
нонушта қилиб бўлишган шекилли, дастурхонга қараш-
мас, фақат чой ичишарди.

Одамбой салом бериб, сўри четига омонаттинг ўтири-
ди. Дастурхондан янги ёпилган нон, зирали тандир
сомса ҳиди келиб димогига урилди. Аммо Одамбой
эътибор қилмади. Чунки озгина сабр қиласа, раис ке-
тиши билан Салтанат опа — раиснинг хотини уни
овқатлантиради, раисга аталган нарсаларнинг ҳамма-
сидан унга ҳам тегади. Шуни билганидан, қорни оч
бўлса ҳам, бепарво, ҳозиргина овқат еб олган одам-
дек ўзини бир оз орқага ташлаб ўтириди. Азим Турсу-
нов чой узатди. У Одамбой билан учинчи синфни би-
тиришгунча бирга ўқиган, ҳатто битта партада ўтири-
ган эди. Одамбой синфда қолди, икки-уч ой ўзидан
кичкина болалар билан бирга ўқиган бўлса-да, кейин
мактабни ташлади. Отасининг ёнида мол боқди. Отаси
эрта сахарда, кечқурун раиснинг уйида молхонаси-
ни йифишириб чиқарди. Одамбойни ҳам олиб борди.
Салтанат опа боланинг камгап, чарчоқ нималигини бил-
маслигини кўриб, хизматга олиб қолди. Одамбой эр-
талаб келиб, қоронги тушгунча раиснинг ҳовлисида
юрадиган бўлди. Отасининг вафотидан кейин эса, ра-
иснинг хизматига бутунлай ўтиб кетди. Йигирма йил
бўлди шунга. Одамбой бошқа ишни хаёлига ҳам кел-
тирмайди.

Ховлида иш кўп. Иккита сигир, беш-олтига
кўйининг емиши, сувидан ташқари, супир-сиدير, мева-
чева ишлари... Бунинг устига Салтанат опанинг меҳ-
мон-изломи. Ҳар куни икки-уч марта дастурхон йи-
ғилиб-ёзилар, қозон осилар эди. Одамбой шуларнинг
ҳаммасига балогардон эди. Оз фурсатда у овқат пи-
ширишга ҳам уста бўлиб қолди. Салтанат опа меҳ-
мон-излом келганда, ўчоқ бошига фақат овқатнинг
тузини кўргани борадиган бўлди. Одамбойнинг ко-

совдек қўллари, айниқса, тандир олдида хўб иш берарди. Тешабой ака Одамбойни меҳмонларининг хизматига ҳам олиб борадиган бўлди. У меҳмонларини уйга кам олиб келар, асосан тоғ этагида, сув бўйида қуриб қўйилган меҳмонхоналарида кутарди. Секин-секин Одамбой Салтанат опанинг ихтиёридан чиқди. Сўнти етти-саккиз йил ичида фақат раиснинг хизматини қиласидиган бўлиб қолди. Бу ҳолдан саксонга етган онаси бир оз хавотирга тушибди. Салтанат опанинг хизматига бўлганида Одамбойнинг уйга қайтиши анчагина тайинли эди. Бунинг устига, деярли овқат қиласди. Салтанат опа меҳмонлардан қолган-қутганини йиғиштириб, Одамбойнинг қўлига тушиб берарди. Раиснинг хизматига ўтгандан сўнг ўғлининг келиши-кетишида тайин қолмаган, кўпинча ўзи қозон осишига тўғри келарди. Кампир унинг баъзан келмай қолишлирига ҳам кўниди. Аммо нима сабабдан келмаганини биломади. Кўзёш қилди, ўлиб қоламан бунақада, деб қўрқитди, Одамбояга таъсир қиласди. Шундан кейин, иш ҳақида гап очмайдиган бўлиб кетди. Дилида эзилса ҳам, бедарак кетган кунлари хавотирга тушиб, мижжа қоқмай чиқса ҳам, гапирмайди, суриштирмайди. Одамбой нима деса, шу билан қаноатланди. Қалтирайдиган бўлиб қолган бошини баттар қалтиратиб, рози бўлади, қўлларини фотихага очиб, дуо қиласди. Худодан ўғлига узоқ умр, тинчлик, паноҳ, тилайди, ўзига эса енгил ўлим сўрайди. Одамбой шундай пайтлари тўлқинланиб, кўзига ёш олади, онасини бағрига босиб, пешанасидан ўпади. Уйдан чиқиши билан эса ўзини улуғ ишга сафарбар қилган одамдек, кўкрагини кериб йўлга тушади. Йўл бўйи у ҳеч ким билан гаплашмайди. Ҳатто салом-алик ҳам қиласди. Бит кўзларини олиста қадаб, йўлнинг ўртасидан бораверади. уни билганлар ўзларини четта олишади, болалар қочишади, бўлмаса, туртиб, босиб кетиши ҳеч гап эмас. Бир-икки марта шундай бўлган. У билан teng келадиган одам йўқ. Филдек кучи бор, қўллари омбирнинг ўзи. Бундан ташқари, уни яхши билганлар, ундан четроқда юришни афзал қўришади, чунки у нимадан хафа бўлиб, нимадан хурсанд бўлиши ҳеч кимга аён эмас. Унга иккита одам бас келади: Салтанат опаю раис Тешабой ака. Ит ҳам шу икки одамга Одамбойчалик содиқлик қилас. Одамлар ундан ўзларини четта олишларига яна битта сабаб ҳам шу.

Одамбой ҳар куни эрталаб хўжалик молхонасига ўтиб, ҳали соғилмаган, елинлари бўрсиллаб турган си-гириларни, алоҳида катакларда боқиладиган буқаларни томоша қиласди. Кейин раиснинг улоқчи оти — пеша-насида оқ қашқаси бор тўриқ отнинг олдига ўтиб, бўйни, бўксаларини силайди, алланарсалар деб мақ-тайди. Кафтида бир-икки чақмоқ қанд едиради. Одам-бой бу отни туғилганидан бери билади. Олтига кирди от. Беш юз мингта савдо қилишди. Раис бермади. Одам-бой боладек, тўғрироғи, маймун боласидек раис атро-фида сакраб, чапак чалиб хурсанд бўлди.

От уни билади. Келганида кичкина қулоқларини диккайтириб, сарак-сарак қилиб, у билан сўрашган-дек бўлади. Бўйнидан, бошидан силағанда, эгилиб, қимир этмай туради.

Одамбой отнинг олдида яйрайди, кеттиси келмайди. Лекин ишлари қўплигини, раис кутаёттанини билади. Шунинг учун ўн-ўн беш дақиқадан кейин молхонадан чиқади. Яна бошини этиб, қўзларини олиста қадаганича йўлга тушади. Молхонага келаёттганлар уни кўриб ўзларини четта олишади. Баъзан аёллар қўрққан-ларидан бўшашиб, турган жойларида қотиб қолади-лар. Одамбой буни сезади. Салом берибми, илжайибми, уларни тинчтиш ўрнига баттар қовоқларини осади. Нималардир деб, минғиллаб қўяди. Бу билан бечо-раларни баттар қўрқитади ва ич-ичидан завқланади, қадам босганда бутун қиёфасида қандайдир фурур пай-до бўлади. Шундай фурур, баланд рух билан раисни-кига кириб боради.

Аммо унинг бугунги молхонага бориши кайфиятини кўтартмади, аксинча, бўлди. Молхона ҳовлисида икки йил бурун Таллиндан олиб келинган, камида бир ярим тонна келадиган наслдор олабуқа занжирни судраб юарди. Буқабоқар Толиб полвон худди товуқ тутаёт-ган одамдек қўлларини ёзиб, оёқ учида битта-битта қадам қўйиб, унга яқинлашмоқчи бўлар, аммо занжирга етай деганида, буқа бир силтаниб, нарига қочарди. «Ма, ма, жонивор! Тўхта!» — деб Толиб полвон оёқ учида яна орқасидан борарди. Одамбойнинг унга раҳми келди. Бечора анчадан бери овора шекилли, терлаб сув бўлиб кеттан.

Толиб полвон ҳам уни кўрди. Лекин унга қарамай, қичқирди.

— Дарвозани ёп, Одамбой! Чиқиб кет! Кўрса соғ қўймайди!

— Одамбой дарвозани ёпди, аммо кетмади. Худди Толиб полвондек қўлларини ёзиб, буқа томон юрди. Буқа уни кўрди. У томонга қайрилиб, бирпас сўлагини оқизиб қараб турди. Кейин бошини сарак-сарак қилиб, Одамбой қаршисига юра бошлади.

— Айтдим-ку сенга?! — ўшқирди Толиб полвон. — Қоч! Ҳали ҳам кеч эмас, қоч!

Одамбой қулоқ солмади. Қайтанга қўлларини силкитиб, буқанинг аччиғини чиқара бошлади. Ундан кўзларини узмай юриб келаётган буқа чиндан ҳам газабланди шекилли, депсиниб чопишга туцди.

Буқанинг феълини яхши билган Толиб полвон кўркиб кетди. Шохига илинтирса бўлди, ҳеч ким ундан соғ қолмайди.

— Даюс! Кимга айтяпман! Қоч!

Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Одамбойга етиб сузиш ниятида бошини этган буқа гурс этиб ёнига йиқилди ва пишиллаб, ернинг чангини кўтариб юборди. Толиб полвон нима бўлганини тушунмади. Қўркув аралаш қандайдир умид билан буқа томонга қараганда, унинг шохларини ерга тираб ўтирган Одамбойни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Тирикмисан?!

— Тортинг занжирни! — қичқирди Одамбой.

— Занжирни шалдираганини эшитгандан сўнг, бир сакраб ўзини четта олди. Ҳансираф ётган буқа, гандираклаб, зўрға ўрнидан турди.

— Нима қилдинг? — ҳайрат ичиди сўради Толиб полвон.

— Қитигига тегдим, — деди Одамбой. — Шохларининг тагида қитиги бор. Шунга тегилса бўлди, ҳар қандоқ зўр буқа ҳам йиқилаверади. Дадам ўргаттган эдилар.

Толиб полвоннинг ишонмай иложи йўқ эди. Буқа яшин ургандек зарб билан йиқилган эди.

— Менгаям кўрсатиб қўй.

Одамбой яна илжайди. Буқани қулатган унинг забардаст қўллари эди. Буқа бошини этган пайт у иккала шохини ушлаб, бор кучи билан қайирған, оғриқقا чидолмаган буқа ёнбошига ағдарилган эди. Толиб полвонни у алдамади. Қорамонни шундай йиқитиш йўлини раҳматли отаси ўргаттган эди.

Улар буқани жойига боғлашди. Бечора, охурга тумшугини қўйиб, мадорсиз ҳансираради.

Одамбой тўриқнинг олдига борди. От негадир бе-

ювта эди. Кўзлари бежо, бадани титтари. Одамбойни кўриб, у депсинди. Бўйнидан тасмани тортиб, узмоқчи бўлди, кучи етмай кишинаб юборди.

— Ха, жонивор! Кўркиб кетдингми? — Одамбой уни бўйни, бошини одати бўйича силай бошлади. Оттинглангандек бўлди. Одамбой кўли негадир нам бўлганини сезди. Ҳайрон бўлиб қаради. Кўли қон эди.

— Полвон ака! — қўркиб чақирди Одамбой.

— Тўриққа бир нарса бўлганга ўхшайди. Тез келинг.

Толиб полвон дарров келди. Одамбой унга қонли қўлини кўрсатди.

— Нима бўлдийкин? — ҳайрон бўлди полвон ва отни ҳар томонлама айланиб кўра бошлади ва бирдан сўкиниб юборди. — Даюс! Отни сузибди! Қара!

У тўриқнинг чап сонини кўрсатди. Тахминан бир қаричча жойи тилиниб кеттан эди. Одамбой отнинг шега титраёттанини энди билди. Қақшаб оғриёттан бўлса керак.

— Алиқул қани? — сўради Одамбой.

— Ҳали келгани йўқ. Дуркентта тўйга кеттан эди кеча, — ранги оқариб жавоб қилди Толиб полвон. Бука занжирини узиб юборгани ҳеч гап эмас. Отнинг чақа бўлгани хавфли эди. Тешабой ака уни кўз қора-чифидек асрайди. Алоҳида отбоқар ажратиб қўйган.

— Дўхтирина чақиртиринг.

Одамбой шундай деб, отни бир-икки бўйнига қоқди-да, ташқарига чиқди. Молхонада бугун у катта тўполон бўлишини биларди. Аввало ферма мудири То-живой эшитадиганини эшитади. Кейин Полвон, кейин Алиқул. Бечора от... Уни алоҳида жойда боқиш керак. Шу фикрни раисга айтишни у дилига тутиб қўйди.

... — Бўлмаса, менга рухсат, — деди Азим Турсунов раисга тикилиб.

— Кетасизми? — шунчаки сўради Тешабой ака.

— Ҳа, энди бормасам бўлмайди, — Турсунов ўзича фотиха қилиб ўрнидан турди.

— Ўтирибсиз-да?

Ўчоқбоши томондан Салтанат опанинг овози эши-тилди. Кўп ўтмай, ўзи бир сават янги узилган сомса кўтариб, сўри ёнида пайдо бўлди. Таңдир олдида турганидан юзлари қип-қизил бўлиб кетган эди.

— Тайёр сомсани ташлаб кетасизми? Буниси бошқача!

Салтанат опа Одамбойга кўз қирини ташлади. Шу заҳотиёқ Одамбой эпчиллик билан югуриб, унинг олдига борди-да, қўлидан саватни олди. Қип-қизил ялтираб турган иссиқ сомсаларнинг ҳиди димоғни қитиқлади.

— Келинойингизнинг қўли қайтмасин, олинг, — деди раис.

— Хўп бўлади!

Турсунов саватдаги битта сомсани олиб оғзига олиб борди:

— Бай-бай-бай! Опа, буни оловда ёпганимисиз?!

— Тағин писта кўмирда, — мақтаб қўйди сомсани Салтанат опа.

— Турсунов жойига ўтирди. Одамбой саватни сўрига қўйиб, бўш ликопча олаётган эди, раис тўхтатди:

— Мен бўлдим. Ўзинг ол.

Одамбой индамай жойига ўтирди. Салтанат опанинг ўчоқбоши томонга кетганини ҳеч ким кўрмай қолди. У эри олдида бошқа эрқаклар билан узоқ гаплашишни одобдан эмас, деб биларди, аммо эрининг одамларини, таниш-билишларини ниҳоятда хушмуомалалик ва ҳозиргиdek очиқкўнгиллик, эътибор билан кутиб оларди. Тешабой aka шунинг учун ҳам уни фақат бешта боласининг онаси сифатида эмас, ҳақиқий, кўпни кўрган, гаплари, ҳаракатларида эрига бўлган чексиз ҳурмати кўриниб турадиган ёстиқдош сифатида қадрларди. Буни Салтанат опа ҳам билади. Унга шу етарли. Эрининг эгри юришлари ҳақидаги миш-мishлар ростлигига ишонса ҳам парво қилмайди. Болаларини, хотин сифатида уни бир тийинга зор қилмай, эркин қўйибдими, шунинг ўзи унга кифоя.

Турсунов кетишга чоғланди. Ўрнидан туриб, у билан хайрлашар экан, Тешабой aka илтимос қилди:

— Шу ҳафта ичи бир олиб келинг. Тепабоққа чиқамиз. Сизлар баҳона, мен ҳам бир ёзилиб келаман.

— Одамбой ким ҳақида гап бораёттанини сезди, аммо билдирамди.

Турсунов нега келганини у биларди. Ашурали мелисанинг ўлими буларнинг ҳаммасини қўрқитиб юборди. Тошкентданки келиб кетишдими, текширув қаттиқ бўлади. Лекин қотилни топишолмайди. Ундан ҳеч қандай из қолмаган. Марҳумнинг бўйнидаги ипак арқоннинг ўрнидан бўлак ҳеч нарса ҳеч кимга маълум эмас.

Тешабой aka жойига ўтириб, бўш пиёласини узат-

ди. Одамбой дик этиб ўрнидан турди-да, ҳозиргина Турсуновнинг олдида турган чойнакни олиб, жойига қайтди ва чой қуиб, раисга узатди. Тешабой ака хўриллатиб бир ҳўплади-да, хонтахта устига қўйди.

— Бугун қоронғи тушганда Турсуновникига бориб келасан. Нима олиб боришингни айтиб қўяман. Ўғлини кестиармиш.

— Ҳўп бўлади.

Одамбой қўлинин кўксига қўйиб, бошини эгди.

Раис яна пиёлани қўлига олди.

— Тепабоғни тайёрлаб қўй. Тушликни ўша ерда қиламиш. Тўрт киши бўлади. Овқат — ўзинг билганинг. Бўлади шу. Холодильникларни қараб қўй. Кечқурун ҳам ўша ерда бўласан. Қўйлиқдагилар келишади. Нима қилишни тушлиқда айтаман. Қалай бориб келдинг?

Одамбой бошини қўтарди.

— Яхши. Бечоранинг боши осмонга етди. Ишқилиб кам бўлманг, ота.

Тешабой ака мошкичири мўйловини силаб қўйди:

— Камбағалга бир берсанг, минг бўлиб қайтади. Йўғонтепадаги мактабнинг қоровули бор-ку, Салим ота деган, биласанми?

Одамбой ўлланиб қолди.

— Тентак, — койиган бўлди уни Тешабой ака — Ўқигансан-ку шу мактабда, нега билмайсан? Сенлар ўқиганингда у илмий мудир эди. Энди қоровул.

— Эсладим, ота. Эсладим! Жўяропиядан дарс берарди.

— Баракалла. Ана ўшаникига ҳам эрта-индин бориб кел. Эсимдан чиқса, эслат. Қоровул пули билан пенсия нима бўларди бу даврда?!

— Ҳўп, ота. Эртагаёқ эсингизга соламан.

— Бугун ўзимиздá байрам. Идорада мактабни битиргандарни қабул қиласан.

Тешабой ака ўрнидан турди.

— Ота, — уни тўхтатди Одамбой.

— Нима гап? — ҳайрон бўлди Тешабой ака, жойига ўтирас экан. — Уйинг тинчми? Кампир саломатми?

— Раҳмат ота. Аммо... молхонада... молхонада ёмон иш бўпти.

— Нима бўпти? — қошлари чимирилиб сўради Тешабой ака.

— Олабуқа узилиб кетиб, тўриғингизни сузид юбо-

рибди, — бир зарб билан гапириб олди Одамбой, кейин, нафасини ростлаб, қўшиб қўйди. — Хавфли эмас унча. Сони... чап сони бир қаричча тилингган.

— Ярамаслар! — сўқинди Тешабой ака. — Телепонни опке!

Одамбой югуриб бориб, равоннинг панжараси устидаги турган кўчма телефонни олиб келди, трубкасини олиб, раисга узатди.

— Буқа нима қилиб узибди занжирни? — сўради раис Одамбойдан, гўшакни олиб қулогига тутаркан.

— Билмасам? Зерикиб узгандир-да? — тахмин билан жавоб қилди Одамбой. — Борсам, ҳовлида юрган экан. Толиб полвон иккаламиз бир амаллаб тутдик.

— Ҳа, сенмисан? — трубкада гапирди Тешабой ака. — Ферма мудири Тожибойни ернинг тагидан бўлса ҳам топ. Аввал ферманинг ўзига телепон қил. Отанг қалай? Дориларни ичяптими? Мендан салом айт. Бирров бўлсаям бугун-эрта кириб чиқаман. Бир гап бўлса, дарров менга айт. Бўлди, кутаман.

У гўшакни қўйиб, Одамбойга қаради.

— Толиб фафлат босиб ётгандир-да, хотинининг қучогида?! Фермада у фақат буқага қарайди... Шунга пул олади. Узмайдиган занжир топса бўлмайдими? Ўшаниям раис топиб бериши керакми? Алиқул нега ишдамас?

— Билмадим, ота. Балки бетобдир, — ростини айтгиси келмади Одамбойнинг. Барibir билиб олади. Одамбой отанинг содиқ хизматкори, ҳамма сирли ишларини билади, еттита қулф билан қулфлаб юради, соясига салом беради, лекин чақимчилик қилмайди. У эркак. Хотинчалишилик, ҳезалаклик қилмайди.

— Уям тўриқдан бошқа отга қарамайди. Шунга пул олади. Даюс. Нас. Ўзининг сонини тилиш керак.

Телефон жиринглади.

— Сен ўзи нима қилиб юрибсан? — дея дўйқ қилди раис. — Мудир деган ҳаммадан олдин молхонага бориб, хабар олмайдими! Жонингга тегдими мудирлик? Унда майли, бўшатиб қўй. Аҳмоқ! Мабодо ўлиб қолса, ярим миллионни ўзинг ёнингдан тўлайсан. Мен ўйинчоққа олиб келиб қўйибманми уни? Алиқул қаёқда? Марказда? Тўйда? Ҳароми! Юз қамчи, эшитдингми? Ўзинг қамчилайсан. Қараб турман. Бўлди. У нас бостгани иштонини ечиб урасан. Ола-буқанинг баҳридан ўтдим. Тамом. Бугуноқ бичтириб, қирга жўнат.

Раис гўшакни қўйди.

— Тўриқнинг сонини тикибди. Чандик бўлиб қолади шу жойи. Ҳей! Тушунасанми нима бўлганини? Ярим баравар тушиб кетди энди баҳоси! Унга доғ ҳам тушмаслиги, гард ҳам юқмаслиги керак эди!

Одамбой бу мулоҳазаларни хаёлига ҳам келтирмаган эди. Раис ҳамма нарсани пулга чақиб иш тутарди. Шунинг учун ҳам хўжалик аҳолиси чорак асрдан бери уни алмаштирумайди, яшаши ҳам бошқаларга нисбатан яхши. Нон, сут, қатиқ, мева, сабзавот етарли, магазинга фақат кийим-кечак, темир-терсак учун боради. Қолган ҳамма нарса уйидан чиқади. Секин-аста, катталарага билдирумай ҳаммани ерли қилиб қўйган. Учала қишлоқда томорқасиз одам йўқ. Ҳукуматнинг ҳаммага томорқа бериш ҳақидаги қарори чиққанда, Тешабой ака Йўғонтепадаги клубда мажлис қилди. «Қани, кимга томорқа керак? Томорқасиз оила борми биззи хўжаликда?» деб сўради. Қарсак бўлиб кетди. Одамбойнинг билишича, камбағалга қайишадиган, ҳаммага — катта-кичикка ҳам, бой ва йўқсилга ҳам баравар қарайдиган иккита одам ўтган бу дунёда. Биттаси Ҳоррун ар-Рашид халифа. Иккинчиси, Ҳотамтой, сайёҳ. Онаси Рухсорбиби, унга китоблардан ўқиб берган шу одамларни. Ўшалардан кейин ҳозирги Ҳотамтой, Ҳорун ар-Рашид — Тешабой Султонов. Ота. Одамбой шундай ҳисоблади. Унинг гапига жамоада қўшилмайдиган одам йўқ. Бори ҳам ўз фикрини айтгани ундан чўчийди. Раис бунақа одамларни хуш кўрмайди, мажлисларда танқид қилмайди. Аммо ҳар томонлама шу одам учун ҳаёт жаҳаннамнинг ўзи бўлади-қўяди, қишлоқдан, бутун Дуркентдан бош олиб кетади.

Одамбой бугун ҳеч кимга ачинмаса ҳам Толиб полвонга, кейин отта ачинди. От-ку тузалиб кетади. Жиндек чақа бўлиб қолса сони, нима бўпти? Қайтанга сотилиб кетмайди. Колхозда қолади. «Толиб полвонга қийин бўлади. Олтигами, еттита боласи бор, кичкинаси ҳали бешикда. Унга ҳам ота жазо кўрадиган бўлса, бечорага қийин. Бирон жойда ишломмайди. Отанинг ўзи жойлаб қўймаса, ҳеч ким ишга олмайди. Олса, ота билан тўқнаш келади. Жазоланган одамнинг куни унинг бошига тушади. Лაънати, қандай қилиб узди экан занжирни? — ҳеч ақли етмай ўйлади хуноб бўлиб Одамбой.

— Узилмаганда шу ташвишлар йўқ эди. Бичишиша, Толиб полвон беиш қолади. Фермада унга бошқа иш йўқ. Далага чиқармикан?»

Раисга «Толиб полвонда айб йўқ», деган гапни айтишини дилидан ўтказди. Лекин айтгани қўрқади. Жаҳд устида турган одам, баттар жаҳди чиқиб кетиши мумкин.

Раис унинг хаёлини уқди шекилли, сўради.

— Толиб нечага кирди?

— Билмадим. Қирқдан ошгандир.

— Билмас экансан, — энсаси қотди раиснинг.

— Отаси қазо қилганда ўттизда эди. Шунга қанча?

Етти йил бўлди. Ўттиз еттида ҳозир. Айни кучга тўлган, эркак бўлган пайти. Шундоқми?

— Шундоқ, ота! — тасдиқлади Одамбой унинг нима демоқчи бўлганини тушунмай.

— Оғзи қалай? Оғзи? Мўмми ё карнай-сурнайми?

— Ота, уям менга ўхшаган, — илжайди Одамбой раиснинг чехраси бир оз ёришганини кўриб. — Оғзида еттига қулф бор.

— Ёнингта ол бўлмаса уни.

Одамбой севиниб кетди.

— Раҳмат, ота. Боши осмонга етади бечоранинг.

— Фақат тушунтириб қўй. Йўқ, деган гап йўқ.

— Тушунтираман.

— Нима дейсан? Милисанни изи чиқмайдими?

— Ҳаммаёқ гум. Из йўқ. Хотиржам бўлаверинг.

Салтанат опа келиб бир чеккада турганини иккови ҳам сезмай қолишиди. Албатта уларнинг ҳозирги гапларини эшитган бўлиши керак.

— Ҳа, дуруст. Бўлмаса чой-пой ичгин-да, бояги ишларни қил.

Тешабой ака ўрнидан турди. Эшик томон юаркан, Одамбой уни йўлаккача кузатиб борди.

— Гуручни борганингизда соламан-да?

— Ҳа, — катта бошини қимиirlатди Тешабой ака ва қолавер, дегандек қўлини силкиди.

Одамбой раисникида яйрайди. Раис ҳам, хотини Салтанат опа ҳам унга ўз яқинлари, жигарлариdek қарашади. Уларнинг бу муносабати болаларга ҳам ўтди. Улардан ҳам Одамбой ҳеч маҳал оғир гап эшиттани йўқ. Болаларнинг тўнғичи Мардон Москвага ўқишга кетиб, ўша ерда қолди. Катта бир илмий идорада ишлайди. Ҳар кузда бола-чақалари билан келиб, ўн-ўн беш кун туриб кетади. Хотини майдонтоллик қишлоқи бир қиз эди. Раис уни ўғлига олиб бериб, Москвага жўнатди. Энди таниб бўлмайди. Аввало кап-катта хотин бўлиб кетган. Лабларини, юз-кўзларини бўяйди, оҳори тўкил-

тан, тиззалари, сонлари ямоқ шим кияди. Аммо қайно-тасининг соясига салом беради. Унинг олдида рўмол ўраб, узун иштон кияди. Раис унинг қандай кийинишиши билса ҳам, ўзини билмаганга солади. Иккита туққан. Иккала боласи ҳам (бир ўғил, бир қиз) бири-биридан ширин. Раис уларни жуда яхши кўради. Баъзан ўзи Тошкентга, ҳайвонот боғига, циркка олиб бориб келади.

Наримон акасидан икки ёш кичик. Тошкентда дўхтириликка ўқиб, Самарқандга ишга кетган. У ерда институтнинг бошлифи. Катта бир ҳовли қилиб олган. Ҳовузи бор. Ертўласини уй қилган. Узунаси юз, эни қирқ метр келади. Бир бурчагини чордона қуриб, ёнбошлаб ўтирадиган жой қилиб қўйган. Қалин, қизил гуллик гилам устига бекасам кўрпачалар ёзиб, болишлар ташлаб қўйибди. Иккинчи бурчакда пастак думалоқ стол қўйилган, атрофида худди шунаقا пастак, аммо ичи пружина курсилар. Учинчи бурчак, Одамбой отини айтольмайди, битта сўз билан атала-ди-ю, лекин унинг эсида турмайди, ўзбекча сўз эмас. Хуллас, бу бурчак ичимликларнинг кони. Ҳеч қаерда топилмайдиган, битта шищаси битта қўйнинг нархи билан teng, ундан ҳам қиммат ичимликлар шу ерда бор. Чарм қоқилган баланд хонтахтанинг орқасига Наримонбойнинг ўzlари ўтиб, «описантлик» қиладилар меҳмонлар келганида. Уйнинг қолган битта бурчагига, деворларнинг тагига шу девор рангида духоба қопланган икки кишилик, уч, тўрт кишилик диванлар қўйиб ташланган. Бир жой ёқмаса, иккинчисига бориб ўтирасиз. Ёзда, куннинг иссиқ пайтлари бу ертўла уй жоннинг роҳати. Ҳавони музлатадиган аппаратлардан ўнтачасини ишлатиб қўяди.

Наримон Йўғонтепага кам келади. Салтанат опа уникуга кўпроқ ўзи боради. Раис ҳам ўзи хабар олиб туради. Одамбой уч-тўрт марта уларни кузатиб борган. Ҳар борганда юк машинасини тўлатиб, ёз неъматларидан элтиб берган.

Наримондан кейингилари Дамир, Темир ва Шаҳло ота-онасининг бағрида. Иккала ўғил институтда, Шаҳло мактабда ўқииди. Уларнинг ҳаммаси ота-оналари каби, Одамбойни ўз оила аъзоларидек кўришади. Одамбой буни билади, шунинг учун «ота»сидан миннатдор, унинг содик хизматкори.

— Одамбой сомса совиб қолди, — чақирди Салтанат опа сўрига ўтирас экан. — Чойни ҳам ўзинг янгитдан дамлаб кел. Бу айниди.

— Ҳозир, Одамбой чаққонлик билан унинг қўлидан чойнакни олди. — Кўкми?

— Кўкни отантга бер, — жерккан бўлди Салтанат опа. — Қора дамла. Ўт нима-ю, кўк чой нима, иккалови бир гўр.

Одамбой чойни олиб келиб, бир-икки қайтарди-да, анордек қип-қизил қилиб узатди.

— Қани, ўтирип ўзинг ҳам. Назаримда сомса бу гал жуда бошқача чиқди. Ўзимга ёқиб турибди.

Одамбой лаганга қўл узатди.

— Жуда мазали бўпти, — деди у.

— Уч-тўртта бераман, ойингта ташлаб кет.

— Раҳмат, опа... — Хурсанд бўлди Одамбой. — Маза қилиб, сизни дуо қилиб ейдилар ойим.

Салтанат опанинг Одамбой билан шундай ўтириб гаплашишида яширин бир қизиқиш ҳам бор эди. Кўчадан ҳар хил гаплар етиб келарди. Одамбойдан ҳеч нарса билиб бўлмаса ҳам, у калити йўқ сандиқдек бир гап бўлса ҳам, ҳар гал бутун ақлини ишлатиб ундан бирон нарса билиб олишга интиларди. Кейинги кунларда бирмунча хунук хабарлар эшитди. Аввало, туман прокурорининг хотини кўкнорифурушларга, кўкнори ичадиганларга қарши қаттиқ, бир қарор чиққанини, ҳаммаёқда текшириш бўлишини айтди. Тошкентдан, вазирликдан шу масалада келиб кетишибди. Ҳеч нарса аниқланмабди. Лекин келиб кетишганинг ўзи Салтанат опани хавотирга солди. «Шифокор»га анчадан бери милиция марказидан одам келмаган эди. Исматов деганин ўлдириб кетишибди. Шуларнинг тагида нима ётганини у билишни истар, ўзича қандайдир хавфнинг олдини олиб қўйишни ўйларди. Шунинг учун у Одамбойнинг онасини эслади, меҳрибонлик қилиб, сомса бериб юборадиган бўлди.

— Анави мелисани ўлдириб кетганлардан дарак йўқми?

— Исматовни айтяпсизми? — сўради Одамбой бепарво.

— Мен қайдан билай? Исматов дейишяпти шекилли?

— Билмадим. Ота лекин қаттиқ хафа бўлдилар. Бечора ёш кетди. Унинг ўлими кимга керак бўлиб қолибдийкин, деяптилар. Оиласига ота беш юз сўм ажратдилар. Тожибай ферма ташлаб келди.

— Болаларига жабр бўлди. Еттига экан, — гапни айлантириди Салтанат опа. — Ўзиям нима қилар экан ўша ишга аралашиб?

- Қанақа иш? — сўради Одамбой.
- Кўкнорига-да.
- Чакки қилибди аралашган бўлса, — деди Одамбой хўриллатиб чой ичаркан.
- Салтанат опа ҳеч нарса билолмай, яна уни хурсанд қиладиган гапларни қидира бошлади.
- Келинпошшадан хабар олиб турибсанми?
- Одамбой оғзи қулогига етиб илжайди.
- Ҳафтада бир бориб келаман. Яхши. Ўқишини битирди. Энди Тошкентга кетади. Бутун уларни, ҳамма битиргандарни ота қабул қиласидар, совға беради-лар.
- Отанг билан иккаловинг қайси бирида тўхтадинглар энди? — гапига жиддий тус бериб сўради Салтанат опа.
- Каттасида-да. Фотимасида. Иннайкейин, каттаси туриб, кичкинасини узатишмайди-да. Фотима чиройли!.. — оғзини тўлдириб гапирди Одамбой. — Зухра бўлмайди.
- Нега? Уям кўҳдиккина шекилли? — Кулгисини зўрга тийиб сўради Салтанат опа.
- Кўхлиг-у, лекин биласизми, шўх. Худди ўғил боланинг ўзи. Курашам тушади, муштлашади. Ўзим кўрганман. Манга у бўлмайди. Иннайкейин, ота манга Фотимани ваъда қилганлар. Сиз уларни айнитманг. Жон опа, айнитманг!
- Вой, эсимни ебманми? Сан нима десанг шу. Фақат ўқишини битирсинг. Қиз бола ўқимаса бўлмайди.
- Одамбой Салтанат опанинг гапларидан тинчили, маслаҳатига қўшилди.
- Манам шундоғ дейман. Беш йил бирпастда ўтиб кетади.
- Хабар олиб турасан, — таклиф қилди Салтанат опа.
- Тошкентта тушганимда кириб тураман-да.
- Ўзи билан ҳеч гаплашдингми?
- Тўйгача гаплашмайман. — Жиддий жавоб қилди Одамбой. — Ота шундоғ деганлар.
- Тўғри қиласан.
- Салтанат опа уни маъқуллаган бўлиб яна ўз ниятига ўтди.
- Алиев дегани яна келармишми?
- Билмадим, — хушёр тортиб жавоб қилди Одамбой. — Келса, опа, бизга нима? Чўчийдиган жойимиз йўқ.

— Гапинг тўғри. Қаттиқ текширса топилади. Отанг ҳаммани пойлаб, улгуармиди?

Одамбой жавоб бермади. У кўп ўринда «ҳа» ҳам, «йўқ» ҳам демай қийин ҳолатлардан чиқиб кетарди.

У баъзи одамлар ўйлагандек, жинни эмас эди. Фақат баъзи-баъзида, айниқса, баҳор ойлари сал айниб қоларди. Унда ҳам гапини йўқотмас, фақат тажанг бўлиб кетар, ҳадеб қўлини ишга солишга интиларди. Докторлар уни Тешабой аканинг илтимоси билан обдан текширишган, атрофдагилар учун унинг мутлақо хавфсизлигини, расмана одамлардан бир оз ақлий қолоклигини эътиборга олмаса, туппа-тузуклигини таъкидлашган. Ундан мутлақо соғлом болалар туғилишини ҳам айтишган. Шундай бир текширишдан сўнг Тешабой ака уни уйлантириб қўйишга яrim ҳазил, яrim чин қилиб ваъда берди. Одамбой бу ваъдага маҳкам ёпишиб олди. Яхши бажарилган топшириқдан сўнг ваъдани эслатадиган одат чиқарди. Бир гал, Тешабой ака чидамади, ваъдасини ростлиги ни қайтариб:

— Кимни олиб берай, айт? — деб сўради.

— Одамбой буни хаёлига келтирмаган эди. Тўғри-роғи, унга хотин бўлса бўлди эди.

Жавоб беролмай, елкаларини қисди.

— Абдулла муаллимни танийсанми? Ҳов пастда, бозорнинг йўлида туради. Эгизак қизлари бор. Шуларнинг биттасини олиб бераман. Нима дединг?

Одамбой қувониб кетди. Ота ўзинг топ, демади. Ўзи топиб берди. Отанинг қизлари ҳақидағи гаплари ҳали-ҳали қулоғи остида.

— Фотимаси жуда алламбало. Кичкинаси ҳам яхши. Келишган. Фақат шўх. Бизга каттаси маъқул. Шу каттаси — Фотимасини кўз оstimизга босиб қўямиз. Сен хабардор бўлиб тур. Мундоқ бўш пайтларинг, ҳафтада бир, узоқдан бўлса ҳам уйларини айлан. Ўзи билан гаплашма. Хуркитиб юборасан. Айниқса, кечқурунлари айлан. Тағин битта-яримта йигит билан юриб қўймасин.

Одамбой отаси айтгандек, мана, яrim йилдан ошди, Абдулла муаллимнинг уйини ҳафтада бир кузатиб қўяди. Қиздан кўнгли тинч. Аввало қаёқча борса, синглиси билан бирга боради. Сал кейин туғилган бўлса ҳам Зуҳра сингил-да. Лекин аслида иккаловини фарқ қилиш қийин. Яхшилаб тикилганда, Фотиманинг бир оз тўла-роқлиги сезилади. Фарқи шу, юриш-туришида фарқ

жуда катта. Фотима оғир, босиқ, камгап. Зуҳраси жиблајибон. Отанинг айтгани тўғри, ўғил боланинг ўзи.

— Тўйни қачон қилиб берасиз, ота? — деб сўради бир гал Одамбой.

Тешабой ака бундай саволни кутган эди шекилли, аввалдан ўйлаб қўйганми, дарров жавоб берди:

— Тўй қочиб кетмайди. Хоҳласанг, эртагаёқ қилиб бораман. Лекин қиз болани ўкситмаслик керак. Бунинг устига етим. Етимни ардоқласанг, етти иқдим сеники. Азиз-авлиёлар шундай дейишади. Мактабни битирсин. Кейин ўртоқлари қатори Тошкентта бориб, институтда ўқисин. Беш йил кўз очиб юмгунча, беш кундек ўтиб кетади. Сен сабр-тоқатли йигитсан. Озгина кутсанг, ҳеч нима қилмайди. Тўйни ўшанда қила-миз. Мაъкулми?

* * *

...Одамбойнинг қорни тўйди. Энди турса бўлади. Ялпайиб ўтираверса, Салтанат опа гапга тутиб, бир жойдан илинтириши мумкин.

— Опа, энди мен борай. Тушга меҳмонлар бор экан.

— Биламан. Тўхта.

Салтанат опа ичкари уйга кириб кетди. Кўп ўтмай, бўш қофоз халта билан докага ўроғлиқ бир нарса олиб чиқди.

— Тик турма. Ўтири, — буюорди у ва ўзи ҳам ўтириб, тугунни ечди. — Кўряпсанми? Менинг тақинчоқларим. Онамдан қолган.

Одамбой тугундаги нарсаларни кўпини кўрмаган эди.

— Иккита билак узук, мана, — гапида давом этди Салтанат опа. — Ўн шода марварид, тўрт жуфт зирақ, битта тиллақош. Баъзиларини менда ҳеч кўрмагансан. Тақмаганман.

Одамбой бошини лиқиллатди.

— Шуларни ойингта элтиб бер. Ёстифининг тагига беркитиб қўйсин. Юрагим безовта. Мабодо текшир-текшир-да, уйга кириб қолишиша, қизим бебисот қолмасин. Табаррук нарсалар. Мен кўрдим, Шаҳнозам ҳам кўрсинг.

— Салтанат опа бирдан намланган кўзларини пешанабогининг учи билан артди.

— Нима деяпсиз, опа?! — жаҳди чиқиб гапирди Одамбой. — Отани текширадиган одам топилмайди. Тинч бўлаверинг.

— Тинчликка тинчман. Ҳар эҳтимолга қарши-да. Одамбой!

Одамбой бир нима демоқчи эди, Салтанат опа тўхтатди.

— Бўлди. Гап тамом.

Салтанат опа қоғоз халтага беш-олтита сомса, иккита нон солди, тутунни яхшилаб ўраб, Одамбойга узатди.

Одамбой ғалати бўлиб, раисникидан чиқди. Салтанат опанинг ташвишга тушгани уни ўйлантириб қўйтган эди. Аммо уйига кириб, онасини кўриб чиққанидан кейин, оғир ўйлари тарқаб кетди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бироннинг измидан чиқмай, ярим умрини яшаб ўтган одам нимани узоқ ўйларди-ю, қандай фикрга келарди?

IV

Йўғонтепадаги ўрта мактабнинг математика ўқитувчи Абдуллажон Салимов ҳар кунгидек, гира-ширада ўрнидан турди. Ёзнинг ўртаси бўлса ҳам тунлари салқин эди. У юпқа бекасам тўнини елкасига ташлаб ҳовлига тушди ва ҳайрон қолди. Иккала қизи аллақачон туришган, биттаси ҳовли супураг, иккинчисининг овози молхонадан келарди.

— Мунча эрта турмасаларинг? — хурсанд бўлса ҳам уришгандек бўлиб сўради Абдуллажон.

Фотима супургини ерга ташлаб, қаддини ростлади. Липпа урган кўйлагини тушуриб, отасига ўгирилди.

— Ассаломалайкум, ада. Яхши ётиб турдингизми?

Абдуллажон бошини қимиранлатди.

— Бугун ишимиз кўп жудаям, — деди Фотима. — Биласиз-ку, ўнда раис қабул қиласди, кейин мактабда йиғилиш.

Абдуллажон қизи айттан йиғилишлардан хабардор эди. Мактабда бугун унинг ҳам иши кўп. Саккизинчи, тўққизинчи синфларга ўтганлар билан учрашади. Янги ўқув программаси билан таништиради. Бу йил ўзгариш кўп. Мактабда математика, химияга алоҳида эътибор бериладиган бўляпти. Тушгача улар билан банд бўлади. Шундай бўлса ҳам бугун у қизларини ўзича кутмоқчи эди. Бугун уларга етуклик гувоҳномаси топширилади. Фотима кумуш медаль билан тутатди мактабни. Олтинга етишарди, келиб-келиб, математикадан тўрт бўлиб қолди. Логарифмада бир оз адашиб

кетди. Лекин барибир, Абдуллажон хурсанд эди. Фотима ниҳоятда қунтли қиз чиқди. Ким билади, балки катта олим айни кетар? Педагогика институтига кирмоқчи. Физикага. Логарифмадан қилган хатоси тасодиф. Ўзига ишониб юборганидан юз берган.

Зухра опасидан зеҳни бўлса ҳам, ўқишга тоқати йўқроқ. Абдуллажон унинг Фотима сингари дарс тайёрлаганини сира кўрмади. Аммо хотираси кучли. Қандайдир одатлари, қилиқлари, овози билан у Сабурани эслатади. Мана, ҳозир ҳам молхонада у сигирни уришяптими, ё ўзича эркалаяптими, онасилик гапирав, овози ҳам онасиникига ўхшаб кетарди:

— Қорнийиз очдими? Очмай кетсан қорнийиз. Кеча кечкурун кунжарани икки баравар кўпайтириб берганман. Пок-покиза туширибсиз-ку?! Яна нима дейсиз? Мана шу бўлади ҳозир. Жим туриңг, соғволовай.

Абдуллажон жилмайди. «Сабуранинг ўзи», яна хаёлидан ўтказди у.

Нима қилиб берса экан қизларига? Совға тайёр. Икковига бир кийимлиқдан хонатлас, оқ туфли, чиройли аёллар тутадиган оқ сумка олиб қўйган. Шуларни беради. Кечкурунга ўзи ош қиссинимкан? Раҳматли хотини ҳаётлигида ҳам ошни ўзи қиласарди. Ҳафтанинг бир куни, якшанбада ўчоқбоши уники эди. Нонуштадан кейин Абдуллажон эринмасдан, секин ўчоқбошига ўтиб овқатта уннарди. Үғли, Ҳамидуллани ёнига кўп тортди, фойдаси бўлмади. Ҳамидулла кўчагўй чиқди. Кўча деса, ўйин деса ўзини томдан ташлайди. Шу одати катта бўлганида ҳам йўқолмади. Хотини ҳаётлигида болалари, айниқса, ўғлининг тарбиясига Абдуллажон қарамади. Хотинига ташлаб қўйди. Хотини эса касалга чалиниб, ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди-да, ўғини қўлдан чиқариб юборди.

Абдуллажон беихтиёр Ҳамидуллани чақирди.

Унинг ўрнига Фотима жавоб берди.

— Нима ишингиз бор эди, ада? Менга айта қолинг. Тунаганлари йўқ, уйда.

Абдуллажоннинг энсаси қотди. Йигирма учга борган кап-катта йигит, албатта, истаган ишини қилиши мумкин. Истаган жойга бориши, истаган жойида ётиб қолиши мумкин. Лекин одоб, ҳурмат деган гап бор. Наҳотки, уйга кечаси келмаслигини айтиб кетолмаса?

Абдуллажон ҳарбий хизмат анча ўзига келтириб

қўяди, деб ўйлаган эди. Йўқ, икки йил хизмат қилиб келди, аммо ўзгаргани йўқ. Ўқишни истамади. Раиснинг қанотида номигагина ишлайди. Ойлиги қанча, нима қиласди — уни Абдуллажон билмайди. Лекин ёнида доим пул юриши маълум унга. Билади-ю, зарур бўлганда ҳам сўрамайди, Ҳамидулланинг ўзи бермайди. Агар Сабура ҳаёт бўлганида, Абдуллажон у билан қандай муносабатда бўлишини, уй нима, ота нима, кўрсатиб кўярди. Аммо ўн йилдан бери етим ўсиб келаётган болаларининг биронтасига у қаттиқ гапиргиси келмасди. Ҳамидулла буни ўзича тушунди, мутлақо қўлдан чиқиб кетди.

Абдуллажон ҳар доим у билан жиддий бир гаплашиб олиш кераклигини ўйлади, лекин уни кўриши билан фикридан қайтади, мутлақо бошқа гаплардан галиради. Ичида унга ачинади.

Хуллас, ёзниг ўртасида Абдуллажон Салимов эгизак қизлари — Фотима ва Зухра билан ўн икки сотихлик, сердараҳт, серсоя ҳовлиси бўлган хонаённинг айвонида яхши кайфият билан нонуштага ўтиришди. Дастурхон устида сопол товоқларда салп-сариқ қаймоқ, иккита гижда нон, бир лаганча қайнатилган тухум, бир лаганча янги узилган, муздек ювилган чиллаки узум турарди. Ҳамидулланинг уйда тунамаганигини, умуман, у ҳақдаги ташвиш, мулоҳазаларни ҳисобга олмаганда, Абдуллажон ўзини бир баҳтли одамдек ҳис қилиб юборди ўша куни.

— Пешиндан кейин ким мен билан бозорга боради? — сўради битта тухумни лаганча зиҳига уриб чақаркан.

— Мен-да, ада, — деди Зухра. — Тушдан кейин мактабда менинг қиласидиган ишим йўқ. Нима оламиз бозордан?

— Бугун бир сизларни зиёфат қилмоқчиман. Хоҳласаларинг, уч-тўртта ўртоқларингни ҳам олиб келишларинг мумкин. Ошни девзирадан қилиб бераман.

— Ўзимиз ўтирамиз, а, Зухра? — деди Фотима. У отасини аяди. Битта меҳмон ҳам меҳмон, ўнтаси ҳам. Бунинг устига, ўртоқларидан ҳеч ким меҳмон чақираёттани йўқ.

— Ўзимиз ўтирамиз, — унга қўшилди Зухра. — Сан, Раҳималарникидан уч-тўртта пластинка олиб кел. Ўйин тушадиганидан. Ада, қизингизни қандоқ ўйнашини кўрганмисиз? Бунақаси йўқ мактабда!

— Кўй, энсани қотирма! — зарда қилгандек бўлди

Фотима. — Раҳималарни кига ўтишим керак. Китобларим бор. Пластишка ҳам олиб келаман.

Абдуллажон меҳру ҳавас билан қизларига қаради.

— Ада! Агар раиснинг қабулига бормасам, хафа бўлмайсизми?

Зухра унинг хаёлини бўлди.

— Ихтиёр ўзингда. Совға берармиш, деб эшитдим.

— Ҳаммага берса, Фотима меникиниям олиб келади. Менинг бошқа ишими бор.

Зухранинг ҳеч қандай иши йўқ, эди. Бир вақт келиб, бормаганига ўзини қойибди. Борса, уни кутиб турган фожиаларнинг олди олинган бўлармиди? У буни ҳозир билмайди, ҳозир у ўз ташвиши, ўз ишлари билан овора.

Ҳозир у фермага бормоқчи эди. Кеча кучкурун ферма мудирининг ўғли Жиззахдан тўртта пойгачи от сотиб олиб келинганини айтди. У билан бирга шу отларни кўришни ваъдалашиб қўйган. Фермага боришини у, ҳатто Фотимага ҳам айтмади. Айтса, у айнатиши мумкин.

Абдуллажон дастурхонга фотиҳа қилиб, ўрнидан турди. Ичкари эшик олдига боргандা тўхтади.

— Фотима, мактабдан кейин ўргонингни кига борсанг, кеч қолиб кетма. Оқшомгача қайтгин.

— Хўп бўлади, ада. Хавотирланманг.

Абдуллажон билан Зухра бирин-кетин кетишиди. Зухра негадир мактабни тугатишгани муносабати билан тикирилган нўхат гулли оқ, крепдешин кўйлагини киймай, сидирға кўк кўйлагини, оёғига брезентдан тикилган пошнасиз туфлигини кийиб кетди. Фотима «бугун тантанали кун, тузукроқ, кийин!» демоқчи эди-ю, лекин индамади. Зухрага у бугундан бошлаб ҳеч нарса ўргатмаслиги, насиҳат қиласлиги керак. У сўнгти учтўрт йил ичида ўзи ҳам сезмай, барча аёлларга хос ишларда оила бошлиғи вазифасини бўйнига ола бошлаган, бунга уйдагилар ҳам кўннишиб кетишган эди. Уй ишларида у нима деса шу бўладиган бўлиб қолди. Бирон нарса ёқмаса, Зухра бир бурнини жийириб оларди холос, гап қайтармасди. Абдуллажон эса «хўп»дан бошқа гапни айтмасди. Аслида, у фақат Фотиманинг эмас, иккала қизининг ҳам сўзини қайтармасди. Лекин, секин-секин Фотима онасининг ўрнини босаётганини сезиб, у билан маслаҳатлашиб иш тутар, уйга нима ва қанча олиш унинг айтганларисиз бўлмасди.

Фотима айвонни йиғиштириб бўлиб, самоварни ўчоқ

бошига олиб бориб кўйди, чўғдонини тўнкариб, чўғини сув сепиб ўчирди. Ўчган кўмирни яна бир ишлатса бўлар.

Юз-кўлинин ювиб, уйга кирди-да, кийина бошлиди. Зухра билан бир хил қилиб тикирилган нўхат гулли оқ кўйлагини кийди. Иккита қилиб ўрилган узун, қора сочининг учларига оқ шоҳи лента боғлади. Айвонга чиқиб, чармдан тикилган тўқима шиппагини оёқларига илди-да, қайтиб кириб ойнага қаради. Оёғи ёқмади. Тешма гуллик калта пайпогини топиб кийди. Дадаси совға қилган узун тасмалик оқ сумкаласини елкасига осиб, ҳовлига тушди. У бугун жудаям хурсанд эди. Ўн йил давом этган ўқиш тугаганиданми, ё бугун ҳамманинг оддида медаль олганларни мақташларини билганиданми, шу йиғилишда битирғранларномидан ота-оналарга, мактаб ўқитувчилирига жавоб нутқини сўзлаш унга топширилганиданми, ё нотаниш, аммо тасаввур қилса бўладиган ажойиб давр, мустақил, эркин талабалик даври бошланаёттаниданми, ким билади, юраги тўлқинланар, йирик қора кўзлари ёниб, чеҳрасидан табассум аrimасди. Адаси кетиши билан у шу ҳолатта тушган, ўйлари, хаёлларига ихтиёр бериб юборган эди. Яхши ҳам туғилган, яхши ҳам у бор, отаси бор, tengқур, шўх синглиси бор. Яхши ҳам шундай сердараҳт, сергул табиат, шовқин-суронлик, қор, ёмғирлик, жазирама ёзлик, муздек булоқлик ўлка, ҳаёт бор. У келажакдан қўрқмасди. Келажаги порлоқ, бўлишига, баҳтили бўлишига ишончи комил эди. Бугун у етуклик гувоҳномасини олади, шу билан янги ҳаёт бошланади.

У қувончини жиловлай олмай, лабларида табассум билан кўчага чиқди. Серёғду ёз офтоби юзига тушиб, кўзларини қамаштириди. Сумкасини пешанасига тутиб, эшикни қулфлари ва мактаб томон юрди. У аввал идорага бориши кераклигини биларди. Бошқа яқинроқ йўл бор эди идорага. Лекин у мактаб кўчаси орқали боришни истади. Муюлишга етганда, партадоши Рамзидинни кўрди. У кутиб турарди.

— Ваъдалашувдикми? — ҳайрон бўлиб сўради Фотима.

— Йўқ, шундай ўзим, — деди Рамз.

Фотима беихтиёр унинг кийимларига разм солди. У жинси шим, елкалари шокилалик янги оқ кўйлақда эди. Фотима унинг яхши кийинишини биларди. Аммо бугунги кийимларини биринчи кўриши.

— Сарпо муборак! — ҳазил қилди у «Бой ила хизматчи» томошасини эслаб.

— Қуллук... бой опа, — ҳазилни қабул қилиб жа-воб берди Рамз. — Опам совға қилди. Ярашибдими?

— Худди сенга тикилгандек!..

— Ҳа, энди майли, буни ҳам кийиб кўрайлик-чи! Балки шундан кейин баъзиларнинг муносабати ўзга-рар?

— Кимни гапиряпсан? — ўзини билмаганга солиб сўради Фотима.

— Эгизакларнинг каттаси, мактабимиз фахрини.

— Ошириб юбординг мақтовни.

— Ростини айтдим, — Рамз унинг сумкасидан ушлади. — Фотима ишон, гапларимнинг ҳаммаси рост.

— Тошкентта борганда гаплашамиз, дедим-ку? — сумкасини бўшатишга ҳаракат қилди Фотима. — Ўқишига кириб олайлик.

— Вой, сенга нима? Кирдик, деб ҳисоблайвер сен. Битта суҳбат бўлади ректор билан, ё декан билан. Бўлди, пединститутнинг талабасисан. Менга қийин.

— Билмадим, — жилмайди Фотима.

— Нима, ишонмайсанми менга қийин бўлишига?

— Имтиҳонларни албатта топширишингга тўғри келади. Лекин ҳаммаси тўрт, беш бўлади. Сен, албатта кирасан. Кейин, даданг кирмаганингга қўймайдилар.

— Уф! Фотима! Яна эски гапни бошладингми? — хафа бўлди Рамз.

— Кечир, — унинг тирсагидан ушлади Фотима. — Хафа қилмоқчи эмасдим. Лекин гапларим ёлғон эмаску?!

— Мен ўз йўлимдан бораман. Даёдам бошқа олам, мен бошқа. Мен фақат ўз топганим билан яшайман. Наҳотки ишонмасанг?

Фотима жавоб бермади.

— Ишонасанми, йўқми? — Рамз олдинга ўтиб йўлни тўсади.

Фотима жилмайди. Бошини эгиб, сумкасидан ҳошиялик рўмолчасини олди ва қирра бурун учида пайдо бўлган майда тер томчиларини арта бошлади.

Кечга қоламиз, — деди у жавобдан бўйин тов-лаб. — Тошкентда гаплашамиз дедим-ку?

— Бўлди, майли, — йўлни бўшатди Рамз. — Лекин билиб қўй, сенсиз туролмайман.

— Рамз! — жаҳл билан унга тикилди Фотима. — Шунаقا катта гапларни гапирма.

Фотима шундай деди-ю, қизарib кетди. Рамз оғзи қулогига етиб жилмайди.

— Ишонсанг бўлади. Манави сенга!

У чўнтағидан чиройли бир қутича чиқарди. У японлар ишлаган олтин пероли авторучка билан қалам эди.

— Раҳмат. Бунча чиройли экан?

— Японлар-да. Японлар бирон нарсани ёмон чиқарадими?

Гап бошқа ёқса бурилиб кетди. Фотима бундан хурсанд бўлди.

* * *

Хўжалик идорасида кичкина залга жой қилишибди. Ясатиғлик узун стол атрофида ўтирилмас экан, тик туриб овқат ейилар экан. Ким ўтиришни истаса, залнинг четларига, девор тагига қўйилган стулларга бориб ўтириши мумкин эди.

Тешабой ака кўп гапирмади. Лекин унинг гаплари Фотимага ёқди. Қоғозсиз, дилидан чиқариб, содда қилиб гапирди.

— Бугун қишлоғимизда тўй, десак бўлади. Йигирма бир киши бутун ўрга маълумотли бўлди. Қишлоғимиз аҳволини яхши билган бир кекса одам сифатида «ҳамманг қолларинг қишлоқларингда, шу ўқиганларинг етади. Далага чиқларинг, фермага борларинг, боғчаларда тарбиячи бўлларинг», дейишим мумкин эди. Дилимнинг бир четида шундай дегим келиб туриби. Лекин демайман. Шундай дейдиган оталарга, оналарга ҳам қўшилмайман. Биз келажакни ўйлашимиз керак. Болалар ота-оналаридан ўзиши керак. Биттангиз Зебунисодек шоира бўлиб Тошкентда қолсангиз ҳам майли. Биттангиз катта бир олим бўлсангиз ҳам майли. Хуллас, ким дилида нима истаса, шу истагига етсин. Фақат, битта илтимос. Ўзбекистонимизнинг тоғли, тирикчилик қилиш оғир бўлган жойида ота-оналарингиз, сизларга илм-тарбия берган ўқитувчиларингиз бор. Сизларни бағрини очиб кутиб оладиган, ҳар доим иш билан, уй билан таъминлаш қўлидан келадиган жамоангиз бор. Шуларни унутмангиз. Оқ йўл сизларга! Саломат бўлинглар!

Фотима тўлқинланиб кетди. Беихтиёр ёнидаги дугонасининг қўлини қисди. У ҳам ҳаяжон ичида турган экан, қарсак чалиб юборди. Қолганлар ҳам қўшилишиди.

Дарҳол ош тортилди. Тешабой ака ўзи столни ай-

ланар экан, ҳар бир битирувчининг қўлига совға бе-
риб чиқди. Фотиманинг олдига келганда сўради:

— Анави... синглинг қани?

— Мактабда, зарур иши бор экан, — деб алдади
Фотима.

— Манавини унга бериб қўй. Ҳали кетаёттанингда
менга учрашиб кет.

Раис иккита целлофан халтачани унинг олдига
кўйди.

— Хўп бўлади, — деди Фотима, халтачани олар
екан.

Фотима Зухранинг келмаганидан ичида ранжиdi.
Раис курсанд бўларди, ўзи ҳам анча ёзиларди.

Раиснинг нима гапи бор экан унда? Нега чақирди?

Кабоб тортилгандан сўнг, одамлар бирин-кетин тар-
қала бошлашди. Аввало, директор Асомиддин ака бош-
лиқ ўқитувчилар қўзғалишди. Бир соатдан сўнг мак-
табда ҳам тантаналар бошланиши керак эди. Болалар
ҳам биттама-битта кўчага чиқа бошлашди.

Тешабой ака кетиши билан Фотима истар-истамас
унинг хонасига йўл олди. Қабулхонадаги қош-кўзи қалин
бўялган аёл унга бошдан-оёқ разм солиб сўради:

— Кел?

— Тешабой ака чақирган эдилар, — уялинқираб
жавоб қилди Фотима.

Бўйни тўла марварид, тилла зираклари оғирлиги-
дан қулоқларини таранг тортиб турган аёлнинг қара-
ши унга ёқмади. Қандайдир рашқ ва киноя сезди Фо-
тима унинг қарашида.

— Тешабой ака чақирадиган одам кўп. Аввал сўраб
чиқай. Ўтириб тур.

Аёл яна бир марта оёғидан бошигача қараб чиқ-
ди-да, худди ўз уйининг эшигини очгандек, раиснинг
хонасига кириб кетди. Кўп ўтмай чиқди.

— Кира қол, — деди у, энсаси қотиб жойига ўти-
пар экан.

Фотима унга раҳмат, демоқчи эди, лекин ўзини ту-
тиб қолди, индамай унинг ёнидан ўтиб, ичкарига кирди.

— Кел, қизим, — Тешабой ака қўлига олган теле-
фон гўшагини жойига қўйиб, Фотиманинг қаршисига
юрди. — Билсанг керак, ойинг билан бирга ишлаган-
миз. Жуда ақлли, меҳнаткаш аёл эди ойинг. — Раис
ўтири, деб битта стулни стол ёнидан тортиб қўйди-да,
тўрдаги китоб жавонидан битта сурат олиб, жойига
қайтиб келди. — Мана, манави суратта қара. Ойинг

билин қурултойда тушган эдик. Бизнинг хўжаликка иккита ўрин чиққан эди. Мен билан ойинг сайланган эдик. Ўн беш йил бўлди шунга.

Фотима суратни олиб, қаради. Онасини ўн беш, йигирма нотаниш одамлар орасидан дарров топди. Қандай ёш, қандай чиройли эди онаси!

— Ойингдан ҳеч фарқ қилмайсан. Умринг ўхшамасин, қизим...

Тешабой ака чўнтағидан кичкина бир қутича олди.

— Манави соат мендан эсдалик.

— Вой, — ўзини тутолмай гапирди Фотима. — Бояги совғалардаям соат бор экан, керак эмас!

— Бу бошқача соат. Бу соат мендан совға. Тақиб юр, қизим, ол.

Фотима йўқ деёлмади.

— Шунга чақирудингизми, ё бошқа ишингиз ҳам бормиди?

— Бошқа ишим йўқ. Яхши бор.

Тешабой ака унга япалоқ, семиз қўлини узатди. Фотима суратни столга қўйди, ўрнидан туриб қўлини берди. Тешабой ака эҳтиётлик билан уни қучоқладида, пешанасидан ўпди.

— Баҳтли бўл, оппоқ қизим!..

Фотима тўлқинланиб, эшик томон отилди. Эшикни очганида миннатдорчилик билдириш эсига тушди.

— Раҳмат, Тешабой ака!

Фотима кўчада шошиб-пишиб қадам босар экан, кўз олдидан анчагача унга тикилиб қолган раис кетмади.

Мактабга етай деганда, чидамай раис берган соатни очиб кўрди. Боя ҳаммага берилган соатлардан унинг фарқи йўқ эди. Фақат улар «Чайка» заводиники бўлса, бу «Полёт» эди. Йўқ, кейин битта яна фарқига унинг кўзи тушди. Рақамлари майдароқ эди, аммо кўзни оладиган даражада ялтиради. Кечаси ёнса керак, хаёлидан ўтказди Фотима ва тезроқ кеч тушишини истаб қолди. Зухрага бермади. Нима дейди унга? Адасига нима дейди? Бор гапни айтади. Олмаса уят бўларди. Кейин ҳурматли, кап-катта одамнинг қўлини қайтариб нима қиласди?

— Фотима! — чақириди кимдир.

Фотима бошини кўтарди. Мактаб томондан унинг қаршисига Рамз югуриб келарди.

— Қаёқда қолиб кетдинг? Сени қидиришаляпти. Мажлис бошланди!

- Зухрани кўрмадингми? — деб сўради Рамздан.
- Ичкарида йўқ.
- Манавиларни ушлаб тур, келганида берасан. Ўйга ўзи олиб кетсин.
- Тушунарли, юр тезроқ!

Рамзнинг Фотима билан охирги гаплашгани шу бўлди. Етуклик гувоҳномалари бериб бўлингач, бити-рувчилар номидан Фотима гапирди. Рамз уни эшилди. Яхши гапирди Фотима. Ҳамма қарсак чалди. Гапини эшилди-ю, лекин ўзи билан бошқа гаплашгани йўқ. Тантанали мажлис тугаши билан Асомиддин ака ҳаммани спорт залига, чойга таклиф қилди. Радиотармоқдан шанғиллаб мусиқа қўйиб юборишиди. Рамз қўлидаги пакетлар билан зал томонга борар экан, Зухрани қидирди. Залга етганда рўпарасидаги бўш синфдан унинг бир қиз билан чиқиб келаётганини кўрди.

— Зухра! — чақирди у.
Зухра уни эшилди, аммо эътибор бермади. У тўлқинланиб, дугонасига нималарнидир гапирарди. Рамз улар оддига борди. Шунда у Зухранинг кўзлари қипқизариб кетганини кўрди.

- Нима қилди? Йигладингми? — сўради Рамз.
- Э, сўрама! — қўлини силтади Зухра. — Фермада қиёмат қойим.
- Қанақа қиёмат қойим?
- Алиқул ака бор-ку, отбоқар, улоқчи. Танийсанми?
- Йўқ, — Рамз эслолмади у одамни.
- Ўшани раиснинг буйруғи билан қамчилашди.
- Қамчилашди? Uriшди, демоқчимисан?
- Барибир эмасми? Эллик қамчи уришни буюрибди раис. Тағин, биласанми, қандай қилиб?

Зухра атрофига бир қараб олди-да, Рамзнинг қулоғига яқинлашиб, деди:

- Шимини, иштонини ечтириб!
 - Қўйсанг-чи! — ишонмади Рамз.
 - Үзим кўрдим! Бечора, уялганидан хўрлиги келиб, роса йиглади.
 - Ким урди?
 - Ферма мудири, Тожибой ака.
 - Одаммас экан-ку! Нима қилибди отбоқар?
- Зухра билганларини айтиб берди. Ҳозир у келаётганда, буқани ухлатиб, йиқитишаётган экан. Зухра шундай деди-да, раисни қарғади.
- Ер ютсин, бунақа одамни! Одаммас, ҳайвон!..

Рамз индамади. У Зухранинг гапига қўшилдими, қўшилмадими, маълум эмас эди. Унинг хаёли Фотимада эди. Фотима билан бутун кечқурун албатта учрашишни дилига туғиб қўйган, лекин шу пайттacha маъқул вақт топиб, Фотимага айтмаган эди. Мажлис туғаши билан ҳайъат саҳнадаги эшиқдан чиқиб кетди. Фотимани у кўролгани йўқ. Энди залдан топиш мумкин эди.

— Манавилар сизларники, Фотима берди. Ўзинг уйга олиб борармишсан. Чойга кирасанми?

Зухра индамай Рамзнинг қўлидан халтачаларни олди. Фермадаги фожия унга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилган эди. Яна йиғлаб юборишдан қўрқиб, муштлари билан кўзларини ишқалади-да, кўчага чиқди.

* * *

Фотима ўртоғиникида узоқ ўтирумади. Раҳиманинг онаси чойга таклиф қилди. Кўнмади. Кўчага чиқаётганда ортидан чақириб тўхтатди-да, ўзи узган бир бош қора узумни узатди.

— Шуни еб кет бўлмаса! — деб илтимос қилди Раҳиманинг онаси.

Фотима олди. Китобни қўлтиғига қистириб, узумни турган жойида ея бошлади ва беихтиёр соатига қаради.

— Неча бўлибди? — сўради Раҳима.

— Учдан чорак ўтибди.

— Ҳали эрта экан. Ўтиранг бўларди?

— Йўқ, раҳмат, — кўнмади Фотима. — Уйда адам билан Зухра ош қилишмоқчи. Вақтинг бўлса, ўзинг юр. Ошдан кейин Зухра икковимиз кузатиб қўямиз.

— Мен ҳам уйда бўп турай. Шаҳардан акамлар келиб қолишлари мумкин.

Фотима қистамади. Бугун чиндан ҳам ғалати кун, хаёлидан ўтказди у, бугун ҳаммамиз уйимизда, отоналаримиз ёнида бўлганимиз яхши. Бугун учирма қушларнинг кенг қанот ёзадиган куни. Эртадан ҳамма истаган томонига қараб учиб кетади. Ҳеч ким тергамайди, ҳеч ким йўл тўсмайди. Фотима бугун ўзини баланд тоғлар, кенг далалар, эртакнамо шаҳарлар устидан учиб кетаётган қушдек ҳис қиласади...

Раҳималарнинг уйи мактабдан икки чақиримча нарида, катта кўчага бурчак бўлиб тушган йўлнинг орқасида эди. Фотима уйига бориш учун икки муюлишдан ўтиши, кейин катта кўчага чиқиб, ўз кўчасига

бурилиши лозим эди. Ўртоғи билан хайрлашиб, биринчи муюлишга етганда, зангори «Жигули» унинг ёнидан ўтиб кетди. Ойналари қорайтирилганигидан Фотима рулда ўтирган одамни кўрмади. Кўча бирдан чангид кетганидан, беихтиёр машина томонга қараб қўйди, холос. Авжи куннинг қизиган пайти бўлганиданми, ё иш вақти тутамаганиданми, кўчада ҳеч ким йўқ эди. Бир очиқ дарвоза олдида она-бала қўй сувсиз ариқ, ичида қуриган ўт чимдид юарди. Фотима-нинг юраги орқасига тортгандек бўлди. Лекин ўзини босди. Кун ёруғ, қишлоқда кўп одам бир-бирини таниди. Нега хавотирга тушди? У ўзидан хафа бўлиб кетди. Бундай қўрқоқ эмас эди-ку? Тағин, қишлоқда юрибди-я. У дадилроқ қадам ташлади. Чарм шиппаги чип-чип қилиб, олдингидан қаттиқроқ овоз чиқара бошлади. Шунда йўл четидаги бояги зангори «Жигули» кўринди. Машинани кўриб, Фотима анча тинчиди, вужудини қоплаган безовталик тарқала бошлади. Кўчада у ёлғиз эмас экан-ку. Нимадан қўрқиб кетди? Бир нарса бўлса, шу машинадагиларни чақиради.

У тор йўлакдан машина рўпарасига етганда, беихтиёр назар ташлади, лекин ҳеч нарса кўрмади. Шу пайт у кутмаган ҳодиса юз берди. Машина эшиклари очилди. Орқадан оёқ товушлари эшитилди. Фотима-нинг юраги шув этиб кетди. Тўхтаб, орқасига ўгирилди. Юзига ниқоб таққан икки киши кўлларини ёзиб, ўраб олишди. Биттаси унинг бошига рўмолми, бир нарса ташлади, иккинчиси эса белидан даст кўтариб, елкасига олди. Машинага солишганини Фотима темирга биқини билан қаттиқ урилганида сезди. Бақирмоқчи эди, овози чиқмади. Бошига ташланган рўмолни оғзи-бурни аралаш бўйнидан боғлаб, маҳкам ушлаб олишган эди. Эшиклар қарсиллаб ёпилиб, машина бир чийиллаб силтланди-да, учиб кетди.

— Бўлди, рўмолни олиб кўзини боғла, — деган йўғон овоз эшитилди.

— Яхши қиз, жим ўтирасиз, — деди бир овоз. — Товушингиз чиқар экан, манави биқинингиздан дарча очилади. — Нимадир Фотиманинг чап биқинига ботди. Пичоқ бўлса керак. Бу фалокатдан у ҳали ўзига келмаган, боягина бутун вужудини қоплаган қўрқув ёйўқолган, ё сезилмасди.

Фотима йифлаб, ялина бошлади.

— Жон акалар, қўйиб юборинглар! Мен Абдулла муаллимнинг қизи бўламан. Қўйиб юборинглар. Жон

акалар, етимчаман. Ойимиз болалитимизда ўлиб кетган. Хор қилманглар, жон акалар!..

Фотима кўр одамдек тимирскиланиб, ёнидаги кишига ёпишди.

— Ўтинаман! Қўйворинглар!

Жимлик чўқди.

Фотима бир оз таскин топгандек бўлди. Назарида, уни ўғирлаб кетаётганлар ё чиндан ҳам ҳазиллашибди, ё унга раҳмлари келди. «Ойимнинг ўлганлари таъсир қилди шекилли, ўйлаб қолишибди», — хаёлидан ўтказди у. — Ҳозир машинани тўхтатишади-да, қўйиб юборишади».

Машина чиндан ҳам секинлади, Фотиманинг юраги гурсиллаб уриб кетди. Аммо у кутгандек, тўхтатишмади, балки кескин бурилишдан сўнг аввалгидан ҳам тезроқ ҳайдай бошлашди.

— Подшонинг қизи бўлсанг ҳам бугун биз билан бўласан. Қимор нималигини биласанми?

Бу мудҳиш воқеага Фотима ҳамон ишонмас эди. Ҳар эҳтимолга қарши, ўриндиқни ушлаб кўрди. «Кўп қувонган эдим бугун, — хаёлидан ўтказди Фотима. — Мана, оқибати. Кўз тегди қувончимга. Наҳотки?!»

Машина секинлади. Фотима куйга ўхшаб чалинган сигнални эшилди. Танишдек туюлди. Қаерда эшилтан эди? Ҳозир ҳечам аҳамияти бўлмаса ҳам Фотима шуни ўйлай бошлади. Ниҳоят, эсига тушди. Шундай сигнални бор «Жигули»ни ферма мудири Тоғибой аканинг ўғли ҳайдаб юради. Мактабни ўттан йили битирган, Фотима уни қишлоқ, хўжалик институтига кирди, деб эшиствуви. Лекин кўпинча қишлоқда кўтарди. Мўйлов қўйган, сергап, олифта йигит. Машинаси ҳам шунаقا, зангори рангда эди. Балки ўша машинадир? Балки бу безориларнинг ичиди Анвар ҳам бордир? Овозларидан бу иккалови ҳам унга ўхшамайди. Унинг овози ингичка. Фотима эшилса, дарров танийди. Анвар бўлсанку, Фотима ялинади, оёғига йиқилади. Қанча пул сўрашса, рози бўлади. Лекин Анвар пулга зор одамлардан эмас-ку?. Катта-катта одамлар ҳам унга биринчи бўлиб салом беришади. Ишқилиб, Анвар бўлсинда. Анвар юрадиган қиз — ўртоғи.

Фотима шу умида сўради:

— Анвар қаердалар?

— Қанақа Анвар? — дагаллик билан сўради олдинда ўтирган йигит.

— Тоживой аканинг ўғли-да, машинанинг эгаси.

— Бу машина меники, оппоқ қиз. Анварнинг қаер-далигини қўйв органимиздан кейин ўзингиз суринтирасиз. Анварбўйга ошиқмилар, дейман.

Фотима хато қилганини пайқади. Гапирмаслиги керак эди. Энди Анвар бўлса ҳам унга айтишмайди.

— Ана, оппоқ қиз, келдик, — деди ёнидаги одам. — Келиштанимиздай, овоз чиқармайсиз. Мен сизни етак-лаб оламан. Қани, тушинг!

У Фотиманинг қўлидан тортди. Фотима қоқилиб-қоқилиб пастта тушди. Тушмайман, деб туриб олиши, қичқириши мумкин эди. Аммо фойдасиз-да.

— Катта уйга олиб кир, — буюрди йўғон овозли. — Ошга ҳаракат қилишмабди шекилли? — Ҳамид ҳали ҳам ўзига келмаганга ўхшайди. Бор, қара.

Уни зинадан олиб чиқиб, қўйиб юборишиди.

— Кўзиззи ўзиз еча қолинг, опоқ қиз.

Фотима шошиб, кўзларидағи боғични олиб ташлади.

Аввал ҳеч нарса қўрмади, кейин деразаларга қалин қорамтири парда тортилганини, парда четларидан оқчизиқдек бўлиб қуёш нурлари тушиб турганини кўрди. Эшик олдида турган одамнинг қоп-қора сояси кўзга ташланди.

— Шўтта тек ўтири, — буюрди у.

Эшик очилганда, Фотима унинг Рамздан сал каттароқ йигит эканини кўрди. Башарасини илгаб ололмади. Тез чиқиб кетди. Фотима хонани кўздан кечира бошлади. Бир неча қадам юрди. Аммо девор кўринмади. Демак, хона катта. Яна бир неча қадам босганди, нимагадир қоқилди. Эгилиб, ушлади. Қалин, икки қават қилиб солинган кўрпача. Секин шу кўрпача усттига чўккалади. Дераза, эшик тирқишиларидан тушиб турган ёруғга кўп ўтмай кўниди. Хона ёришгандек бўлди. Тўрт токчалик, катта уй экан. Токчаларда шиша идишлар, коса, пиёлалар тахлаб ташланган, улар ўтрасидаги девор қозиқларида узун-узун сочиқлар осиғлиқ турарди.

— Мунча ухламасанг, шишиб кетибсан-ку? — йўғон овозли одамнинг дўқи эшитиди.

— Кеча сал ошиб кетибди. Бошим ёриламан деянити.

— Кеча ютқазганингни биласанми? — ўшқирди йўғон овозли. — Бор, уйингга жўна. Эплаган одам ўйнайди.

— Ютқазган бўлсам тўлайман. Шунга шунчча ваҳимами?

Овоз танишдек кўринди. Ким бўлди экан? Фотима ҳамма таниш йигитларни бир-бир эслаб чиқди. Ҳеч кимга ўхшатмади. Бирдан «вой!» деб юборди. Наҳотки акаси, Ҳамидулла бўлса? Боя машинада кимнидир Ҳамид деб айтишувди...

— Ҳамидулла ака! — қичқирди у овозининг борича.

Ҳеч ким жавоб бермади. Фотима юраги ҳаприқиб, дераза одига борди. Зарб билан пардани тортиди, у йиртилиб, хона кўзни қамаштирадиган ҳолда ёришиб кетди. Фотима кучини борича дераза ойналарини мушт билан ура бошлади. Битта деразанинг кўзи синиб кетди. Аммо дераза икки қаватли, устига-устак ўртасига темир тўр тортилган экан. Очган билан чиқиб кетишнинг иложи йўқ, эди.

— Ҳамидулла ака! Ҳамидулла ака! Мен Фотимаман! Келинг! Мени ўғирлаб келишди! Кутқаринг, Ҳамид ака!

— Даюс! Ўлгинг келдими?

Йўғон овозли йигит хонага кирди.

— Сенга нима дедик? Тек ўтири. Йўқса, шу хонадан омон чиқмайсан!

У Фотиманинг юзига бир шапалоқ туширди. Фотима гандираклаб йиқилди.

Йигит деразани ёпиб, яна пардани илиб қўйди.

— Ҳамидулла ака акам бўлади. Уялмайсизларми?

— Аканг бўлса баттар бўл! Қимор ака-уканиям, ота-онаниям тан олмайди. Боя сенга қозоқнинг тўққиз пулидек қилиб тушунтиридим. Додла, қичқир, фойда-сиз! Омон қолишини ўйла-да, тек ўтири...

— Жон ака! Тегманг. Етимчаман. Раҳм қилинг! Қўйиб юборинг. Ўлгунимча хизматингизни қиласман.

— Раҳмим шуки, кечкурун уйингта борасан. Бир ҳафта, бир ойга олиб қолсак, нима қиласдинг?

Йигит уни ўзига тортиди.

— Йўқ! Ҳамид ака! Адажон!

Жон ҳолатда қичқириб юборди Фотима. Шу тоб қулоғига мушт тушди. У шуни билади. Кўзлари ёниб, боши ёрилгандек бўлди. Кейин нима бўлди, билмайди.

Қулоғи остида бир йўғон овозли йигитнинг хирилаши, бир шеригининг кулгиси эшитилди. Чамаси бир соатлардан сўнг, у ҳеч нарсани сезмайдиган, англа-

майдиган бўлиб қолди. Бир маҳал у машина овозини ёшитди. Шунда кўзини очди. Кун боттан, қоронги туша бошлаган эди. Аммо осмон бўм-бўш, юлдузлар ҳам кўринмасди. Машинанинг овози йўқолди. Қаерда у? Пардаларни очищдими? Ётибдими у, ўтирибдими? У атрофига қаради. Шунда билди. У жўхоризор ичида ётарди. Шошиб бошини кўтарди. Бу ҳаракатидан бўйинларигача оғриб кетди. Қаерда экан бу жўхоризор? Уни нега ўлдиришмади, бу ерга олиб келиб ташлашди? Ўлгани маъқул эди бу ҳолидан. Қаер бу? Қишлоғидами, ё бошқа жойдами?

Фотима бир амаллаб ўрнидан турди. Икки қадам нарида йўл кўринди. Гандираклаб унга чиқди. Шундагина ўзига разм солди. Кўйлаги фижимланиб йиртилган эди. Атрофига қаради ва турган жойини таниган дек бўлди. Ўз қишлоғининг орқасида эди бу жўхоризор. Тўғрига юрилса, узумзор келади. Унинг олдидағи ариқдан ўтилса қишлоқ. Катта кўчага чиқмасдан, шу узумзор ёқалаб ҳовлисига ўтиб олиш мумкин. Адаси, Зухра уйда бўлишса керак ҳозир? Хавотир бўлиб, уни кутишаёттандир? Нима дейди уларга? Қайси юз билан уларга қарайди? Одамлар, айниқса, аёллар, қизлар ўзларини ёқишибди, осишибди, деган хабарларни эшитганда, у тушунмас эди. Қандай қилиб одам, тирик юрган одам, бола-чақаси, қариндош-уругларини ўйламай ўз жонига қасд қиласди? Қўли қандай боради ўзини ёқишга, осишга? У ўртоқлари билан тортишарди. Шундай даҳшатли йўл танлаган одамларни қораларди. Уларни ожиз, шахсиятпаст, деб ҳисобларди. Бошга тушганни кўз кўрар, деб бекорга айтмас эканлар. У энди қандай бош кўтариб юради, қандай яшайди? Турмуш куриш, бола-чақалик бўлиш ҳақида энди гап бўлиши мумкин эмас. Уни ким олади энди? Оладиган топилганда ҳам унинг шафқатини қабул қилиб, қош-қовоғига қараб юролмайди. Қанисиз, тонгти орзулари? Сизни ўйлаган, ярим кун бурун ўзини баҳтли ҳисоблаган қизни кўзи ёмон экан. Ўз кўзи ўзига тегди. Энди сиз йўқсиз, осмонда, фалақда чараклаган юлдузлардек чараклаб юракни ёритиб, тўлқинлантириб турган эдингиз. Энди сўндингиз, орзулар. Энди сиз йўқсиз. Сизни ўйлаган қиз ҳам энди йўқ. Хасадигина ҳаммадан қочиб, ҳаммадан уялиб уйи томон кетяпти. Яхши кўрган одамлари — отасини ҳам, Зухрани ҳам кўргиси йўқ. Ким эди, ким бўлди энди? Нима ёмонлик қилувди у одамларга? Нима гуноҳлари учун уни бундай хўрлашди?

Кимлар уни хўрлаганлар? Наҳотки ҳайвонсифат бу маҳлуқларни ер кўтариб юрса? Ер! Сен яхшини ҳам, ёмонни ҳам бағрингта оласан. Нега? Нега ёмонни ютиб, яхшини кафтингда олиб юрмайсан? Нега ҳаммага баравар сахийлик қиласан? Йўқ, яхшига сахийлигинг кам. Баравар бўлганида, уни зўрлашаётганида ҳаммани, Фотимани ҳам ютиб юборардинг. Ютмадинг, шўрлик қизни азобга қўйдинг. Унинг боши эгилди. Бошқа кўтарилмайди. Бугун унинг сўнгти куни бу ҳаётда. У ҳали кўп яшамоқчи эди. Ҳаммага, она ер, сенга ҳам яхшилик қилмоқчи эди. Умри қисқа экан. У бу ҳаётдан шундай эрта кўз юмишни хаёлига ҳам келтирмаган эди. У ўзини ўлдирмоқчи эмасди. Уни ўлдирдилар. Кўпчилик бўлиб юз, кўзига чанг солдилар. Ифлос кўллари, бадҳид оғизлари онаси эркалаб улгурмаган, аллалаб силамаган баданини ҳаром қилди, кўкраклари, лабларига сўлакларини оқизиб, сўйлоқ тишларини ботирдилар. Худо! Чақир уни ўз ҳузурингта! Босидан силаб, меҳрига тўймаган онасининг олдига жўнат. Она-бала топишсинглар, дардлашсинглар, бир-бирларини овутиб, мангу сенинг паноҳингда бўлишсин. Ер юзида уларни ҳимоя қиласиган топилмади. Ўн гулидан бир гули очилмай ҳазон бўлган Фотима қизингни ортиқ хўрлашгани қўйма, паноҳингта ол, Худо!

Фотима таниш экинзорлар, полизлар ва боғлар орасидан ўтиб, ўз ҳовлисига яқинлашди. Қаёқдандир бир катта ола ит вовуллаб келди, таниб тўхтади-да, ғингшиб орқага қайтди.

Айвонда ўчоқбошида чироқ ёниқ эди, лекин ҳеч ким қўринмади. Фотима келган томонда биронта пахса ёки фишт девор йўқ эди. Хўжалик еридан ҳовлиларини катта ариқ ажратиб турганидан, кейин ҳеч қандай йўл ўтмаганлигидан қўни-қўшнилар, бир-бирларидан ерларини кимдир симга тортилган янтоқ, кимдир тол новдалари билан ажратиб олишган эди. Абдуллажон билан ён қўшнилари ўз чегараларига яхши ният билан зич қилиб терак экишган эди. Ҳозир уларнинг бўйи томдан ошган, танаси арава шотисидек бўлиб қолган эди.

Фотима бекиниб-суқиниб шу тераклар орасидан ўтди.

— Зухра! — чақирди у овозини кўтармай.

Молхонадан сигирларнинг бўғилиб мўърагани эшитилди.

Ховлида ҳеч ким йўқ эди. Ҳойнаҳой, уни қидириб кетишган. Фотима ўчоқ бошига кирди. Дамланган ош хиди димоғига урилди.

Уйда ҳеч ким йўқдигидан у ҳозир севинди. Шопшиб сув крани тагига борди. Яхшилаб ювинди. Юз, қўлларини бир оз шарқираб тушаётган сувга тутиб турди, кейин уйта кўтарилди. Ечинди. Устида ҳеч нарса қолдирмади. Йиртиқ, қон қоттан кийимларини бир қилиб ўради-да, эшик тагига қўйди. Кейин жавондан ҳонатлас кўйлагини олиб, биринчи марта кияётган ички оқ сурп кўйлак устидан кийди. Сочини шоша-пиша тарафада, ёзув столи ёнига бориб ўтириди. Бир зум хаёлга чўмди. Дафтардан бир варақ йиртиб олиб, олдига қўйди. Яна хаёлга чўмди. Ўзи сезмаган ҳолда кўзларига ёш келди. Ўтириб йигламоқчи бўлди, аммо ўзини ушлади.

«Зуҳра! — деб ёзди у. — Мендан бир зумгина кичкина синглим, силкаш ўртогим, ақллигим, меҳрибоним!

Мени кечир. Хайрлашмай кетяпман. Адамлар ҳам мени кечирсинлар, айт.

Раҳималарникидан қайтаётганимда, қиморбозлар мени ўғирлаб кетишиди. Зангори «Жигули»да (рақамиши кўролмагим) қаёққадир, қишлоғимизнинг четираги бир ҳовлига олиб бориб, катта, қоронғу ҳонага зўрлашиди. Улар уч киши эди. Ҳеч қайсисини танимайман. Биттасининг, бошлиқлари бўлса керак, лақаби «Қийшиқ». Кулганида лаблари бир томонга тортишиб кетади.

Иккинчиси — йўғон овозли, гавдали одам. Рулда ўтирган шу. Бошимга рўмол ташлаб бўғтанининг биронта белгисини айттолмайман.

Зуҳра, уларга кучим етмади. Яна тўртинчиси ҳам бор. Унинг овози қулогимда қолди. Ҳовлидан эшишилди унинг овози. Бу овоз акамизнинг овози эди. Агар адаштаган бўлсам, кечир. Ҳудодан ҳам кечиришини сўрайман. Акам ҳам кечирсан.

Энди менга бу дунёда ҳаёт йўқ. Яшолмайман. Мени хўрлаганлардан ўч ол, демайман. Йўқ. Ўзингга эҳтиёт бўл. Ёлғиз юрма. Адамларни ёлғиз қўйма. Турмуш қурсанг, шу уйда, адамиз ёнига қур.

Агар нариги дунёда ҳаёт бўлса, ойимларни топаман. Икковимиз сенга баҳт, узоқ умр тилаймиз. Узок-узоқ йиллардан кейин учрашгунимизча хайр.

Молхонага адам билан бирга кир. Яхшиси, кирма. Адамлар кирсилар. Тезроқ кирсилар. Қоронғидан күркәман.

Сени севган, умри қисқа, баҳтсиз опанг — Фотима».

Фотима хатни икки буклаб устига «Зухрага» деб ёзди. Кейин айвонга чиқиб, хонтахта устига қўйди. Устига пиёла бостириди. Шу пайт кўча томондан қандайдир овозлар эшитилди, лекин адасининг ҳам, Зуҳранинг ҳам овози улар ичида йўқ эди. «Шошилиш керак, — қарор қилди у ва бирдан ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. — Ойижон! Нега туғдингиз мени?!»

V

Майор Алиев эрталаб ишга кетаётуб, Шаҳодат опаникига кирди. Хотинининг айттанлари уни қизиқтириб қўйган, йўқолган жувоннинг ишига алоқадор янгилик пайдо бўлган эди.

Шаҳодат опа уни кўриб, кўзларига ёш олди. Алиев ўзича юпатди. Кейин Шаҳодат опанинг ўзидан соат ҳақидаги ҳикояни эшилди.

— Бошим фовлаб кетди, болам, — деди Шаҳодат опа. — Қаёқданам шу соатни тоғдиму Акоп соатсозга олиб бордим? Жойида тураверганида, бу ташвишлар йўқ эди.

— Илгари тақиб юрганини кўрганмидингиз? — деб сўради Алиев.

— Йўқ, — бошини чайқади Шаҳодат опа. — Унинг бошқа соати бор эди. Кичкина, думалоқ. Аёллар тақадиган соат. Буни кўрмаганман. Қачон олиб келганини ҳам билмайман.

— Куёвингиз-чи? У киши ҳам бехабарми? — сўради соатни яна бир бор кузатаркан Алиев.

— Билмадим... У Шоҳидага жаноза очганимиздан кейин деярли келмай кетди. Ҳафамасман ундан. Ўзим айтдим унга уйланинг, деб. Мабодо келиб қолса, албатта сўрайман.

— Ҳа, бир суриштириинг, — маслаҳат берди Алиев.

— Кеча хўжалиқдан келишган эди...

— Қайси хўжалиқдан?

— Шу куёвимнинг хўжалигидан. «Шифокор»дан. Раиси Тешабой aka жуда яхши одам. Ҳайит яқинлашганига бир машина нарса юборибди. Ўшалардан Пўлат-

жонни сўрасам, Таллиндами, шунаقا дейиши. Яна зотли мол олиб келгани кетибди.

— Балки у ҳам билмас, — тахмин қилди Алиев. — Лигар билганида суриштиради, сизга айтарди. Нима Амдингиз, опа?

— Тўғри айтасиз, — маъқуллади Шаҳодат опа. — Шундоқ қимматбаҳо нарса эсидан чиқармиди? Манга, Қодиржон болам, бир нарса аён. Соатни куёвим совға қилган бўлса керак.

— Ҳозир бир нарса дейиш қийин, — эҳтиётлик билан эътиroz билдириди Алиев.

— Юрагим ёниб кетяпти, — яна кўзига ёш олди Шаҳодат опа. — Бедарак кеттани ўзи азоб эди, бадном бўлиб кетмадимикан, деб қўрқаман.

— Ўзингизни босинг, опа, — юпатди уни Алиев. — Ким билади, балки тириқдир? Келиб қолиб, бу соатнинг тарихини ўзи айтиб берар?

— Тилингизга асал, болам!

— Соатни менга беринг. Аввал яхшилаб текширитирай. Кейин шуғулланамиз. Қизингизнинг иши ёпилганий йўқ. Қидириш давом этяпти. Соат янгилик бўлди.

Шаҳодат опа соатни рўмолчага ўраб, Алиевга берди.

— Ишқилиб, мени тинчитинг, болам, қизишиб гапиряпман. Тирик бўлса, ҳамма гуноҳидан кечаман. Бегуноҳ бўлса, оёғига йикиласман.

Алиев нима дейишини билмай, кўчага чиқди. Фалати, ҳеч тушуниб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолган ёди Шаҳодат опа. Қизи на осмондан топилади, на срининг тагидан. Қаёққа кетган, нима бўлган, ҳеч қандай маълумот ҳеч қаерда йўқ. Уйига кириб кетиб йўқолган куни клубда кино бўлган, кино кетаётган пайти уни гўё кўришган. Шундан кейин, у қаёққа кетди, ким билан кетди, ҳеч ким билмайди. Қидиришлардан ҳалигача бирон нарса аниқлангани йўқ. Алиев шундай воқеаларни эшитган эди. Австралияда, Америкада чиройли-чиройли қизларни, хотинларни ўғирлаб, бир ой, ярим ойдан сўнг, меъдаларига теккандан кейин, раҳм қилишса қўйиб юборишар экан. Жинларига теккан бўлса, бешафқат одамлар бўлса, ўлдириб, ўлигини у ёқ-бу ёққа ташлаб юборишар экан. Уч-тўртта шундай воқеани у ўқиган эди. Бизда ҳам шундай, шунга яқин воқеалар бўлган. Лекин Алиев бунаقا ишга ўзи ҳеч дуч келмаган эди. Охирги шундай воқеа Қозонда бўлган. Қандай текшириб изи-

ни топишганини билиш учун одам юборсаммикан? Ким билади, балки ўхшаш усул қўллаган бўлишлари мумкин. Бунинг устига, бу соат чиқиб қолди. Шубҳа-сиз, соатда гап бор. Бир жойга у етаклаб бориши керак.

Қодиржон Алиев вазирликка келиб, ўз хонасига кирганда, беихтиёр жигар ранг «Жигули»ни эслади ва дераза олдига борди. Таниш машина яна пайдо бўлган эди. Демак, уни кузатишшайтгани аниқ. Бир шўхлиги тутиб, ҳозироқ пастта тушиб, унинг ичида ўтирганлар билан чапаничасига гаплашгиси келди. Аммо бундай қилиш енгилтаклик бўларди. Улар шуни ҳам эътиборга олган, унинг асабига тегиб, қолипдан чиқармоқчи, тўпалон солиб, жавобгарликка тортишдек тухматга ҳам боришмоқчи бўлишса-чи? Кутиш, кузатиш керак, бошқа илож йўқ. Лекин улар ким, машина кимники, билиб қўйиш зарур.

Алиевнинг янги тузилган бўлими, қабулхона котибини эътиборга олмагандан беш кишидан иборат эди. Капитан Алижон Раҳмонов барваста, оғир табиатли, яқинда ўтгиз бешга кирганига чойхонада ош қилиб берган, бир куни беш маҳал бўлса ҳам ошдан тап тортмайдиган Алиевнинг кўп йиллик ўртоги. Ўкта И smoилов катта лейтенант, кўзлари доим кулиб турадиган, қачон ҳазил, қачон чин гапираётганини билиб бўлмайдиган, бўш қолганда шеър мутолаа қиладиган шўх йигит — шу учалови, албатта, Алиев билан, бўлимнинг асосини ташкил этишарди. Улар илгари ҳам бошқаларга қараганда кўпроқ бангилар, кўкнорифурушлар билан шугулланишган эди. Янги олинган ёш йигитлар, лейтенантлар Лутфулла Ҳодиев, Расул Махкамов Алиев ҳақида кўп эшлишгани учун, ўзлари унинг олдига илтимос билан шаҳар милициясидан келган ҳали тажрибасиз одамлар эди.

Алиев уларнинг ҳаммаси билан биринчи иш бошланган кунданоқ, ўзини тенг тутди, шу билан, қадроналари Раҳмонов, И smoиловлардан ташқари ёшларнинг ҳам ҳурматини қозонди.

Бир даста газета кўтариб котиба қиз — Матлуба кирди.

— Салом, Қодир ака!

Алиев деразадан кўзини олди.

— Салом. Қандай янгиликлар?

— Йўғонтепадаги бир ҳодисани ҳисобламаса, деярли тинчлик.

— Қандай ҳодиса экан? — қизиқди Алиев жойига келиб ўтиаркан.

— Бир қиз ўзини осиб қўйибди.

— Қани ўша хабар?

Матлуба дарҳол қоғозлар ичидан ажратиб, ўша хабарни узатди. Вилоят бошқармасидан бутун юборилгани телеграмма эди бу. Яна Йўғонтепа! Алиев тутоқиб кетди. Телеграммада ўн етти ёшли Фотима Салимова менган қиз ўз уйида ўзини осиб ўлдирганлиги ва бутун эрталаб кўмилганлиги, экспертиза уни ўзини-ўзи ос-
ганлигини тасдиқлаганлиги ёзилган эди.

— Нима бўлди ўзи? — овозини чиқариб ўзича деди Алиев. — Йўғонтепа кўзғолдими?

— Лаббай? — ҳайрон бўлиб сўради Матлуба.

— Йўқ, ўзим. — Алиев телеграммани ёнига қўйди-да, зарб билан устига мушт туширди. — Ҳамма йигил-
ганида айтинг, киришсин.

— Ҳамма ўз жойида. Чақираверайми?

Алиев бошини силкиди.

Биринчи бўлиб катта лейтенант Исмоилов кирди.

— Раҳматли Ашурали Исматов яна бир одамни етак-
лаб кетибида-да? — у қўлинни узатиб сўрашди.

Алиев саволдан ўзини тўхтатолмади.

— Кимни?

— Ўқувчи қизни, — Исмоилов соатига қаради. —
Кўмиб бўлишди ҳозир.

— Ҳа, ўзини осиб қўйғанни айтаяпсанми? — энди тушунди Алиев. — Нега бундай қилди экан?

— Аълочи. Кумуш медаль билан битирган экан мак-
табни. Отаси ўқитувчи экан шу мактабда. Қодир Али-
евич, халқда бир гап бор. Эгизаклардан биттаси ўлса,
иккинчисини ҳам олиб кетар экан.

Хонага Раҳмонов, кетидан бошқалар киришди.
Алиев улар билан сўрашар экан, ўртоғига мурожаат
қилди.

— Алижон Ҳасанович, деразадан бир қара, нима
кўряпсан майдонда?

Раҳмонов дераза олдига борди.

— Майдонда учта машина турибди. Иккитасини
биласан. Ходимларимизники. Жигар ранг «Жигули»
нотаниш.

— Ҳамма гап шу «Жигули»да. Яхшилаб қараб ол.
Шуғулланишга тўғри келади.

— ДАНдагиларга айтиб қўйдим, аниқлашяпти, —
гапга аралашди Ўқтам Исмоилович.

Ҳамма ўтиргач, Алиев чўнтағидан Шаҳодат опадан олган соатни чиқарди ва ёнида ўтирган Раҳмоновга узатди. Ўзи эса Йўғонтепадаги фожиа ҳақидағи телеграммани ўқиб берди.

— Жиноят жиноятни бошлаб келади. Буни ҳаммамиз биламиз. Йўғонтепада қисқа вақт ичида бир нечта воқеа юз берди. Улар бир-бири билан боғлангани-йўқми, бизга ҳозирча қоронгу. Аввал ҳаммасини бир-бир эсга олайлик, кейин нима қилишни маслаҳатлашамиз.

Алиев одамлар йифилгунча тайёрлаб қўйган қофозларига бир қараб олди.

— Етти йил бурун «Ўзбекбирлашув» экспедитори Тангатоғди қишлоғи тепасидаги қоядан йиқилиб ҳалок бўлувди. У Дуркентта аҳолидан доривор ўтларни сотиб олиш учун «Шифокор» жамоа хўжалиги билан янги битим тузиш учун борган эди. Бу йил унинг қизи Шоҳида Луқмонова — Дуркент Маданият уйи мудираси беному нишон йўқолди. Бугун, тўрт кун бўлди, кўкнори экилган ерлар топилгани ҳақида хабар келди. Бир кеча ўтмай борилгандা Йўғонтепа, Тангатоғди қишлоқлари тепасидаги шу кўкнорилар ўриб олингани ва қаёққадир олиб кетилгани маълум бўлди. Ўша куни кечаси ёки кечқурун милиция сержантини Исматов бўғиб ўлдирилди. Шуларга қўшимча Йўғонтепада ўнинчи синфни медаль билан битирган қиз, Фотима Салимова кеча ўзини осиб қўйган. Шоҳида Луқмонованинг онаси қизининг уйини йиғиштираётуб, манави соатни топган. Ҳар бир рақамнинг ёнидаги манави нуқталар бриллиантдан эмиш. Яна бир гап. Қандайдир одамлар менинг уйимга телефон қилишиб, кўкнори бўйича олиб бораётган ишимишни тўхтатишини, Йўғонтепага бошқа қадам босмасликни буюришибди. Агар қулоқ солинмаса, қизим ё ўғлимга бир бало бўлиши мумкин эмиш. Бу кечаги гап. Мени кузатишяпти. Шу одамлар ҳозир ҳам пастдаги майдонда жигар ранг «Жигули»да ўтиришибди. Нима эсимдан чиқди? Назаримда, ҳаммасини айтдим. Ўн дақиқа танаффус. Кейин режаларимизни келишиб оламиз.

Танаффусдан кейин йиғилиш икки соатча давом этди. Капитан Раҳмонов жигар ранг «Жигули» ва ундиндаги одамлар ҳамда соат билан шугулланадиган бўлди. Ҳодиев билан Маҳкамов фуқаро кийимида Равшан билан Райхоннинг институтларига боришади, хуллас, уларнинг ҳавфсизлиги билан шугулланишади. Алиев

капита лейтенант билан Дуркентта кетади. Алиев Али-жонидан «Шифокор» жамоа хўжалигининг сўнгги беш ишил ичида ишлаб чиқарган маҳсулотлари қаерларда, кимларга сотилгани ва шу ишларда шахсан хўжалик ғаиси Тешабой Султоновнинг иштироки қандайлиги-ни билишни ҳам илтимос қилди.

Селектордан котибанинг ташвишли овози эши-тилди.

— Ўртоқ майор! Шаҳар трубкасини олинг. Ўғли-гиз!

Алиев гўшакни олиб қулоғига тутди.

— Дада! — Бу Равшаннинг овози эди. Алиев ўғли-нинг ҳаяжонда эканини сезди.

— Гапиравер. Қулоғим сенда.

— Дада! Мени кечиринг. Машинамизни ўғирлаб кетишиди.

— Қаерда? Қачон? — шошиб сўради Алиев.

— Ярим соат бўлди. Телефон топгунимча шунчавақт ўтди. Бешёғочдан гапирияпман. Бозорнинг рўпаграсидаги гастрономдан. Тўғралган сабзига борувдим бозорга. Опам сўровдилар. Сабзини олиб чиқсан, машина йўқ. Кулфлаган эдим. Секреткага ҳам қўйган эдим!

— Опанг билан бирга борсанг бўлмасмиди? — сўра-ди Алиев саволи фойдасиз эканлигини билса ҳам ўзи-ни тутолмай.

Равшан жавоб бермади.

— Ҳеч қаёққа жилма, — буторди Алиев. — Ҳозир Ўктам Қўчқорович боради. У кишининг машинасида уйга борасан. Эшитдингми? Синглингта ҳам айт. Уй-дан чиқмасин.

У гўшакни қўйди:

— Эшитдинглар, машинани ўғирлаб кетишибди.

— Менга рухсат беринг! — капитан Раҳмонов ўрни-дан турди. — Чиқиб ДАН билан боғланаман.

— Майли, Қара-чи «Жигули» турибдими?

Капитан Раҳмонов дераза оддига бориб кўчага қа-ради.

— Қизиқ, турибди!

— Демак, яна бир гурух ишлайпти, — хулоса қил-ди Алиев.

— Мен ҳам борай бўлмаса. Равшани ташлаб, дар-ров қайтаман. — Исмоилов ҳам ўрнидан турди.

Равшаннинг телефони йиғилишга кутилмаган якун ясади. «Мени шоширишпти, — хаёлидан ўтказди Али-

ев. — Демак, нимадандир улар хавотирга тушган. Икки кун муҳлат беришган эди. Бир куни ўтди, холос. Нима сабаб бўлди экан? Нега шоширишяпти? Балки бу хавотирга тушишдан эмас, балки беллари бақувватлигидан, ўзларига ишонганликларидандир?!»

Жумбоқлар оз эмас эди. Тинч, хотиржамлик билан уларни ечиш учун уйидан одам хотиржам бўлиши керак. Алиев ўзича Санобарни койиди. Нега болани машинада ёлғиз чиқаради уйдан? Шундай ўйлар экан, бир қоп сабзи олиб қўйишни ва уйда тўғрашни одат қилишни дилига туғиб қўйди.

Улар ҳужум бошлишди. Ўзларига эркинлик яратишмоқчи, ундан шуни талаб қилишяпти. Рози бўлса, шубҳа йўқ, невара, эвараларигача беташвиш, тўқ турмуш кечирадиган бўлишади. Ҳозиргидек амал-тақал қилиб яшамайди. Улар унинг моддий имкониятларини яхши билишади. Шу билан уни қўлга олишмоқчи бўлишяпти. Йўллари синалган, тажрибали прокурор, милиция ходимларига ҳам бу аён. Аввал дўқ, пўписалири охирги уринишлари. Кўнса бўлди. Улар шуни кутишяпти. Шунга шошилишяпти. Кўнмаса, қандай йўл билан бўлмасин, ундан қутулишни ўйлашади. Янги одам унинг ўрнига келиб, то иш билан танишгунча, уларнинг кетига тушгунча, давлатларини икки-уч ҳисса кўпайтириб олишади.

Ички телефонда капитан Раҳмонов уни чақириди.

— Шаҳардан чиқадиган ҳамма йўллар кузатила бошлианди. Машина оқ, эди-а? Оқ «Жигули». Ноль олти?

— Ҳа, Орқадаги чап чироғи синик.

— Ярим соат ичида шаҳардан чиқиб улгурмайди. Ўн дақиқадан бери ҳамма «Жигули»лар тўхтатиляпти.

— Раҳмат. Бу «Жигули»чи? Пойлоқчимиз?

Раҳмонов уни тушунди.

— Жигар ранг «Жигули» йўқ. Аммо у ҳақдаги маълумотлар қўлимда. Истасангиз олиб кирамиз.

Капитан шундай деб гўшакни қўйди.

Дуркентта дори заводларидан олинган маълумотлар билан боргани маъқул эди. Алиев шуни эслаб, капитанни чақириди.

— Расул Икромович билан боғланинг. Менга дори заводлар бўйича маълумот керак. Одимилик? Олмаган бўлса, ким, нима халақит беряпти, билинг.

— Маълумот менда. Энди олиб кирмоқчи эдим.

— Жуда яхши. Олиб келинг.

Маҳкамов қолдирган маълумот бир жумладангина иборат эди:

«Майор Қ. Алиевга, Тошкент, Самарқанд химфарм-заводлари шу йил ичи «Шифокор» хўжалигидан кўкно-ри олишган эмас.

Маҳкамов».

Алиевга энди бир нарса аниқ. Шошилаёттаганлари-нинг сабаби — ўриб олинган кўкнори қишлоқда, кимларнингдир уйида. Олиб чиқишига кўрқишияти. Кимларнида экан? Бутун қишлоқни шубҳа остига олиб, ҳамма уйни тинтиб чиқиб бўлмайди. Кўкнори экадиганларни секин суришириш керакмикан? Биринчи гадда жамоа хўжалиги, кейин, «Ўзбекбирлашув» экспедитори кимлардан қонуний йўл билан бу нарсани олиб келгандар, аввал шуни аниқлаш керак. Алиев бу ишни майор Сиддиқовга топширишни ўйлаб қўйди. Вилоят милиция бошқармасида кўкнорифурӯшларнинг рўйхати бўлиши керак. Бўлмаса, зудлик билан топишга тўғри келади. Кўкнори билан сўнгти тўрт-беш йил ичида кимлар жиноятга тортилган, суд қилинган, буни ҳам аниқлаш керак. Буни Ҳодиевга айтади, республика суди, прокуратура, шаҳар идораларидан ахборот олса зиён қилмайди.

Исмоилов кирди.

— Халақит бермадимми?

— Кел, — Алиев бошини кўтарди. — Ташлаб келдингми? Мени кечир. Гап машинада эмас. Болалардан хавотирдаман. Улар ҳеч нарсадан тап тортмайдиганга ўхшайди.

Исмоилов ўтириб, оёқларини чалиштириди-да, сигарет тутатди.

— Бешёғочга бориб, мен ҳам шуни ўйладим. Бир нарса эсимга тушиб кетди. Пив заводни унутиб юборган бўлсангиз керак? Эслаяпсизми? Бухгалтерни қайнааб турган барданинг ичига ташлаб юборишган. Кейин пияниста эди, деб гап тарқатишган. Эсладингизми? Ана ўшанда ҳамма бемазагарчилик воситачиларда очилган эди. Кўкнори ҳам шунга ўхшаб кетади. Ишлаб чиқарувчи, жамоа хўжалиги, яққаҳол дехқон, албатта қўли эгри дехқон, бангилар. Ўртада савдогар. Уни бунга, буни унга уриширади, бизни, қонун-

ни, халқни чалғитишга уринади. Машинангизни олиб кеттан югурдак болалар ана шу воситачиларнинг хизматкори.

— Шундай бўлса ажаб эмас. Лекин биласанми, мени бир нарса ҳайрон қолдиряпти. Ўша яширинча экилган қўкнорининг борлигини ким хабар қилди? Бир ўйлаб кўр, — деди Алиев мулоҳаза юритиб. — Хўжалик раиси. Тешабой Султонов. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмаси билан «Шифокор» хўжалиги қўкнори экади. Қанчалигини ҳали биламиз, Алижон аканг шуғулланяпти. Яширинча экилган қўкнорини қачон хабар қилди? Қўкнори пишганда. Балки, ўриб бўлинганда хабар қилгандир? Нега хабар қилди? Кўкнори хўжалик ҳудудида, режага кирмаган бўлса ҳам, унинг ерларида экилган. Ўзи, хўжалик бошқарувига қўйиб, хўжаликка қўшиб олиши мумкин эмасми? Кейин, раис бўлатуриб, қўкнори эккан одамларни нега туттиирмади? Кучи етарди-ку? Яна бир мулоҳаза. Бизга хабар беришдан мақсади нима? Туман милиция бўлими, прокуратура шундай ёнида. Нега уларга айтмасдан, тўғри вазир ўринbosасирига хабар қиласди? Хабар қилган одам, биз етиб боргунча ўша ерларни пойлаб турмайдими? Хўш, нега ўриб кетишлирига йўл қўйиб берди? Тажрибасизликданми? Эътиборсизликми? Ё пухта ўйлаб қилинган ишми бу? Албатта Тешабой ака ҳақида бундай ўйлашни истамас эдим. Лекин ҳақиқат очилиши учун ҳамма нарсани ўйлашга тўғри келади. Хуллас, Ўқтаможон, менда шундай гумонлар пайдо бўлди.

— Бир нарса дейиш қийин ҳозир, — ўйланиб гапирди Исмоилов. — Хабар қилиб, ўрдиргани жуда қизиқ...

— Ҳозирча у ўрдирди, деб ўйлама. Бизга ҳозир иккита нарсани билиш зарур: биринчиси — раис биздан бошқа яна кимга яширин қўкнори ҳақида гапирган — шуни билиш керак. Иккинчиси — қўкнори эгалари уни қандай қилиб бир кунда ўриб олишди? Демак, бизнинг боришимиз уларга маълум бўлган. Хўш, буни ким айтган? Мана шу жумбоқ, ечилса, аста-секин бошқа масалалар ҳам очилади.

— Қачон жўнаймиз? — соатига қаради Исмоилов.

— Ярим соатдан кейин. Бошлиқقا кириб чиқай.

Шу пайт капитан Раҳмонов кириб келди.

— Ҳайтовур, кетмаган экансизлар. Мана соат, — Раҳмонов Алиевга Шаҳодат опа берган соатни қайтар-

ди. — Рақамлар ёнидаги нуқталар ҳақиқий гавҳар. Ўн иккита. Ҳаммаси бир хил. Бозор нархи ҳозир ўн беш минг. Соат саксон олтинчىй иили чиқарилган. Лекин гавҳарлар кейин қўйилган.

— Қаерда?

— Буни билиб бўлмади. Албатта, бу маҳсус буюргма билан уйда қўйилган. Уста ҳам фалон пул олган бўлса керак...

— Демак, бошқа бундай соат йўқ?

— Бу ҳам номаълум, — капитан айбдор одамдек бошини эгди. — Аммо билиш мумкин.

— Қандай қилиб?

— Гавҳар қаердан сотиб олинган? Ким сотиб олган? Шуни билсак, ким бу жувонга совға қилганлиги билинади.

— Бу жуда узоқ йўл, — Алиев худди жумбоқнинг жавоби ёзилиб қўйилгандек соатта тикилди. — Айтинглар-чи, нима учун соат ичига гавҳар қўйиш керак бўлиб қолди? Ҳуснига ҳусн қўшиш, кўз-кўз қилиш учунми? Тақинчоқларни аёллар шунинг учун тақишиди. Лекин оддий соатта гавҳар қадашдан мақсад нима? Бойликни яшириш, шу йўл билан уни асрар эмасми?

Алиев ҳамкасларига қаради. Учови ўйланиб қолишди.

Алиев Шаҳодат опа билан бўлган сұхбатни эслади.

— Яна бир гап. Раис бир машина нарса юборибди. Эътибор беринг, раис уни ўлган ҳисоблаб, нарса юборибди ҳайитига. Буни қандай тушунмоқ керак? Кейин, аёл колхозда ишламаган. Эри ишлаган. Тешабой аканинг бундай ғамхўрлиги ҳаммага нисбатанмикан, ё фақат шу аёлга, унинг эригамикан?

— Фақат шу аёлга нисбатан ғамхўрлик қилган дейилса, аёл чиройли бўлиши керак эди. Сувратига қараб, мен бундай деёлмайман. — И smoилov ҳайрон бўлиб елкаларини қисди.

— Ўқтамжон, аввало, ҳар кимнинг диidi бошқа. Подшонинг иши қурбақага тушибди, деган гап бор. Кейин, аёлни мен кўрганман. Ниҳоятда келишган эди. Лекин ғамхўрликнинг бошқа сабаби бордир. Шоҳиданинг отаси «Ўзбекбирлашув» номидан мол сотиб олгани Дуркентга кўп борган. Султонов билан яхши таниш бўлган. Бунинг устига, шу жойда ҳалок бўлган. Балки шу сабабдан қизига муносабат бошқачадир? Фақат унга эмас, унинг бутун оиласига. Раиснинг ёрдами, эътиборини шундай тушуниш ҳам мумкин.

— Сиз доим яхши томонини излашга ҳаракат қила-
сиз.

— Қўлимизда далил бўлмагунча, ҳамма одамлар
ҳақида фақат яхши ўйлашимиз керак.

Хукумат телефони жиринглади. Алиев гўшакни олиб,
саломлашди.

— Эшитаман, ўртоқ полковник?

Телефон қилаётган — шаҳар автоинспекциясининг
бошлиғи эди.

— Суюнчи? Суюнчи доим тайёр, — жилмайди Али-
ев. — Қаерда экан? Раҳмат. Мен Дуркентта кетяпман.
Ҳа, ўн дақиқача ўзимда бўламан.

У гўшакни қўйди.

— Машина топилибди. Оқтепага кираверишда ик-
кинчи кўприк остига қўйиб кетишибди.

— Бузишмабдими? — сўради Исломилов.

— Йўқ. Ҳаммаси жойида. Фақат хат ташлаб кети-
шибди. Ҳозир олиб келишади. Хат менга эмас, ўғлим-
га эмиш.

Алиев жаҳл билан ўрнидан турди.

— Булар нима қилмоқчи ўзи? Номардлар! Бола-
ларни аралаштириб нима қилади?!

— Тезроқ кўндиришмоқчи-да. Масала равshan. Мол
куйиб кетяпти. Ҳар бир соат — пул!..

Капитаннинг тахмини Алиевнинг назарида ҳақиқат-
га яқин эди. Уч ярим гектар ердаги кўкнори ўрта
ҳисобда икки миллион сўм атрофида туради. Балки,
ҳозир ундан ҳам ошиб кетгандир. Шу даромадни ким
йўқоттиси келади? Албатта шошади-да.

Матлуба автоинспекция ходими келганини айтди.
Алиев уни ичкарига таклиф қилди.

— Мана, машинадаги хат, — ёшгина офицер қўли-
ни чаккасига қўйиб сўрашар экан, хатжилдни узатди.

— Ўзингиз ўқидингизми?

— Ҳаммамиз ўқидик. Хат орқа ўриндиқ устида,
очиқ ҳолда эди.

Алиев овоз чиқариб хатни ўқий бошлади:

«Равшанбек! Аданг биз айтган гапга кўнмаса, фақат
машина эмас, сен ҳам йўқолиб кетасан. Бу — огоҳлан-
тириш. Жавобини эртага ўзимиз суриштириб оламиз».

Хат катта-катта ҳарфлар билан қингир-қийшиқ
ёзилган, услубини текширтириш, муаллифини қиди-
риш бефойда эди.

— Машинани бир соатдан кейин қайтарамиз. Экс-
пертизага бердик.

— Раҳмат. — Алиев автоинспекция ходимига рухсат берди. Ўзи эса Исмоиловга «кутиб туринг», деб капитан билан чиқиб кетди. У вазир ўринбосари, ўзининг бевосита бошлиғига кириши керак эди.

— Алижон, — деди йўл-йўлакай Алиев. — Сен шу срдасан. Уйдан хабардор бўлиб тур. Қизим ҳам, ўғлим ҳам хавфнинг жиддийлигини тасаввур қилишмаяпти.

— Хўп. Хавотир олма, — капитан шундай деди-да, бирдан уни тўхтатди. — Менга қара! Кел! Уларнинг тақлифини қабул қиласайлик. Сенинг ўрнингта мен борай?!

— Йўқ. Қандай ўйлаган бўлсак, шундай қиласиз. «Шифокор» ҳақидаги ҳужжатларни тезлаштири. Раис ҳақида яна нима билиш мумкин бўлса, бил.

Қабулхонага етишганда, улар хайрлашишди. Бошлиқ, Алиевни шу заҳотиёқ қабул қилди. Бор гапни, қилинаётган ишларни эшишиб, Дуркентта боришга рухсат берди. Аммо Алиев бошлиғининг нима учун чақиртирганини тушунмади. Гапларини анчагина совуққонлик билан эшилди. Ҳеч нарсага қизиқиш билдирамади. Фақат битта гапи Алиевнинг қулоғида қолди:

— Одамни ўшбҳа остига олиш осон. Аммо кейин дөғни ювиш қийин. Ўртоқ Султонов — катта арбоб. Унга ҳурмат билан қаранг, унинг маслаҳатларини олиш керак.

Буни Алиев ўзи ҳам яхши биларди. Нима учун огоҳлантириди?

Хуллас, бу галги учрашувдан Алиев норози бўлиб чиқди.

Орадан бир ярим соат ўтар-ўтмас улар Исмоилов билан Йўғонтепага кириб боришиди. Абдуллажон Салимовнинг уйини топиш қийин бўлмади. Алиев машиинани юз метрча берида тўхтатди. Йўлакда турган одамлар уларни кўриб, ўзларини четта, девор тагига олишиди.

Алиев марҳуманинг отасини бир қарашдаёқ таниди. Дард, алам шундай унинг юз, кўзида ёзуғлиқ эди.

— Бандалик...

У шундай деб, беихтиёр қўлини узатди.

Титроқ лабларини қимирлатиб, Абдуллажон nimadir деди ва ичкарини кўрсатди. Алиев ҳовлидаги ластурхон ёзиг қўйилган узун столларнинг бир бурчагига бориб ўтириди. Ёнига Исмоилов келди. Айвонда ўтирган мўйсафида баланд овозда тиловат қила бошлади.

Алиев фотиҳага қўлларини ёзаёттанды, айвоннинг тўрига осиб қўйилган кийимларга ва паранжига қўзи тушди. Иккита атлас қўйлак, битта ҳошиялик нимча, уларнинг ёнида иккита мактаб учун тикитирилган, биттаси ҳаворанг, биттаси жигар ранг қўйлак, қора фартук осиғлиқ турарди. Паранжининг нима кераги бор экан, — хаёлидан ўтказди Алиев, аммо шу заҳоти бу саволни унугди. Қизнинг мактаб қўйлаги, фартуги унинг юрагини эзib юборди. Куни кеча у шу қўйлаклардан бирини кийиб, сўнгти имтиҳонни топширган бўлса керак. Нега, нима сабабдан жонига қасд қилди экан? Алиев ичида ўзига сўз берди: албатта сабабини топади. Ўз жонига қасд қилишни ожизлик дейишади. Йўқ, бунга ҳам катта куч, қаҳрамонлик, ирода керак. Бечора, баҳтсиз қиз, иродангни, кучингни нимага сарф қилиб қўйдинг! Нима сени мажбур қилди?

Алиев ниҳоятда кўнгли бузилиб, кўчага чиқди.

— Абдулла ака, кечирасиз, кечқурун одам кам пайтида келсам бўладими? — деди у хайрлаша туриб.

Абдуллажон унинг кимлигини, улар кетидан етиб келган милиция бошлиқларидан билган эди. Суҳбатдан воз кечиб бўлмайди. Қизини ўлимга олиб келган сабаблар, ё унинг қотилларини топишида ёрдам берса бўлди. Ёрдам беришни талаб қиласди. Фотиманинг ўзини-ўзи ўлдиришига уйида, мактабда ҳеч қандай сабаб йўқ, эди. Милиция, расмий идоралар унга кўмаклашишлари керак. Нима учун ҳали ўн саккизга кирмаган одам ўлиб кетаверади? Абдуллажон шуларни хаёлидан ўтказиб, розилик берди.

— Зухра ҳам уйда турса яхши бўларди, — илтимос қилди Алиев.

— Кечқурун қиз бола қаерга борарди? — деди Абдуллажон. — Албатта уйда бўлади. Ҳозир ҳам шу ерда. Керак бўлса киринг.

— Йўқ, кечқурун.

Алиев хайрлашиб кетди.

Ўша соатдаёқ туман бошқармасида мактаб директори Асомиддин Ибодов билан суҳбат бўлди. Олтмишдан ошган, баланд бўйли, паҳлавон гавдалик, тўладан келган бу одам ўзини тутолмай йиглаб юборди.

— Умри узоқ бўлсин, шундай ишни Зухрадан кутиш мумкин эди. Ўқиши нотекис. Ўйинқароқ, Ўғил болаларга қўшилиб, капитар ҳам учирарди. Беруҳсат ўқишига келмай, шаҳарга ҳам кетиб қоларди. Лекин Фотима, каттаси интизом, ақлнинг ўзи эди.

— Бирор билан уришганини билмайсизми? — сўради Алиев.

— Йўқ. У уришадиган қиз эмас эди.

— Отаси билан, кичкинаси, синглиси деймиз-да, Зухра билан у қандай эди?

— Э... бундай аҳил оилани билмайман. Хабарингиз бўлса керак, Абдуллажон Салимов болаларини ўзи катта қилган.

— Биламан.

— Йигитлар билан қандай эди? Билмайсизми?

— Ҳалиги... муҳаббат масаласида сўраяпсиз-да? Алиев бошини силкди.

— Менимча, бошқа қизларга нисбатан Фотима кўпроқ ўқиши билан овора эди. Албатта, йигитлар билан кўчада, кинода бўлганини эшитганман. Лекин у кўпинча уйда бўларди. Рамзидин деган ўқиши заифроқ, йигит бор. У билан кўпроқ дарс тайёрларди. Билганим шу. Ораларида жиддийроқ воқеа ўтганини... билмайман.

Синф раҳбари Руқия Шарипова ҳам директор каби ҳайрон ва азобда эди.

— Зухра билан гаплашганингиз йўқми? — деб сўради у Алиевдан сухбат якунида.

— Йўқ.

— Гаплашинг. Назаримда у ниманидир билади. Кечаси мактабдан милицияга, прокурорга телефон қилди. Мен шу ерда эдим. Эрталаб кўмдирмасликни сўради. Улар судмедэкспертиза нима деса шу бўлади, дейишди. Экспертизанинг хulosаси бўйича, у шубҳасиз ўзини осган. Гаплашинг Зухра билан. Галати бўлиб юрибди бечора қиз. Нимадандир хуноб, нимадандир изтиробга тушган. Мен иккаловини ўн йилдан бери биламан.

У бир нарса демоқчи бўлди-ю, ийманиб айтмади. Ўрнидан турди. Алиев унинг ҳолатини тушунди.

— Руқия опа, нима демоқчи бўлсангиз, гапиринг. Ҳамма айтганларингиз иккимизнинг орамизда қолади.

— Бизнинг қишлоқда умуман галати воқеалар бўлиб туради. Билмадим, эшитганмисиз, йўқми, бир ёш жувон йўқолган. У эримнинг олдига бораман деб, Дуркентдан кетган. Эри жамоа хўжалигида ишлайди. Хўжалик идораси бизнинг қишлоқда. Лекин эрининг олдига келмаган. Қишлоққа келган, лекин эрининг олдига эмас. Шу билан изи йўқолган. Бу даҳшатку?! Унинг отаси ҳам...

— Биламан. Қоядан қулаган.

— Бирор итариб юборгандир? — Руқия опа ақлли кўзларини унга тиқди. — Юз минг турадиган зотдор буқани бичтириб, ҳўқизга айлантирган, кап-катта эркакни, кечирасиз, иштонини ечириб қамчи билан савалаттан, ўзини пайғамбар ҳам эмас, шу жойларнинг худоси, деб билган одамда қонун, тартиб, одамгарчиллик нима қылсин?

Алиев гап ким ҳақида кетаёттанини дарров англади.

— Кўпдан бери биласизми у кишини?

— Раис бўлганидан бери. Йигирма йил бўлди. Фуқаролар йигинининг раисаси эдим ўшанда. Яхши бошлиған эди. Одий халқ ҳамон уни яхши кўради. Чунки, бирон маъракадан қолмайди. Ёрдамини аямайди. Хуллас, камбағалнинг бошини силаб ишлатишни билади. Лекин бекорга эмас. Ҳар битта қилган яхшилигини ўн ҳисса қилиб қайтариб олади. Қанчасини ўзи олади — буни ҳеч ким билмайди. Бир қизиқинг. Ҳўжаликнинг оддий деҳқон бормайдиган, киритилмайдиган нечта боғи бор экан. Шунинг биттасини етим болаларга бер, дедим. Ҳозир мендан ёмон одам йўқ шу гапим учун. Ўзи якка ҳоким. Юқоридагилар билишади. Хабар қилганимиз. Фойдаси бўлмади. Юқоридагиларга нима керак? Тинчлик ва бажарилган план. Тешабой буни дарров тушунди. У билан ишлаб бўлмагани учун ишдан кетдим. Менга ўҳшаганлар оз эмас.

— Курашни йиғиштиридим, денг? — сўради киноя билан Алиев.

— Курашда мардлик керак. Балки менда мардлик етишмагандир? Киноянгиз ўринли. Лекин сизнинг курашингизни ҳеч ким кўрмаса, кўриб кўрмаганликка солса ўзини, бундай курашнинг, мардликнинг нима кераги бор?

Алиев жавоб бермади. У Руқия опа билан гаплашганидан, Тешабой Султонов ҳақида янги маълумотлар олганидан хурсанд эди.

Демак, унинг гумонида жон бор. Аммо гумони, маълумотлари билан раисга қаңдай ёндашади? Ким уни шубҳа остига олишга рухсат беради? Бир неча жиноят шундай йўл билан очилмай қолиб кетди, кейин ҳисобдан чиқариб юборилди. У шунни яхши билади. Бирдан бир чора — ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан, ишончли ёрдамчилари билан иш кўриш. Раис ўзининг кузатув остига олинганини, текширишаёттанини зинҳор билмаслиги керак.

Алиев Руқия опа билан зарурат пайдо бўлганда бе-
зовта қилинса, хафа бўлмаслигини илтимос қилиб,
хайрлашди.

Туман милиция бўлимининг мудири билан Исмоилов келишганда, Алиев энди кетмоқчи бўлиб турган ёди. Қоронги туша бошлаган, Салимовни уйидаги қоладиган яқин одамлардан бошқа ҳеч ким қолмаган ва у бориб гаплашиши лозим эди.

— Ҳўш, нима янгилик? — қизиқди у.

— Ҳеч қандай янгилик йўқ, — деди капитан Турсунов. — Ашуралини яхши биламан. Пиянисталар у ёқда турсин, ойда бир ичадиганларни ҳам хуш кўрмасди. Аламзадалардан бир-иккитаси унинг кетига тушган бўлиши керак. Ўша куни пунктда у ёлғиз бўлган. Қулай пайт. Ўчларини олишган. Сезиб турибман, қотилларни топиб бўлмайди. Битта-яримта оғзидан гуллаб қотилларни кўрсатмас...

— Ҳамкасларингизни ерга уриб юбордингиз-ку, Азим Турсунович? — Алиев энсаси қотиб, ёш бўлишига қарамай, қорин қўйиб юборган офицерга қараб қўйди.

— Ҳеч қандай янгилик ҳозирча йўқлиги аниқ, — гапга қўшилди Ўктам Исмоилов. — Ҳамма гап шундаки, ўша қотиллик юз берган куни ҳеч қандай текшириш ўтказилмаган. Оператив пунктда марҳум сержантдан ташқари яна кимлар бўлган — буни билиш лозим ёди. Пунктнинг рўпарасида озиқ-овқат дўкони бор. Маълум бўлишича, ўша куни дўконга пиво келган. Демак, дўкон тагида ўтириб ичадиганлар бўлган. Наҳотки, улар сержантнинг қаёққа кетаётганини, ё бўлмаса, пунктнинг ўша пайтда, очиқ-ёпиқлигини билишмаган бўлса? Энди уларни биттама-битта топишга тўғри келади. Яна бир гап. Сержантнинг уйига кирдим. Хотинига тоққа кетяпман, кеч қайтаман, деган экан. Хотини қайси тоққа, кимнинг олдига — сўрамаган. Гап орасида олти ёшли ўғли бир нарсани айтди. Назаримда эътиборга лойик.

— Нима деди?

— Сержант тоққа ўз «Запорожец»ида чиқмоқчи экан. Бола отасини кузатиб кўчага, «Запорожец» олдигача чиқсан. Шу пайт бир одам келиб, машинага ўтирган. Бола уни танимайди. Лекин бир гапи жуда муҳим. Ҳалиги одамнинг қўллари жуда узун, ерга тегай-тегай деб турадиган қўллар эмиш. Боланинг эсида шу қолибди.

— Ҳар бир одам машинага ўтираёттанида қўли шундай узун бўлиб кўринади, — эътиборсизлик билан деди Турсунов.

Лекин Алиев ҳам, Исмоилов ҳам унга ҳеч нарса дейишмади. Турсунов ўзини ноқулай сезиб, сўради:

— Овқатни нечага тайёрлай?

— Раҳмат, ҳожати йўқ. Мехмонхонада чой ича қолармиз, — деди Алиев.

— Менга ҳам чой кифоя, — қўшилди унга Исмоилов.

— Қизиқ бўлади-ку, ҳамма нарса тайёрлаб қўйилган. Бир ошамдан бўлса ҳам ош ейлик. Неча соатларда қайтамиз?

— Сиз бормасангиз ҳам майли. Кеча ухламаганлиз. Дам олинг. Эрталаб соат саккизда меҳмонхонага ўтинг.

Алиев гап тамом дегандек ўрнидан турди.

Кўчага чиқишиганда ҳайдовчи йигит югуриб келди.

— Қодир ака! Бир чол сиз билан гаплашмоқчи. Зарур ишм бор, дейди.

— Қани?

— Машинада. — Алиевга биринтирилган оқиши «ГАЗ-24»ни кўрсатди. — Гаплашмагунимча кетмайман, дейди.

— Бизда шунақа, кечирасиз, Қодир Алиевич! — гапга аралашди Турсунов. — Битмаган бирон иши бўлса керак-да.

— Майли, — деди вазминлик билан Алиев. — Машинадан ҳайдаб чиқариш уят бўлар. Азиз Турсунович, сизга руҳсат.

Турсунов ноилож хайрлашди. У Алиевнинг муомаласидан хавотирга туша бошлаган эди. Нега унга жавоб бериб юборди? Бирор шубҳаси бормикин ё ўзи мустақил ишлашга ўрганиб кетганидан, бу ерларни яхши билганидан уни аралаштирмаёттганмикин?

— Айтгандек, — тўхтатди уни Алиев, машинасига яқинлашганда. — Экспертиза бош врачи билан учрашайлик. Чақиринг. Салимова ҳақидаги хulosаларни кўрмоқчи эдим.

— Яхши. Бечора туни бўйи мижжа қоққани йўқ. Ўзбекчилик, биласиз-ку? Отаси тезроқ беринг, деб туриб олди. Кестирмоқчи ҳам эмас эди. Зўрга кўндиридик.

Турсунов иккинчи марта шу гапни айнан такрорлаёттанини сезмади. Демак, нимадандир хижолатда,

ҳаяжонда, ўйлади ўзича Алиев. Йўғонтепага келишлари билан ҳозиргидек айтиб берган эди. Тағин худди шундай ибораларни ишлаттан эди: «Зўрга кўндиридик...», «Отаси қестирмоқчи эмас эди...»

У кетгач, Алиев билан Исмоилов машинага ўтириши.

— Четроққа юрайлик, — таклиф қилди машинада ўтирган чол.

— Ҳайда, — буюрди Алиев. — Кишлоқдан чиқавер.

Машина йўлга тушди.

— Салом, отахон! — Алиев чолга қўлини узатди.

— Айтгандек... Ваалайкум ассалом! — чол ўтирилиб, ёнида ўтирган Алиевга қараб жилмайди. — Бунақа машинага биринчи чиқишим. Иннакейин, хавотирдаман. Ҳеч милиса билан гаплашмагандим.

— Энди гаплашамиз-да. Биздан чўчиманг.

Алиев жилмайиб, унинг елкасига қоқиб қўйди.

— Нима гап, отахон?

— Мени-ку ҳеч гапим йўқ, — деди чол. — Лекин бир нарсани айтиб қўймоқчиман. Менинг эски, йигирма йиллик «Москвич» машинам бор. Кеча шунда томорқамдан қовун олиб келаётувдим бозорга. Катта йўл Йўғонтепа мактабининг одидан ўтади, биласиз. Шу йўлдан келиб, иккинчи муюлишга бурилса, йўл тўғри бозорга олиб боради. Иккинчи муюлишга яқинлашганимда иккита йигит, юзларига парда тутиб олишган, бир қизни машиналарига босиб олиб кетиши. Машина «Жигули», зангори эди. Сигнал бердим. Улар эшигтмади. Ростини айтсан, унга парво ҳам қилганим йўқ. Ёшлиқ — шўхлик. Таниш бўлишса керак, деб ўйладим. Эрталаб бозорга келиб, Абдулла муаллимнинг қизи ўзини осиб қўйибди, деб эшигтдим. Уйига кириб чиқдим. Сизларга учрашмоқчи бўлганим боиси шуки, раҳматли қизи, жойи жаннатда бўлсин, нўхат гулли қўйлақда эди. Бор гапим шу. Бу ёғига нима қилиш керак, ўзларинг биласизлар. Мен фақат кўрган одамман. Машинани ҳам инвалид, деб беришган. Фронтда кўп марта ўлим билан тўқнаш келганман. Ўлимдан қўрқмайдиган одам йўқ. Айтмоқчиманки, бекордан-бекорга одам ўзини осмайди. Минг афсус, қўзим хираки қилди, қариллик, машина номерини кўролмадим.

Алиев чолнинг дона-дона гапларини бўлмай эшишиб, ўйга толиб қолди. Уни кўмишшга нега шопшилиши.

Зухраси нималарни билади?

— Уларни мабодо кўрсангиз танийсизми?

Йўқ.

— Шунга ҳам катта раҳмат. Бизда бошқа юмуш йўқми?

— Бор гапим шу. Ҳақиқат қарор топсин, дейман-да.

— Раҳмат, отахон. Машина сизни олиб бориб кўяди. Бизни Абдулла муаллимникига ташлаб кетади. Майлими?

— Мени бозорнинг олдига элтиб қўйса бўлди. Машинам ўша ерда турибди.

— Унда олдин сизни ташлаб кетамиз.

Улар шундай қилишди.

— Қандайдир умид пайдо бўлди, — деди Алиев чол билан хайрлашгач.

— Эрталабоқ машинани қидиртираман, — деди Исмоилов.

— Йўқ, — унинг фикрига қўшилмади Алиев. — Ҳозир сен айтган узунқўл одамни аниқлайлик.

Исмоилов бошлигининг гапини иккита қилолмади.

VI

Асрдан кейин фотиҳага келадиганлар сийраклашди. Маориф бўлимидан бир автобус бўлиб келган одамлар кетишгач, уйда яқин қариндошларгина қолиши. Қўшнилардан чиққан маставадан Абдуллажон бир-икки қошиқ ичди. Бошқа ўтмади. Косани қайтарар экан, «Зухрага бердиларингми?» деб сўради.

— Ҳа, хонасига олиб кириб бердик. Уям сизга ўхшаб ичмаялти, — жавоб қилди жиянларидан биттаси айвонга кўтарилаар экан.

Абдуллажон ўрнидан туриб, молхона томон кетди. У ўзини қаёқча қўярини билмасди. Шом киргани сари, ғам уни янги куч билан эза бошлаган, кеча худди шу пайт юз берган даҳшатни эсига sola бошлаган эди.

Абдуллажон ҳовлини бир айланиб чиқиб, молхона олдида тўхтади. Қандайдир куч уни ичкарига тортди. Кирди. Эшикнинг ўнг томонида, тўрда тарғил сигир кавшаниб ётибди. Кўйлар ҳам шу томонда. Улар ҳам тинч. Фақат биттаси уни кўриб, маъраб кўйди. Чап томонда, ҳужрадаги қўндоқда товуклар терилиб олган. Улар ҳам тинч. Бир-иккитасининг кўзи очиқ. Мунчоқдек ялтираб турибди. Очиқ эшик устидаги устун ҳам жойида. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек. Кечаги фожиадан ҳеч қандай из ҳам қолмагандек...

Абдуллажон ҳовлини яна бир айланди, кейин ичкарига кўтарилиб, қизларининг хонасига кирди.

Зухра дарс тайёрланадиган стол ёнида бир нуқтага кўзларини қадаб, хомуш ўтиради. Косадаги овқат шундай турибди.

— Нега ичмадинг? — сўради Абдуллажон иккинчи стулга ўтирас экан.

— Акам билан гаплашдингизми?

Зухра бошини кўтариб, адасига қаради.

— Йўқ ҳали. Милициядан келишмоқчи. Тошкентдан. Кетишсин. Кейин. Милиция хатни билмагани маъқул. Нима дейсан?

Зухра дарров жавоб бермади.

— Алам қилиб кетяпти, ада. Агар рост бўлса, Фотима адашмаган бўлса, aka дейишига тилим бормайди. Ҳамидуллангизни ўзим ўша устунга осаман!

— Ўзингни бос, қизим! Фотима адашган бўлса, умр бўйи эзилиб ўтамиш. Лекин мен ўзим, сенга ваъда қиласман, қизим, Фотимани хўрлаганларни топмай қўймайман.

— Нега шошилинч кўмиб келинди, ада? Нега рухват бердингиз?

— Иложим йўқ эди. Ўзини ўлдирғанларга жаноза ўқилмайди. Жаноза ўқишиди. Кейин музхона йўқ, кун иссиқ дейишиди, тезда қўйиб келиш керак дейишиди. Райзздрав, милиция, домла, маҳалла раиси, ҳаммаси шундай деб туришгандан кейин, мен нима дейман?

— Медицина хулосасида, баданидаги доғлар, чизиклар ёзилмаган. Эътибор бердингизми?

— Сен анави, эрталаб кийиб кеттан қўйлагини топмаганингда, эътибор бермасдим. Энди ўйлаётман. Ҳаммасини милицияга айтиш керак. Фақат, хатни ушлаб турдамиш. Шундоқми?

— Хўп, ада. Ҳамма айбни акамга ағдариб, бош айбдорга чиқариб қўйишлари ҳам мумкин.

— Мен буни ўйлаётганим йўқ, Зухра, — пешана-сини силаб ўрнидан турди Абдуллажон. — Худо менга қанча умр берган — билмайман, сен эса ҳали жуда ёшсан. Хатни кўрсатсан, дўст-душманнинг олдида қандай бош кўтариб юрамиз. Акангнинг бу ишга алоқадорлиги биздан чиқмасин. У аканг ҳақида сенга, менга ёзган. Тирик бўлганида у ҳам бизнинг фикримизга қўшиларди. Ишонаман бунга. Аканг билан ўзим гаплашаман. Гуноҳкор бўлса, жазосини ўзим бераман. Розимисан?

Зухра бош иргәди.

Абдуллажон ҳовлига тушганда, Алиев унинг қариндошлари билан гаплашиб ўтиради.

— Баъзи нарсаларни аниқламасак бўлмайди, — узр сўрагандек гапирди Алиев. — Ораларингизда сир бўлмаса, шу ерда гаплашаверамиз.

— Бемалол.

Абдуллажон Алиевнинг рўпарасига ўтиради. Қариндошлар ўзлари секин-секин юмушлари борлигини айтиб, туриб кетишиди. Кўп ўтмай, хонтахта ёнида икколовларигина қолишиди.

— Бошимга шундай фожиа тушади, деб сира ўйлаган эдим, — деди чой қуяр экан, Абдуллажон. — Яхши боланинг умри қисқа бўлади, дейишади. Ҳарҳолда, шундай гап юради халқ орасида. Фотима фариштанинг ўзи эди.

— Тақдир... иккинчи қизингиз, ўғлингизнинг умрлари узоқ бўлсин. Уларнинг роҳатини кўринг.

Алиев уни овутишга уринди.

— ...Тақдир дейсиз. Бу, тақдир эмас. Бу қотиллик! Қизимни шу ҳолга солишганки, у ўзини осишдан бошқа йўл қолмаган.

У уйга кириб оқ рўмолга ўралган ва эҳтиётлаб тугиб кўйилган Фотиманинг ўша кунги кўйлагини олиб чиқди.

— Ўша куни шу кўйлақда кеттан эди. Кўрганлар кўп. Қаранг аҳволини! Кимлар йиртиб, қонга бўяган? Ўзи бу ишни қилмаган-ку, албатта. Уйга келиб, бошқатдан кийинган. Тоза кийимда ўзини осган. У дунёга тоза бўлиб борай, деган қизим бечора.

Абдуллажон кўзларига ёш одди. У ўзини босиб олгунча Алиев жим ўтиради.

Улар узоқ гаплашишиди. Абдуллажон Зухра билан келишгандек, Фотиманинг хатини айтмади.

— Абдулла ака! Йўғонтепадаги йигитларни, умуман, аҳолини деярли яхши биласиз. Ҳеч кимдан шубҳангиз йўқми? Фотимага совчи бўлиб келганлардан биронтасини хафа қилиб жўнатмаганмисиз?

Абдуллажон истеҳзо билан жилмайди.

— Совчилар кўп келган. Ҳаммасини қайтарганман Ҳаммасига қизлар институтни тутатмагунча, мен уларни узатмайман, деганман. Иўқ, ҳеч кимни хафа қилиб жўнатмаганман.

— Майли, Абдулла ака. Зарурат туғилса яна учрашамиз. Энди қаршилик қилмасангиз, Зухра қизингиз билан озгина гаплашмоқчи эдим.

Алиев ўрнидан турди.

— Хонасида ўтирибди. Билади келишингизни. Кираверинг. Абдуллажон айвонга кўтарилиб, уни ичка-рига бошлади.

Алиев Зухранинг рўпарасига ўтирди.

— Бир-икки саволларим бор эди. Жавоб бера ола-сизми?

— Майли.

Зухра қошларини сал чимириб, Алиевга қаради.

— Биринчи саволим шуки, нега кечаси милицияга, прокурорга, ҳатто раисга телефон қилиб, бугун кўммасликни талаб қўлдингиз?

— Яна бир кун уйда бўлсин, девдим. — Алиевдан юзини ўтириб жавоб берди Зухра.

Алиев қизнинг қаттиқ хафалигини, у билан гаплашишга хоҳиши йўқлигини сезди.

— Тушунаман, — вазминлик билан қизнинг ҳолатига киришга интилди Алиев. — Одатимиз анчагина ғалати. Одам қазо қилдими, дарров қўйиб келамиз. Қариндош-уруглар, яқинларни дийдорига тўйдирмаймиз. Уларга телефон қилиб, фақат шуни сўрамоқчимидингиз?

— Мен... мен уларни одам деб ўйлаган эдим.

Зухра кичкина қўлларини мушт қилди. Аммо Алиев қарамади. Қоронги деразага тикилганича ўтираверди.

— Уларнинг айбини мен билмайман. Мен ёрдам бергани, агар жиноят юз берган бўлса, шуни очгани келдим. Сиз ҳам менга ёрдам беринг, синглим. Биламан, аламзадасиз. Лекин ҳақиқатта совуққонлик билан етиш керак. Менимча, сиз ҳам шунинг тарафдори бўлсангиз керак.

Зухра анчагача жим ўтирди. Унинг гапиролмаслигини сезган Алиев яна ўзи гап бошлади.

— Наҳотки бир одам ўлиб кетса-да, биз индамай ўтираверсак?

Зухра ялт этиб унга қаради.

— Мени айтяпсизми? Мен сиз билан гаплашишни истамайман. Умуман, менинг милицияга, прокурорга, судга, ҳеч кимга ишончим йўқ. Фотиманинг қотилларини ўзимиз топамиз. Кўйлакларини кўрдингизми?

— Кўрдим.

— Кўрган бўлсангиз айтинг-чи, Фотима шундай уйга келиб, бошқатдан кийиниб, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ўзини осибдими?

— Мен бундай деяёттганим йўқ, синглим. Фикрин-

гизга қўшиламан. Бундай қилишга жиiddий сабаб бўлиши керак. Шундай сабаб борлигини кўйлаги ҳам айтиб турибди.

— Бошқа исботлар ҳам бор эди. Баданида, қўлларида. Нега хulosага шулар ёзилмади? Оғзидан бурқсиб ароқ ҳиди келиб турган врач, кимнинг топширигини бажарди, «ўзини осган» деб? Нега прокурор «Мен мутахассис эмасман. Шифокорларга мурожаат қилинг», деб трубкани қўйиб қўйди? Нега раис, депутат, «бу — тақдир, уни кўмиб тинчтишдан бошқа иложимиз йўқ», дейди? Нега милиция, халқ милицияси менга қулоқ солмади, Тошкентга олиб бориб текширитирайлик, десам, парво қилмади? Фотимани дарров гира-ширада гўрга олиб бориб тиқиб келиш кимларга керак бўлиб қолди? Фотимани ўлдиришган. У фақат бўйнига сиртмоқ соглан, холос. Қотиллар юрибди. Ким билади, балки жанозага келиб кетишгандир? Еттиси, йигирмасига ҳам келишар? Мени кечиринг, сиз ҳам текшириб, уларни топа олишингизга ишонмайман. Ўзинг учун ўл, етим. Биз Фотима иккаламиз етиммиз. Отамиз оддий ўқитувчи. Ойлигидан бошқа, томорқадан бошқа даромади йўқ. Биз ҳеч қачон бирорларнинг қўлидан ҳақиқат тополмаймиз. Кўпчилик бўлиб, шошилинч кўмиб келишпига адамни кўндиришди. Текшириш чўзилса, бир-икки кун қолиб кетса, жаноза ўқилмаслиги мумкинмиш. Ўз жонига қасд қилганлар, бежаноза кўмилар экан. Дарров гўрга тиқиб келиш эвазига овоза бўлиб кетмасдан жаноза ўқитилди. Домла, қари одам, гуноҳкор кимлигини, қотиллар кимлигини билмайди. Нима дейишса шунга рози бўлди. Адамлар ҳам.

— Сиз кеча охирги марта опангиз Фотимани қаерда ва қачон кўрдингиз?

— Тириклигидами? — Албатта.

Алиев бу савол билан Зуҳрани бир оз тинчтишини, ҳаяжонини босишни ўлади, шундай қилмаса бечора қиз ўзини қийнаб, касалга ҳам чалиниб қолиши мумкин эди. Алиев дилида унинг гапларига қўшилди. Бизда қачон ўзи одам-одамни аяйдиган, кўнглини кўтариб, қурби етганча ҳожатини чиқарадиган замон бўлган эди? Бўлган эмас. Минбарда бўлган, чиройли маърузаларда бўлган, лекин ҳаётда бойнинг ошиғи олчи, камбағалнинг ҳоли вой бўли қолаверган. Алиев бу гапларни овоз чиқариб айттолмайди. Айтса бўлади, ҳеч ким уни уришмайди, қамамайди. Лекин энг юқори

жазога ҳукм қилинади: эътиборсизликка, ишсизликка, ғизлийка! Буни у яхши билади.

— Эшитяпсизми? — саволни қайтарди у Зухра-нинг ўйланиб қолганини кўриб.

— Эрталаб, эрталаб кўрдим уни, — деди Зухра. — Уйда. Мен сигир соғдим, қўйларга қарадим. Фотима ҳовли супурди. Шакароблаб сув сепди. Са-мовар қўйди. Учаламиз бирга чой ичдик. Кейин адам мактабга кетдилар, мен фермага кетдим. Идорага бормадим. Мактабга келганимда мажлис тутаб, ҳамма чой ичгани спорт залига кириб кетаётган эди. Рамз, синифдошимиз мени кўриб, совғаларни берди, уйга олиб кетармишсан иккаловини ҳам, Фотима Раҳима-ларникига борармиш, деди. Мен уйда адамларни ку-тишим керак эди. Бозорга бормоқчи эдик. Совғаларни олиб, уйга кетдим. Фотимани кўрганим йўқ. Мана ўша совғалар. Ҳали очганим ҳам йўқ.

Зухра ўрнидан турди-да, токчадан иккита целофан халтача олиб, стол устига қўйди. Уларнинг ичига катта-катта қилиб исм-шарифлари ёзилган қофоз ташлаб қўйилган эди. Зухра аввал ўзиникини очди. Хитой қофозига ўроғлиқ бир кийимлик атлас, қутичада авто-ручка, яна битта кичкина қутичадан соат чиқди.

— Ҳаммаси бир хил бўлса керак, — деди Зухра.

— Очсан мумкинми? — деб сўради Алиев.

Зухра елкасини қисди.

— Ихтиёрингиз.

Алиев халтачани оча бошлади. Ундан ҳам ялтироқ қофозга ўроғлиқ атлас чиқди. Ингичка узун қутичада олтин перолик хитой ручкаси бор эди. Худди Зухра-никига ўхшаш. Кейин квадрат қутичада «Заря» фирмасининг соати.

— Айтдим-ку, ҳаммаси бир хил, деб... — деди Зухра.

Аммо халтада яна бир нарса бор эди. Алиев унинг оғзини каттароқ очиб қаради, кейин ичидан қутисиз бир соатни олди. Бу соат «Полёт» фирмасиники эди.

— Бу Фотиманинг ўзиники бўлса керак? — сўради соатни у ёқ-бу ёқда айлантириб кўраркан Алиев.

— Йўқ, унинг манавинаقا соати бор эди, — Зухра қўлидаги думалоқ соатни кўрсатди. — Адамлар сакки-зинчи синфни битирганимизда олиб берганлар. Кеча қўлидан ечиб олишгандир. Лекин қаёққа қўйишганини билмайман.

Алиев унинг гапини эшитмади. Қўлидаги соатни Шо-

ҳиданинг онаси Шаходат хола кўрсатган соатдан фарқи йўқ эди. Рақамлари устидаги нуқталар бўртиб чиққан, ойнага тегай-тегай деб турарди ва ўшандек ялти-рарди.

— Демак, бу соат Фотиманики эмас?

— Йўқ.

— Унда бу ҳам совға бўлиши керак? Нима дедин-гиз?

— Совға. Лекин бирорнинг омонати ҳам бўлиши мумкин.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлди Алиев.

— Ўртоқларидан биттаси ушлаб тур, деб берган бўлиши мумкин. Масалан, Раҳима. Мактабдан кейин Фотима шу ўртоғиникига кетган эди.

— Бўлиши мумкин, — қўшилди унинг тахминига Алиев, кейин сўради. — Зухра, шу ҳамма соатларни бир неча кунга бизга бериб турсангиз.

— Бемалол. Истасангиз, бутунлай олиб кетинг.

Зухра шундай деди-ю, зарда, киноя билан гапираёттанини ҳис қилиб, озгина хижолат чекди. Алиев кириб келганда, унда бундай ҳис йўқ эди. Суҳбат давомида бу одамнинг муомаласи, ишга жиддий қараётганлиги, босиқдик билан унинг ҳар бир сўзини эшистаёттанлигидан ундан шу муносабат пайдо бўлди. Кейин ўйлади: бу одам босиқ муомаласи, ишга жиддий ёндашибшиига қарамай, ўшаларнинг биттаси-да.

Зухра шу мулоҳазалар билан яна ўзини ушлаб олди.

— Бўлдими? — сўради у ўрнидан турмоқчи бўлиб.

— Бўлди, бўлди!.. — Алиев ўрнидан шошиб турди. — Биламан, сизни чарчатиб қўйдим. Ҳозирча хайр.

Алиев хонадан чиқди. Зухра уни кузатмади. Кузатмаганига яна бир сабаб акаси эди. Алиев у ҳақда гап очиб қоладими, деб бир оз чўчиди. Адаси билан гаплашганда уни суриштирдими кан? Суриштирган бўлса, нима жавоб қилган адаси?

Зухра ўзини нокулай аҳволда ҳис қиласди. Фотима энди йўқ, уни ўлдиришди, мажбур қилишди ўлишга. Зухранинг бурчи — иложи борича, билганича терговчиларга ёрдам бериш, ҳақиқатни очишга ҳисса қўлиши. У нима қиласпти? Бир қўли билан Фотимани этагига ёпишяпти, иккинчи қўли билан акасини беркитяпти. Бу аҳволда қандай ҳақиқат очилиши мумкин? Лекин адасининг гапларида жон бор, оиланинг обрўсини ҳам ўйлаш керак. Зухра ўзича янги сабабларни қўшиди. Унинг назарида акаси ҳақидаги Фотиманинг гумонла-

РИI терговчиларнинг қулоғига етса, улар маҳкам шунга ошишиб олишади. Ҳамидулла дарров овоза бўлиб кетади. Ҳамма: «Бало ўзидан чиққан экан-ку? Бироннинг болаларида нима гуноҳ?» — деган холосага келади. Балки терговчиларни чўчитишар, ё пора беришар, ишқилиб уларни ҳам бош айбдор Ҳамидулла эканлигига рози қилишар? Зухра Фотимани экспертизадан кейинюқ шошилинч қабристонга олиб кетишгач, ҳеч нарсага ишонмай қўйган, адаси ўқитувчи сифатида андисша қилиб айтмолмаган гапларга энди тўла ишонган эди.

Зухра шуларни ўйлаб туриб, бирдан юраги ҳапри-қиб кетди. Зўрлаганлар ичидан Рамз ҳам бўлса-чи? Бойвачча йигит, ўртоқлари ҳам, ҳаммаси, машинали, мотоциклли тўқислар.

Рамз билан албатта гаплашиш керак. У бирон нарса билиши мумкин. Наҳотки яхши кўрган қизини кечгача ёлғиз қаёқларда юришига йўл қўйиб қўяди? Агар у Рамзниң ўрнида бўлганида нима қиласди? Хўп, Фотима Раҳималарниги бормасам бўлмайди, деб туриб олди, дейлик? Рамз бирга бориши мумкин эди. Агар Фотима уялган бўлса, орқама-орқа бориб, Раҳималарнинг кўчаси оғзида уни кутиши мумкин эди-ку? Рамз шундай қилмаган. Фотимани машинага босишаётганда. У ёлғиз бўлган. Чолнинг гапи бўйича, яқин атрофда ҳам ҳеч ким бўлмаган. Бечора Фотима... Шу китоб ўлгурни бошқа куни бориб олса бўлмас эканми?

Фотима Рамзга учрашишга ваъда қилган бўлса, кечқурунги овқатдан кейинга ваъда қилган. Ундан олдин улар учрашолмас эдилар. Фотиманинг вақти йўқ, эди. Раҳималарницидан тўғри уйга келиши керак эди. Соат кимники бўлдийкан? Бундай соатни у Раҳиманинг ҳам қўлида кўрмаган эди. Балки, Рамз совға қилгандир? Лекин қизиқ, ҳалиги майор. Алиев соатта жуда қизиқиб қолди. Анчагача у ёқ-бу ёғини ағдариб кўрди. Майли, текширишга ёрдам берса бўлди ишқилиб.

Нега акаси кўринмай қолди? Ё ота-бала гаплашаштимиканлар?

Зухра шу хаёл билан ҳовлига тушди. Ўчоқбоши айвонда ёниб турган чироқлардан ҳовли ёп-ёруғ эди. Кекса амакиси ҳовлининг орқа томонида оҳиста у ёқдан-бу ёққа юриб турарди. У қариганида нафас қисадиган касалга дучор бўлиб қолган, ётиб ухломасди.

Абдуллажон тиззаларини қучоқлаб айвон зиҳида ўтиради. Қизини кўриб бошини кўтарди.

— Бир оз мизғиб олсанг бўларди, Зухра...

— Ҳеч уйқим келмаяпти. Ўзингизчи, ада? Ўрнингизни солиб қўйганман. Бирпас кириб ётинг.

— Йўқ, Кўзларим шундай қум. Очсан ҳам оғрияпти, юмсан ҳам. Рўмолча хўллаб босяпман. Шу дуруст, ёрдам беряпти. Ҳамидуллани кўришим керак. Боя юрувди оқшом пайти. Кейин йўқ, бўлиб қолди.

— Келиб қоладилар.

— Фотимани қанчалик яхши кўришимни билардинг. Лекин ҳозир аканг ҳақида унинг гаплари тўғри чиқмасин, деб ўтирибман. Нима дейсан?

— Кошки энди шундай бўлиб чиқса!

— Кўрқяпман. Уни йўлдан уришган, кўрқитишган бўлишлари мумкин. Балки, тасодифан келиб қолгандир?

Зухра отасининг гапларини индамай тинглади.

Зухра бир нарса сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, ўзини тийди. Миясини чулғаб олган мудҳиш-фикрлардан кутулиш учун ўрнидан турди.

— Амакимларга чой-пой қилиб берай. Балки қоринлари ҳам очдир?

— Менга ҳам бир пиёла чой бер. Оғзим қақраб кетди, — деди Абдуллажон.

— Бирон нарса еб олинг, ада.

— Майли. Мен бугун шу ерда ўтириб чиқаман. Ҳамидни кўрмагунимча ётмайман. Сен чой бергин-да, кейин кириб ёт.

Зухра индамади. Кўмир ташлаб қўйилган самоварни пуфлаб, оловини янгилади. Икки-учта тараша гуриллаб ёниши билан самовар овоз чиқарди.

Зухра дастурхонга нон, қаймоқ олиб келиб қўйди. Ҳаммани дастурхонга чақирди. Шу пайт кўчада машина овози эштилди. Эшиклари олдида у зарб билан тўхтади. Зухра чиқиб қаради. «ГАЗ-69» машинаси келган эди. Ҳайдовчи Ҳамидуллани пастга туширди. Ҳамидулла гандираклаб кетди. Зухранинг бутун вужудини титроқ босиб, ғазабланиб кетди. Эрталаб, синглисини кўмиб келган одам, кечқурун ичиб ўтирса?! Унинг шу тобда адасига раҳми келди. Бу билан энди эрталабгина гаплашиш мумкин. Қаерда ичди экан? Одаммас экан ўртоқлари ҳам! Шундай кунда ичиришадими унга?

Зухра бир силтаб, эшик томон судради.

— Уялмайсизми? Шу бугун ҳам ичадими одам?

Машина шу заҳотиёқ жўнади. Унинг овозини Абдуллажон ҳам эшитди шекилли, йўлакда пайдо бўлди. Ўслининг Зухрага суюниб, инграб, зўрга оёқ босиб

қолаётганини кўриб, у тутоқиб кетди. Зухрани суриб, ўғлини тўхтатди-да, юз-кўзи аралаш қулочкашлаб урди.

— Ада! — тили танглайига ёпишганидан зўрға гаширди Ҳамидулла. — Урманг. Эзилиб... эзилиб кетдим. Синглим... Фотимам йўқ энди... Шунга ичдим.

— Ифлос! Ичдингми? Ё яна дори едингми? Қани, менга қара! Менга қара дейман!

Аммо Ҳамидулла бошини тик ушлаб туролмасди.

— Раис... раис билан эдим. Тешавой ака билан...

Ҳамидулла айвон устунларига суюниб, хонтахта ёнига борди.

— Аччиқ чой бер, — буюрди Абдуллажон. — Ўзига келтирмасак бўлмайди. Кечаси яна кетиб қолиши мумкин. Гаплашмасам, кўнглим тинчмайди.

— Гаплашадиган аҳволдамаслар-ку ада?

— Чой бер! Ичмаса, оғзини очиб ўзим қуяман. Ўзига келтирмасдан қўймайман.

Абдуллажон ўғлининг афт-антгорига қараб ҳам назабланди, ҳам эзилди. Ҳарбий хизматта бормасдан олдин туппа-тузук бола эди. Ўқишига меҳри ҳам тузук эди. Кўли калталик қилди, институтта кирита олмади. Ёлғиз ўғил, яқинроқ ерда хизмат қилса ҳам майли эди. Десантликка ўқитиб, «афғон»га жўнатищи. Ўн тўққиз ёнда уруш кўрган йигит уйига бутунлай бошқа одам бўлиб қайтди. Абдуллажон портлаш зарбидан ўғлининг руҳиятида жиҳдий ўзгариш бўлганини билмасди. Ҳамидулла ҳам айтмас эди. Бошим оғрияпти, деб юрарди. Абдуллажон унинг билагини яқинда кўриб қолди. Кўрдию аламини ичига ютди. Боласини гиёҳвандликдан қутқариш йўлини билмай боши қотди.

Ҳамидуллани раис паноҳига олган эди. Бир ўзи бир неча одамга бас кела оладиган бақувват собиқ десантчи раисга керак эди. «Вақти келса, Одамбой ёлғизлиқ қилиб қолиши мумкин. Бу бола пишиқ, пухта. Одамбой билан шаҳарда юриб бўлмайди». Раиснинг муддаоси шу эди.

Раис шаҳарга тушса Ҳамидуллани ёнида ола кетарди. Бугун нима сабабдан ичди экан?..

Зухра бечора адасининг бошида Фотиманинг ўлими билан бирга акасининг ҳам оғир дарди борлигини кўриб, унга раҳми келиб кетди. Тағин ҳам адаси фил экан. Учта етимни катта қилиш, бевақт фожиали ўлган қизининг ғами, ўғлининг ташвиши уни эсанкиратиб ташлапши, одамгарчиликдан чиқариб қўйиши мумкин

эди. Ишқилиб, касалга чалиниб қолмаса бўлди. Зухра-га бошқа ҳеч нарса керак эмас. Адасининг соғлиғи энди унинг учун жуда муҳим эди.

Зухра аччиқ памил чой олиб келганида, Ҳамидулла хонтахта ёнида айвон устунига суюниб ўтиради.

Абдуллажон чойни пиёладан пиёлага икки-уч ағдариб совутди-да, ўғлига тутди. Ҳамидулла юзларини буриштириб, ичган бўлди.

— Тузук ич! — дўйқ қилди Абдуллажон. — Мана шунинг ҳаммасини сассиқ оғзингни чайиб ичасан. Ке-йин гап бор. Ич деяпман сенга, даюс!..

Ҳамидулла яна қўлига чой тўла пиёланни олди. Оғзи-ни куйдириб-куйдириб ичди. Бир оз ўзига келган бўлди. Кўзлари равшанлашди.

— Менга қара! Сени бугун мелисага бериб, қамат-тириб юборишим мумкин эди. Ўғлимсан. Шундай қил-ганим йўқ. Эшитяпсанми?

Абдуллажон ўғлининг елкасига туртди. У йиқилиб тушай деди, аммо зўрға ўзини ушлаб қолди. — Нега? Нега мелисага бермоқчисиз? Ичганим учунми? Хўп, энди ичмайман. Яқинда мени умуман кўрмайсиз. Ке-таман.

Ҳамидулла йиғлаб юборди.

— Ўчир овозингни. Менга жавоб бер.

Абдуллажон ўғлининг елкаларидан тортиб силки-ди.

— Кеча синглинг... Фотимани қаерда, кимлар би-лан қийнадиларинг?

— Нима? — юзини буриштириб қайтадан сўради Ҳамидулла.

— Яхшилаб эшит, бола. Кеча Фотимани қаерда, кимлар билан қийнадинг?

Ҳамидулла бирдан ҳушёр тортиб кетди. Бир қўзғал-ди-да, чўккалаб ўтириб олди.

— Мен... мен кеча Фотимани кўрганим йўқ! Ўлди-ринг, осинг, ада! Худо урсин, кўрган бўлсам. Нега бундай деяпсиз? Нега мендан гумон қиляпсиз? Фоти-ма ахир синглим-ку?!

— Сен қизишма. Ўзингни бос. — Абдуллажон ичи-да бир оз енгил тортиб, унинг елкаларига қўлини кўйди. — Тузук гапир. Кеча Фотимани ҳеч қаерда кўрмадинг, у билан гаплашмадинг? Шундайми?

— Нон урсин, ада! Уни кеча кўрганим йўқ. Кечаси экспертизада ўлигини кўрдим Фотимани, ада! Ким нима деди, ада? Нега мени қийнаяпсиз? — Ҳамидулла юзи-

ши қўллари билан беркитиб йиглаб юборди. — Тўғри, мен ёмон ака чиқдим! Расво одам чиқдим! Лекин ада, ҳали виждоним бор. Сизни, сингилларимни яхши кўраман!.. Фотима фаришта эди. Наҳотки?..

— Сендан яна сўраяпман. Кеча кундузи қаерда ўдинг? Кимлар билан нима қилдинг? Шуларни айт. Алласанг, ўзингдан кўр.

Шу пайт Абдуллајон амакисининг келиб, уларга қараб турганини кўрди ва хижолат бўлди.

— Кечиринг, амаки. Бугун гаплашиб олмасак бўлмайди.

— Тўхта, Абдумла, — Ҳожимурод ака қўлини кўтарди.

— Ўғлинг билан бегувоҳ гаплаш. Ҳеч кимни арапаштирма. Керак бўлиб қолсам, бориб олиб келарсан. Мен кетдим. Омин, илоҳим бу хонаёнда бошқа ўлим бўлмасин. Оллоҳу акбар!

Ҳожимурод ака кафтларини юзига суртиб, ичкарига кўтарилиди ва уйнинг ичида унинг бўғиқ овози эшитилди.

— Ҳалима! Турларинг! Кетдик! Йўлчибой! Тур, ўғлим. Машинангни олиб чиқ.

Уй бирдан кўтарилиди. Икки қиз. Икки қуёв оталининг овозларини эшитишлари билан ўринларидан туришди.

Беш дақиқа ўтар-ўтмас омонатгина хайр-хўш қилиб жўнашди. Улар билан аммалари ҳам кетди. Ниманидир улар сезишли, гувоҳ, бўлгилари келмади.

Абдулла уларни тўхтатмади. Уларнинг уйда борлиги ёки йўқлигидан кўра қизининг ўлими сабабларини аниқдаш, яна битта фарзандининг нобуд бўлиб кетишидан сақлаш муҳимроқ эди.

Қариндошлар жўнаб, уй яна жимжит бўлиб қолди. Абдуллајон шу пайтни пойлаб тургандек, қайтадан сўради:

— Кундузи, соат бирлардан қейин қаерда, кимлар билан эдинг?

Ҳамидулла нам кўзларини ишқалаб, бошини кўтариб адасига қаради:

— Зокирларницида эдим... ошиб қолган эканман.

— Қайси Зокир?

— Ўнқайрагочдаги лўмбозчининг ўғли. Битта ўзигуради шу ҳовлида.

— Сотиболди лўмбозчими? Томдан йиқилиб ўлган? — Абдуллајон таниғандай бўлди.

— Ҳа... Кун бўйи ётдим. Улар қаёққадир бориб келишиди. Кейин уйғотишиди. Раис чақиряпти, дейишди.

— Хўш, кейин-чи?

— Мен кетдим. Раис шаҳарга юборди...

— Зокирникида яна кимлар бор эди?

— Тўхта қийшиқ, Истроил. Уч киши.

— Зангори «Жигули» кимда бор?

— Зангори «Жигули»? Уч-тўрт кишида бор. Ўтган иили Дуркентта фақат шу рангда машина келган. Шулардан учтаси Йўғонтепада. Ҳа, учтаси. Нима эди?

Абдуллажон жавоб бермай сўради:

— Зокирнинг ҳам машинаси борми?

— Бор. Лекин эски қора «Волга». Ремонтда.

— Ҳамтовоқларингдан қайси бирининг зангори «Жигули»си бор?

— Истроил пакананинг шунаقا машинаси бор.

— Зокирларнигида кеча шу машинада борганмиди?

— Ҳа.

— У хонадонда фақат майшат қилиб ичасанларми ё бошқа иш ҳам борми?

— Қанақа иш?

— Масалан, қимор-пиморми?

— Ўйнаб турамиз.

— Ўтган куни ўйнадингми?

— Ҳа.

— Ютдингми, ютқаздингми?

— Эсимда йўқ.

— Ўйғонганингда, ҳеч кимнинг додлаганини эшитмадингми?

— Худо урсин, эшиттаним йўқ, ада?

— Худони ўртага соловерма. Ичкари уйларга ҳам кирмадингми?

— Йўқ, шошиб кетдим. Кетишимда «Эплаган одам ўйнайди», дейишиди. Демак... ютқазган бўлсам керак. Нега буларни сўраяпсиз, ада? Мен кеча ёмон иш қилганим йўқ. Фотимани кўрганим йўқ.

Абдуллажон Зухрага қаради.

— Кўрсат хатни.

Зухра хонасига кириб, дафтарларидан бирининг ичига яшириб қўйган хатни олиб чиқди. Бериш, бермаслигини билмай, ушлаб турди, кейин узатди.

Ҳамидулла шошиб икки буклоглиқ қофозни олиб очди-да, ўқий бошлади. Ҳамидулла хатни ўқиб, бош-

кінча бўлиб кетди. Кўллари мушт бўлиб тугилди, лаб-мири нималарнидир пичирлади.

Абдуллажон билан хатни қайтариб олган Зухра унга тикилиб туришарди.

— Фотима! Сингилгинам! Мени кечир. Мени таниб-сан. Ҳовлидаги мен эдим, ҳа, бадбаҳт аканг!.. Сени ўша ёрдалигингни билганим йўқ. Билганимда ўзим билардим. Улар шунинг учун мени уйғотиб, жўнатишган экан. Уларга мен сени ютқазган эканман-да! Энди билдим, синглим Фотимам! Мен ўчингни оламан! Уларни соғ қўймайман. Ада, соғ қўймайман. Ада! Зухра! — Ҳами-дулла ўрнидан туриб, ҳовлига тушди-да, адасининг оёғига йиқилди. — Мастилиқда нима бўлганини билмайман. Мен уларни ўлдираман. Ҳаммасини битта-битта осаман...

— Эрталаб борамиз ўша уйга. Ўша учала ҳамтоворишиг, одамхўрларни кўрсатасан!

Абдуллажон ўғлининг ёқасидан тутди.

— Тур энди. Бориб ёт. Эрталабгача одамбашара бўл.

Абдуллажон шундай деб қизига ўгирилди.

— Хатни эҳтиёт қил. Эрталаб Ҳамид билан бориб келамиз. Сен қимиrlамай уйда ўтири.

— Ада! Кўрқаман, — деди Зухра. — Улар қуролланган бўлса-чи?

— Энди мени ҳеч ким, ҳеч нарса тўхтатолмайди, қизим. Бор, сен ҳам бир оз ухла. Мен ҳам ётаман шу ерда, айвонда.

Зухра ичкарига кўтарилиб, ёстиқ олиб чиқди. Ҳами-дулла ўз хонасига битта-битта босиб кириб кетди. Зухра ҳам ўз хонасига йўл олди.

Абдуллажон ўчоқбоши, молхона олдидаги чироқларни ўчириб, айвонга келди. Совиб қолган аччиқ, чойдан бир-икки ҳўплади-да, устунга суюниб ўтириди. Абдуллажон нимадир эсига тушиб, ўрнидан турди. Хонасига кириб, столи тортмасини очди. Иш режалари ёзилган қоғозлари, тоза қалин дафтар тагидан узун бир қоғоз қутини олди. Бирпас унга тикилиб туриб очди. Бу қачонлардир бир овчи ўртоғи туғилган кунида совға қилган уни ўткир, иккала томони чархланган, тўнғиз, айиқлар билан олишувга мўлжалланган ов пичоги эди. Бир марта ҳам очилмагани учун сарғиш ёғ қоғозларга ўтиб, дафтарнинг қалин муқовасини ҳам доғ қилиб қўйгани эди.

Абдуллажон пичоқни айвонга олиб чиқиб, яхшилаб артди. Кийик шохидан қилинган сопидан ушлаб, бир-икки чироққа солди. Оппоқ, пўлат ялтираб кетди.

VII

Майор Алиев туман марказидаги меҳмонхонага келганида Ўқтам Исмоилов икки кишилик хонадаги тахта каравотларнинг бирида чўзилиб ётарди.

Алиев кириши билан сакраб ўрнидан турди-да, кўйлак ва шимини кийиб олди.

— Ҳали-бери келмассиз деб ўйлабман. Кечирасиз.

Алиев кўйлагининг тутмаларини ечиб, енгларини шимарди, бўйнида осилиб турган галстугини ишидан сугуриб, каравот устига ташлади.

Ҳаво дим эди. Фувиллаб ишлайтган кондиционер хонани совутмаган, аксинча, ҳавосини бузиб, пивохоналардаги шиптирик ҳидига яқин ҳидни димоққа уради.

— Қандай ўтирибсан? Ўчириб, деразаларни очиб юборсанг бўлмайдими?

— Бир кўнглимга келувди, — жавоб қилди Исмоилов, деразани очар экан. — Таниш-билишлардан тинчроқ ўтирармиканмиз, деб ўйловдим.

— Улар шу ерда туришимизни барибир билишади. Яхшиси, тез у-бу еб олайлик-да, бозор олдидағи боққа ўтиб айланайлик. Хонани текширдингми?

— Улар бу ерда туришимизни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Республикадан келган терговчилар туман меҳмонхонасида шўро давлати барпо бўлганидан бери биринчи марта тунаётган бўлса керак.

— Гапинг тўғри. Ўзимиз ўргатиб қўйганмиз. Боғларда, бадавлат хонадонларда турганингдан кейин қайси юз билан шу боғ, шу хонадон эгаларини қоралайсан? Жиндек бурнини чимчилаб, номига протокол қилиб кетасан. Ўқтам! Менинг қорним оч. Ниманг бор?

Алиев ювиниб келиб, каравотта чўзилди.

— Уйга кириб тўғри қилган эканман келаёттанимизда. Ақлли хотинларнинг садағаси кетсанг арзийди.

Исмоилов дипломатидан бир шиша конъяк, битта қази, иккита нон олди. Ташқарига чиқиб чой дамлаб келди. Алиевнинг илтимоси билан Дуркент милициясининг бошлиғи Азим Турсуновга ҳам, Собиржон Сиддиковга ҳам жуда кеч келамиз, деб жавоб бердириб юборган эди. Уларга албаттга, бу ёқмади. Лекин ҳозирги шароитда шундай қилинмаса бўлмасди. Устига-устак, Алиев ҳам, Исмоилов ҳам Турсуновни билишмас эди.

— Ишлар жойида-ку? — курсанд бўлиб ёнбошлиди Алиев. — Менга қара. Агар хўп десанг, майқада ўтириб, овқатланайлик. Е уяласанми мендан?

Исмоилов кулди.

— Қаршилик қилмасангиз, мен майкани ҳам ечиб қўйардим. Мелиса одаммасми? Нима учун доим бўғи-либ ўтиришимиз керак?

Икковлари бараварига ечинишди ва беихтиёр бир-биirlарига қараб қўйишиди. Исмоилов бошлигининг та-ранг, спортчиларнидек бақувват гавдасига қойил қолди. Алиев ҳам Исмоиловнинг қелиштган боксчилар-нидек бўйнидан бошлаб, ҳаммаёғи пай бўлиб кетга-нига ҳавас билан қараб, елкасига бир уриб қўйди.

— Қуролнинг ҳожати йўқ экан сенга, Ўқтам!

— Сизга ҳам...

Исмоилов ярим пиёладан конъяк қуиди, юпқа қилиб қази, пиёз, помидорларни тўғради.

Биринчи пиёлани гап-сўзсиз ичишиди. Иккови-нинг ҳам қорни оч эди. Иштача билан қазига ёпи-шишиди. Иккинчи пиёлани ичиб бўлишганда, эшик тақиллади.

Исмоилов Алиевга бир қараб қўйди-да, чиқмаслик бефойда эканлигини билиб «Хозир!» деди кўйлагини кийиб, даҳлизга чиқди.

— Кечирасиз, мени Тешабой ака юбордилар. Манавини тамадди қилар экансиз. Меҳмонлар бор эди, ўzlари келолмадилар.

Нотаниш одам дастурхонга ўроғлиқ тогорани Исмоиловга узатди. Исмоилов аввал иккиланди, кейин Тешабой аканинг кимлигини билиб, тогорани олди.

— Эртага ўzlари сизларни топиб оларканлар. Агар исташса, бошлаб олиб кел, дедилар, — қўшимча қилди нотаниш одам.

— Раҳмат, жуда чарчаганмиз. Бугун шу ерда қоламиз, — деди Исмоилов.

— Яхши ётиб туринглар!..

Исмоилов жавоб қилиб улгурмади, нотаниш одам орқасига ўтирилиб чиқиб кетди. Исмоилов беихтиёр унга қараб қолди. Бундай узун қўллик одамни у биринчи кўриши эди. Кўллари узунлигини ўзи билса керак, юрганида ерга тегиб кетадигандек, бир оз кўта-риб, елкаларини қисиб юрарди.

«Ашуруалининг ўғли шу одамни айтмадимикан?» дар-ров ўйлади Исмоилов ва болага уни кўрсатиш фикри миясига келди.

— Нима гап? — сўради ичкарига кирганда Алиев.

— Мана, Тешабой ака бизнинг фамимизни еб, юбо-рибдилар.

Ўқтам Исмоилов дастурхонни очди. Бир тогора девизирадан қилинган ошнинг устига йигирматача майда сих кабоб терилиб, йирик-йирик тандир нонлари билан ёпиб қўйилган эди. Ош ҳам, кабоб ҳам ҳали иссиқ эди.

— Тешабой ака Султонов назаримизга тушмаган ҳали. Олмасам хафа бўларди.

Алиев индамади. Бу эса тўғри қилибсан, деган гап билан баробар эди. Шунинг учун Исмоилов ўзини эркин ҳис қилиб, нонни синдириди.

— Олайлик, совиб қолмасин.

Алиев бир сих кабоб билан бир бурда нонни қўлига олди.

— Ўртоқ майор, — шароитта унча тўғри келмаса ҳам Алиевни хурсанд қилиш учун шундай мурожаат қилди Исмоилов. — Топшириқларингиздан биттаси ба жарилди.

— Қайсиниси? — сўради Алиев бепарволик билан. Исмоилов уни овутмоқчи, озгина бўлса ҳам кўнглини кўтармоқчи бўлса керак, деб ўйлади у. Унинг назарида ҳали бирорта иш натижа бермаган, ушлаб оладиган биронта ип қўлларига тушмаган эди. Битта аниқ гап — зангори «Жигули» бўлди. У ҳам Йўғонтепада учта экан. Эрталаб ҳар бирининг эгалари билан танишишга тўғри келади.

— Ашуралининг ўғли айтган узун қўлли одам аниқланди.

— Ростданми? Ким экан?

— Ҳозир раисдан овқат олиб келган одам. Ё раиснинг ҳайдовчиси, ё ошпази. Бунинг энди аҳамияти йўқ. Афсуски, исми шарифини айтмади. Ошпаз бўлса, қўли гул ошпаз экан. Кабобни ҳам, ошни ҳам боплабди! Нима дедингиз?

Исмоилов оғзини тўлатиб ер экан, бошлиғига қараб қўйди.

— Узун қўлли одам, — хаёли қочди. Қаерда кўрган эди шундай одамни? Эслади. Тоғда. Раиснинг ёнида. Кўкнори майдонида.

Алиев бош силкиди.

— Унда эртага яна бўлинамиз, — деди Алиев. — Сен ҳўжалик идорасига борасан. Фармзаводларнинг ҳужжатлари билан танишиб, ошпазми, ҳайдовчими, ҳалиги одамнинг кимлигини суриштирасан. Одамбой бўлса керак исми. Тағин билмадим. Мен машиналар билан шуғулланаман.

— Келишдик.

— Алијон аканг келмади. Демак, Тошкентда тинчлик. Кўйнори ҳали Йўғонтепада. Шундай, деб фараз қиласиз-да?

Алиев қўлларини артди.

— Қизиқ, уйга телефон қилишганмикан яна? Албетта, бизнинг бу ёқса келганимизни билишади. Нега жимиб қолицди?

— Жимишгани йўқ.

Очиқ дераза олдида капитан Раҳмонов туради. Қаҷон келди у, қандай пайдо бўлди, Алиев ҳам, Исмоилов ҳам кўрмай қолишган эди.

— Яхши келдинг. Эшиқдан кир, — таклиф қилди Алиев.

— Ҳозир, — капитан Раҳмонов фуражкасини дераша токчасига қўйиб, терлаган бошини артди. — Ёмон жойда ўтирибсизлар. Ҳар ёқдан нишонга олса бўлади. Лекин яхши ўтирибсизлар. Зиёфат қуюқ-ку?!

Капитан меҳмонхонани айланиб, хонага кирди.

— Кеч келганим учун узр. Антиқа хабар билан келяпман.

— Один овқатдан олинг.

Исмоилов ярим пиёла конъяқ қуйиб узатди.

Раҳмонов унинг ёнига ўтириб, пиёлани олди ва ичди.

— Ия! Чойми дебман. Рулдаман-ку ахир. Ҳозир қайтаман.

— Йўқ. Бирпас ўтирасан. Маслаҳат бор.

Алиев ўз қўли билан унга бир сих кабобни узатди.

— Биласанми кимдан? Тешабой Султоновдан. Ҳозир келди. Ҳали тафти яхши. Ол.

— Хўп, — капитан Алиевга қаради. — Уйинг тинч. Лекин Санобар жуда хавотир оляпти сендан. Телефонни тешворишибди пўўписа қилавериб. Охири трубакни олмай қўяқол, дедим. Сен телефон қилганингда ҳам ҳеч ким жавоб бермаса, хафа бўлма.

— Тушунарли. Хўш, нима гап?

— Соатга ишлатилган жавоҳирнинг эгасини топдим. — Раҳмонов хурсанд бўлиб ҳамкасларига қараб қўйди. — Бу жавоҳир биттамас, ўнта соатта ҳам етади.

— Хўш, ким экан эгаси? — шошилтириди Исмоилов.

— Салтанат Шарипова, — Раҳмонов ҳеч нарса тушундиларингми дегандек, бирпас жим турди, шошмасдан бир дона гўштни сиҳдан чиқариб оғзига солди,

обдан чайнаб ютди. Шундан кейингина, гапини давом эттириди. — Қоғозга Салтанат тушибди. Аслида Салтанат хурматли раисимиз Тешабой аканинг ёстиқдошлари. Бир минг тўққиз юз етмиш тўққизинчи иили ёзда, аниқроғи август ойида Одессадаги комиссиян магазиндан эллик олти мингга шу жавоҳирни сотиб олганлар. Мендаги маълумотларга қараганда, ўшанда ёnlарида Тешабой аканинг ўzlари ҳам бўлганлар. Жавоҳир Фридман Михаил Яковлевич деган муҳандистга тегишили экан. У қаердан олгани номаълум? Ўша иили Истроилга кўчиди кетган.

— Қизиқ бўлди-ку, Қодир ака? — гапга қўшилди Исмоилов. — Жавоҳир хотининики бўлса-да, хурматли раисимиз шу жавоҳир қадалган соатни ўйнашига ҳадя қилса?

— Соат биттамас назаримда. — Алиев шундай дедида, Зухрадан олган соатларни дипломатидан чиқарип, уларга кўрсата бошлади.

— Мана! Қаранглар. Шоҳидага берилган соатдан ҳеч фарқи йўқ. Бу ҳам «Полёт» заводининг маҳсулоти. Лекин аминман, бу соатда ҳам рақамлар жавоҳирдан.

— Фотимага ким берибди? — сўради капитан.

— Билмайман, — жавоб қилди Алиев. — Ҳарҳолда бир нарса аниқ. Шоҳидага ким тақдим этган бўлса, Фотимага ҳам ўша одам берган. Лекин бир нарсага сира ақдим етмаяпти. Соатларни олган одамлар, жувон ҳам, бу қиз ҳам, ё ниҳоятда бойликка бепарво одамлар, ё соатнинг қандайлигини билишмаган. Совға қилган одамнинг нияти нима? Нега иккала совғанинг эгаси йўқ бўлиб қолди. Биттаси йўқолди, биттаси ўзини осди? Фотима назаримда, совғанинг аҳамияти, қимматига тушунмаган. Тушунганида бирор орқали синглисига бериб юбормас эди. Битиравчиларга берилган совғалар бир хил бўлган. Зухра жавоҳирли соатни менинг олдимда кўрди. Ўкта, сен яна бир иш билан шуғулланасан. Эрталаб хўжалик идорасига борасан. Фотима соат нечада идорага келди? Ким билан? Кетгунига қадар кимлар билан бўлди, аниқла. Рамз деган бир йигит унга бефарқ эмас экан. Ўша йигитни топиб гаплаш.

— Балки шу йигит бергандир? — тахмин қилди капитан Раҳмонов.

— Агар Фотимага шу йигит берган бўлса, Шоҳидага ким берган? Алижон, сиз яхши гап топиб кел-

дингиз. Мен сизларга гумонимни айтиб қўяқолай. Кўп нарса Ўқтамжон ҳурмат билан тилга олаётган Тешабой Султоновга бориб тақаляпти. Биз энди унга ёндашиш йўлини топишимиз керак. Менинг тахминим: Шоҳида билан Тешабой ака дон олишиб юришган. Аммо ораларидан нимадир ўтган, ундан қутулишга тўғри келган, ё Шоҳида ўзини ўлдирган. Эрига доғ туширмаслик учун. Албатта, бу фақат тахмин. Қоралори, кўкнори мана шу муносабатларнинг асосида ётибди. Раис нимадандир чўчиб, бизга ҳуфя экилган кўкнори ҳақида хабар берган. Аслида, кўкнори уники. Қардалигини у яхши билади. Бу ҳам тахмин.

— Тахминингта мен ҳам қўшиламан, — деди капитан Раҳмонов. — Лекин билиб қўй, жуда қалтис тахмин. Тешабой ақадек одам ҳамма шериклари, хизматкорларини босиб-янчиб, сувдан ҳам, ўтдан ҳам қупқуруқ чиқиб кетади. Калтак сенинг бошингда синади. Сенинг ёнингда биз ҳам соғ қолмаймиз.

— Ҳали кеч эмас, четта чиқишинг мумкин.

— Чўчийдиган одам йўқ. Бирга бошладик, бирга охиригача борамиз. Мен фақат бизни нима кутишини кўз олдингга келтириб қўйдим.

— Биламан, бизни қаттиқ жазолашади, — Алиев бирдан ўрнидан туриб, кийина бошлади. — Кетасан-а ҳозир?

— Қаёқقا?

— Уйга!

— Ҳа.

— Мен ҳам. Аzonда ўзимнинг машинамда қайтаман.

Исмоилов бошлиғидаги кескин ўзгаришга ҳайрон бўлди.

Буни Алиев пайқади ва очигини айтиб қўяқолди:

— Қизимдан негадир хавотир оляпман. Кўрмасам, кўнглим жойига тушмайди.

* * *

Ҳамидулла отасининг зўри билан хонасига кириб ётди. Аммо уйқуси келмади. Фотиманинг хати уни ҳушёр тортириб юборган эди. У йигит кишини охир-оқибат аброр қилювчи ҳаёт кечираётганини биларди. У қайси бир ахлатхоналарда ётиб ўлиб кетсан керак, деб ўйларди. Ўзининг бошига оғир кунлар тушишини ҳис қилиб юрарди. Аммо чакки юришининг касри оиласига ҳам уриши мумкинлигини ўйлаб қўрмаган эди. Ҳамидулла

хўжалиқда номигагина экспедитор эди. Аслида Зокир ларнинг уйида кунни кеч қилар, раис суриштирмаса уйига бораради. Зокирларнида асосан раиснинг мах сус топширигини бажарадиган одамлар йифиларді Ҳамидулла уларнинг қиласиган ишларини билса ҳам ҳеч суриштирмас, улар ҳам уни мутглақо ўз ишлариг аралаштирмас эдилар. Вужудида титроқ тура бошла ганда билак томирига игна санчиди, дори юборгани, бундан роҳатлангани эсида. Унга шунинг ўзи кифоя эді Кейин, қийшиқ билан ичгани ортиқча бўлди. Ўшандай кейин қимор ўйнадими? Синглисими тиқдими, а?! Ҳай вондан баттар ҳолга тушганини ҳам билмасми? Чиндан ютқаздими ё улар фирром ўйин қилдими? Ҳўй мастилиқда тиккан бўлса тиккандир. Ўзига келгунча кутишмайдими? Ўрнига топиб бер, дейишмайдими? Шуларни ўйлаб, Ҳамидулла тишларини фижирлатди. «Хунасалар, мен сенларга кўрсатиб қўяман ҳали!» Ҳамидулла ўрнидан туриб кийина бошлади. Унинг уйда чиқаёттанини ҳеч ким сезмади. Икки чақиримча юриб чапга бурилди-да, ингичка ёғоч эшик олдида тўхтади Бармоқларини тирқищдан тикиб, ўзи билган йўл билай эшик занжирини тушириб, ичкарига кирди.

Ҳовлида, токнинг тагидаги тахта сўрида кимдиқ ётари.

— Одамбой ака! — туртди уни Ҳамидулла.

Одамбой кўзларини ишқалаб, бошини кўтарди.

— Ким?

— Мен Ҳамидман. Ота қаерда ҳозир?

— Нима эди?

— Жуда зарур! — унинг елкаларига ёпишиб сўради Ҳамидулла. — Тепадами ё уйга қайтдими?

— Ота тепада қолган. Борсанг, мени айтди дема.

Ҳамидулла эшикка отилди. У кетиши билан Одамбой хушёр тортди. Ўрнидан туриб, водопровод тагиде шапиллатиб юз-қўлини ювди-да, кўча томон юрди.

— Қаёққа? — айвонда ётган онаси уйку аралап бўғилиб сўради.

Одамбой жавоб бермади. Унга Ҳамидулланинг авзойи ёқмаган эди. Унинг назарида Ҳамидулла ўзи ғалати йигит эди. Салга бориб келади, йиғлатиш ҳам осон уни, кулдириш ҳам. Уришса, итга айланади қолади. Ҳозир унинг турқи бошқача. Орқасидан бормаса бўлмайди. Ота қидириб қолса, ёнида бўлгани маъқул. Синглиси увол кетди. Яхши қиз эди. Ота унга олиб бермоқчи эди.

Одамбой қишлоқдан чиққунча етиб оламан, деб ўйлаган эди. Йўқ, Ҳамидулланинг қораси кўринмади. Ҳемак, жуда иши зарур, чопқиллаб кетибди. Баригири, ундан қочиб кетолмайди. Одамбойдан ҳеч ким қочиб кетолмаган. Осмонга кўтарилса оёғидан, ерга кирса қулоғидан ушлаб, ота нима деган бўлса шуни қилган.

— Ҳамидулла! — ҳар эҳтимолга қарши овоз чиқариб қўйди Одамбой. Қоп-қоронги дала йўл жимжит эди.

Ҳамидулла Йўғонтепанинг юқоридаги шаршаранинг таниш, доимо бир хилда гувиллаб турадиган овозини эшишиб, «Тепабоққа» етиб келганини билди. Атрофи арчазор бу боғ «ота»нинг энг севимли жойларидан эди. Ҳар кимни ҳам бу боққа олиб келавермас, кайфияти яхши пайлари яқинлари билан уч-тўрт кун шу ерда қолиб кетаверарди. Унинг кайф қилиб, дам олиб ёттанини ҳеч ким, уйидагилар ҳам билмай қолишарди. Бор губорларини чиқариб, янги режаларини пухта ўйлаб олиб, пастга тушарди. Унинг меҳнаткашилиги, уддабурро, ақлли, тажрибали раҳбарлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ эди. Баъзан ўн кунлаб, ёзда эса бир яримикки ойга йўқ бўлиб кеттанида ҳам хўжалиқда иштўхтамас, ҳамма бўлим, хўжаликларда у мўлжаллаб кетган вазифалар тўла-тўкис бажарилар эди. Чунки ҳамма у қайттач, яхши гап эшишини, қўшимча мукофот олишини биларди. Топшириқни бажармаганинг эса ҳоли вой эди. Ишдан олиниши, правление томонидан унга катта жарима солиниши ҳеч гап эмас эди. «Ота»нинг хўжалик ишларидан ташқари яна талай ишлари бор эди. Бу ишларни жуда тор доира одамлар билар, жамоа хўжалигининг биронта ҳисоб-китоб дафтарида улар ҳақида маълумот йўқ эди.

Ҳамидулла кеча ана шундай ишлардан бирининг гувоҳи бўлди. Таъзиялик, эрталаб синглиси кўмиб келинган одамни пешиндан кейин раис уйидан олдириб кетди. Унинг тепадаги зиёфати тушдан кейин бошланган эди. Ниҳоятда очиқ қўллик билан Қўйлиқда икки йилдан бери ишлаб келаётган «Тақсим» қўшма корхонанинг бошлиқларини қабул қилди. Хуфя маҳсулотни олиб, қайта ишлайдиган, куқун қилиб, юз граммлик целофан халтачаларда мижозларга тарқатадиган энг бой ва ишончли одамлар шулар эди. Раис улар билан камида ўн беш йилдан бери таниш бўлса ҳам, ҳозиргидек кенг кўламда, ҳеч нарсадан деярли чўчимай иш-

ламаган эди. «Тақсим» бошлиқдари эса, қорадори ўз йўлига, унинг обрўсидан, республиканинг деярли ҳамма муассасаларида қўли борлигидан фойдаланиб иш кўришарди.

Ҳамидулла келганида уларнинг иш юзасидан гаплашадиган гаплари тугаган, маҳсус тайёрланаётган бедана кабобни кутиб ўтиришарди. Ҳамидулла одати бўйича уларга кўринмади. Агар орада гап қочиб, иш бузилса, шунда ҳам ота чақирса киради. Бўлмаса, унинг қиласидан иши ҳам йўқ эди бу ерда.

Меҳмонлар кеттагач, ота уни зиёфат қилди. «Тақсим» бошлиқлари ташлаб кетган ташриф қоғозидан бирини берди. «Тошкентда мажлисим чўзилса, зерик маслик учун кириб чиқарсан», деди...

Ҳамидулла тўғри Зокирнига боришни қасд қилиб уйидан чиққан эди. Аммо ҳар бир ишдан аввал отадан маслаҳат олиб ўрганиб қолгани учунми «бир олдидан ўттай», деган фикр уни шу боқقا бошлаган эди.

Ит ҳуриди.

— Ким? — сўради қоровул чол.

— Мен, Ҳамидулламан.

Ҳамидулла дарвозани итариб очди.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан, болам? — сўради ҳайрон бўлиб қоровул чол.

— Чакирдилар! Шошиб келдим, — алдади Ҳамидулла ва ичкарига кирди. Ит ҳам уни таниб, бир ингшиди-да, жим бўлди.

— Ётибдилар. Чироқ ўчик, — деди чол.

Ҳамидулла индамай таниш бино томон юриб кетди. Хонага кириб, чироқни ёқди.

Раис кўзларини кафти билан беркитиб, бошини кўтарди.

— Ота!

— Ҳамидулла! Сенмисан? Нима гап?

Ҳамидулла раисни кўрдию айтмоқда мўлжаллаб қўйган барча гапларини унугиб, дудукланди.

— Фотима... синглим... Тўхта қийшик, Зокирларни деб, ўзини осган экан.

— Нега? — раис кўзларини очиб, ўрнидан туриб ўтириди. — Нега уларни деб осади?

— Уч киши бўлиб зўрлашибди! Мен аҳмоқ, мастлиқда ютқазиб қўйган эканман шекилли...Faflatda қолдим, ота! — Ҳамидулла ўзини тутолмай йиглаб юборди. — Мен уларни соғ қўймайман. Ўлдираман!

Раис ўзига келиб, нима бўлганини, нега Ҳамидул-

ло келганини тушунди. Фотима нима учун ўзини останини у биларди. Кеча билган эди. Тўхтамуроднинг ўзи, йигирма бир ўйнаб ютганини, Зокир билан Исройл Фотимани тутиб келишганини мақтаниб лайтиб берган эди. Лекин ўзини осиб қўйишини хаёлига ҳам келтирмаган экан, у аҳмоқ. Қанча қиз жим юрибди, бу ҳам шундай юради, деб ўйлаган экан. Раис уни уришди, сўқди. Хушбичим, эс-ҳуши жойиди, попукдек қизга юраги ачиди. Олдиндан ўйлаб қўйган ниятлари барбод бўлганига афсусланди. Фотима чиройли қиз эди. Шоҳида ҳам чиройли эди. Аммо Шоҳида унинг айттанини қилмади. «Битта ўзингиз билан бўлганим етади, ҳалиям уйдагилар олдида уятлиман. Қанча десангиз сиз билан майли, лекин бошқа одамга мени қўшманг. Уни ҳам, ўзимни ҳам ўлдирман!» — деб туриб олди. Тешабой ака унинг бунчалик ўжарлигини билмаган эди. Билмай, биринчи котибга айтиб қўйган эди. Котиб келди. Зиёфат ҳар доимгидек куюқ бўлди. Шоҳида номига хизмат қилди. Мақсад — уни котибга кўрсатиш эди. Котиб ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Зиёфатдан сўнг авжи керак пайти Шоҳида оёғини тираб туриб олди. Кейин қочди. Одамбой уни қувлаб кетди. Кўп ўтмай ёлғиз қайтиб келди. Раис котибдан узр сўради. Аммо унинг кайфи бузилган эди. Яхшиямки, орадан кўп ўтмай ишдан олиниб кетди...

Тешабой ака Фотимани унга ўхшатган эди. Ўқитиб, олий маълумотли қилиб, ўзининг энг зарур одамига айлантиришни, уни биринчи кўрганидаёқ дилига тутиб қўйган эди. Жавоҳир соатни шунинг учун берди. У жавоҳирлигини билмайди. Вақт ўтсин, ундан чўчимайдиган, гапига қулоқ соладиган бўлганда ўзи айтиди. Бир йил ўтар, икки йил ўтар, бунинг аҳамияти йўқ. Йил ўтган сари совғанинг ҳам, совға қилганинг ҳам баҳоси ошиб бораверади. Лекин на илож? Ниятлари пучга чиқди. Қизнинг умри қисқа экан. Кўзга яқин экан. Бу ёғига энди эҳтиёт бўлиш керак. Совғасаломнинг ҳам чегараси бўлади. Йигитларни ҳам тергаб қўйиш шарт. Одамбой тез-тез улардан хабар олиб турса, шундай bemaza воқеалар бўлмайди.

— Ўзингни бос! — Раис Ҳамидулланинг елкасидан ушлаб силкиди. — Уларнинг жазосини берамиз. Сабр қил бир оз. Синглинг, Фотиманинг умри қисқа экан. Тақдир бу. Пешана. Нима қиласдинг? Бардош қил.

— Улар мендан қутулмайди!

Ҳамидулла бир силтаниб чекинди.

— Бўлди, қўй. Жазолаймиз, деяпман-ку! Ҳозир жаҳл устида ўзингни ҳам абор қилиб қўясан.

Ҳамидулла бу ерга келганига пушаймон еди. Раисдан бундан бўлак гап чиқмаслигини биларди. Била туриб келдия... Шу фикр миясига урлиди-ю, терс бурилиб хонадан чиқиб кетди.

Раис бирпас жим ўтирди. Кейин эшик томонга қараб бақириди:

— Ким бор?

— Лаббай, ота?

Эшик олдида Одамбой турарди. Раис ўнг қўли билан юзи-кўзини артди-да, бирпас кафтидаги тер томчиларига тикилиб турди, кейин қўлини мушт қилиб, бош бармоғини ерга қаратди.

— Айнибди, — деди у.

Одамбой гап ким ҳақида кетаётганини тушунди.

— Йўқот уни, ўзинг билган жойда.

Одамбой қуллук қилгандек бошини бир оз эгиб, тисарилиди. Ҳовлига тушганида, Ҳамидулла дарвозага етай деб қолган эди.

— Ҳамидjon!

Ҳамидулла уни эшитиб тўхтади. Сергакланди. «Қаердан пайдо бўлиб қолди бу одамхўр?» — хаёлидан ўтди унинг, аммо уйига кирганидан кейин орқама-орқа сиртлондек товуш чиқармай келганини, раисга айтган гапларини ҳам эшик тагида туриб эшитганини билмади:

— Сиз... сиз нима қилиб юрибсиз Одамбой ака?!

— Сен кеттанингдан кейин хавотирга тушдим. Ҳайтовур, вақтида келибман. Юр, нариги, ёлғизоёқ йўлдан кетамиз. Яқин. Бирпасда етамиз уйга. Ота ҳеч ким кўрмасин, дедилар.

Одамбой орқасига қайтди. Ҳамидулла беихтиёр унинг изидан юра бошлади. Нимадан қўрқиб кетди? Одамбой унга нима қила оларди? Ота номардлик қилди. «Уларни сенга топширдим», дейиши керак эди. У шунни айтмади. Уларнинг тили бир. Отага улар кўпроқ керак...

— Одамбой ака! — деди Ҳамидулла йўлда кетатуриб. — Бугун Қийшиқ кўринмадими?

— Йўқ, нима эди?

— Биласизми... синглимни ўзи ўлмаган экан. Қийшиқ зўрлабди. Бечора... чидолмай ўзини осиби кейин. Ман одаммасман, Одамбой ака, одаммасман!.. Уни қиморда ютқазиб қўйган эканман...

Одамбой индамади. Шаршара тагига етиб келишганда, у тўхтаб, шарт орқасига ўтирилди.

— Сен чиндан ҳам одаммассан. Садқаи ака кет. Сен ҳаромсан!

Одамбойнинг узун қўллари Ҳамидулланинг юмшоқ, ингичка бўйнида пайдо бўлди. Ҳамидулла ҳарбийда ўргангандан усулларини ишлатишга ҳам улгурмай қолди.

— Одамбой... ака!

Ҳамидулла бошқа ҳеч нарса деёлмади. Нафаси бўғилиб, ичида бир нарса узилиб кеттандек бўлди ва шу ондаёқ кўз олди қоронгилашди. Шаршара қулоғи остида шариллар экан, Одамбой уни кўтариб олганини сезди.

Чиндан ҳам Одамбой чап қўли билан бошини осилтириб, томогини қисганича, ўнг қўлтиғига кучук боладек уни қўлтиқлаб шаршара орқасидаги ўзи билан форга йўл олган эди.

Ҳамидулла шундан кейин нима бўлганини билмай қолди. Миясига охирги ўтиришган нарса — пастлика, ғалати илиқ ҳид, ялпизми, райхонми, чулғаган пастликка шўнғиб кетаётгани бўлди.

Одамбой форнинг оғзида қулоқ тутиб турарди. Анча вақт ўтди. Нимадир фор ичида «тўп» этди. Одамбой энгашиб яна қулоқ солди. Бошқа ҳеч қандай овоз эшилмади.

— Айб ўзингда, ука! — деди ўзича Одамбой. — Ота синглингни менга бермоқчи эди. Сен уни келиб келиб ўша Қийшиққа ютқазасанми?

Одамбой бокқа қайтиб қўлларини ювди-да, раис ётган хонанинг эшигини қия очиб қаради. Раиснинг уйқуси қочиб, боя қандай ўтирган бўлса, шундай ўтиради.

— Бўлди, — деди ичкарига кириб Одамбой ва косвдек панжаларини юзига суртиб, фотиҳа қилди. — Ҳеч нарсага тушунмай кетди, ота.

Раис жавоб бермади. Қўлини чўзиб, Тошкент суви солинган шишаларни кўрсатди. Одамбой дарров битта шишани олиб, катта пиёлага тўлдириб қўйди-да, узатди.

Раис симириб ичди. Соқол-мўйловига ёшишган томчиларни артиб, пиёлани чойшаб устига қўйди.

— Тушунмай кеттани маъқул бўпти, — деди у бир маҳал ўрнидан туриб. Узун қора иштон, оқ шоҳи майкада у томоша учун кийинтирилган бесўнақай қора тўнғизни эслатарди.

— Биламан, сенга Фотимани ваъда қилувдим. Умри қисқа экан. На илож? Ундан яххисини топамиз. Ҳамидуллага ачинма. Ҳаммамизнинг бошимизни жанжалга қолдиради. Тушундингми?

Одамбой ҳеч нарса тушунмади. Аммо тушундим, деб бошини қимиirlатди. Отага қандай жавоб кераклигини у яхши биларди.

— Эртага яна шу ерда бўласан. Ҳойнаҳой, Алиев одамлари билан келади. Мўлжал шундай. Ўшанда, ёруғда бир чеккага олиб қўй уни.

Раис гап тамом дегандек, жойига бориб ёнбошлиди. Ҳали тонгта анча бор эди. Одамбой шу ерда ҳам қолса бўларди.

Лекин қишлоқда бўлатуриб, онасини ҳеч маҳал ёлиз тунағани қўймасди. Шунинг учун, у ўйлаб ўтирумай йўлга тушди. «Яна битта одам қўшилди», хаёлидан ўтказди у.

Биттаси Шоҳида эди. Ақлли одам уни жаноза очишга кўндириди. Абдулла муаллимни ким кўндириаркин? Кўнармикан у? Кеча қизига жаноза очса, бутун ўғлидан ажраб ўтиrsa? Милицияга хабар қиласди. Кошки милиция йўқолганларни раиснинг боғидан қидиришни хаёлига келтирса. Милиция келиб, боғни тит-питини чиқарса ҳам форни топа олмайди. Форни Одамбой тўсатдан топган. Қайси бир йили Кавказдан меҳмонлар келиб қолди. Уч кун шу боғда кетма-кет зиёфат бериладиган бўлди. Кун бўйи саёҳат, кечқурун дам олиш... Раис йигирмата қўзичоқ олиб келишни буюрди. Бири-биридан ширин қўзичоқлар келтирилди. Уларни майда-майда қилиб эмас, бутунлигicha, кавказчасига гулхан устида арча таёқقا тикиб пишириш керак эди. Одамбой ёрдамчи кабобпаз, ошпазлар билан маслаҳатлашиб, ҳаммасини бирдан сўйдириди. Ичларини ювгани шаршара тагига бориб ўтирганда, орқасидан қандайдир илиқ, ёқимли ҳаво ураёттганини сезиб қолди. Бир оз юриб, харсанглар орасида тешик борлигини кўрди. Катта бир тошни суриб қаради. Тешик фор оғзи экан. Ёқимли ҳид ҳам шу форнинг ичидан чиқаётган экан.

Одамбой бир қадоқ келадиган тошни форга ташлади. Анчагача унинг тагига етгани билинмади. Бир маҳал нимадир гумбирлаб кетди. Бу тошнинг фор тагидаги акс-садоси эди.

Одамбой йигитларни чақириб, улар билан тушиб чиқсаммии деган фикрга келди, аммо ўзини тўхтатди.

Иегадир форнинг топилганини овоза қилгиси келмади. Ҳеч қандай нияти йўқ эди. Лекин нимадир уни тўхтатиб қолди. Ҳеч ким йўқ пайти келиб, шаршара ёнидаги арчага арқон боғлаб, форга секин туша бошлади. Йигирма қадамча тушганида фор иккига бўлинди. Бир томони қоп-қоронги, фақат, тепадан тушаётган ёруғлиқдан нимадир чўзилиб қора сақичдек ялтиради. «Сув!» — фараз қилди Одамбой. Унинг фарази тўғри эди. Қурама қояларидан эриб тушган қор шу ерда кўл ташкил қилган эди.

Форнинг иккинчи томони кўлдан баландроқ бўлиб, қаёққадир илонизи бўлиб чўзилиб кетган, икки киши bemalol бошни эгиб юрса бўларди. Одамбой бирпас юрди. У боя ташлаган тош шу томонга думалаб кеттанини тушунди. Ўзи билан шам олиб тушмаганига ачинди. Кўтарилиб, ошхонадан уч-тўртта шам олиб, яна тушди. Кўлга етиб, ўнгта бурилганда, шамлардан биттасини ёқди. Фор ёришиб кетди. Камида ўн қадам нари ҳам яққол кўрина бошлади.

Одамбой ҳайрат ичида қолди. Форнинг деворларида ҳар хил ҳайвонларнинг суратлари чизилган эди. Ёй, пайзалар, югуриб кетаётган одамлар, итлар, ёввойи эч-килар турли туёқларда товланарди. Оёқ остида эса темир-терсаклар ётарди. Узун бир темирни Одамбой қўлига олиб қаради. Афтидан қилич бўлса керак, уни ўткир, сопидаги суюклар ҳали бутун эди. Фор қаёққа олиб чиқишини Одамбой билмади. Юз қадам юриб, орқасига қайта бошлади. Шу пайт у бир сирнинг гувоҳи бўлди ва кўрқиб кетди. Келаётганида бу ёққа тепаликка кўтариляптими ё пастилкка тушаяптими, сезгани йўқ эди. Ҳавода ҳам ҳеч қандай ўзгаришни пайқагани йўқ. Аммо қайтаётганида тепаликка кўтарилаётганини англади. Ҳаво етмаётганини сезди. Юриш боргани сари қийинлашди. Назарида у қадам ташлар, аммо жойидан қўзғалмас эди. Бадани сув бўлиб кетди. Кўл кўринмади. Оғзига нимадир тиқилди. Бақирмоқчи эди, аммо овози чиқмади. Чамаси бир соатлардан сўнг у кўлга етди. Бирпас дам олиб, кейин тепага кўтарилди. Қилич деб фараз қилган темири чиндан ҳам алламбало қилич эди. Зангламаган, опшоқ, фил сугидан қилинган сопи фақат сарғайиб кетган эди, холос.

Ўша куни кечқурун ихтиросини боқча келган «ота»-сига айтди. Раис қилични кўриб, унинг қадимийлигини, биронта амир ёки бекнинг қуроли бўлиши мумкинлигини фахмлади. Лекин ўзи яхшилаб форни тек-

ширмагунча ҳеч қаёққа хабар қилмасликни маъқул топди. Ота Одамбойнинг ҳеч кимга айтмаганлигини ҳам маъқуллади. Лекин Одамбой раисга қанчалик боғланган бўлмасин, ҳозир уйига қайтар экан, шу лаънати горни топганига пушаймон эди. Бир йилда иккита одамни ютди. Яна нималар бўлар экан? Кимга яна аждаҳо бўлиб оғзини очар экан бу фор? Ота бўлса горни сир тутаяпти. Қилични ҳам ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган чоғи? Ўша кунлари бу ғалати горнинг яна бирсири очилди. Сўйилган қўй-қўзилардан ортиб қолган иккитами, учтасини Одамбой горга олиб тушиб, иккига ажраган йўл устига қўйиб чиқди. Ўн кунлардан кейин гўшт қандай қўйиб қўйган бўлса, шундай, бузилмай, ҳидланмай турганини кўрди. «Музхона-ку бу!» — севиниб кетди Одамбой. Тағин, тонналаб мол қўйса бўладиган музхона. Шуни ҳам отасига айтиб берди. Отаси олдинги гапини қилди: «Овоза қилма. Керак бўлганда, ўзим айтаман...»

Абдуллажон Зокир полвоннинг ҳовлисига кириб, ўчоқбоши рўпарасидағи деразаларига қора парда тутилган уйни кўрди, қизининг шу ерда ҳазон бўлганига ишонди. У ёлғиз борди. Фира-ширада ўғлининг хонасига кириб, уни уйғотмоқчи бўлди, аммо Ҳамидулла йўқ эди. Абдуллажон эзилиб кетди. Ўғлидан оила учун, оиланинг обрўйи учун бирон наф йўқлигига энди амин бўлди, «садқаи ўғил кет!» — деди ичида аччиқ ўқинч билан ва ёлғиз ўзи Зокирларникига боришта қарор қилди. Зухра азонга яқин кўзи илингани учун унинг айвонда юрганини сезмади. Адаси каби у ҳам кечаси билан мижжа қоқмай чиқди. Шунинг учун Абдуллажон ҳеч нарса демасдан, Ҳамидулла фойиб бўлганлигини, ёлғиз ўзи безорилар билан гаплашгани кетаётганини айтмасдан кўчага чиқди. Ҳар эҳтимолга қарши ёнини ушлаб кўрди. Кечқурун камарига осиб қўйган ов пичоқ ёнида эди. У хотиржам йўлга тушди. Жуда бўлмаганда биттасини саранжомлаб бўлса ҳам, қизининг қасосини олади.

Ўнқайрағоч тугаб, тор кўча бошлиганда кўк дарвоза кўринди. У шу ерда тўхтади. Зокир семизнинг уйи шу бўлиши керак. У дарвозанинг темир ҳалқасини кўтариб, тақиллатди. Ичкаридан ҳеч кимнинг овози ҳам, шарпаси ҳам келмади.

— Зокир! — қичқирди Абдуллажон яна ҳалқани дарвозага уриб.

Яна жимжитлик. У бирпас кутиб турди. Аммо ҳеч

овоз бўлмагач, дарвоза табақалари орасидан ичкарига мўралади ва бир оз тинчигандек бўлди. Зангори «Жигули» дарвоза орқасида туради. Абдуллажон ариқ ичидан кафтига зўрга сиғадиган битта тошни олди-да, кучининг борича дарвозани ура бошлиди. Бу ҳовлига бемаҳалда турли одамлар келиб кетиши, кечалари мастраласт овозлар кўтарилишига кўнишиб кетган қўшнилар унинг зарб билан дарвоза уришига эътибор бермадилар.

Бир маҳал «ҳозир» деган бўғиқ овоз эшишилди. Кўп ўтмай, дарвозанинг ўнг табақасидаги кичик эшик очилди.

— Келинг?! — ҳайрон бўлиб Абдуллага қаради қовоқлари шишган одам.

Зокир семиз шу эди. Абдуллажон уни итариб, ҳовлига кирди. Дарвозанинг тўғрисида ошхона бор эди. Абдуллажон чап томонга қаради. Сийрак дараҳтли ҳовлининг тўри шу ёқда эди. Бирдан унинг кўзи қора пардали иккита деразага тушди. «Парда тортилган хона, демак, шу!» — тахмин қилди Абдуллажон ва шу томонга юрди.

— Ҳов ака! Тўхтанг! Нима гап ўзи? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Зокир семиз.

Абдуллажон индамай қоронфи хонага туташ даҳлизга кўтарилди.

— Тўхтанг, ҳов ака! Одам бор! — қичқирди орқасидан Зокир семиз.

Абдуллажон парво қилмади. Даҳлизнинг ўртасидан икки томонга эшик кетган эди. Биттаси бир томони очиқ, узун айвонга, иккинчиси, чапдагиси қоронфи уйга олиб кирап эди.

Абдуллажон шу эшикни шарақлатиб тепди. Эшик табақалари ланг очилиб, хона ёришди. Тўрда тахмон тагида қалин кўрпачалар устида бир одам ётарди. Ёруғдан афтини буриштириб, у девор томонга ағдарилди.

— Нима қиляпсиз?

Зокир семиз Абдулланинг тирсагидан ушлади.

Абдулла унга ўтирилди.

— Сен Зокирмисан? Сотиболди аканинг ўғлимисан?

— Ха, нима эди?

— Бу ётган ким?

— Нима эди?

— Айт. Тўхта қийшиқ шуми?

— Биларкансиз-ку?! Менга қаранг, ўзи нима гап?

Ҳаммаёқни оёқости қилиб юбордингиз-ку? Қани, бўёқда чиқинг!

— Мен Фотиманинг отасиман. Сенлар зўрлаган, ўзини осган қизнинг отасиман. Мен уйингни оёқости қилган бўлсам, сенлар одамни оёқости қилдиларинг. Уни ўлдиридиларинг!

Абдуллажон шундай деб, Зокир семизнинг ёқасидан ушлади. Аммо Зокир бир силтаниб унинг қўлидан чиқди. Мушти билан бошига ураман, деганда кучли тепки икки сони орасига тушди. У инграб энгашди. Шу пайт Абдуллажон иккала қўлини занжир қилиб, унинг бўйни аралаш бошига урди. Зокир гилам устига чўккалаб йиқилди.

— Тўхтамурод ака! — қичқирди у инграшда давом этар экан.

— Чақир! Ўнта бўлсанг ҳам бугун мендан қутулмайсанлар?

Абдуллажон Зокирнинг биқинига, юз-кўзи аралаш япалоқ бурнига урар экан, қўлларида мутлақ оғриқ сезмасди. Бирдан биқинидаги ов пичноқ эсига тушди. Уни шартта сууриб, боши устига кўтарди, ўрнидан турмоқчи бўлган Зокирнинг бошини чап тирсаги билан босиб, бўйнига пичноқ уришни мўлжаллади. Энди ураман деганда, икки курагининг орасига нимадир санчилди. У эътибор бермасликка ҳаракат қилиб, мўлжалланган жойига пичноқ урди. Аммо қўлида мадори қолмаган эди. Пичноқ Зокирнинг бўйнига тегди. Тегди-ю, зарбнинг ожизлигидан қайрилиб кетди. Абдуллажон ёнига йиқилар экан, яна бир нарса чаккасига ботганини сезди, қўлидан пичноқ чиқиб кетди.

Унинг тепасида учига резинка тақилган тўпционча ўқталиб, Тўхта қийшиқ туради.

— Аблаҳ! — деди ўрнидан туар экан Зокир семиз. — Қовуғимни ёрворди чамамда.

У бор кучини тўплаб, ҳушсиз ётган Абдуллажоннинг қорнига тепди. Абдуллажон қимир этмади. Чаккасига теккан иккинчи ўқдан кейин у жон берган эди.

— Ўлибди-ку, — деди қўрқув аралаш Зокир.

— Иккита ўқ тегади-ю, ўлмайдими? — деди Тўхта қийшиқ. — Қишлоқдан олиб чиқиб кетиш керак. Ҳойнаҳой, орқасидан қидириб қолишади.

— Машинага соламиз. Багажникка! Тортинг!

Улар деразадан битта пардани тортиб туширишдида, унга ўликни ўрашди. Кейин кўтариб, ҳовлига олиб тушишди.

Зокир юкхонани очиб, жой бўшатди.

— Олдин бўйнингни артиб ол! Сезмаяпсанми?

Зокир енги билан бўйнини сидирди. Абдуллажоннинг ов пичоғи унинг бўйнини тилиб юборган эди.

— Отмаганингда кетдим экан, аспаласофилга! — илжайди Зокир.

— Отага нима деймиз? — сўради Тўхта қийшиқ.

— Буни энди, ака, ўзингиз эплаштирасиз. Ота билан бу ҳақда мен гаплашолмайман. Қўрқаман.

— Майли. Йўлини топармиз. Қани қўтар!

VIII

Майор Алиев уйида атиги уч соатгина бўлди. Фираширада яна йўлга тушди. Уйининг тинчлиги, болалар, хотинининг соғлигини кўриб кўнгли хотиржам торгди.

Икки кун узлуксиз Дуркентда юз берган воқеаларни чуқур мулоҳаза қиласкан, унинг кетига тушганлар ҳам, хабар бериб туриб, кўкнорини ўриб олганлар ҳам шу машҳур раиснинг қўл остидаги одамлар эканлигини англаб етди. Бунинг учун катта ақл талаб қилинмасди. Лекин тушуниш бошқа, гумон, тахминлар, ҳатто аниқ бир исботга эга бўлиш бошқа. Тешабой Султоновдек одамни қўлга тушириш бошқа. Аммо Алиев учун бир нарса қоронғи эди: Тешабой Султонов тепадагиларнинг қайси бирига алоқадор одам экан? Ё у уста шахматчикек саккиз-тўққизта йўлни олдиндан ўйлаб, қариндошлигини яшириб келаётирми? Афтидан, шундай. Унинг ҳозирги аҳволида у истаган одамига ёрдам қўлини чўзиши мумкин. Унга эса ҳеч кимдан ҳеч нарса керак эмас. Қорадорининг юз кило янчилгани ўн миллион доллар турганидан кейин, у қандай ёрдамга муҳтож бўлиши мумкин?

Тонгти муздек ҳаводан шуларни ўйлаб борар экан, Алиев Тешабой Султоновга ўхшаганларнинг барибир даври ўтганлигига ишонарди. Камбағалнинг нонига кўз олайтирган одамдан барака кетади. Бу албатта кексаларнинг гапи. Алиев буни ўзича тушунди. Қайси бир одамни эл ҳурмат қилиш ўрнига, ундан қўрқа бошлар экан, тамом — ўша одамнинг иши юришмай қолаверади. Тешабой Султоновдан кўтгчилик қўрқишини Алиев вилоят жиноий қидирув бўлимида ишлаб юрган пайтларидаёқ, англаган эди. Лекин пул, давлат, амал ҳаливери Султоновни отдан туширмайди. Аммо туширади-

ган сабаб топилса, халқ унга ачинмайди, ёнини ҳам олмайди. Ана шу сабабни топиш Алиевнинг бурчи эди.

Алиев зангори «Жигули» эгаси орқали анча масалалар очилиб кетиши мумкин, деб ҳисоблар эди. Шунинг учун учала манзилни айланиб чиқиш, машина қаердалигини аниқлаш ҳозир — эрталабнинг ўзидаёқ зарур деб ҳисобларди.

Мехмонхонага келиши билан уни аллақачон оёққа туриб, нонушта қилиб улгурган Исмоилов кутиб одди. Азим Турсунов ҳам етиб келди. Унинг режаси бўйича аввал Истроил Маматовниги, кейин бошқаларниги бориш керак. Чунки тахмин қилинаётган машина ана шу Истроил Маматовни бўлса керак. Икки марта қамалиб чиқсан, бир марта одам ўлдиришда айбланган, лекин тўла оқданган. Хўжалиқда экспедитор бўлиб ишлайди. «Шифокор» хўжалигининг таркиби бошқаларниги ўхшамайди. Бу хўжалиқда маҳсулотнинг турлари кўп. Якка хўжаликларда ҳам шундай. Уларни йигиштириш, сотиш, ўрнига хўжаликка керакли мол олиб келиш учун Тешабой aka Султонов экспедиторлар штатини жорий этган. Камида йигирмата экспедитор бор хўжалиқда. Ҳаммаси ёш-ёш, эпчил йигитлар. Деярли ҳаммасига раис машина олиб берган. Истроил Маматов Зокир Сотиболдиев билан бирга ишлайди. Шунинг учун Истроилнинг машинасини кўпинча Зокир ҳам ҳайдаб юради. Зарур бўлса, унигида ҳам кириб чиқса бўлади. Манзилини Турсунов ҳар эҳтимолга қарши суриштириб одди. Лекин унинг назарида бунга зарурат йўқ. Умуман, Турсунов бу йигитларни яхши билади. Улар Тешабой аканинг ишончли одамлари. Тешабой aka унча-мунча одамни ишга олавермайди.

Алиев Азим Турсунов фикрига кўшилди. Худди Турсуновдек, у ҳам йигитларнинг айбдор эмасликларига умидвор. Тешабой aka чиндан ҳам ёмон одамларни ишга олмайди. У Турсуновга шундай деди. Аммо вақтни ўтказмасдан, зудлик билан учала хонадонга бориб келишликни лозим тоғди.

Турсунов у билан гапи бир жойдан чиққанига хурсанд бўлди. Унинг «Нива»сига ўтириб, энди кетмоқчи бўлиб туришганда, қаршиларида Тешабой аканинг оқ «Волга»си пайдо бўлди. «Нива»нинг тумшуғига тегай деб тўхтади.

Тешабой aka машинадан тушар экан, сариқ жужун кителининг этагини бир-икки қоқди-да, Алиевга юмшоқ, қўлини узатди.

— Кеча шу ерда тунашларингни билганимда, келиб боққа олиб кетардим. Азимбой! Меҳмонларингизни шу ерга қўйиб кеттани уялмадингизми? Ё мелисанинг боғи йўқми?

Турсунов нимадир демоқчи бўлди, аммо дудуқла-ниб қолди.

Алиев уни хижолатдан чиқарди.

— Айб бизда. Қолиш ниятимиз йўқ эди. Мен тунда шаҳарга тушиб чиқдим.

— Барибир, — унга қулоқ солмади Тешабой ака. — Бу жой бозор-ӯчарга келганларга аталган. Сизларга ярашмайди. Уят бўлади. Энди гап бундай: биламан, хайрли иш билан юрибсизлар. Ярамасларни топмасаларинг эл олдида уятли бўлиб қоламиз. Топишларингта аминман. Кундузи демайман. Лекин оқшомда кутаман. Со биржон олиб кетади. Азимбой, ука, ҳушёр бўл. Оқшомгача иш битсин. Меҳмонлар дам олишсин жиндек.

— Хўп бўлади! — Турсунов ҳарбийчасига жавоб берди.

Раис машинасига эгчиллик билан ўтириб, қўлини силкитди.

Икки хонадондаги зангори «Жигули»ни Алиев кўриши биланоқ, ҳисобдан чиқарди. Биттаси йигирма кундан бери аккумулятори ўтириб қолганлиги учун уйдан чиқмаган, иккинчисининг эса олдинги ўнг фиддираги қийшайиб ётарди.

Истроил Маматов уйда йўқ экан. Хотини унинг аzonда бозорга кетганлигини айтди. Зокир Сотиболдиев телефон қилибди. Машина уч кундан бери Зокирларнида экан.

Алиев Исмоиловга қаради. Ўқтам Қўчқорович унинг нима демоқчи бўлганини дарров фаҳмлади ва қўчага чиқиб кетди. Алиевнинг ҳайдовчиси ҳар эҳтимолга қарши «Нива»нинг орқасидан «Волга»ни ҳайдаб келган эди. Исмоилов шу заҳоти у билан бозорга жўнади.

Алиев нимадир тайёрланганини, уларнинг ҳаракатида қандайдир бир сир борлигини пайқади. Саҳарлаб бозорда нима қиласди?

— Кетдик! — деди у бирдан ва отилиб қўчага чиқди. Турсуновни кутиб ўтирмасдан машинага ўтирди.

— Сотиболдиевникига борамиз! Бўлақолинглар!

Турсунов машинага чиқиши билан ҳайдовчи газни босди.

Аммо Зокир Сотиболдиевнинг уйи қулф эди. Дарвоза тирқишидан машина кўринмасди.

— Кириш керак! — буюрди Алиев.

Турсуновнинг ҳайдовчиси, ёш, эпчил йигит экан, машинани дарвозага олиб келиб, томига чиқди-да, дарвозадан ошиб тушди.

Улар ичкарига киришганда, Алиевнинг кўзига ташланган биринчи нарса уйнинг, ҳовлиниңг ўртасигача чўзилиб кетган қон томчилари бўлди. Машина изи ҳовлиниңг ўртасигача борган эди. «Бир нарса бўлибди, — хаёлидан ўтказди Алиев. — Ё улар бир-бир бирлари билан уришишган, ё улар билан кимдир уришган? Ким бўлиши мумкин?

Алиев уйларни кузата бошлади. Битта деразадаги парда йўқ, ичкарига кирганда ичкилик, тамаки ва яна аллақандай ҳидлар димоққа уриларди. Хона бўм-бўш, токчаларида турли хил идиш-товорқлар, тахмондаги кўрпа-кўрпачалардан бўлак ҳеч вақо кўринмасди. Тўрда, тахмоннинг этагида икки қават беқасам кўрпача тўшалган, устидаги ёстиқ, фижимланиб қолган. Кимдир ётган бўлса керак. Алиев яқинроқ бориб, ёстиқни оёғи билан сурди. Нимадир кўрпача устида ялтираб кўринди. Энгашиб олди. Ов пичоги экан. Алиев эҳтиётлик билан уни икки четидан ушлаб, токчага қўйди-да, ёнидан дастрўмолини чиқариб ўради.

Улар ҳамма хоналар, ҳужраларни синчиклаб қараб чиқишиди. Кўзга илинадиган бошқа ҳеч нарса кўринмади. Зокир Сотиболдиевнинг уйи қишида ҳувиллаб турадиган катта йўл ёқасидаги чойхонларни эслатарди. Ҳаммаёқда ёғ юқи идишлар, синган қошиқ, белидан қайилиб чирий бошлаган оташкурак...

«Бундай пичоқ каллакесару қиморбозларда бўлмасди-ку. Улар ўзбекча пичоқни афзал кўришади. Буни этик қўнжи, ё шимининг ичидан камарга боғлаб олиб юриб бўлмайди — қўпол. Ўзбекча пичоқ қини билан ҳам енг ичида билинмай тураверади. Айниқса, Исфараники. Учи ҳам унча қайрилмаган бўлади. Бир оз ханжарга ўхшаб кетади. Ким олиб келди экан, бу оврупоча пичоқни? Ўзбекча пичоқни пастдан тепага уриш қулай бўлса, бу пичоқни тепадан пастга уриш осон. Айниқса, бўрига. Тўнфизга шундай ташланади одам».

Алиевнинг машинаси қайтиб келди. Ҳайдовчи Исмоиловнинг хўжалик идорасида қолганлигини айтди. Кейин бир оз ийманиб туриб, хунук хабарни эълон қилди: «Чилонзор билан Муқимий кўчалари бир-бирини кесиб ўтган чорраҳада лейтенант Ҳодиевни

машина уриб кетибди. «МАЗ» экан. Орқасидаги прицели электр устунни ҳам ағдариб юборибди. Капитан Раҳмонов айтди.

Лейтенант Ҳодиевга Райхонни ҳимоя қилиш топширилган эди. Тасодифмикан? Ё атайнин уюштирилган фалокатмикан?

Алиев бу ерда бошқа қиладиган иши йўқлигига ишонч ҳосил қиласч, ўз машинасига ўтириб жўнади.

— Салимовларники эсингдами? Ҳалиги, ўзини остан қизнинг уйи? — сўради у ҳайдовчидан. — Ҳайда, ўша ёқقا!

Эпикни Зухра очди. Қисқа вақт ичида у озиб, кўзлари киртайиб қолибди.

Алиев саломлашиб, Абдуллажонни сўради.

Зухра ичкарига таклиф қилмай, жавоб берди.

— Йўқлар.

— Қаёққа кеттганлар, жуда зарур эдилар.

— Билмадим. Турсан, уйда йўқлар. Акам билан бирга анави машинадаги йигитларни қидириб кетишган бўлишлари мумкин.

— Қайси машинадаги? — аввал тушунмай сўради Алиев, кейин эсига тушди. — Фотимани олиб кетган машинани айтяпсизми?

— Бошқа машина эгаларининг бизга кераги йўқ.

Зухра орқасига ўтирилди-да, молхона томон юриб кетди.

Алиев ичидан бир тутоқди, аммо ўзини босди. Бу қизда нима айб? Бошига кулфат тушса-ю, ҳеч ким унга қулоқ солмаса? Агар у билмаганида, марҳуманинг кўйлакларини кўрмаганида, опаси шахсий сабаблар билан ўзини осди, деган гап тарқалиб кетарди. Шундай холосага милиция, бошқа идоралар ҳам келишарди. Ҳали ҳам шундай холоса чиқаришди. Лекин суд-медицина экспертизасига тушган кўйлак, ундағи излар бўйича ҳали аниқ бир натижга бўлмаса ҳам, кўйлак эгасига хуруж қилинганлиги, унинг номусига тегилганлигини шубҳа остига олиб бўлмас эди.

Нима қилиш керак? Алиев иккинчи муҳим вазифани ўзи учун белгилаб олди: зудлик билан Абдулла Салимов ва унинг ўғлини қидиртириб топиш керак. Ҳойнаҳой ов пичоқ шуларники-ёв. Агар шундай бўлса, безорилар аниқ — зангори «Жигули» эгаси билан унинг шериклари бўлиб чиқади. Улар билан ота-бала олишишган. Қон уларники. Ҳа, зудлик билан уларни топиш керак.

Алиев машинага ўтириши билан телефон жиринглади.

— Алиев!

— Қодир ака. Бу мен. Ўқтамман. Бозорда қидираётган одамларимиз йўқ. Улар бозорга киришмаган. Шашарга кетган бўлишса керак. Мен шаҳар автоинспекциясига телефон қилдим. Улар ҳали Тошкентта етиб бормаган. Тутишни буюрдим. Қодир ака, Лутфуллани эшитдингизми? Ҳали ўзига келмабди. Аммо юрак уриши жойига тушаяпти. Алижон Ҳасанович «МАЗ» билан шуғулланяптилар.

— Ўқтам! Маҳкамовни бу ёққа чақир. Бир соат ичида етиб келсин. Уйимга телефон қил. Учалови ҳам уйдан чиқишимасин. Агар институтга кетиб қолишган бўлса, иложини топ, уйга қайтаришсин, кейин хабар қилишсин. Фотиманинг соати ўша тоифадан эканми? Раҳмонов айтмадими?

— Кечирасиз, хаёлимдан кўтарилибди. Алижон ака айтдилар. Худди ўшандай қимматбаҳо соат. Ким Йўғонтепага мендан олдин борса, бериб юбораман, дедилар. Соат тушгача қўлингизда бўлади.

— Яна бир топшириқ. Ўқитувчи билан ўғли уйида йўқ. Фотимани зўрганилардан ўзларича ўч оламиз, деб аzonда уйдан чиқиб кетишган. Ҳаммаёққа хабар бериш керак, яна бир қотиллик, ўлим юз бермасин. Собиржон акангта айт, ҳаммаёқни ағдар-тўнттар қилиб бўлса-да, уларни топишсин.

— Тушундим. Агар гапингиз тутаган бўлса, мен танишмоқчи бўлган одам шу ёққа келяпти. Кутуб олсам.

— Майли!

Алиев трубкани қўйди.

— Туман милициясига ҳайдা.

У суюнчиққа оғирлигини ташлаб кўзларини юмди. «Эгаси минг пойласин, ўғри бир пойласин», деганлари шу бўлса керак. Йўғонтепа воқеалари нимадан бошланди-ю, қандай фожиаларга олиб келди? Ё Алижон ҳақмиди, бу ишдан қайтиш керак, деганида? Наҳотки бошқа милиция офицерлари уларнинг айтганига рози бўлади? Наҳотки битта у шундай ҳақиқатшарвар бўлса? Мутлақо ақлга тўғри келмаган гап. Бошқаларни улар кам билишади. Алиев отнинг қашқасидек уларга маълум. Вилоятда кооператив «дача»лар қуриш баҳонасида давлатдан, корхоналардан, «дача»ларнинг бўлажак эгаларидан қанча-қанча пул ўмарид, еб юборган муттаҳам

қурувчилар ишини у очганда, бутун республика билди. Гоникентдаги пиво заводи, ҳалқ хўжалиги институтидаги ғуллобликлар ҳам очиқ суд шаклида кўрилганда, унинг хизматлари бир неча бор тилга олинди. Бу ишлар, албаттага, уларга маълум. Шунинг учун ҳам Алиевдан қутулсан, у ёғи бир гап бўлар, деб ўйлаётган бўлишлари мумкин. Чучварани хом санашибди. Алиевнинг бир бошлигани ишини чала ташлаб кетадиган одати йўқ. У охиригача курашади, Зухранинг ҳар қандай эркакни ер билан битта қиласидиган аччиқ қарашларини у унуголмайди. Ҳеч ким олдида бўлмаса ҳам, шу қизча олдида ўзининг, фақат ўзининг эмас, бутун милициянинг нимага қодирлигини у кўрсатиши керак. Ҳозирча, албаттага улар ҳеч нарса аниқлашгани, тайнли бир қарорга келишгани йўқ. Ҳозирча четдан қараганда бир-бирига боғланмаган бир нечта воқеалар содир бўлган.

Агар сержантнинг ўлимини кўкнори масаласига алоқадор дейилса, катта хатога йўл қўйилган бўлмайди. Балки бутун-эрта Исмоилов бу масаланинг тагига отар. Иккинчи ўлимни қандай қилиб шу масалага боғлаш керак? Алиев дилида икки-уч кундан бери бу ҳам кўкнорининг бир учи, деб фараз қиласиди. Лекин бу фақат фараз. Мактабни кумуш медаль билан битирган, хаёли кейинги икки йил ичида асосан ўқиш билан банд бўлган қизнинг кўкнорига, кўкнорифурӯшларга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Соат орқалими? Бриллиант кўзли, қимматбаҳолигини у билмаган-ку. Бу энди исбот талаб қилмайди. Балки соат аванс тариқасида ҳадя қилинганир? Ким совға қилганлиги маълум бўлмаса ҳам, идорадаги зиёфатда, ё ундан кейин тақдим этилган, раисдан бўлак одам бундай совға қилмайди. Бу кечкурунга бориб аниқ бўлади. Озгина сабр қилиш керак. Сержантнинг ўлими бўйича битта фикр бор. Исмоилов билан маслаҳатлашади. Унга ҳам маъқул бўлса, Раҳмоновни чақириб, шу режани амалга оширишади.

Алиев шу қарорга келиб, бутунги мўлжалларини бир-бир ҳисоблай бошлади. Кечкурун раис билан бўлади. У билан гаплашадиган гапларнинг очиғи ҳам бор, айлантириб суриштириб оладиганлари ҳам бор. Очик гаплар — кўкнори, унинг қаердалиги, Фотимага қилинган қимматбаҳо совға. Алиев қанча ўйламасин ва расининг обрўйи, хизматларидан андиша қилмасин, совғанинг эгаси у эканлигига ишончи комил эди. Шоҳи-

дага ҳам берган шунақасини. Лекин бу ерда Алиев раис орқали эмас, бошқа йўллар билан Шоҳиданинг йўқолиш сабабларини аниқдаши керак. Унинг назарида Шоҳида совғанинг қийматини билган, билмаганида онаси ҳам, эри ҳам хабардор бўлишарди. Улар учун бу соатни бошқа оддий соатлардан фарқи бўлмаган. Шоҳида шуни истаган. Нима учун? Онаси, эридан яширадиган қандай сири бўлган экан? Афтидан, бу сир раис иккаловининг ўртасида бўлган. Раис билан очикроқ гаплашиб олинадиган масалалар — шулар. Сержант ҳақида ўзи гап очса, гапиради. Қотил бугун эрта қўлга тушишини айтади: «Лекин бизга қотилни тутишдан ҳам муҳим иш бор, — дейди у, — Ким унга буюрган? Биз қотилнинг сержантда шахсий ғарази йўқлигини аниқладик». — Алиевнинг шу гапидан кейин раис ўзини қандай тутар экан?

Алиевнинг сержант масаласида ҳам ҳали ҳеч кимга маслаҳат солмаган таҳминлари бор эди. Сержант Истматов тоғдан ўриб тушилган қўкнори қаердалигини топган, соддалик қилиб раҳбарлардан бирига айтиб қўйган. Уларнинг кимлигини Алиев ҳозир айтиши қийин. Турсунов ҳам бўлиши мумкин, Сиддиқов ҳам, ҳозирги туман кенгаши раиси Усмонов ҳам бўлиши мумкин. Тешабой аканинг ўзи ҳам бўлиши мумкин. Шулардан бири, кейин уни йўқ қилишни «узун қўл»га топширган. Бошқа яна қандай сабаб бўлиши мумкин унинг ўлдирилишига? Бордир бошқа сабаб? Лекин ҳаётйорғи, ишончлироғи шу.

Милиция идорасига яқин қолишганда коммутатор уни Тошкент билан улаб берди.

— Раҳмоновман. Қодир Алиевич! Лутфулланинг ахволи оғир. Рухсат берсангиз, мен қолсан. «МАЗ» тутилди. Намангандики. Аммо ҳайдовчи янги. Костромадан келган. Текширишягти. Битта ҳадигим бор. У шаҳарни билмайди. Олиб келиб кўрсатишган. Ярамаслар қанчага уни ёллашган экан? Эшитдингизми? Свердловскада одам ўлдириш эллик мингдан ўттизга тушибди. Сизнинг қўкнорифурӯшларингизга бу писта пўчоғидек гап.

— Қолақол. Соат-чи?

— Бериб юбордим. Ўқтам Қўчқорович беради сизга.

— Яна нима гап?

— Қодир Алиевич! Мени бугун бир жойга концертга таклиф қилишди. Бормоқчиман.

— Қаерга экан?

— «Тақсим» номли клуб. Клубга катта пул тўлаб гўзо бўлинади. Айтишларича, бъязи таомлар тўғри Ко-реядан келтирилармиш. Ўтган куни шу клубнинг раҳ-барлари сиз томонда меҳмон бўлиб келишган, «МАЗ» ҳайдовчиси шу клубга мол олиб келган.

— Нима?

— Уч тонна гуруч. Мол бизда. Аммо мени таклиф қилаётганлар буни билишмайди.

— Эҳтиёт бўл.

— Келишдик.

Алиев «Тақсим» клуби ҳақида қаердадир эшигтан ёди. Лекин қанча ўйламасин, эслолмади. Идорага етишганда, эсига тушди. Фарғонадан юз киши шу «Тақсим» клуби орқали Жанубий Кореяга бориб келишган ёди. Москвадан таниш бир ёзувчи телефон қилиб, шу гурӯҳга бир одамни, хотинининг дўхтирини қўшиб беришни илтимос қилганди. Уйда, хонасида шу клубнинг шаҳодатномаси, қандайдир «шов-шув» қорозлари ҳам, адашмаса, бўлиши керак. Ўша врач қайтиб келганидан сўнг, идорага эмас, уйига кириб, Кореяда ишлаб чиқарилган симсиз телефон совға қилиб кетган ёди. Уйда унинг адреси ҳам бўлиши керак. Қизиқ!.. Шу «Тақсим»нинг раҳбарлари Тешабой аканинг меҳмонлари бўлиб чиқиб турса. Бу ажойиб янгилик. Уларнинг таприфи тагида нима гап ётган бўлиши мумкин?

Алиев машинадан тушгандаёқ биринчи бўлиб тажанг ҳолдаги Исмоиловга қўзи тушди. Афтидан, лейтенант уни ошиқиб кутар эди. Тушиши билан олдига келди.

— Кечирасиз, ўртоқ майор! Сизни генерал Жалилов ахтаряпти. Ҳатто машина юбормоқчи бўлди сизни олиб кеттани. Ўзлари телефон қиласидар, агар лозим топсангиз борадилар, дедим.

Алиев бошлигининг ахтараётганидан дуруст гап йўқлигини сезди. Ё қўшимча бир топшириқ бўлади, ё натижани сўрайди. Лекин ҳозир қайси натижа ҳақида айта олади?

Ичкарига кириши билан ҳамма ўзини четта олиб йўл берди. Ҳатто котиба қиз ҳам телефон трубкасини тутқаздига, ўзи чиқиб кетди.

— Салом, ўртоқ генерал! — қаддини роз тутиб жавоб қилди Алиев. — Эшигтаман. Ҳа, сиз айтгандек, иккита гурӯҳ тузилган. Иккалови, сизнинг маслаҳатингизга биноан, элни безовта қилмасдан жиноятчи-

ларни аниқлаш билан банд. Лекин афсус, ҳали бирон натижа йўқ. Назаримда, уч кун ичида иложи борича олиб чиқиб кетиш йўлини қидиришади. Биз ҳамма томонини ўйладик. Хулоса шуки, улар бизни чалғитиб, дорини олиб кетиш пайида. Шу мақсадда ҳеч нарсадан тойишмайди. Мен яна ўлим бўлмаса эди, деган хавотирдаман. Ўзини осган қизнинг отаси билан акаси йўқолди. Хўп, хўп. Унақа эмас. Топшириғингизни оёқости қилиб, бошқа ишлар билан ўралашиб юрганимиз йўқ. Айттанингиздек, Тешабой ака билан бамаслаҳат ишляпмиз. Ўртоқ генерал, агар рухсат этсангиз, ҳар куни кечқурун сизга шахсан ўзим ҳисбот бериб тураман. Раҳмат. Келишдик.

Алиев яна бир неча дақиқа трубкага қулоқ солиб турдида, алоқа тамом узилгач, жойига қўйиб, Исмоиловга ўтирилди.

— Сен «узун қўл»га ҳар эҳтимолга қарши ордер олдириб қўй. Ким билади, балки бугун уни олишга тўғри келар. Демак, режа шундай: авжи ўтириш қизиган пайти «узун қўлни» олиб кетишсин. Маҳкамовга тушунтириб айт, раиснинг гапларига анграйиб, иккимасин. Зарур бўлса, киshan солсин.

— Тушунарли, Қодир ака.

— Менга анув Турсуновларинг ёқмай турибди-да, — қўшимча қилди Алиев. — Ҳушёр бўл. Бир уйига ўтиб келиш ҳам керак. Қидирган нарсанг, баъзан мутлақо ўйламаган жойингдан чиқади.

— Тушунмадим? — ҳайрон бўлиб кўзларини пир-пиратди Исмоилов.

— Ана шу тушунмаганинг учун уйига ўтиб кел, деяпман.

— Бўлди. Қаршилик қилмасангиз, тушликни Азимхон билан бирга унинг уйида қилсам. Сиз, ҳойнаҳой, Собир аканинг ихтиёрида бўларсиз.

— Қаршилик йўқ.

Собиржон Сиддиқов Алиевдан беш-олти ёш катта бўлиб, ўқитувчидан чиқсан ходим эди. Унинг милицияга келиши ғалати бўлган. Қайси бир ўқитувчилар қурултойида ички ишлар вазирлиги болалар тарбияси билан шуғулланмайди, ўқитувчи боланинг мактабдаги юриш-туришига жавобгар, ота-она уйда қарайди, кўчада бола билан шуғулланадиган одам йўқ, деган гап кўтарилиди. Суриштиришса, бу гапни андижонлик ўқитувчи Собиржон Сиддиқов кўтарибида. Бир-иккита заҳарханда гаплар ҳам қилибди милиция шаънига.

Шунда ички ишлар вазири маориф вазири билан гаплашиб, шу ўқитувчини милицияга жўнатишни илтимос қилибди. Сиддиқовнинг қаршилигига қарамай, мутглақо у кутмаган ишга, Андижон шаҳар милиция бошқармасига бошлиқ ўринбосари қилиб тайинлашади. Шундан бери ўн йил ўтди. Сиддиқов милиция ишига кўнишиб кетди. Уни мажбур қилиб ишга олган вазир аллакачон ишдан бўшатиб юборилди. Иш билмасликла, қониқарсиз, беҳафсала ишлаганинг айланди. Милициянинг ҳамма ўқишиларини ўқиб чиқсан, курсантлиқдан полковник, кейинчалик генерал даражасига кўтарилиган, милициядан бошқа ишда ишламаган одам, ишдан бўшатилгандан сўнг, бир ой ҳам ўтмай, инфаркт бўлиб, ўлиб кетди. Милициянинг яқинида юрмаган, битта танқидий мулоҳазаси учун мажбур қилиб милицията ишга жўнатилган Сиддиқов эса тажрибали милиция офицерига айланди. Ҳозир янги вазирнинг тавсияси билан вилоят милициясининг бошлиги қилиб тайинланган эди. Албатта, унвони ҳам шунга яраша ошади. Яқин кунларда подполковник, йил ўтмай, полковник бўлади. Ўша топилган кўкнори майдонлари, йўқолган кўкнори унинг иши аслида. Биринчи галда у қайғуричи керак. Йўқ, у жуда усталик билан ўзини четга олди. Ҳамма ташвишни шундай Алиев одамларининг устига ташлади-қўйди.

Алиев Сиддиқов таклиф қилган чойхонага борди. Ўймакор устунлари камида йигирмата чиқадиган айвон чойхонанинг кўрки бўлиб тушган эди. Айвон баланд эмас, кенг ҳам эмас, аммо узунлигидан, ўтиришга қулайлигидан ҳамма, ҳатто баланд тераклар остидаги сўриларда ўтирмасдан, шу ерга жой қилишарди.

Сиддиқов сомса буюрган экан. Ўтиришлари билан чойхоначи зипиллаб бир лаганда келтириб қўйди. Ёнида қора мурч билан, кичкина шиша идишда сиркаси ҳам бор.

Овқатдан сўнг чойхона атрофидаги теракзорни айланишди. Сиддиқов ўзича ҳеч нарса ҳақида гап очмади. Алиевнинг ўзи гап бошлади.

— Исматовнинг қотили топилди. Лекин нима учун уни ўлдиришди, ҳали қоронги. Албатта, қорадори асосий сабаб. Бу маълум. Наҳотки, Исматов ҳеч кимга қаёққа кетаётганлигини айтмаган. Сиз нима дейсиз?

— Айтган. Биласизми, Қодир Алиевич, эшиттан бошқа, кўрган бошқа. Шундай бўлса ҳам мен тахминимни айттай. Ашурали биринчи Тешабой ақага айт-

ган. Кечқурун Тангатопдидан бир ҳовлини муҳрлаб, ҳовли эгасини туман марказига олиб бормоқчи бўлган. Шуни раисга айтган, кейин шу иш билан кетаётганини Турсуновга айтмоқчи бўлган. Турсунов ўзида бўлмаган. Ашурали уйига борган. Уйида кўкнори гуллари қолларга жойлаштирилаётганини кўрган. Иш устида Турсуновнинг ўзи ҳам бўлган. Айтмоқчи бўлган гапини ҳам айтмай, уйдан чиқиб «Запорожец»га ўтирган. Шунда қотил эргашган. Ундан кейин нима бўлгани ўзингизга маълум.

— Нега бу ҳақда рапорт бериб, маълум қилмадингиз? — ҳайрон бўлди Алиев.

— Шу савонни кутиб турган эдим, — Сиддиқов йўтади, бирпас хаёл сурини турди, кейин Алиевга ўтирилди. — Бу хабар фирт тўқима. Биронта исбот йўқ. Турсуновнинг уйида кўкнори йўқ. Иккита, аниғи, учта одам ҳамма бўлган гапни айтиб беради. Булар — Тешабой ака, Турсунов, қотил. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди. Гувоҳ қидирганинг фойдаси йўқ. Кўлга тушириш мумкин бўлган, бундай ушлаб кўриб, ҳа, бунинг эгаси жиноятчи, дейдиган нарса ҳам йўқ. Нега? Биласизми?

Алиев бош қимирлатди-ю, лекин ўзи савол назари билан Сиддиқовга қаради.

— Аввало булар тўрт-беш киши эмас. Булар катта яхши идорага эга бўлган уюшма. Мафия деймизми? Шубҳа йўқ, у ёки бу даражада, агар асосий бошлиғи бўлмаса, Тешабой Султонов ҳам шу махфияга киради. Махфиянинг тармоғи кўп. Улар фақат кўкнори етишириб, уни янчидан сотиш билан чекланишмайди. Кўкнори аралашган дорилар ҳам тайёрлашади. Фармзаводлари бор. Тошкентдами? Самарқанддами? Балки, иккаловидадир? Балки Москвауда ҳам ишлаб чиқаришар? Буларнинг энг соддаси бизнинг қишлоқларда, мураккаби, катта пуллик ишлар бошқа жойларда бажарилади.

— Шунча нарса биларкансиз, нега жим юрибсиз? — деди Алиев.

Сиддиқов оғир хўрсиниб, жилмайди.

— Қайси шахматчи рақибини ўрганмайди, унинг кучли, кучсиз томонларини билмайди? Ўйнаётганда шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олади ва дилида ютаман, дейди, назарий жиҳатдан ютиб ҳам чиқади. Аммо шахмат таҳтаси ёнида ютқазиб кўйганини билмай қолади, баъзан ютқазаётганини кўриб туради, лекин ҳеч нарса

қилолмайди. Мен бизнинг ишнимизни ҳам шахматчилар ўйинига ўхшатаман. Назаримизда, ҳамма қилаётгани ишларимиз, босаётган қадамимиз тўғрига ўхшайди. Лекин қаерда ўра борлигини, унга тушиб қолишимиши билмаймиз. Тешабой Султонов биз ўйлаганимизча сода одам эмас. Агар уни жиноятчи дейдиган бўлсак, бир нарса билан, жуда бўлмаганда, уйида, кабинетидами топилган ўша яширин ўриб олинган кўкнорининг биттагина уруғи билан унинг олдига бора олсак биз ютган бўлардик. Ҳозир ютуқ унда. Ичида биздан қулиб юрибди. Биламан, у энди бизнинг пул билан ишламайди, балки анчадан бери хуфия ишлаётгандир? У энди чет эл пули билан иш қиласди. Буни ҳам текширолмаймиз. Кимда қанча чет эл пули бор ҳозир, бу унинг шахсий иши. Сизни у нега меҳмонга чақирипти? Уч кундан бери ҳаракат қиласди шунга? Сизни, милицияни яхши кўрганиданми? Кўрққаниданми? Йўқ. У, кечирасиз, Қодиржон, сиздан кўрқмайди. Сизнинг бевосита бошлиғингиз, айтиб қўяқолай, унинг қадрдан дўсти. Султоновга қарши бир оғиз гап оғзингиздан чиқса, сизни чақириб олади. Йўқолган кўкнорини шундан кейин эси паст бир одам икки кунда топади-қўяди. Ана шу эси паст одам билан сизни оғзингизни беркитишида, иш билмайдиган одамга чиқариб қўйишида. Бугун сиз раисга қўл чўзинг, учала майдондаги кўкнори чўнтагингизда. Ўзингиз акт қилиб жамоа хўжалигига топшириб кетасиз. Қандайдир келгиндилар эккан экан, Дуркентда бу жиноятга алоқадор одам йўқ, деган хulosага келасиз. Сиздан, сиз орқали ҳаммамиздан шуни кутишяпти. Ўзларига йўл очиб олишмоқчи. Бир миллион шахсан чўнтакка эмас, хўжалик кассасига тушади, лекин ўн миллионга bemalol чақадиган ишлар қилинади. Ана, гап қаерда! Лекин бу гаплар ҳам гумон, тахмин...

Шундай очик мулоҳазалари учун Алиев Сиддиқовдан ичида миннатдор бўлди. Қизиги шундаки, ўзининг ожиз томонларини деярли яширмади. Хуласаларинг ўзингта ҳавола, мен ҳақимда нима ўйласанг ўйлайвер, бўлганим шу, қабилида гапирди. Бунинг учун ҳам Алиев ундан миннатдор бўлди. Чунки энди унга таянмасдан ишлаши лозимлигини англади. У мўлжалдаги курсов гуруҳига фақат Турсуновни кўшмоқчи эмас эди. Унинг ёнига энди Сиддиқов ҳам қўшилди. Алиев энди фақат ўзига, ўзининг одамларигагина таяниши мумкин. Шуни сезгач, анча енгил тортди.

IX

Тешабой Султоновнинг «Тепабоги» Кураманинг эта-
гидаши шаршара остида эди.

Раис уларни кўриб, балаңд арча ортидаги меҳмон-
хонадан чиқди.

— Мана, бу бошқа гап! — у семиз қўлларини ёйиб,
пешвоз чиқди-да, ҳар бири билан қучоқлашиб кўриши-
ди. — Иш қочиб кетмайди. Сизлар баҳона, мен ҳам
жиндек дам оламан. Туманда мажлис кетяпти, шундай
одамлар келади, деб бормадим.

— Ислом Усмонович бўладиларми? — сўради Сид-
диқов. Алиев унинг фамилиясини эшишиб, ичида озги-
на хижолат бўлди. Йўғонтепа иши бошланганидан бери
унга учрагани ҳам йўқ, телефон ҳам қилгани йўқ.
Туман раҳбарлари, одатда, бундай нарсаларга эътибор
беришади, рашқ билан қарашади. Мабодо келиб қол-
са, уялтириши турган гап. — Исломжон ўтаман, деди-
лар. Агар бюро эртароқ тугаса!..

Тешабой aka меҳмонларни боғнинг ўртасидаги гул-
зор ёнида ёзилган дастурхонга бошлиди. Ариқ лабида
ковуш юзли, елкадор бир йигит обдаста билан сочиқ
ушлаб турарди.

Қўл ювишни Тешабой аканинг ўзи бошлаб берди.
Алиев ундан кейин қўл ювар экан, сув тутаётган йи-
гитнинг оёқлари ундан камида икки қадам йироқда
эканлигини кўрди ва беихтиёр бошини кўтарди. Ис-
моилов айтган қўли узун одам шу эди.

Дастурхон атрофига ўтиришаётганда Исмоилов би-
лан Турсуновлар ҳам келишди. Алиев «Шуми?» деган-
дек узун қўл одамга ишора қилди. Исмоилов бош ир-
габ тасдиқади.

Ҳа, Алиев унинг қўлларига қараб фақатгина узун-
лигини эмас, саксовулдек пайдор, бақувват эканлиги-
ни, косовдек панжаларининг одам панжаларига ўхша-
маслигини кўрди. Бу қўллар, бу панжалардан осон чи-
қиши амри маҳол эди. Сержант Исматовнинг жасади-
ни кўрганида шундай йўғон, гавдалик одам қандай
қилиб ўзини бўғидириб ўтириди экан, деган савол мия-
сига келган эди. Балки икки киши бўлгандир қотил-
лар, деб ўйлаган ҳам эди. Одамбойни кўриб, марҳумга
ачиниб кетди. Бечора, ҳатто қимирлолмай қолган бўлса
керак, бу қўлларнинг исканжасига тушиб.

Хаёллари ҳали тарқалмасдан, Алиев яна ҳайратга
тушган воқеа содир бўлди.

Кимдир бир сават баркашдек-баркашдек келадиган тандирдан янги узилган қип-қизил жizzали жайдари нон олиб келди. Алиев болалигидан нонни, унинг ҳидини яхши кўрарди. Шунинг учун кўзини саватдан узолмай қолди. Шу пайт Тешабой ака ўрнидан туриб, битта нонни олди-да, иссиқдигидан қўлларига «пумф-пумф»лаб, синдира бошлади. Шунда Алиев унинг чап қўлидан кўз узолмай қодди. Тешабой аканинг қўлидаги соат анави қимматбаҳо соатларнинг биттаси эди. «Полёт» фирмасиники. Рақамлар ёнидаги нуқталар ўшандай ялтирайди. Тешабой ака нон синдириаётиб, қўлини қайирганда, нуқталарнинг бўртиб турганлиги аниқ кўринарди.

Алиев оҳиста Исмоиловга қаради-да, ўз қўлидаги соатга ишора қилди, раис синдириган нондан бир бурдасини олиб тишлади. Исмоилов уни тушунди. Бошини қимирлатиб, тахмин тўғрилигини тасдиқлади.

Бир пиёладан чой ичилгач, суюқ овқат тортилди. Бу тўртта-тўрттадан нўхот, қўй қовурғаси солинган серпиёз шўрва эди.

Алиев қорни оч бўлса ҳам шўрвадан бир-икки қошиқ ичган бўлди, мазасини ҳам сезмади. У ҳам хурсанд, ҳам чуқур ташвишга тушиб ўтиради. Унинг Тешабой Султонов ҳақидаги тахминлари шу соат орқали бутунлай тасдиқланган эди. Бу, албатта милиция ходими, терговчи учун хурсандчилик эди. Аммо ташвиши хурсандчилигини босиб кетди. Тешабой Султонов янги давр тақозоси билан сузишни билмаган одам сувга ташлаб юборилганидек, иқтисодий ҳаётта таниш-билишсиз, билимсиз, тажрибасиз тушиб қолиб, тиланчиллик қилишдан, очлик, гадоликдан оиласи, болачақасини қутқариб, эндинина оёққа туриб келаётган йигитлардан эмас эди. У от қўшилган тайёр аравага ўтирган, кейин ақлинни ишлатиб, хўжаликни бойитган одамлардан эди.

Тешабой ака ҳеч кимни овқатта ҳам, стол устига териб ташланган турли ичимликларга ҳам қистамади. Аммо овқат тез-тез янгиланиб турди. Шўрвадан сўнг тутгачадек-тутгачадек тандир сомса келди. Гўшт кабобдан олдин жигар кабоб тортилди. Пахта гулли косаларда иккитадан манти берилди. Охири девзира палов келди.

Ош ейилаётган пайти лейтенант Маҳкамов икки милиционер билан пайдо бўлди. Тешабой ака ҳайрон бўлиб аввал Сиддиқовга, кейин Алиевга қаради. Сўнг

кўзойнак тақиб, Маҳкамов узатган ордерни ўқий бошлади.

— Кечирасиз, кечиктириб бўлмагани учун безовта қилишга мажбур бўлдик, — деди Маҳкамов.

Тешабой ака унга қулоқ солмади. Одамбойни қамоққа олиш ҳақидағи ордерни икки марта диққат билан ўқиб чиқди. Кейин Маҳкамовнинг юзига қарамасдан қайтариб берди:

— Аввал бир пиёладан чой ичинглар, ўтиринглар.

— Раҳмат. Кечиринг, Тешабой Султонович. Бошқа иложимиз йўқ эди.

Маҳкамов яна бир нарса демоқчи эди, раис қўлини кўтариб, тўхтатди.

— Ўртоқ Алиев, хўжаликнинг шуниси яхшики, раис меҳмон қабул қилаётган пайти, биронта одам уни безовта қилмайди. Нима дердим, милициянинг ўз тартиби бор. Марҳамат! — раис шундай деб ўрнидан турди ва ошхона томонга қараб қичқирди. — Одамбой! Бу ёққа кел.

Аммо уни афтидан ҳеч ким эшитмади, ҳеч ким келмади.

— Одамбой ўчақбошида, бораверинглар, — деди у Маҳкамовга ва жойига ўтириди. — Қани, олишиб ўтиринглар. Собиржон, сиз мезбонсиз, айтинг, еб ўтиришсин. Бу овқатларни шу Одамбой тайёrlаган, қўли ширин йигит.

Тешабой ака ошга қўл узатди. Жигар ранг кунжут ёғини панжалари орасидан оқизиб, катта бир ошам олди-да, оғзига солди.

Алиев бошини этганича, бир нуқтага тикилиб ўтиради. Исмоилов ҳам ўзини ноқулай сезди, ошдан ейиш нияти бўлса ҳам қўлини артди. Сиддиқов меҳмондорчиллик пайти, ҳамкаслари шундай иш қилишларини мутлақо кутмаган эди. Шунинг учун уялганидан қипқизариб ўзини қаёққа қўйишни билмай типирчилаб ўтиради.

Ноқулай вазият анча давом этди. Фақат Тешабой акагина тинч, ўзини бепарволикка солиб, хўриллатиб чой иchar, баъзи-баъзида ошхона томонга қараб қўярди.

Жимликни Маҳкамов бузди. Ошхона томондан шахдам юриб келиб, Алиевга мурожаат этди:

— Йўқ. Ҳеч қаердан тополмадик!

— Одамбойни-я? — ҳайрон бўлиб сўради Тешабой ака.

— Ҳа. Бутун бофни айланиб чиқдик.

— Онаси бетоб эди, эрта кетиб қолган бўлса керак-да, — раиснинг хурсандлиги ҳам, ташвишга тушганилиги ҳам билинмасди. — Хавотир олманглар. Эртага мен ўзим уни топтириб, Собиржоннинг олдига юбораман. Маъқулми, ўртоқ Алиев?

— Албатта, — деди Алиев. — Хавотир оладиган жойи йўқ. Кетаверинглар. Маҳкамов кетгач, Алиев Тешабой акага мурожаат қилди. — Мени кечиринг, Тешабой Султонович, сержант Исматовнинг қотилини зудлик билан қамоққа олишни мен буюрганман. Қотилнинг аниқ кимлиги сиз меҳмонгә чақирганингиздан кейин маълум бўлди. Сизни хафа қилган бўлсак, яна бир марта узр сўрайман. Менинг назаримда сиз, обрўли, халқ ҳурматини қозонган раҳбар одам қотил топилганидан хурсанд бўласиз ва уни қаерда қўлга олиниши сиз учун аҳамиятли эмас, деб ўйлабман.

Кутилмаганда раис Алиевнинг гапларини тасдиқлади:

— Албатта, мен қотил топилганидан хурсандман. Уни аниқлашда сизларга ёрдам беролмаёттанимдан хижолат чекиб юрган эдим. Топилгани яхши. Лёкин сира кутилмаган одам қотил бўлиб чиқди. Ростини айтсан, мен ҳали ҳам кўниколмаяпман. Бу ярамас менинг кўз олдимда, ҳатто менинг уйимда катта бўлган. Отаси билан биз қадрдон эдик. Қодиржон, ука, балки қандайдир англашилмовчиликдир бу? Ҳеч ақдим бовар қилмаяпти.

— Афсуски, бу аниқланган, Тешабой ака, мени кечиринг, биз тўғри қилмадик.

Алиев чин юрақдан шу фикрга келган эди. Идорада, иш столи ёнида қарор қабул қилиш бошқа экан-у, дастурхон олдида шу қарорнинг амалга ошишини кўриш бошқа гап экан. Бунинг устига, Одамбой қочди. Ким, қачон унга айтди? У қандай қилиб уни олгани келгандарини билди? Нима бўлса ҳам хунук, одамгарчиликка тўғри келмайдиган иш юз берди. Алиев ўзидан хафа бўлиб кетди.

Нега унда қотилни раиснинг олдида қамоққа олиш фикри пайдо бўлди? Кўрқитиш ниятида эдими? Уни қайириш, бошини эгиш мақсадидами? Ё ўзини кўрсатмоқчи бўлдими? Биринчи марта Алиев ўз қилган ишидан пушаймон эди. Ҳамкасби Собиржон Сиддиқов, ходимлари Исмоилов, Маҳкамовлардан уялиб кетди.

Улардан ҳам кечирим сўраши керак. Лекин қизиқ, нега ёшлар — Исмоилов ҳам, Маҳкамов ҳам уни тўхтатиши мади?

Йўқ, ордерни боққа, айни дастурхон атрофида ўтирилган пайти, худди театрда, ё ёмон кинофильмларда бўладигандек кўрсатиши, шу вақтдаёқ қамоққа олинмоқчи бўлган одамни қочириб юбориш жуда катта лапашанглик, ақдизалик, ожизлик белгилари эди.

Алиев дастурхонни айланиб ўтиб, Тешабой ака олдига келди.

— Раҳмат, Жуда яхши ўтиридик. Яна бир марта узр.

Тешабой ака ҳам ўрнидан турди. Мехмондорчиликни давом эттиришининг энди фойдаси йўқ эди. Шундай бўлса ҳам у илтимос қилди.

— Ҳали эрта, ўтирибмиз-да?

— Йўқ, раҳмат. Агар сизга малол келмаса, яна бир нарса сўрамоқчи эдим. Марҳума Фотима Алимовага жамоа хўжалиги берган совғаларнинг ичидан иккита соат чиқди. Биттаси манави соат. — Алиев чўнтағидан боққа келишаётганда Исмоилов берган Фотиманинг соатини чиқариб кўрсатди. — Сизнинг шахсий совғангиз, жуда яхши соат экан.

— Ҳа... — Тешабой ака соатни олиб, чироққа солиб қаради. — Яхши қиз эди. Аълочи. Онасига ўхшарди. Онасини яхши биламан. Бригадир, яхши механизатор эди. Бечора онасиининг ёшига ҳам етмади.

— Туман марказий кутубхонаси мудири Шоҳида Луқмонованинг ҳам шундай қиммматбаҳо соати бор экан. Худди қўлингиздаги соатнинг, манави соатнинг нусхаси дейиш мумкин. У ҳам сизнинг совғангиз экан, деб эшитдим.

— Бўлса бордир? Билмадим, — Тешабой ака ўйланниб гапирди. — Хўжалик катта. Унга алоқадор идоралар, одамлар ҳам кўп. Клуб ҳам бир пайлари хўжаликка яхши қаради. Ҳаваскорларимизни тайёрлаб берарди, концертлар қўйиб кетарди, дала шийпонларида театрлар кўрсатарди. Раҳматли Шоҳида эса анча эпчил аёл эди. Раҳбарият унинг хизматларини шу соат билан тақдирлаган бўлиши мумкин.

— Раҳматли дейсизми? — сўради Алиев.

— Ҳа, энди жаноза очилгандан кейин, шунча вақтдан бери топилмаганидан кейин нима дейиш мумкин?

Тешабой ака гапни қисқароқ, қилиш мақсадида дар-

шоға томон юрди. Бошқалар ҳам беихтиёр унга эрганиниди.

— Тоғли жой — хавфли жой бўлади. Раҳматлининг отаси ҳам бизда ҳалок бўлган эди. Йўғонтепанинг бошидаги қоядан, адашмасам, тийғаниб кетган эди.

— Хабарим бор. Шаҳодат опа — Шоҳиданинг онаси шахсан сиздан миннатдор. Хабар олиб, ёрдам берриб тураг экансиз.

Тешабой ака тўхтади. Алиевга ўтирилиб, қўлини чўзди.

— Келиб туринглар. Мабодо ёрдамим керак бўлиб қолса, бемалол.

Алиев хайрлашар экан, Тешабой аканинг ундан ҳафсаласи пир бўлганини сезди. Аммо билдирамади. Са-мимиият билан ишларига ривож, ўзига соғлиқ тилади. Бурилиб кетаётганида, Тешабой ака жилмайиб, фақат у эшитадиган қилиб шивирлади:

— Совғанинг арzon-қіммати бўлмайди. Борига барака, деб кетаверилади. Айниқса, шахсий совға.

У Алиевнинг жавобини кутмасдан бошқалар билан хайрлаша бошлади.

Машинага ўтиришганда Алиев сўради:

— Салимовлардан хабар келмади? Тинчликмикан?

— Билмадим, Исмоилов ҳам хавотирга тушди. — Уйларидан хабар олмаймизми?

— Яхши бўларди, — қўшилди унинг таклифига Алиев.

— Лекин сизларни ташлаб, мен ўзим ўтиб келаман. Сен Тошкентта телефон қил. Ҳаммаёқдан сўра.

...Соат ўндан ошган эди. Агар ота-ўғил қайтиб келишган бўлса, албатта чироқ ёниқ бўлиши керак. Чироқ ўчиқ бўлса ҳам, улар қайтишмаган бўлса ҳам, у барибир уйга киради. Зухра билан гаплашади.

Алиев шу ўйлар билан бўлиб, машинанинг таниш, баҳтсиз уй эшиги олдида тўхтаганини сезмай қолди.

Кўча эшик очиқ, ҳовли ёруғ эди. Алиев тақиллат-масдан, қандайдир умид билан ичкарига кирди. Айвонга олиб чиқадиган цемент зинада муштларига энгагини тираб, Зухра битта ўзи ўтиради. Алиев дарров тушунди, қўрқмаслик учун уйнинг, ҳовлининг ҳамма чироқдарини ёқиб қўйган эди.

— Бемаҳал келдим, кечиринг, — деди Алиев ва омонатгина айвон зиҳига ўтиради. — Демак, улардан ҳалиям хабар йўқ?

Зухра бошини қимиirlatdi.

Алиев яна нима сўраши мумкин? Аксинча, қиз Алиевга ташланиши керак ҳозир. «Қани менинг адам билан акам», дейиши керак. Наҳотки милиция кун бўйи биронта хабарга эга бўлмаса? Игна эмас-ку ахир улар? Кап-катта одамлар, наҳотки бирон жойда ўзларидан из қолдиришмаган? Алиев ҳайрон, у ҳеч қачон ўзини бугунгидек ожиз сезмаган эди. Одамбой қотилнинг бирдан йўқ бўлиб қолиши тушунарли. Қотил ўзини яширишга уринди ва яширди. Муаллим билан ўғли ўзларини яширмаганлар-ку? Улар Фотимани зўргаганларни топиш ва улардан ўч олиш учун эрталаб уйдан чиқиб кетишган. Ўч олмоқчи бўлган одамлар ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан бирон жойда беркиниб ётмайди-ку? Уларнинг Зокир Сотиболдиевникига борганлари аниқ. Неча киши бўлган у ерда ҳаммаси бўлиб? Қани улар?

Алиев Зухрани ёлғиз қолдиргиси келмади.

— Зухра, менинг ишларим бор. Кетишим керак. Ёлғиз қолмаслигингиз учун бир одам юборайми?

Зухра бошини кўтарди.

— Адамни топиб беринг..

— Ҳаракат қиляпмиз. Эрталаб келаман. Хайр.

— Хайр.

Зухра ўрнидан турди, аммо кузаттани чиқмади. Алиев эшикка етганда, тўхтатди.

— Ўртоқ майор! Улар тирикми?

Унинг саволидан Алиев сесканиб кетди. Наҳотки бу хонадондан яна ўлик чиқса?

— Менимча, улар тирик... Агар... тирик бўлишмаса топиларди.

— Раҳмат.

Зухра яна жойига ўтирди. Алиев яна бир нарса деб уни юпатмоқчи бўлди-ю, лекин нима дейишни билмади. Бирпас жим туриб, эшикка чиқди. Йўлақда коса кўтарган Зухра тенги қизга дуч келди. Кийимлари, қийик, кўзларидан у ўзбек эмас эди, корейс ёки қозоқ қизи бўлиши мумкин.

Киз унга соф ўзбек тилида салом берди-да, сўради:

— Абдулла aka бор эканларми?

— Йўқ. Зухранинг ўзи ўтирибди. Сиз ким бўласиз?

— Қўшнимиз биз. Зухрага овқат олиб келаётувдим. Мен Светаман.

— Жуда яхши, Света, — хурсанд бўлиб кетди Алиев.

— Иложи бўлса Зухра билан бирга бўлинг. Биз адаси билан акасини қидиряпмиз.

— Мен Зухрани ёлгиз қолдирмайман. Бирпас туриб дадамлар ҳам чиқадилар.

Алиев анча хотиржам тортиб, машинага ўтирди. Меҳмонхонага келганда Исмоилов уни нохуш хабарлар билан кутиб турарди. Маҳкамов ҳам у билан бирга эди.

Алиев хабарлар кўнгилсиз эканини иккаловининг юз-кўзиданоқ билди. Лекин Тошкентдан етказилган хабар уни даҳшатга солиб юборди. Бешёғочда, Қозирободга кетаверишдаги жар бўйида қурилган лағмонхона олдида бир одамнинг ўлгини топишиби. Тахмин бўйича Абдулла Салимовга ўхшар эмиш. Лекин ҳар эҳтимолга қарши уни биладиган одам юборишни капитан Раҳмонов илтимос қилиби.

— Нима, баشاраси...

— Ҳа, — уни тушунди Исмоилов. — Боши, юзи мажақланган эмиш.

— Ҳеч кимни юбормаймиз! Ўзимиз борамиз! Ҳозироқ, жўнаймиз. Лейтенант Маҳкамов, нима бўлди?

— Маҳкамов бошлигининг саволига тайёр эди. Боғда юз берган ҳодиса — Одамбойнинг қочиб кетишига у биринчи галда ўзини гуноҳкор ҳисобларди.

— Айб менда, ўртоқ майор. У ҳожатхонага кириб чиқай, деди. Башарасидан қочадиган одамга ўхшамасди. Нимага қамоққа олинаётганини ҳам билмагандек кўринарди. Мен аҳмоқ шундай деганда қўлига аввал кишан солмайманми?! Аҳмаджонни бирга юбордим. Икки дақиқа ҳам ўтгани йўқ. Аҳмаджон югуриб келди йўқотдим, деб. Учаламиз ҳожатхонага қараб югурдик. Ҳожатхонанинг эшиги ланг очик, ичида ҳеч ким йўқ эди. Бутун бофни айланиб чиқдик. Йўқ! Худди ер ёрилган-у тушиб кетгандек!

Алиев индамади, иккала лапашанг йигитлар шаънига айтиш мумкин бўлган гапларни ичига ютди. Ҳозир уришгани, сўkkани билан қотил қўлларини чўзиб олдиларида пайдо бўлиб қолмайди.

— Нима дейсиз, раиснинг ваъдасига ишонса бўладими? — сўради у.

— Йўқ, — гапга аралашди Исмоилов. — Раис иложи бўлса уни қочириб юборади бунданам узоқроқقا!..

— Билмадим, — деди Маҳкамов. — Аммо ўртоқ майор, бу боғда бир сир бор. Қандайдир биз билмаган, кўзга кўринмайдиган бир йўл бор-ов...

— Расул Икромович, сиз Одамбойнинг уйини ку-

заттиинг. Онасининг олдига келиши керак. Кампирнинг ундан бошқа ҳеч кими йўқ, деб эшитганман.

Раҳбарларда кам учрайдиган хислат бошлиқларида борлигидан иккала лейтенант хурсанд эдилар. Маҳкамов ўзини қанча койимасин, дилида қотилни раиснинг боғида қамоқقا олиштга қарши эди. Аммо бошлиқнинг обрўси олдида фикри нотўри бўлиб чиқишидан ҳадиксираб, ҳеч нарса демаган эди. Ҳозир у хато қилганини тушунди. Ҳеч кимга бўлмаса ҳам, бамаслаҳат иш олиб борадиган ўз бошлиғига фикрини айтиши керак эди. Машҳур раис олдида унинг уялиб қолишига йўл қўйилмаслиги керак. Аммо Одамбойга қойил қолиш керак. Уни қишлоқда ақли расо одам ҳисоблашмайди. Ҳатто жинни ҳам дейишади. Лекин у бутун ўнта ақли расо одам қилолмайдиган ишни қилди.

— Қани, кетдикми? — унинг хаёlinи бўлди Алиев — Ўқтам Қўчқорович, кетишдан олдин телефон қилиб қўйинг, Алижон бир соатдан кейин ўша ёққа борсин. Иложи борича Сотиболдиев ва унинг шериклари ҳақидағи маълумотлар билан борсин.

Исмоилов ўриндан туриб, қўлидаги сигаретасини деграздан меҳмонхона ҳовлисига улоқтирди-да, даҳлизга чиқди. Телефон фақат навбатчи олдида бор эди.

Алиев ўз мулоҳазаларини Маҳкамов билан ўртоқлашди.

— Тўғри. Лекин Қодир ака, бир фикр бор. Раис ўз фойдаси йўлида ҳеч кимни аямасдан, босиб-янчиб кетадиган одам. Бунга шубҳангиз бўлмаса керак. Биздан олдин Одамбойни ўзи туттириб йўқ қилиб юборса-чи?

— Бу фикрни ҳам ҳисобдан чиқармаслик керак. Нима таклиф қиласан?

— Таклиф шуки, ёқадими, ёқмайдими, битта одам унинг ёнида бўлиши керак. Одамбойни тутмагунимизча, у раиснинг ҳар бир қадамидан хабардор бўлиб турсин.

— Ким?

— Қаршилик қилмасангиз, мен борай.

Алиев рози бўлмади.

— Собиржон Сиддиқовга бу вазифани юклаймиз. Аввало, раис ундан чўчимайди, кейин у ўз одами. Сизнинг ишларингиз кўўп.

Алиев кўчага чиқди, машинасидаги телефонда комутатор орқали Сиддиқов билан уланди. Сиддиқов таклифга дарҳол рози бўлди. Ўзи ҳам шуни ўйлаганини, маслаҳат қилмоқчи бўлганини айтди. Раиснинг Одам-

ўой қаерда беркиниб ётганини билишига Алиевнинг шубҳаси йўқ эди. Сиддиқов унга қўшилди.

— Бонни яхши биламан. Боя кетганимиздан бери ўйлайман. Қаёқقا ғойиб бўлди экан? Биласизми, Қодиржон, назаримда ошхона томонда яширин йўл бор. Яширинки, ҳеч ким у томонга ўтмайди. Ўтин, кўмир келади у томондан. Одамбой шу ёқдан қочган. Уйига одам қўйдим. Аммо ҳозирча дараги йўқ. Уйига у келиши керак. Эшигтганмисиз, йўқми, билишимча, онаси бетоб. Овқатига Одамбой қарайди.

— Шаҳардан хунук хабар келди. — Алиев шаҳарга тушиб чиқиши сабабларини айтиб берди. Агар мурда Салимов бўлиб чиқса, унда ўғли Ҳамидула қаёқда қолди? Шуларни ҳам суриштириш лозим. Қидиришни кучайтирмасак бўлмайди. Ҳамма мўлжалланган жойларда навбатчилар борми?

— Бор-у лекин ҳеч қандай хабар йўқ. Зангори «Жигули» умуман шаҳарда юрмабди. Рақамини ҳам пунктларга берганман. Бу ерда ҳам тинчлик.

— Майли, хушёр бўлинг.

Машинага ўтириши биланоқ Исмоилов унга Рамз билан учрашганини, бу олифта йигит унга ёқмаганини, соатнинг эгаси у эмаслигини айтиб берди.

Ҳайдовчи иш зарурлигини билганидан машинани одатдагидан тезроқ ҳайдай бошлиди. Жумабозорга келишганда, ён кўчадан бир қора «Жигули» чиқиб, уларга эргащи. То Қўйлиққа етгунларича орқаларидан келди. Қўйлиқ чорраҳасидан ўтилганда кўпrik остига кирди-да, қайтиб чиқмади.

Алиев «Буни қандай тушуниш керак?» — деган маънода Исмоиловга қаради. Орқа ойнадан кўз узмай келлаётган Исмоилов жавоб бериб улгурмади. Кўпrik тагидан бир машина чиқиб, яна уларга эргащи. Аммо бу машина бошқа рангдаги «Жигули» эди.

— Бизни қўриқладиганлар кўпайиб кетди-ку? — кулди Алиев.

— Наҳотки улар ҳам раиснинг одамлари бўлса? — иккиланиб, айни пайтда ҳайрон бўлиб сўради Исмоилов.

— Бир нарса дейиш қийин...

* * *

Тешабой Султонов Одамбойнинг қамалиши уни бадном қилишини билса ҳам, хаёли кирди-чиқди одамга қулоқ солишларига, унинг гапи билан шундай ҳурмат-

ли, йигирма йиллик раисни қамашларига ишонмасди. Яна бир уни хотиржам қилган нарса бор эди: Одамбойнинг уни сотишига кўзи етмасди. Одамбой унинг назарида уйида катта бўлган ити эди. Ит эса эгасига содик бўлади. Раиснинг бадном бўлишига келганда, бу энди вақтингчалик гап. Одамбой қамалса, гап тарқайди, содик хизматкори қамалибдими, демак, ўзида ҳам бир гап бор, дейди уни кўролмайдиганлар. Ҳар хил латифалар тўқишида, баъзи идораларга сайланмай қолади, мажлисларнинг тўрида ўтириш камаяди. Булар вақтингчалик гаплар. Үнга, албатта қийин бўлади.

Тенгкур, унинг сингари обрўга эришиб олган ралислар, директорлар ундан узоқдашишади. Кўриб ўзини кўрмаганликка солиб кетадиганлар ҳам пайдо бўлади. Аммо тишни-тишга қўйиб, ҳеч нарса бўлмагандек юриш керак. Шунда аlam ҳам тезда ўтиб кетади. Одамбой ҳам хаёлидан кўтарилади. У шу фикрга келди-ю, бир сесканиб тушди. Одамбой хаёлдан кўтарилишини у бошқача шаклда кўриб қолди. Уни тутишларини, қамашларини кутиб ўтириш, қамоқда нима дер экан, деб хавотирга тушиш кимга керак? Шу куни-кеча катта бўлиб қолган майор Алиевгами? Унинг ёнида кимлар бор яна? Бу ёқقا келиб, унинг ишларини шубҳа остига олишни ким унга буюрди?

Тешабой Султонов бир ўзи ҳали йиғиширилмаган дастурхон ёнида ўтириб, шуларни ўйлар экан, Ислом Усмоновни чақиртириб келишни лозим топди. Телефон қилиб, ҳали ҳам бюро мажлиси тутамаганлигини билдида, ҳукумат телефонида котибни чақирди.

— Келмасангиз бўлмайди. Ҳа, улар кетишиди. Лекин зарур гап бор. Ярим соатга танаффус эълон қилинг-да, келинг.

Ислом Усмонович йўқ деёлмади. Тешабой Султонов уни бекорга безовта қилмас эди.

— Қирқ дақиқада етиб бораман. Мажлисни тугатман, — деди.

— Қорабой! — чақирди Султонов Одамбойнинг ошхона бўйича ёрдамчисини.

— Чиндан ҳам қорачадан келган чайир бир йигит югуриб раиснинг олдига келди.

— Одамбой сенга ҳеч нарса демадими?

— Йўқ, ота. Анавиларга битта таҳорат ушатиб олай, деди-да, ҳожатхонага ўтди. Қайтиб чиқмади. Мен кўрмай қолдим чиққанини.

— Майли. Келинойингни ула.

Раис ҳовлига чиқди. Дастьурхон ҳамон йигишти-рилмаган эди. Ўз жойига бориб ўтирди.

Қорабой қизил симли телефонни меҳмонхонадан олиб чиқиб, трубкани раисга узатди. Ўзи телефонни ушлаб турди.

— Салтанат? Ҳа, ётувдингми? Яхши, ётмаган бўлсанг, машина юбораман, ейдиган у-бу олгин-да, ашави Абдулла муаллимниги ўтиб кел. Зухра деган қизи ёлғиз қолган. Битта ўзи юрагини ҳовучлаб ўтиргандир бечора. Ҳол-аҳвол сўраб, овқат едир. Бирпас ўтирилдида. Йўқ, на отасидан, на акасидан дарак йўқ. Иккалови ҳам уйдан чиқиб кетишганича, ҳеч қаердан топилмаяпти. Тушундингми? Баракалла. Ҳозир машина боради.

Султонов трубкани узатди. Кўзларига ёш келган Қорабой трубкани кўлидан тушириб юборди.

— Кечиринг, ота!

— Ҳечқиси йўқ, — раис уни юпатди. — Менинг ҳам юрагим ачиб кетяпти. Безорилар ўлдириб кетган бўлиши ҳам мумкин. Битта уйда шунча ўлим...

— Иккаловиниям ўлдиришганмикан, ота? — қўрқиб сўради Қорабой.

— Ким билади. Балки иккалови ҳам омондир? Сен ўзинг ҳеч нарса эшиттганинг йўқми?

— Йўқ. Фотимани зўрлаганларни қидириб, ота-бала аzonда уйдан чиқиб кетишибди, деган гап юрибди қишлиқда. Бошқа ҳеч нарса эшиттганим йўқ.

— Аҳмоқлар! — куйиниб гапирди раис. — مليция бор, жамоа бор, ярамаслар топиларди. Жазосини оларди. Нима қилас экан, уларни қидириб?! Барибир тополмайди. Кўча юзасида мана биз, деб туришар эканми? Мен Абдулла муаллимни айтяпман. Эслик одам эди. Ўсли Ҳамидулла майли, ёш, қизиққон. Уни нима жин урди?

— Ота-да, чидолмаган, — деди Қорабой.

— Бу гапинг ҳам тўгри, Қорабой! Чой қайнат, қозоннинг тагига ўт қала. Ҳозир Ислом ака келади. Хуллас, ўзинг билиб қилавер бу ёғини. Менга кўк чой келтир. Ўйга машина жўнат.

Қорабой кетди. Тешабой Султонов учун Абдулла муаллимнинг ўч олиш ниятида уйдан чиқиши мутлақо кутилмаган ҳодиса бўлди. Ҳамидулла тинчиши билан бу қозон ҳам ёниғлигича қолар, деб ўйлаган эди. Муаллим Зокирникига ўслини қидириб борганми, ё атанин қасос умидида борганми — раисга қоронғи эди.

Унга ота-боланинг маслаҳати ҳам аён эмасди. Шу боис гаранг эди. Эрталаб уйига Тўхтамурод келиб, бўлган воқеани айтиб берганида, аввал у ўзини йўқотиб қўйди. У икки марта қамалиб чиққан Тўхтамуродга ҳам, Зо-кир полвонга ҳам ишонмасди. Улар қўлга тушса, ал-батта кўп нарсалар очилиб кетарди. Аммо қизни зўрла-ганларидан кейин, муаллимни отиб қўйишлари ақл бовар қилмайдиган янгилик эди. У Тўхта қийшиқни ҳам, Зокирни ҳам бўралаб сўқди. Тўхтамурод бошини ҳам қилиб, жим тураверди. Айборлигини у биларди. Тўппончани ишлатмаслик кераклигини ҳам биларди. Лекин шайтон йўлдан урди. Шошиб қолди, энг осо-ни — отиш бўлгани учун ҳам отди.

— Қанча уришсангиз ҳам арзиди. Мен ўзим ҳам ачиниб кетяпман. Қизи бошқа гап эди. Зокирингиз билан Истроилингиз йигирма бирда ютқазиб қўйишиди. Биринчи ким учраса, шуни олиб келишдан ўйновди-да.

— Бўлди, эшитганман! — уни бўлди Султонов.

— Йўқ, ота. Сиз мени ҳам эшитинг-да. Мен честна ўйнадим. Олиб келишгандан кейин қайтариб юбор-сам, нима деган одам бўламан? Улар бошимга чиқиб олишади? Агар ўзини осиб қўйишини билганимда... Бир амаллаб, эрга тегиб кетади, деб ўйловдим. Ўзи ўжар экан. Дарров бориб ўзини осибди. Унга ўхша-ганлар юрибди-ку. Бир-иккита бор, ўзлари келиб ту-ришади. Ўрганиб қолишган. Бу бошқача экан. Отаси аҳмоқ экан, биз билан teng келиб бўладими? Иннай-кейин... ўзимни осаман деганда, тегмасдим. Ахир мен ҳам одамман, тушунардим...

— Хўш, энди нима қимоқчисанлар? — жаҳлдан раис ўзини зўрға босиб турарди.

— Уришманг, ота. Бўлар иш бўлди. Бошқа қил-маймиз. Тек ўтирамиз энди. Нима десангиз, шуни қила-миз.

Тўхта қийшиқ йиғлагудек бўлиб, бошини эгди.

— Ўлик қатда?

Исмоилнинг машинасида, юкхонада. Зокир шаҳарга борайлик. Қоронғида жарга ташлаймиз деялти.

Ота шу фикрни маъқуллади:

— Машинани ҳам йўқ қилларинг. Янтоқми, Бўка-ми, шу томонга бориб ёқворларинг.

Бўпти, ота. Шундоқ қиласмиз.

Ўзларинг бирон ҳафта шаҳарда бўлларинг, жой бор, биласанлар! Ҷақирсамгина, бу ёққа келасанлар!..

Хўп бўлади. Ўрага тушгандек ўтирамиз.

Султонов улардан қанчалик жирканмасин, уларнинг қанчалик ифлос, паст эқанликларини билмасин, улар-сиз ишлаши қийинлигини биларди. Улар ҳеч нарсада тапни иккита қилишмас эди. Одамбой сингари улар ҳам унинг қуллари эди. Айниқса, Ҳамидулласиз, шаҳарда ишлаши қийин. Булардан ҳам воз кечиб юборса оғир бўлади. То одам толиб қўлига ўргангунча анча вақт ўтади...

— Жўналаринг.

Раис гап тамом дегандек, қўлини силкитди.

Тўхтамурод эшик тагига борганда, тўхтади:

— Биз-ку из қолдирганимиз йўқ. Лекин ота, анати Ҳамид гуллаб қўймаса бўлди. Синглиси эканда, а?

— Ундан хавотир олмаларинг.

— Раҳмат, ота. Яхшиям баҳтимизга сиз борсиз!..

— Бўлди, йўқол...

Султонов жеркиб берди...

... Ҳа, шу чатоқ бўлди, Абдулла муаллим ўлмаслиги керак эди. Салтанат муаллимнинг уйига боргани яхши. Энди Зухрасини тинчтиши керак. Ўқимоқчи бўлса, уни институттага жойлаб келади, эл олдида яхши бўлади бу иши.

Дарвоза томонда машина чироқлари кўринди.

Султонов ўрнидан туриб, ўша ёққа, Усмоновни кутиб олгани юрди.

— Бугунгидек сизни ҳеч қачон соғинмаган эдим!

Султонов қулоchlарини ёзиб, машинадан тушаётган меҳмонни қучогига олди.

— Маҳмадоналар кўпайиб кеттан. Икки соат бурун тутатиш мумкин эди, — деди Ислом Усмонов ҳам уни қутоқлаб. — Лекин нима дейсиз? Давр ўзгариб кетди. Доно гапларни эшиттандек қулоқ солиб, энсантиз қотса ҳам, индамай ўтирасиз. Ҳозир раҳбар гапиришдан кўра эшитишга ўрганиши керак. Эшитиб-эшишиб, ҳамма бир-бирига тўйганидан кейин, битта гап билан ўз режангизни айтишингиз керак. Шунда ҳамма лаққа тушади, ҳамма мани гапим маъқул бўлди, деб ўйлади. Хўш, тинчликми?

— Олдин бир пиёла чой ичиб олинг.

Раис уни дастурхонга бошлади. Бошлигининг одатларини яхши билганидан бир фужер тўлатиб арман конъягидан, ўзига эса пиёлани тўлдириб ароқ қўйди. Қорабой иссиқ сомсани олиб келиши билан фужерни Усмоновга узатди.

— Қани, шуни олиб юборинг. Асабларни бир оз бўшатайлик.

Усмонов йўқ демади. Фужерни олар экан, кўзи билан ейдиган нарса қидирди. Маъқулроғи узум бўлди шекилли, шундан икки донасини узиб олиб, бир «кух»-лади-да, Султоновга қаради.

— Қани, олайлик, олдирмайлик.

— Яшанг!

Фужер билан пиёла бир-бирига оҳиста тегиб, эши-тилар-эштилмас товуш чиқарди. Султонов котибининг охиригача ичиб юборганини кўриб, пиёлани бўшатди. Битта сомсани оғзига солди. Кутмасдан яна фужерни ва ўз пиёласини тўлатди.

— Самарқанддан келишдими? — деб сўради Усмонов.

— Хат келди. Мошина, рефрижератор эртага келади. Ҳаммасини ўша ёқقا жўнатворайми?

— Ҳа. Кейин ўша ердан тарқатасиз.

— Бўпти. Сизни безовта қилганимнинг сабаби Алиев менга ёпишяпти. Қани, олинг. Манави сомса яхши бўлган. Боя Одамбойни шу ерда қамоқقا олдирмоқчи бўлди. Одамбой қочди. Лекин узоқ яшириниб юролмайди. Улар тутишади уни. Алиев гапга кўнадиган одамга ўхшамайди. Буларнинг соҳасида ишнинг катта-кичиги бўлмас экан. Тўрт-беш кун ичида жуда қийнаб юборди. Исматовни ўлдирган Одамбойлигини билди. Бола-чақасини қўрқи-түвдик, уйига қаматиб, қоровул қўйди. Ўзи гапга кўнмайди. Соатларимнинг ҳам тагига етибди.

— Манавиларни-я? — Усмонов қўлидаги соатни кўрсатди.

— Ҳа. Бриллианти борлигини, мен совфа қилганимни билибди.

— Ўзингиз ҳам, Тешабой aka шу ишни чакки қилдингиз-да.

— Йўқ, — кулди Султонов. — Сизни йўриғингиз, сиз билан муносабатларимиз бошқача. Қизлар-чи, улар бунинг нархини билишмас эди. Соат уларнинг қўлидаги менинг бойлигим эди. Керак пайтда айтардим уларга. Керак пайти ўзларини ечинтиргандек, қўлларидан ечиб оламан, девдим. Кейин совғанинг арzon, киммати бўлмайди. Аммо буни назаримда Алиев тушунмаяпти. Бошқа маъно қидиряпти. Агар унинг йўлини топ, десангиз йўли бор. Шундай қиласман. Йўқ, сабр қил, яшайверсин десангиз, уни бошқа ишга ўтказиш керак. Бу ёқقا қадам босмасин.

— Эртагача сабр қилинг. Бир гаплашиб кўрай.
Шуми?

— Шу.

— Йигитларингизга ҳушёр бўлинг, Алиев масаласи
шур ёқлик бўлгунча, бир қадам ҳам жилишмасин.

— Тайинладим.

— Гапингиз тўғри. Тешабой ака. — Усмонов фу-
жерни қўлига олди. — Бу соҳада катта-кичкина лаво-
зим йўқ. Ҳар битта одамни чертиб кўриш керак экан.
Билмай қолдик. Башарасидан қиздек, қўнимли бўлиб
кўринган эди. Жалолов маслаҳат сўраганда, билганингни
қиласавер, деб юборган эдим. Ўшанда тўрт-беш одам-
нинг ичида Сиддиқовнинг номзоди ҳам бор эди.

— Баракалла! Мана бу бошқа гап эди.

— Майли, уриниб кўрамиз. Алиевни бошқа зарур-
роқ иш қутиб тургандир балки! Шундай иш йўқ, бўлса,
топтирамиз.

X

Алиев суд-медицина институтининг музхонасидан
кайфияти ниҳоятда бузилиб чиқди. У Абдулла Сали-
мовни таниди. Уни фақат уришган эмас. Тўппончадан
икки марта отишган. Битта ўқ, чаккасига, иккинчиси
умуртқа суягига тегиб, тиқилиб қолган. Ўликни кейин
жарликка келтириб ташлашган. Шундай қилиб, уч кун
ичида бир хонадондан иккита ўлим чиқди. Бу даҳшат
эди. Ҳамидулла Салимов қаерда экан? Милицияда ҳеч
қандай хабар йўқ. Наҳотки уни ҳам ўлдиришган бўлса??!

Абдулла муаллимни кўмиш маросимига бутун қиши-
лок, туман одамлари кўчиб келди, деса бўлади. Фоти-
ҳага келгандарнинг ҳам кечгача кети узилмади.

Зухра отасининг ҳалок бўлганини эрталаб, қора
рангта бўялган автобусда уч-тўртта оқ, ҳалат кийган
одамлар, милиция ходимлари келганида билди. Кечаси
билан миҷжа қоқмай чиқиб, яна ўша жойида, айвон
зинасида ўтирган эди.Faқат раиснинг хотини Салта-
нат опа келгандагина айвонга кўтарилиб, ҳонтахта ёнига
ўтирди. Ярим соатлардан сўнг, у кетганидан кейин,
яна зинапояга кўчди. Шу ер унга қулай туюлиб қолди.
Мол безовта бўлса шу ердан туриб бориши осон, эшик
тақилласа ҳам югуриш ўнғай. Ёлғиз қолганидан бери
айвонга, ундан уйларига олиб чиқадиган зинапоя унинг
учун умид курсиси бўлиб қолган эди.

Машина келиб тўхтаганини эшитди-ю, юраги ор-

қасига тортиб кетди. Кичкина енгил машина бунаقا зардаланиб, қийналиб тўхтамас эди. Шундан у хавотирга тушди. Агар адаси билан акаси бўлса, улар ўзлари келишмаган, уларни олиб келишган. Шу фикр хаёлига келиб, у бўшашиб кетди. Машина эшиклари тарақлаб очилганда, у кучини тўплаб, ўрнидан турди-да, эшикка югурди. Аммо эшик олдида тўхтади.

Баланд бўйлик оқ, халат кийган киши унинг йўлини тўсади.

— Синглим, бандалик, — деди у паст овозда.

— Нима? — тушунмай сўради Зухра.

— Бандалик, синглим, — қайтарди бир оз овозини кўтариб оқ, халатли киши. — Отангизни олиб келдик.

— Қанилар? — сўради Зухра атрофга аланглаб, гўё адаси ўзи кириб келаётгандек.

— Машинадалар. Олиб кираверайликми?

Зухра шундагина врачнинг гапига тушунди.

— Ада! Адажон! — деб қичқириб юборди у ва ўзини автобусга отди.

Абдулла аканинг жасади оқ, чойшабга ўраб қўйилган эди. Зухра уни тортиб адасини кўрмоқчи бўлди. Аммо кимдир қўлидан ушлаб қолди.

— Кўролмайсиз. Юзлари ўраб қўйилган.

Зухра ўзини тутолмай йифлаб юборди.

Жасадни уйга олиб кириб, катта хонага қўйиши. Дарҳол уйдан олиб чиқиш вақти, жанозани қаерда ўқиши масаласи эркаклар орасида муҳокама бўлиб кетди. Имом келиб, ҳамма масалани ҳал қилди. Зухрадан улар ҳеч нарса сўрашгани, уни безовта қилишгани йўқ.

Зухра бир маҳал уйида бўладиган тўполон, йифисигини туш бўлса керак, деб ўйлади ва хотинлар даврасини ёриб, айвонга югурди. Зинапоядан ҳатлаб чиқиб, отаси ётган хонга кирди. Йўқ, отасининг ўлгани, ўлдирилгани рост эди. Одамлар келиб уни охирги мақонига олиб кетишига ҳозирлик кўраётганлари ҳам рост эди.

Кексалардан кимдир унинг тирсагидан ушлаб, чеккага тортди.

— Қизим, жанозадан олдин отангизнинг бирон яримтадан оладиган-берадигани ҳақида сўроқ бўлади. Ким жавоб беради?

Зухра ўйланиб ўтиrmади.

— Мен.

— Эркак одам бўлгани маъқул эди.

— Бу уйда эркак ҳам, аёл ҳам энди мен. Нима десанглар шунни қиласан, ота.

— Баракалла. Раҳмат. Фарзанд шундок бўлиши кепак.

Чол Зухранинг пешанасидан ўпди.

— Бардам бўл, қизим. Худо сенга ёруғ кунлар ҳам ото қилгандир...

Зухра ўз хонасига кириб, белидаги рўмолни ечди. Чолнинг айтганларини қилиш учун, тобутнинг олдида бориш учун бошқачароқ кийиниши керак эди. Бошига дўппи кийди. Отасининг токча ёнида осиғлик турган юпқа чопонини крепдешин кўйлаги устидан кийиб, қийиқ билан белини боғлади.

У шундай кийиниб, айвонга чиққанида, ҳовли тўла одам жанозага тайёр эди.

Тобут айвонга олиб чиқиб кўйилди. Бош томонга қишлоқнинг оқсоқоллари, имом ўтиб, аёлларга йигини тўхтатишни буоришиди. Зухра билан гаплашган чол кўзи билан уни топиб, зинапояга ишора қилди.

Зухра у кўрсатган жойга келди.

Таниш чол имомнинг қулоғига нимадир деб шивирлади.

Имом Зухрага қаради.

— Мабодо биронта одам «отангиз мендан қарздор эдилар», деб келса, шу қарзларни узишга қодирмисиз? Шу қарзларни бўйнингизга оласизми?

— Ҳа, — деди Зухра. Лекин ҳаяжондан бўғилиб овози яхши чиқмади. У овозини ростлаб, қайтарди. — Отамнинг ҳамма қарзларига мен жавобгарман, бўйнимга оламан.

— Раҳмат.

Кимдир Зухранинг қўлидан тортиб, одамлар орасидан олиб чиқди.

Жаноза ўқиб бўлинниши билан тобут дентизда чайкалан кемадек, одамлар оқими устида пайдо бўлди. Зухра олдинга ўтди. Қишлоқ марказига етишгунча у битта ўзи тобут олдида юрди. Кейин ёнида Асом ака пайдо бўлди. Кўп ўтмай, синфдош ўғил болалар уни ўраб олишди.

Янги қазилган қабр тупроғи қуриб улгурмаган Фотиманинг қабри ёнида эди. Сал нарида раҳматли онаси ётарди. Ўтган йили Абдуллажон кичкина мармар топиб келиб, қабр устига қўйдирган эди. Мана энди учвлари қатор бўлишди.

Амакиси қаршилик кўрсатса ҳам, Зухра қабрга

ўзи тупди. Гўрковга отасини белидан кўтариб узатди.

— Адажон! Кечиринг мени. Бирга бўлганимда балки ҳаёт бўлармидингиз!

Зухра ичида шундай деб, кеча эрталаб отасинин чиқиб кетганини билмай қолганига, у билан бирга бормаганига пушаймон қилди.

«Сенга яхши бўлди, Потий, — хаёлидан ўtkазди у фотиҳа ўқилаётган пайтда. — Ойимлар ёнингда эдилар. Мана энди адамиз ҳам ёнингта келдилар».

— Халойик! — қичқирди кексалардан кимdir. — Абдулла муаллим қандай одам эди?

Қабристон бир чайқалиб кетди.

— Яхши одам эди!

— Омин! Жойи жаннатда бўлсин! Оллоҳу акбар!

Ҳамма яна фотиҳага қўл ёзиб, юзларига суртди.

«Адам ҳақиқатан ҳам жаннати одам эдилар, — ўйлади ўзича ариқ, лабида ўтирган Зухра. — Потий, сен ҳам жаннатда бўласан. Ойимлар ўшатта бўлсалар керак. Болаларининг роҳатини кўрмай кетганлар жаннатда бўлади, дейишади. Улар жаннатдалар. Потий биламан, сен уларни дарров топасан. Бирга бўласизлар. Фақат мен бу ёқда ёлғизман. Сен билан, сизларнинг ёнингизда бўлишни қанчалик истаётганимни билсанг эди.. Энди қандай яшайман? Лекин яшашим керак. Агар мен ҳам кетсам, ҳеч қандай из қолмайди. Биламан, тўғри деяпсан. Биздан из қолдир. Одамлар Фотима-Зухраларни билишсин, уларнинг ота-оналарини билишсин. Баракалла, шундай яхши одамлар бор экан, дейишсин. Отасига раҳмат, онасига раҳмат дейишсин, деяпсан. Топдимми, Потий? Айтганингни қиласман. Агар мен ҳозир орқаларингдан кетсам, сени зўрлаганлар, адамнинг қотиллари чапак чалишади. Сизларнинг ўчингизни оламан. Кўрасан, улар ҳали кўтпушаймон ейди».

— Зухра, ҳамма кетиб бўлди. Юр.

Бу Рамз эди. Зухра жавоб бермади. Аммо гапига қулоқ солди. Ўрнидан туриб, йўлга тушди. Фотима, адажон! Тинч ётинглар! Эрталаб келаман, — деди ичида у. — Сизлардан хабар олиб тураман. Бирорлар устингиздан юрмасин, қараб тураман. Қабрларингизни ўт босмасин, супуриб тураман. Ҳар ҳайитда, ҳар пайшанба келиб, шам ёқаман. Унинг нури дилингизни ёритади. Сизлар билан бирга бўлгандек бўламан ўшанды! Адажон! Фотиманинг ёнида тинч бўлинг. Мендан,

бу дунёда ёлғиз қолган қизингиздан хавотир олманг, эҳтиёт бўламан. Ёлғиз юрмайман. Эшикларни тамбабалб ётаман. Ада! Сизни қанча одам яхши кўришини билсангиз эди! Улар жуда кўп. Улар сизга ўҳшаган яхши одамлар. Менга қараб туришади. Бир нарса бўлгани кўйишмайди. Тинч бўлинг. Фотимани овутинг. Кўп эзилмасин. Бир гап эшиждим. Бу дунёда эзилган одам, у дунёда бахтли бўларкан, роҳатда яшаркан. Фотимага шуни айтинг!..»

Уч кун таъзия билдириб келган одамларнинг кети узилмади. Уч кун Зухра тўн, дўппи кийиб эшиқда турди. Аёллар келганида эса бошига рўмол ўраб ҳовлига кирди.

Уч кун у ўзининг ёлғиз қолганлигини сезмади. Олис-яқин қўшнилар, қариндошлар келиб туришди, баъзилари ётиб қолди. Тўртинчи куни бир ўзи қолиб, Зухра бошига тушган кулфатнинг оғирлигини ҳис қилди ва қўрқиб кетди. Ҳувиллаган катта ҳовли, бўм-бўш хоналар уни чўчитиб юборди. Шу, тўртинчи куни сигир соғгани молхонага кирганида биринчি марта юрагини ваҳм босди. Яrim қоронғи молхонанинг бурчакларидан, устунига Фотима ўзини осган ҳужрадан ғалати, бадбашара ҳайвонлар, ажиналар, одам башарасига кирган илонлар ва яна аллақандай маҳлуклар чиқиб келиб, уни ўраб олаётгандек бўларди. Унинг ҳаяжони, уни босган титроқ сигирга ўтди. Бир-икки челакни тенип, сутни ағдаришига оз қолди. Зухра чала соғин сигирни безовта қилишни билса ҳам, узоқ ўтиромади, ҳар галгининг ярмини соғиб, молхонадан худди бирор қуваётгандек отилиб чиқди. Шу куни акасини кўп ўйлади. Қаерда экан у? Нега адаси билан чиқиб кетиб йўқолди? Қаерларда юрибди экан? Тирикмикин ишқилиб?

Қабристондан машинасида олиб келиб қўйган лейтенант келганида унинг биринчি илтимоси акаси ҳақида бўлди.

— Уни топиб беринглар. Бир ўзим бу уйда қолгани қўрқаман.

— Қидиряпмиз, — деди Исмоилов. — Афсуски, шу кунгача ҳеч қаердан дараги чиқмаяпти.

— Ўртоқ Алиев ваъда берган эдилар, — эслатди Зухра. — Милиция аралашади, уйингиздан бошقا ўлик чиқмайди, деган эдилар. Ўшандан кейин адамдан ажрадим. Милиция бунча ожиз? Наҳотки биронта жиноятчини тополмаса? Одам ўлдириш жуда осон бўлиб қолибди-ку?

Исмоилов эътиroz билдирмай уни эшигти. Нима ҳам дерди? Опаси, отасидан бир ҳафта ичи ажраган одам тағин ҳам оғирлик қилиб гапиряпти. Бошқа одам бўлса милицияни олиб бориб, олиб келарди. Аммо у кўп нарсани айтгиси, тушунтиргиси келса ҳам, Зухранинг ҳозирги аҳволида, асаблари тортилиб турган пайтда ҳеч нарса дегиси келмади. Агар у гапирадиган бўлса, биринчи галда нима учун майор Алиев ўрнига у келганидан гапни бошларди. Бутун эрталаб бутун бўлим учун кутилмаган ҳодиса юз берди. Майорни вазир ўринbosари чақирди. Бир соат дегандагина Алиев қайтиб чиқди. У ишдан бўшаган эди. Бошлиқ билан иккови ўртасида нима гап ўтди, Исмоилов билмайди, лекин асосий келищмовчилик Йўғонтепа ишларидан келиб чиққанини Алиев айтди. У тўла мустақиллик ва ишонч сўраган. Ўринbosар талай шартлар қўйган. Алиев рози бўлмагач, бошқа ишга ўтиши таклиф қилган. Бунга ҳам Алиев кўнмаган. Ён босиши, дилига ўтиришмаган, виждони кўтармайдиган таклифларни қабул қилиб ишлашдан кўра, ишламаган маъқул деган ва ариза ёзив, ташлаб чиққан.

— Нафақага бемалол чиқсан бўлади. Йигирма етти йил бўлибди шу соҳада ишлайтганимга.

— Унда мен ҳам кетдим, — деди капитан Раҳмонов. — Нима кўп ҳозир, кооператив кўп. Жон-жон деб ишга олишади. Ҳаммаёқда юрист керак. Маошим ҳам ҳозиргидан яхши бўлади. Ростини айтсан, Қодир Алиевич, сендан андиша қилиб юрувдим.

— Мени директор ўринbosарлигига таклиф қилишибяти. Шунга борсаммикан мен ҳам? — савол назари билан Раҳмоновга қаради Маҳкамов.

— Қаерга? — сўради Алиев.

— Сизга ёқмайди.

— Айтавер. Балки ўша жойга мени тавсия қиласан?

— Бозорга. — Маҳкамов қулиб юборди. — Қалай? Зўрми?

— Қойил, — унга ҳавас билан қаради Исмоилов. — Мени ҳам олиб кет.

— Директор ўринbosари ўрни битта-да, — жиiddий жавоб қилди Маҳкамов.

— Менга паттачилик ҳам етади. Кунига юз сўм тушиб турса, ўттизини сенга бериб турсам... икки йилда кооператив уй ҳам сотиб олардим. Нима дединг?

— Бўлди, майдалашманглар, — деб ўрнидан туриб кетди жаҳл билан Алиев. — Ҳаммага жавоб.

Гап бўлинди. Бунинг устига, Алиев одамларини узоқ ушлаб ўтиргиси келмади. Ҳаммасининг иши бор. Хонасини ҳам йиғиштириб, сейфни тозалаб қўйиши керак эди. Албатта, вазирга бу гап бориб етиши билан у чақириради. Алиевни ўзи олиб келган бўлса ҳам, Марказқўм юборган ўринбосари билан жанжаллашмайди. Битта қўлидан келадиган иш — тузукроқ иш таклиф қилиши ё каттароқ нафақага тавсия этиши мумкин.

Алиев Жалолов билан узоқ тортишиб ўтиrmади. Унинг илдизи бақувватлигига, Султонов билан чатишиб кетган жойлари борлигига тушунди. Лекин уйда бўладими, бошқа ишга ўтадими, ўлдирилган ота-бала ишини шундай ташлаб қўймайди. Қандай бўлмасин, уларнинг қотилларини топади.

Алиевнинг хаёлига Султоновнинг Фотимага қилган совфаси келди. Соат сейфда эди. Олиб, И smoиловга берди:

— Исбот сифатида Шоҳиданини турса бўлади. Буни Зухра Салимовага бер. Раисга қайтариб бериш аҳмоқлик бўлади. Айт, нархини. Нима қилса қилсин. Маъракалари кўп. Керак бўлиб қолар. Хуллас, ихтиёр ўзида.

Иsmoилов Зухранинг таънали гапларини эшитиб, эрталаб бу ёқقا келишдан олдин бошлигининг хонасида бўлган ана шу суҳбатни эслади. Беихтиёр чўнтағига қўл солиб, соатни чиқарди. Аммо беришдан олдин, милициянинг ожизлик қилаётганига иккинчи сабаб ҳам борлигини айтмоқчи бўлди. Кўкнорифурӯшлар янги одамлар эмас, милициядә ишлаётганлар бу соҳада катта тажрибага эга эмаслар. Шунинг учун қотилларни тутиш ҳам, кўкнорифурӯшларни топиш ҳам чўзилиб кетяпти. Лекин албатта улар топилади, гуноҳкорлар жавобгарликка тортилади. Исбот талаб қилмайдиган бир мулоҳаза бор, тўғрироғи, ҳаётда тасдиқланган фикр бор, қотил ўз қурбонидан ҳеч маҳал узилиб кетомайди. Қурбонга алоқадор жойларда, ишларда ўралашиб юради ва бир кун тутилади. Бунинг учун қидириш билан бирга, сабр-тоқат билан иш юритиш зарур.

Бу гапларни у Зухрага айтмоқчи эди, унинг ғамгин кўзларига қараб, гапни соатта буриб қўяқолди:

— Сизга Қодир ака чуқур таъзия билдириб юбордилар. У киши, менга ишонинг, катта мутахассис. Фожиаларнинг сабаблари очилади. Қотиллар тутилади. Бунга вақт керак. Мени тўғри тушунинг. Манави Фотиманинг соати. Биз текширдик. Бу соат ҳозирги пул-

да камида ўн минг сўм туради. Раис опангизга шундай қимматбаҳо совға қилган. Олинг. Нима қилсангиз қилинг. Ихтиёр ўзингизда. Ҳозир Фотиманинг, адангизнинг маъракаларига балки яар.

— Ўн минг дедингизми? — соатни олар экан, ҳайрон бўлиб сўради Зухра. — Тиллами, нима бу?

Исмоилов тушунтириди.

— Фотима... Фотима билганмикан қимматбаҳолигини?

— Билмаган бўлса керак. Тўғрироғи, билиб улгурмаган.

— Раисдан сўрамадингизми?

Зухрадан у бу савонни кутмаган эди. Боши заман ва аламдан ғовлаб турган одам совуққонлик билан совғанинг тагига етмоқчи эди. Исмоиловга бу ёқди. Шуннинг учун у бор гапни айтиб қўя қолди:

— Сўрадик. Чунки, раис Тешабой Султонов бошқа аёлга ҳам шундай соат совға қилган.

— Кимга?

— Шоҳида Луқмонова деган аёл. Дуркентдаги клуб мудираси.

— Биламан. Ҳаваскорлар билан тез-тез келиб, концерт бериб турарди. Йўқолган аёл-да, шундайми?

— Шундай, — Исмоилов қўшимча қилди. — Эри шу хўжалик фермасида зоотехник бўлиб ишлар экан. Биз у киши билан гаплаша олмадик. Таллинда экан. Қайтишини кутяпмиз. Балки совғанинг сабабини билар.

— У билмаса ҳам ҳалқ билади.

— Лаббай? — тушунмай, ёки яхши эшитмай сўради Исмоилов.

— Шоҳида Луқмонова раиснинг ўйнаши эди.

Зухра бу гапни хотиржамлик билан айтди. Эркак киши билан гаплашаётганидан уялмади ҳам.

— Буни исбот қилиш керак.

— Исбот... Наҳотки исботлаш шунчалик қийин бўлса? Хўп. Исбот қилдинглар, дейлик. Кейин нима қиласизлар? Бу исбот билан раисни жавобгарликка тортиб бўлармиди? Ўзи рози эди деса, нима қиласизлар?

Исмоилов Зухранинг очиқ ва аниқ, гапларига қойил қолди ва шундай қизнинг бошига кетма-кет кулфат тушганига яна бир бор ачинди. Ҳали акаси нима бўлгани номаълум. Қодир Алиев ҳақ. Бу ишни тўхтатиб бўлмайди, тўхтатиш — жиноят.

— Саволингиз ўринли, Зухра. Биз уларнинг алоқалари орқали, аввало, ўша аёлнинг ўзи қаердалигини, унга нима бўлганини билмоқчимиз. Ахир ўзингиз ўйланг, кап-катта бир одам тўрт ойдан бери йўқ. Кимлардир онасини жаноза очишга кўндиришган. Шу билан қидирув тўхтатилади, деб ўйлашган. Аммо биз тўхтатмоқчи эмасмиз. Ўликми, тирикми, ўша аёлни, албатта топишимиз керак.

Зухра индамади. Кўчада икки аёлнинг йигиси эши-тилди. «Қариндошлар келди!» — хаёлидан ўтказди Исмоилов ва ўзини четта олди. Зухра эшикка бориб, аёллар билан қучоқлашиб кўришди. Аммо йигламади. Қанча ўзини мажбур қилмасин, кўзига ёш келмади.

Аёллар ичкарига ўтишди. Зухра Исмоиловнинг рўпарасида тўхтади.

— Кечирасиз... — деди у Исмоиловга тик боқиб. — Жиноятчилар топилмаса, мен сизлардан рози бўлмайман... Хайр.

У жавоб кутмади. Орқасига бурилиб, айвон томон юриб кетди. Исмоилов туман милиция бўлимига келганида, Азим Турсунов ким биландир шахмат ўйнаб ўтиради. Уни кўриб, ўрнидан бир қўзгалди-ю, лекин турмади.

— Келинг, лейтенант!..

Исмоилов нима бўлганини дарҳол фаҳмлади. Алиевнинг кеттани ҳақидағи хабар етиб келибди. Лекин у Турсуновни хурсанд қилган воқеанинг иккинчи ярмини билмас эди. Турсунов яшириб ўтирмади. Чой ўрнига шу хабар билан уни меҳмон қилди:

— Собир ака Тошкентта кетдилар. Чакришишибди. Биласизми нега?

Исмоилов елкаларини қисди.

— Алиевнинг ўрнига қўйишишмоқчи.

— Табриклайман, — деди Исмоилов, аммо ичида афсуссланди.

— Ҳа, чиндан ҳам табрикласангиз арзийди. Алиев ҳиқилдоғимга келувди! Ўртоқ лейтенант! Кечқурун бизникига марҳамат. Кўпчилик эмас, тўрт-беш киши бўлади. Агар қайтишга улгурсалар, Собир акам ҳам бўладилар. Кейин ўзингиз билган Тешабой ака. Раисимиз. Мен сизга айтсан, Ўқтам Қўчкорович, Алиев битта катта хатога йўл қўйди. Хуфия кўкнорининг биринчи душмани ким? Тешабой Султонов. Ўзи бориб, шунча яширин кўкнори топилганлигини айтди. Келиб-келиб шундай, хизмат кўрсатган, бутун вилоятнинг обрўйи бўлган

одамни шубҳа остига оладими? Падарига минг лаънат ўша соатларни. Тешабой ака, миллионер хўжаликнинг раиси, бир пух деса, оғзидан иккита эмас, икки юзта шунақа соат тушади. Шунга ундан гумонсираб, орқасига одам қўйиб юриди! Агар Жалолов айтганлари-дек, Тешабой ака билан бамаслаҳат иш қилинганда, яширилган кўкнори ҳам топиларди, ким билади, ҳалиги раҳматли Ашурали ҳам нобуд бўлмас эди. Нега бундай деялти Турсунов, дерсиз ҳойнаҳой! Кўпчиликдан қўён қочиб қутулмайди. Уч киши келдиларинг. Биз билан ўн киши. Хўш, нима қилдик? У ёққа бордик, бу ёққа бордик. Пақ этиб шу пайтда Исломатовни ўлдирив кетишиди. Анави Одамбойга келсак... Йўқ... Ўлдирган у эмас. У ким ўлдирганини билиши мумкин. Лекин у ўлдирган эмас. Собир ака биринчи қиладиган ишим, ордерни йўқ қилиб келаман, дедилар. Тўғри-да! Раиснинг холис хизматкорини қамаш, раисдан ҳам шубҳа қилиш, деган гап. Буни ҳамма билади. Билиб туриб раисга муносабати кейин қандай бўлади? Бу билиб туриб обрўни йўқ қилиш, деган гап. Қани, юр Валижон, бўлмаса фарзинингни олиб қўяман!

Турсунов шу билан гап тамом, дегандек, Исломовдан кўзини олиб, шахматта тикилди.

Исломов яна бир марта Алиевнинг ҳақлигига ишонди. Турсунов раиснинг одами эди.

Кўпчилик эмас, ўн-ўн бешта одам бойлик орттириш, ҳокимият эгаллаш йўлида бир бўлиб, ўз манфатларининг ҳимояси учун турли хиёнат, алдамчилик, фаҳш, қаллоблик, қотилликкача боришларини кўриб, Исломов улар билан ёнма-ён юрганидан, уларнинг адабини беролмаганидан нафратланди. Турсуновнинг гапларини у тишини-тишига қўйиб эшилди. Қани энди ихтиёр унда бўлса-да, шарақлатиб шу тиржайтан ба-шарасига солса? Қандай қонун ҳимоячиси бўлди шу Турсунов? Қандай қилиб жиноятга қарши курашашётган идорада жиноятчи пайдо бўлиб қолди? Одамбой, Зокирполон, Истроил деганлар Турсуновлар олдида мишиқи болалар! Асосий жиноятчилар Султонов, Турсунов ва уларнинг ҳомийлари. Ким билади, Алиев яхши фикрда бўлса ҳам, Сиддиқовнинг улар билан тили бирдир? Демак, Одамбойни қидиришга ҳожат йўқ. Топилгани билан уни Сиддиқов қаматмайди. Наҳотки шундай бўлса?

— Одамбой ўзи топилдими?

— Ордер бекор қилинмагунча топилмайди, — бо-

шини кўтармай жавоб берди Турсунов. — Нима эди? Қамоққа олмоқчимидингиз?

Турсунов сигаретадан сарғайиб кетган йирик тишларини кўрсатиб кулди.

— Аммо-лекин шеригингизни роса мулзам қилдида, қочиб! Бу Маҳкамов ландовур одам экан. Жиноят қидирув республика органида ҳам шунака одамлар ишлайдими? Битта ошпаз уни шарманда қилиб кетди. Тағин бошлиғининг олдида! Мен Алиевни ўрнида бўлсам, ўша заҳотиёқ уни ишдан четлаштирадим.

— Ҳозирча сиз ҳам, мен ҳам Алиев эмасмиз, — унинг кинояларини тўхтаттиси келди Исмоилов. — Ко-чиб кеттани бир ҳисобда ёмон бўлмади.

— Нега? — ҳайрон бўлди Турсунов.

— Қочиб кеттган одам биринчи галда кимнинг олдига боради? Кимнинг ишини қилаётган бўлса, ўшанинг олдига боради, ҳисоб беради.

— Гапингиз тўғри.

— Тўғри бўлса, унинг қочгани бизнинг фойдамиз бўлди. Икки қўллаб бошлиғини ҳам тутиб беради. Бунинг чораларини аллақачон кўриб қўйганмиз.

Турсунов ғалати бўлиб кетди. Ўйланиб туриб, қўлидаги пиёда донасини тахта устига ётқизди-да, ўрнидан турди.

— Кейин давом эттирамиз. Телефон қилишим ке-рак.

У Исмоиловга қўлинни чўзди.

— Бўлти бўлмаса, кечқурун кутаман.

— Кутманг, Боролмайман. Хайр.

Исмоилов уни ташвишга солиб қўйганидан хурсанд бўлиб хонадан чиқди.

Турсуновнинг ким билан гаплашмоқчи бўлганини, кимларни огоҳлантириши мумкинлигини у биларди. Шунинг учун у Сиддиқов билан учрашиш-учрашмаслигидан қатъи назар, Сотиболдиев ва унинг шерикларидан дарак топиши керак эди. Йўғонтепага бутун келишидан иккинчи мақсади шу эди. Майор Алиев ундан шуни илтимос қўлган эди. Лекин бутун бу одамларнинг уйларидан хабар олиб бўлмайди. Шунинг учун туман марказига тушишга, Сиддиқовнинг келган-келмаганлитини билишга, қоронғида қайтиб, уйларни айланишга қарор қилди.

Вилоят милиция бошқармасида кеч кириб келаётганига қарамай, ҳамма ўз иш жойида эди. Сабаби маълум эди. Албатта. Улар Сиддиқовни кутишарди.

Исмоилов бирнаса «талаш» бўлиб кетди. Уни у хонадан бу хонага тортишди. Ҳамманинг дарди битта эди. Сиддиқов кетадими, қоладими? Исмоиловнинг бу ҳақда биринчи марта шу ерга келиб, Турсуновдан эшитганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.

— Алиев нима қиласдилар энди? — сўради кимдир қизиқиб. — Мен бундай маданиятли, иш биладиган терговчиларни кам биламан.

Исмоилов уларни тинчтди. Алиевнинг қўлида ҳунари бор. Яхши юрист. Фан номзоди. Ҳозир бундай юристлар ҳаммаёқда керак. Бунинг устига, уни бўшатишганий йўқ. Жалолов, яъни вазир ўринбосари билан келишолмай, ўзи бўшади. Бир кун келиб вазир ҳам, унинг муовини ҳам пушаймон бўлишади. Чунки Алиев тўғри йўлдан кетаётган эди. Яна бир мулоҳаза шуки, Алиев билан Сиддиқов бир-бирларидан кескин фарқ қиласалар ҳам, бошланган ишни тўхтатиб бўлмайди. Охирига етказиши керак. Бутун бўлим Алиевнинг фикрига, унинг мулоҳазаларига шерик эди. Янги бошлиқ бу билан ҳисоблашиши керак бўлади. Ҳисоблашмаса, бутун бўлим истеъфога чиқади. Бу эса жанжал деган гап.

Исмоилов жўрттага шундай деди. Жуда бўлмагандан, бошқармадагилардан биттаси унинг гапларини Сиддиқовга етказади. У шунда ўйланиб қолиши табиий. Исмоилов яна битта гапни айтиб юборди.

— Норасмий суръатда Алиев қўйнорифуруушлар иши билан шуғулланаверади. У ўзи бошлаган ишни чала ташлаб кетадиган одам эмас.

У шу гаплардан кейин бошқарма ходимлари ўртасида нокулай вазият пайдо бўлганини сезди. Ўзини ҳам ортиқча одамдек ҳис қила бошлади. Алиев учун изтироб чекаётганини мутлақо билдирамаслик ниятида қўлини омонатгина қўйиб, хайрлашган бўлди-да, чиқиб кетди.

Исмоилов Зокир Сотиболдиевнинг дарвозасига етганда кимнингдир шарпаси кўринди. Машина яқинлашганда, шарпа ўзини четта олиб, кўчанинг нариги бетига ўта бошлади.

Исмоилов бу шарпа Зухра Салимова эканини кўриб, ҳайрон бўлди. Бу ёқда у нима қилиб юрибди? У беихтиёр машинани тўхтатди. Зокир полвонларницида ҳеч ким йўқлиги кўриниб турарди. Шунинг учун у бемалол машинадан тушиб, қизни чақирди.

Зухра тўхтаб. У томонга ўгирилди. Исмоилов унинг оддига борди.

— Тинчликми, Зухра? Бу ерда нима қилиб юриб-сиз?

Зухра хўрсинди.

— Акам Зокир акаларникига келиб турадилар. Уйда ҳеч ким йўқ, тақи́ллатдим. Ҳеч ким жавоб бермади. Биласиз-а, Фотимани... шу уйга олиб келишган.

— Биламан. Зухра! — Исмоилов уни ўзича овутмоқчи бўлди. — Сиз ёлғиз юрманг. Уларнинг миясида яна нима гап, билмаймиз. Мендан торгинманг. Яқинда Қодиржон ака ҳам келадилар. Биз у киши билан қотилларни албатта қидириб топамиз. Сиз тинч бўлинг. Акангизга ҳайронмиз. Улар акангизни ўлдирмасликлари керак. Акангиз уларга, Султоновга яқин одам бўлган. Со-тибодлиев ва унинг шериклари каллакесар одамлар, ралиснинг топшириги билан иш кўриб юрган одамлар. Акангиз ҳам Султонов билан яқин бўлган. Биласизми шуни?

Зухра бошини қимиirlатди.

— Уртоқ Алиев нега келмадилар?

— У киши... бошқа ишламайдилар бу бўлимда. — Ростини айтишни лозим топди Исмоилов.

— Бўшатишдими?

— Ўзлари бўшадилар, десак тўғри бўлади.

— Бўшатишибди-да, — хulosса қилди Зухра. — Айтинг, бизнинг гуноҳимиз йўқми бўшашларида?

— Йўқ. У киши боя айтганимдек қотилларни топишга қаттиқ киришганлар.

— Шу ишлари кимгадир ёқмагандир?

Исмоилов жавоб бермади.

— Ҳа, кимгадир ёқмаган. Мен буни Фотиманинг жасадини уйга шошилинч жўнатишганда пайқаган эдим. Ҳеч ким қулоқ солмади. Қаерларга, кимларга телефон қилганим эсимда турибди. Уларнинг жавоблари ҳам қулогимда. Алиев зўравонларга ёқмаганлар. Келадилар, дедингизми?

— Ҳа, келадилар. Биз қидиришни тўхтатмаймиз. Агар расмий тўхтатилса, биз норасмий, ўзимизнинг кучимиз билан ҳақиқатни топишга ҳаракат қиласиз.

— Раҳмат, — Зухранинг бир оз дили ёришгандек бўлди. «Милиционерларнинг ичида ҳам яхши одамлар бор», деган фикр хаёлидан ўтди. Куни кеча Алиевни ҳам кўргани кўзи йўқ эди. Турсуновни бўлса-ку, агар тўппончаси бўлса, ўша куни Фотиманинг ўлигини текшираётганда унга айтган гаплари учун отиб ташлар эди.

— Фақат айтиб қўйинг, келсалар мен билан уч-

рашсинглар. У кишига айтадиган гапларим бор. Кейин битта нарса кўрсатаман. Агар вақтингиз бўлса, ҳозир бизнигга кириб кетинг, сизга ҳам кўрсатаман.

— Унда бирга кетамиз. Ўтиринг машинага.

Исмоилов машинасининг эшигини очиб, уни таклиф қилди. Уйда Зухра унга Фотиманинг хатини кўрсатди.

— Мени кечиринг. Ўртоқ Алиев ҳам кечирсинглар. Хатни илгарироқ кўрсатсан бўларди. Аввал ўқинг, кейин айтаман.

Исмоилов хатни ўқиб чиқиб, яна бир марта Алиев ва у тўғри йўлда эканликларини тушунди, хатни олдинроқ кўрсатмаганларига ачинди.

— Менга бир нарса демоқчимидингиз? — сўради у Зухрадан.

— Ҳа, агар... Фотима акамни ёзмаганда, ўша куниёқ, кўрсатардим хатни. Биз адам билан иккаламиз аввал акамнинг ўзидан сўрамоқчи бўлдик. Фотима адашмаган экан. Ҳовлида акам бор экан ўшанда. Маст экан. Уларнинг кимлигини акам айтиб берди. — Зухра оғир хўрсинди. Гапиришга қийналаёттанини Исмоилов кўрди, лекин тўхтатмади. У гапириб олиши керак эди, Балки шу билан бир оз енгил тортарди? Бир оздан сўнг у нафасини ростлаб гапида давом этди. — Биттаси Зокир Сотиболдиев, иккинчиси, Фотима бошлиги деб ёзгани Тўхтамурод қийшиқ, учинчиси, Исройл Маматов. Битта Зокири Йўғонтенада яшайди. Уйини кўрдингиз. Қолган иккитаси унукига келиб туришар экан. Асли уйлари, биттасиники Дуркентда, биттасиники Тошкентда экан. Тағин билмадим.

— Нега энди дарров бизга айтмадинглар? Ахир биз ўша куни шу ерда эдик-ку! — хуноби чиқиб сўради Исмоилов.

— Энди ачиняпман, — Зухра унга қўшилди. — Лекин ўша адамларнинг гаплари маъқулдек кўринди. Уйимиздан ўлик чиқди. Иккита эркак эса қўл қовуштириб ўтирибди. Аввал қизларининг қотиллари билан адам ўzlари гаплашмоқчи бўлдилар. Акам ҳам хатни ўқигандан кейин ғазабланиб кетдилар. Икковлари эрталаб, уларни топмоқчи бўлишди. Эрталаб турсам, улар ўйқ. Ўша ёққа, Зокирларнигига кетишибди, деб ўйладим.

— Тўғри ўйлагансиз. Шундаям бизга хабар қилганингизда менимча кечикмасдик. Биз Сотиболдиевларнигига кечикиб бориб қолдик. Биринчи унинг уйига

борганимизда Дуркентга тушмай, балки фалокат юз бермасмиди, адангиз тирик қолардилар.

Исмоилов кейсини очиб, Абдулла аканинг рўмолга ўралган ов пичогини олиб, Зухрага кўрсатди.

— Танияпсизми?

— Ҳа. Адамларники. Лекин ҳеч ишлатмаганлар.

— Бу гал ишлаттагилар, — деди Исмоилов. — Лекин қотилларнинг биттасигина енгил ярадор бўлган. Аммо Зокирларницида бўлган тўқнашувда акангиздан ҳеч қандай из йўқ. Акангиз адангиз билан ўша уйда бўлганига шубҳамиз бор. Аниқ биласизми адангиз билан кеттанини?

Зухра ўланиб қолди. Қандай бўлди ўша куни? Адаси акасига: «Кир, дамингни ол», деди. Акаси ўз хонасига кириб кетди. Зухра ҳам уйга кўтарилиди. У адасининг кечаси билан юриб чиқданини билади. Ўзи ҳам ухлаганий йўқ. Азонга яқин кўзи илинди. Туриб қаранганди. Адаси ҳам, акаси ҳам уйда йўқ эди.

У шуларни Исмоиловга айттиб берди.

Исмоилов ҳайрон эди. Ҳамидулла Салимовнинг исми-шарифи, қачон йўқолганилиги бутун республика милициясига маълум. Қаёққа кетиши мумкин? Агар отасисиз, ёлғиз ўзи уйдан чиқиб кетган бўлса ҳам бирорта одам уни шунча вақт ичидан кўрган бўлиши керак эди. Ё ўзининг изи чиқарди. Қодир ака Тошкентта кетаётганда уни кўрган. Лекин ярим кечада у қаёққа кетаётган эди. Буни ҳеч ким билмайди. «Шифокор» ерларида чиндан ҳам ғалати ишлар юз беряпти. Бошқараётган одам ким экан? Алиев айттанидек, улар кўпчиликмикан? Маркази қаерда экан, ё уч бошлиқ аждаҳо Йўғонтепанинг ўзида микан?

— Акам топилса, кўп нарса юзага чиқарди, назаримда.

Зухра ҳақ эди. Лекин Исмоилов дилининг қаерида-дир Ҳамидулла Салимовнинг топилишига ишонмасди. Оз бўлишса ҳам, кирдикорларидан хабардор бўлганларни йўқ қилиб келишяпти. Ҳамидуллани ҳам йўқ қилган бўлишлари мумкин.

— Зухра, билмайсизми, акангизнинг тоғда, ё до-воннинг нариги томонида ҳеч қандай иши бўлиши мумкин эмасми?

— Ишини билмайман. У томонларга, лекин кўп бо-риб туарди. Қолиб ҳам кетарди, уч-тўрт кунга.

— Мен Турсуновга айтаман. Ўша томонлардан ҳам суриштирамиз.

— Фойдаси йўқ, — Зухра қўлини силтади. — Кидириш керак. Лекин Турсунов бу ишни қилмайди. Сиздан илтимос, акамни бошқа одамларга, янги одамларга қидиртиинглар. Агар бу ердагиларга ташлаб қўйсаларинг, у топилмайди. Балки ўзлари бекитиб қўйишгандир? Балки ўлдириб юборишгандир?

— Унда деманг, — Исмоилов дилида шундай фикрга қўшилса-да, ҳозир, ҳувиллаган уйда ёлғиз қоладиган Зухрага эътиroz билдириди. — Яхши ният қиласайлик. Фақат битта илтимос, қандайдир бир янгилик эшигсангиз, дарҳол бизга хабар қилинг. Мени вилоят милиция бошқармасидан, прокуратурадан топишингиз мумкин. Телефонларни ёзиб бераман.

Исмоилов кейсидан ёндафттар олиб, бир варағини йиртди ва иккита телефон ёнига, ҳар эҳтимолга қарши ўз уйининг телефонини ҳам ёзиб берди. У кеттанидан сўнг, Зухра алламаҳалгача шу ёндафттар варағига тикилиб ўтириди. Фотиманинг хатини қайтадан ўқиб чиқди. Унинг назаридаги ўқимади хатни, Фотиманинг ўзи қулоғи тагида гапириб турди. Унинг дард тўла овози Зухрани эзиб юборди. «Дод!» деб кўчага юргургиси келди-ю, ўзини ушлаб қолди. Бир нарса билан алаҳсиз учун, молхона олдига борди, сигирга терт қора бошлади. Шу пайт Исмоилов қайтиб келди. Зухра уни кўриб севиниб кетди. У қўлларини артиб, лейтенант қаршисига юрди.

— Кечирасиз, деди Исмоилов. Яна сизни безовта қилдим. Фотиманинг хатини эрталабгача менга бериб турмайсизми? Албатта, менга ишонсангиз. Бир-иккита нусха кўчириб олардим. Бизга бу жуда керак.

Зухра Исмоилов ёзиб берган телефонлар қоғози устига икки буклоғлик хатни олиб узатди.

Исмоилов хайрлашиб кетди. Зухра яна тертга уннади. Қориб, сигирга, қўйларга бериб чиққач, яхши кўриб қолган жойи, айвон зинапоясида ўтириб, акасини ўйлаб кетди. Акасини кўргандек бўлди. У Йўғонтепадан сўқмоқ йўл олиб чиқадиган баланд қоя устида туради. Чиройли, қора кўзлари пастга тикилган, қалин лаблари нималарнидир шивирлади. Зухра «Ака!» деб қичқиргиси келди, унинг ёнига кўтарилиб, дилидаги энг яхши гапларни айтгиси келди, уйга олиб тушиб овқатлантиргиси, ухлатгиси келди, аммо овози чиқмади, акаси уни эшигмади. Эшигмади-ю, уни кўриб тургандек бўлди шекилли, қўлларини кўтариб силкитди, хайрлашган бўлди, кейин худ-

ли сувга шўнигандек, қўлларини ёзмасдан ўзини настта ташлади.

— Ака! — қичқириб юборди Зухра ва ўрнидан туриб кетди.

Аланглаб атрофга қаради. Ҳовли жимжит эди. Ҳужра томондан қу-кулаган товуқ овози эштилди. Зухра оғир хўрсинди. Айвонга кўтарилиб, ҳамма хоналарнинг чироқларини ёқиб юборди. Кейин ўзи сезмаган ҳолда адасининг хонасига кирди. Қозиқда илиғлиқ турган бандорас тўн, қийиққа қаради. Кичкина ёзув столи устидаги китобларни бир-бир кўзидан ўтказди. Адаси авторучкага ҳеч ўрганолмаган эди. Тўғрироги авторучкада ёзишни хуш кўрмасди. Саксон олти пероли ингичка ручкада сиёҳда, кўпроқ бинафшаранг сиёҳ билан ёзишни яхши қўрарди. Шиша сиёҳдон, тўрттабешта ингичка ручка солинган кўп қиррали стакан жойида турибди.

Зухра акасининг хонасига ўтди. Темир каравот бошида икки кун бурун кийган кийимлари бетартиб, ғижим бўлиб ётарди. Ўрин ҳам йиғиштирилмаган. Зухра акасининг бор-йўқлигини билиш учун ўша куни эшикдан бирров қараб, уйни йиғиштириш хаёлидан кўтариленганди. У дарҳол кийимларни каравот устидан олиб, эшик тагида турган стул суюнчигига илди. Ўринни йиғиштириди. Шу пайт ёстиқ устида ётган, катталиги гуттурт қутисидек келадиган қалин атлас қофозга кўзи тушиб, уни қўлига олди. «Тақсим». Клуб. Сулаймонов, 26-б», деб ёзилган эди унда. Бурчақдаги ракамлар ҳам бор эди. «371», ўқиди у. «Тақсим» дегани нима бўлдийкин, ўйлади у. Ҳар эҳтимолга қарши хонани, акасининг кийимларини йиғиштириб, чиройли қилиб тахлагандан кейин, айвонга чиқди-да, Исмоилов ташлаб кетган телефон қофоз ёнига шу визиткани ҳам кўшиб қўйди.

Эшик тақиллади.

— Ким? Кираверинг! — айвондан туриб овоз берди Зухра ва тушиб эшик томон юрди.

— Бу мен, Зухра! Ёлғизмисан?

— Ҳа. Нима эди? Ким? Кираверинг!

Эшик қия очилиб, эркак кишининг боши кўринди. Зухра уни таниди. Отбоқар Алиқул эди.

— Киринг, Алиқул ака. Тинчликми? — сўради Зухра.

— Сени кўргим келди, — ичкарига кирди Алиқул. — Ростдан ҳеч ким йўқми?

— Ким бўлиши мумкин? — унинг саволига савол билан жавоб берди Зухра. — Фотима йўқ. Адам ҳам йўқлар.

— Ҳа, эшитдим. Бандалик, Зухра, бандалик. Болшингга бирдан жуда кўп кулфат тушиб қолди, синглим. Нима қиласан энди?! Чидашдан бошқа иложинг йўқ. Мен ҳам итдек эзилиб юрибман. Мени урдиришганини эшитдингми?

— Кўрдим, — деди Зухра.

— Кўрдим? Бормидинг ўшатда?

— Янги отларни кўргани борувдим. Йигладим сизни уришаётганини кўриб. Лекин сиздан жаҳдим чиқди. Улар урса индамай ётавердингизми? Сиз ҳам урмайсизми?

— Э, Зухра, нима деяпсан? — хўрсинди Алиқул, — улар ўлдиришдан ҳам тоймайди. Бола-чақам нима бўлади? Улар бола-чақаниям аяшмайди. Лекин Зухра, мени бир чеккага қўяйлик. Мен бошқа нарсага келдим. Аканг билан бир пайтлар ўртоқ әдим. Йўқолганини эшитиб, жуда хафа бўлиб кетдим. Қишлоқда яна ким йўқолган эди, биласанми?

Зухра йўқ, дегандек елкаларини қисди.

— Зоотехник Пўлатжоннинг хотини. У ўлган.

— Қаердан биласиз? — сўради Зухра.

— Биламан. Уни ўлдиришган.

— Ўлиги қаерда?

— Тепабоғда, — Алиқул ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун яна бир атрофга қараб чиқди. Кўнгли хотиржам бўлиб, давом этди. — Тепабоғда сир кўп. Лекин Шоҳиданинг жасади шу ердалигини биламан.

— Алиқул ака, тузукроқ гапиринг, ҳеч нарсага тушунмаяпман. Ким ўлдирган уни? Нега? Нима учун шу пайтгача Тепабоғда ўлиги ётибида?

Зухра яна бир нарсани билмай турарди. Нега Алиқул унинг олдига келди? Нега унга бу даҳшатли ўлимни гапириб беряпти? Бошидаги иккита ўлим унга етмасмиди?!

Алиқул уни тушунди шекилли, гапни бошидан бошлиди.

— Олдингга келишимдан мақсад, менинг бир гумоним бор. Ҳамид йўқолмаган. Уни ўлдиришган. Агар гумоним тўғри чиқса, унинг жасади Тепабоғда. Шуни айттай деб, олдингга келдим. Мелисага айтганинг фойдаси йўқ. Тепабоғ раисга қарайди. У ерда фақат унинг

одамлари бўлади. Мелисада ҳеч ким раисни шубҳа остига олмайди. Нега шундай гумон қилаяпсиз, деб сўрамайсанми?

— Нега? — унинг айтганини қилиб сўради Зухра.

— Шоҳидани улар шу боғда ўлдиришган. Мен кўрганман. Лекин шундай бўлганини биламан. Шоҳида баъзан раисга эркалик қилиб, отга миндиришни сўрарди. Раис шунда менга тўриқни боққа олиб боришни буюарди. Шоҳида тўриқни миниб, боғда бир соат, ярим соат айланарди. Чоптиргани кўрқарди. Шундай, секин юганидан тортиб юарди. От миниб, суратга ҳам тушган. Суратни раиснинг ўзи олган. Отни миниб зериккандан кейин мен олиб кетардим. Ўлдирилган куни ҳам у от минган эди. Лекин жуда хомуш эди. Шоҳидани ўзи кўрганмисан? Э, бунақа гўзал хотин бу дунёда йўқ. Мен кўрганман. Отни етаклаб кетаётганимда унинг қичқиргани эшишилди. Тўхтадим. Аммо раис мени кўриб қолиб, ҳайдади. У ҳам ўша куни хуноб эди. Мен нима қиласдим? Фермага кетдим. Лекин ўша куни Шоҳида Тепабоғдан тушгани йўқ. Пўлатжон ярим кечагача хонасида ўтирди. Кейин ёлғиз ўзи машинасида уйига — Дуркентта жўнади.

— Нега ўлдиришди? — ҳайрат ичиди сўради Зухра. — Кейин, нега Пўлат ака хотинининг қаердалигини билатуриб, тўполон қилмади.

— Пўлатжон суриштирган. Раисда ишини битиргандан кейин кетди. Қаёққа кетди, билмаймиз, дейишган. Анави маймун — Одамбой шундай деган. Шундан кейин Пўлатжон мелисага хабар қилди. Мелиса ҳалигача қидириб юриди. Тополмайди, мен сенга айтсам, Шоҳида ўша боғда. Ўлиги ўша боғда.

— Балки тириқдир? Раис билан яхши бўлса, шунақа ҳаёт унга ёққанидан ўзи бекиниб ўтиргандир?

— Йўқ. Менам аввал «уч-тўрут кун ўйнаб олай», деган бўлса керак, деб ўйловдим. Шу пайтгача битта-яримта кўтарди. Боққа ўтин, кўмир олиб борилади. Раис газда пишган овқатни ёқтирумайди. Шофёрми, битта-яримта уни кўтарди. Ҳеч ким кўрмаган. Биласанми... Боғда яширин бир жой бор. Шоҳида ҳам, Ҳамид ҳам ўшатда. Ҳафа бўлма, одам гумон қилиши мумкинми? Мани гумоним шу.

— Нега милицияга айтмадингиз, Алиқул ака?

Зухра сўради-ю, бекорга сўраганини тушуниб, бошини қуий эгди.

— Биламан, фойдасиз.

— Йўқ, вилоят милиция идорасига бордим. Аммо Сиддиқов йўқ экан. Бошқалар билан гаплашган, балки бошлиқнинг ўзи билан ҳам гаплашган фойдасизdir? Тошкентта бориш керак, — таклиф қилди Аликул. — Мен тушолмайман. Сен туш. Фотиманинг ўлими, адангни ўлдирғанлар, кейин анави қўкнорифурӯшлар билан Алиев деган одам шугулланаётган эмиш. Тўғрими?

Зухра тасдиқлади.

— Тўғри бўлса, шу одамга айтиб бериш керак менинг гумонимни. Тепабоғни бир ағдар-тўнтар қилиб чиқиши керак. Нима дейсан?

— Билмадим. Лекин ҳеч ақлим етмаяпти. Бу қандай бўлди? Одамлар бирин-кетин ўлиб кетаверса, ўлдирғанлар пинагини бузмай юраверса?!

— Унчалик эмас. Алиев келганида улар типирчилааб қолишиди. Раис ҳам. Бўлмаса, ҳар куни фермага бораради. Келмайди. Яна бир гап эшитдим. Пўлатжон билан бирга кетганлардан биттаси қайтиб келди. Қолганлар мол билан бирга келишаркан. Пўлатжон аварияга учраб, ўшатда касалхонада ётган эмиш. Аҳволи жуда оғир эмиш. Машина уриб кетибди. Ў, Зухра, сингилгинам. Кўрқаман. Булар ёмон, уйингта келгунча беш-олтига қўчани айланиб келдим, кўришмасин деб!

Алиқул аланглаб, яна ҳовлининг ҳамма бурчагига, қўча эшик томонга бир-бир қараб чиқди.

— Алиқул ака! Сиз нимадан қўрқасиз? — унга раҳми келиб сўради Зухра. — Битта ўша тўриқни буқа сузид юборганими?

— Раис бирорвни ёмон кўриб қолмасин. Кичкинагина хато түядек қўринаверади кўзига. Адои тамом бўлмагунича қўймайди. Пулимни эллик поизга камайтириб қўйди. Кимга айтаман буни? Ким қулоқ солади? Майли, менинг ишларим бир ёқлиқ бўлар. Ҳалиги гумонимга ҳушёр бўл. Ўша Алиевга айт.

Алиқул яна бир атрофга аланглаб, сўнг эшик томон юрди. Зухра уни қузатиб қўчага чиқди. Олисда ёниб турган иккита чироқ бирдан ўчди. Бу машинанинг чироги эди. Кўча қоп-қоронғи бўлиб қолди. Нега ёниб турган эди-ю, нега ўчди? Ҳайрон бўлди Зухра. Аммо анча узоқда бўлгани учун дикқат қилмади.

— Менинг келганимни ҳеч кимга айтма! — қўчада ҳеч ким бўлмаса ҳам шивирлаб гапирди Алиқул.

— Хавотир олманг.

Зухра бирпас унинг орқасидан қараб турди. Корон-филик ичида у кўринмай кетгач, эшикни беркитиб, танбалади. Яна ёлгиз қолгани эсига тущди, қайтиб эшикнинг танбасини одди. Занжирни ҳам ечди. Табақаларни ланг очди. Шундан кейин бир оз тинчигандек бўлди. Айвонга келганда, зинапоя ёнидаги устун тагида Исмоиловнинг телефон қофози ва акасининг чўнтагидан тушган «Тақсим» клубининг таклиф қофозини кўриб қолди. Светаларникига чиқиб сўрагиси келди. Светаларнинг уйи тўрт ҳовли нарида эди. Эшикни ёпмоқчи бўлди, кейин айниди. Уйда нима бор эдики, ўгри олиб кетади? Бунинг устига ёлгиз қолганидан бери, унга ҳеч нарсанинг аҳамияти қолмаган эди. Светаларникида яна бир нарсани илтимос қиласди. Энди у мол боқа олмайди. Товуқларнинг ҳам кераги йўқ. Иккала қўйни ҳам боқиши қийин. Ким ем олиб келади? Беда, пичан? Адаси қиласди бу ишларни. Баъзан Ҳамидулла акаси ҳам кунжара, шелуха олиб келарди. Бу ишларни Зухра қилолмайди. Шунинг учун Фотима ва адасининг йигирмаларидан сўнг, Светанинг отасидан молларни сотиб беришни сўрайди. Битта одам қанча овқат ерди! Жуда тухум егиси келса, сут ичгиси келса, қўни-қўшнилардан сотиб олади. Тўсатдан келган бу қарор унга маъқул бўлди, бирмунча енгил ҳам тортди.

У ўн қадамча юрганида олдинда кимнингдир шарпаси кўринди ва оёқ товушлари эшишилди. У танигандай бўлди.

— Света?

— Мен! — жавоб қилди шарпа. — Зухра, сенмисан?

— Мен!

Улар севиниб бир-бирларининг қархисига югуришди.

— Вактлироқ чиқмоқчи эдим. Ойим овқатта кеч уннадилар. Лагмон қилувдик. Сенга олиб келяпман.

Света икки қулоғидан ушлаб турган кострюлкани баландроқ кўтарди.

— Мен сизларникига кетаётувдим.

— Тинчликми?

— Тинчлик. Бир-иккита маслаҳатли гапим бор эди. Аданг уйдамилар? — Ҳа, маъқул. Бирга овқатланамиз.

Светаларникида телевизор кўриб ўтиришган эди. Корейсча видеофильм. Зухра фильмни телестудия беряптими, ё ўзлари кассета қўйиб кўришяптими, эътибор бермади. Фильм воқеаси нимадан бошланганини

билмаса ҳам қизиқтириб қўйди. Баланд тоғлар орасида қасрлар, феодаллар ҳаёти, полвонлар кураши, отларда қувишлар...

Чиройли бир аёл далада ишлаётган эрига овқат олиб кетяпти. Ёнида уч-тўрт яшар қизи ҳам бор. У онасидан ортда қолмаслик учун дам югуради, дам онасини чақириб ерга ўтиради. Бирдан қаёқдандир дараҳтлар ортидан тўртта қароқчи пайдо бўлади. Улар аёлни тўхтатадилар, қўлидан овқатни юлиб олиб ейдилар. Кейин уни зўрлайдилар. Ҳеч нарсага тушунмаган қизи йиглайди. Қароқчиларга ёпишиб, онасини кутқармоқчи бўлади. Қароқчилар уни тепиб юборадилар. У хушидан кетиб, ийқилади. Ўзига келиб, ўрнидан турганда, ҳаммаёқ жимжит, қароқчилар кетиб қолишган. Онаси эса қонга беланган, кўкрагига ҳанжар санчилган. Хатарли, жангта чорловчи мусиқа янграйди. Қиз бирдан катта бўлиб қолади. У бетоб ётган кекса отасининг олдида хўрланган онаси учун қасос олишга қасам ичади. Турли кураш йўлларини ўрганади. Қиличбозлик, каратэ усулларини бир-бир ўрганиб чиқади ва қароқчиларни қидириб кетади. Битта-битта ҳаммаси билан курашиб, улардан онасининг қасосини олади.

Бундай фильмларни Зухра илгари кўрмаган эди. Каратэ, у-шу ва яна бир қанча олишув усулларини у эшилган, озгина биларди ҳам, аммо шулар ҳақидағи фильмни кўрмаган эди. Азадор бўлса ҳам фильмни кўриб ўтирди. Кейин кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди.

— Зухра, балки бизницида ётиб қоларсан? Битта ўзинг ҳувиллаган уйда нима қиласан?

— Шундай қил, қизим, — қўшилди Светанинг отаси. — Ўртоғинг билан гаплашиб ётасан.

Зухра ўйланиб қолди. Йўқ, у уйга чиқиши керак. Беш-үн кун ўтсин, кейин майли. Ҳозир у уйда бўлиши керак. Фотима, адасининг руҳлари уйда кезиб юргандир. Уйда ҳеч ким бўлмаса, эзилишади.

— Раҳмат. Бошқа гал. Амаки, сизда гапим бор эди. Молларни сотиб берсангиз. Мен энди уларга ёлғиз ўзим қарай олмайман.

— Ихтиёр ўзингда, — деди Светанинг отаси. — Лекин менинг маслаҳатим, шошилма. Мен қарашиб тураман. Сен ўқишига кириш-кирмаслигингни ҳал қил. Тошкентда яшайсанми, ё шу ердами, буни ҳал қил. Ана ундан кейин сотсак бўлади. Үнгача шошилма. Биз қарашиб турамиз.

Зухра хурсанд бўлиб кетди. Миннатдорчилик билдириб, ҳовлига тушаёттанида, клубни эслаб қолди.

— «Тақсим» — савдо клуби, — тушунтириди Ким амаки. — Клубни Қўйлиқдаги корейслар очишган. Эшишишмча, ҳозир у клуб ёпиқмиш. Пул тўлаб кирилармиш унга. Бехужжат ҳеч ким киролмасмиш. Нима эди?

Зухра акасининг ўрнидан топиб олган қофозни кўрсатди.

— Ҳа, бу клуб аъзоларига бериладиган ҳужжатга ўхшайди. Бурчагида номери бор. Мана, кўраяпсанми, уч юз етмиш бир.

— Раҳмат.

Зухра Света билан кўчага чиқди. Уйга боргиси йўқ эди. Аммо боргани маъқул. У энди катта қиз. Уйнинг, ҳеч кими йўқ, уйнинг у энди каттаси. Бундан буёқ унинг уйида ундан катта одам йўқ. Кечагина ўйиндан, отлар, коптоқдан хаёли бўшамаган қиз, қайси институтга киришини ҳам ўйин билан бўлиб аниқдай олмаган ўқувчи, бутун бирдан кап-катта одам бўлиб қолган, бир кунда хаёлидан, дилидан қиз болада бўладиган орзуумидлар кўтарилиб, улар ўрнини отаси, опаси ва бедарак кетган акасининг ғами қоплаб олган эди.

— Қолақол бизникида? — илтимос қилди Света.

Шундай деди-ю, бирдан кутилмаган фикр миясига келди:

— Тўхта! Мен чиқаман сизларникага! Айвонда бирга ётамиз. Майлими?

Зухра ўртоғидан миннатдор бўлиб, уни қучоқлади.

— Мен ҳозир. Айтиб чиқаман.

Света рухсат олгани ичкарига югуриб кетди. Кўп ўтмай ўзининг чойшаб, ёстигини кўтариб чиқди.

— Овора бўлмайсан.

Икки ўртоқ ўша куни тонгга яқингина ухлашди.

Света халқ ҳўжалиги институтига ҳужжатларини топширмоқчи бўлиб турганини айтиб берди. Йўғон-тепадан фақат угина институтта кираётган экан. Зухрани тортиб кўрди. Бошқа фанларга қараганда математикадан ҳарҳолда тузук баҳолар олиб ўқиганини эслатди. Зухра умуман ўқиш-ўқимасликни ҳали ҳал қилмаганини, отаси тириклигида Фотиманинг ўлимидан кейин бу йил қишлоқда қолишини сўраганини айтди. Ҳозир у нима қилишини билмасди. Отаси йўқ, Тошкентта бориб, ўқишига мабодо киролмаса, аҳволи нима кечади? Кирса, уйни нима қиласди? Си-

гир-бузокни Светанинг отаси билан келишди. Катта уйда бир ўзи қандай яшайди? Кейин нима иш қила-ди? Далада ишлайдими? Наҳотки ўн йил далада иш-лаш учун ўқиган бўлса? Ундан деса, ҳозир ҳаммаёқ-да турли артеллар ташкил этиляпти. Балки шулардан биттасига кирадими?

Света унинг кўп гапларига қўшилмади. Нима бўлса ҳам Тошкентга боришни, ўша ерда яна бир ўйлаб кўришни маслаҳат берди. Тошкентда холаси яшайди. Уни Зухра ҳам танийди. Катта ҳовлиси, тўрт-беш хондан иборат уйи бор. Агар Света институтта киролмаса, шу холасиникида яшайди. Зухра ҳам у билан бирга туриши мумкин. Зухра ўқишига кириш ҳақида ҳеч нарса демади. Лекин Тошкентта тушшиб чиқишига рози эканлигини билдириди. Света бир оз кўнгли ёришиб, ухлаб қолди. Зухранинг ҳам кўп ўтмай кўзи илинди. У, албатта Тошкентта тушиши керак эди. Зокирларни топиш керак. Унинг учун энг муҳим вазифа шу эди. У Исмоиловнинг гапларини эслади. Яхши одам бўлса керак. Алиев ҳам яхши одам кўринади. Лекин уларнинг қўллари калтага ўхшайди. Шунча воқеалар бўлиб ўтди, шунча одам ўлди, йўқолди. Улар эса ҳамон майдачуда нарсалар билан овора бўлиб юришибди. Зухранинг назарида акасини топиш, унинг тирикми, ўликлигини аниқлаш узоги билан бир кунлик иш эди. Нима бўлибди, битта вертолётда айланиб чиқилса?! Ҳамма постларни суриштириш, айланиб чиқиш ҳам милицияга унча қийин бўлмаслиги керак. Кейин, нима учун гумонларини текшириша олишмайди? Раис ҳақида анча гапларни эшитишди, ўzlари ҳам билишади. Лекин ундан ҳеч нарса сўрашгани йўқ. Қўрқишинармикан? Ё андиша қилишинармикан? Жиноятта алоқадор ишларда қандай андиша бўлиши мумкин? У агар Алиев ёки Исмоилвларнинг ўрнида бўлганда, раисни олиб бориб, олиб келарди. Обрўли раис бўлса ўзига! Ҳалқнинг меҳнати билан у шу обрўга эришди. Акасини сўтарди ундан. Кейин адасининг қотилларини топиб беришни талаб қиласди. Унинг кўз олдига эркакча кийиниб, сочларини танғиб, онасининг қотилларидан қасос олган корейс қизи келди. Жуссаси Зухрадан катта эмас. Ихчам, қайтанга, Зухрадан ҳам нимжон. Албатта, кинода ҳар нарса қилиш мумкин. Тўртта экан-у, ўнта қароқчи билан ҳам олишиб, ролиб чиқиш мумкин. Ҳаётда қийин. Мана, Зухра, бирор билан олишибшиш у ёқда турсин, ёлғиз ётгани қўрқяпти. Тағин ўз

уйида. Йўқ, у қизга ўхшаб Фотима, адаси учун қасос олиши қийин. Алиевдан илтимос қиласди, уларни топтиради! Алиев ёрдам бермаса, қўлидан келмаса, ҳукуматтacha боради. Нима учун энди битта уйдан иккита begunox одам ўлиб кетавериши керак экан? Бунақада қандай яшаб бўлади? Боради, ҳукуматнинг катталари гача боради. Ҳозир эса Света билан шаҳарга тушганда, Алиевни топади. И smoилов унинг қаердалигини айтиб беради. Ўзи айтди-ку, «Алиев келиб сиз билан учрашмоқчи», деб. Қизиқ, акасига нима бўлди экан? Наҳотки, Алиқул аканинг гаплари тўғри бўлса? Бонни қандай текшириш мумкин? Буни фақат милиция қилиши мумкин. Лекин, милиция қўлида ҳеч нарса йўқ. Алиқул ака қўрқяпти. Зухра ўзи бекитиқча кирсингикан боққа? Битта ўзи нима қила оларди? Одамбой билан гаплашсинми? Алиқул аканинг гумонлари тўғри бўлса, Одамбой унга икки дунёда ҳам ҳеч нарса айтмайди. Нима қилиш керак? Нима қилса Фотимаю адасининг руҳларини шод этади, ўзи ҳам тинч бўлади.

Эрталаб Света уйидан нонушта олиб келгани кетди. Зухра чой қўйди.

— Кечаси Алиқул отбоқарни машина босиб кетибди, — Светанинг уйдан нонушта билан кўтариб келган гапи шу бўлди.

XI

Абдулла ака билан Фотиманинг йигирмалари ўтказилган куни Йўғонтепадан чиққан иккита рефрежератор автоинспекция пости олдида тўхтатилди. Машиналарни, «Шифокор» базасидан кузатиб келаётган милиция ходимлари уларда турли доривор ўтлар орасида кўкнори борлигини билишарди. Аммо қанчалиги ва қаерга олиб кетилаётгани номаълум бўлганидан, йўлда кўлга олишни лозим топишиди. Иккала машинага кўкнори пояси билан ортилган, устидан брезент билан тортилиб, қофоз яшиклар, қопларга солингган ўтлар билан бостирилган эди.

Экспедитор йигит юкларнинг ҳаммаси Тошкент фармзаводига олиб кетилаётганини айтди ва тегишли ҳужжатни кўрсатди. Аммо заводда ҳеч ким бу юкларни талаб қилмаган эди.

Собиржон Сиддиқов Алиевнинг тахминлари тўғри чиққанини, фақат муддатда бир оз адашганини ўз рапортида кўрсатди. Аммо генерал Жалолов бунга эъти-

бор бермади. Сиддиқов иштироқида ўша куниёқ раис Тешабой Султоновни қабул қилди.

Султонов юклардан мутлақо хабарсиз эканини, аммо кўкнори топилганидан ниҳоятда хурсандлигини айтиб, миннатдорчилек билдириди. Гап орасида Сиддиқовни мақтаб қўйди:

— Мана, Собиржон келишлари билан аҳвол ўзгарди-қўйди. Яқин орада ҳаммаёқ тартибга тушиб қолади.

— Отбоқарингизни уриб кетган машина топилдили? — гапни буриб сўради Сиддиқов.

— Йўқ, топилмади. Турсунов Азимjon бу иш билан қаттиқ шуғулланяпти. Лекин мен сизларга айтсам, отбоқар йигит, раҳматли фирт маст экан. Ўзини йўқотиб қўйиш даражасида маст бўлиб юришини илгари пайқамасдим. Биласизми, от жонивор ароқ ҳидига ҳеч чидай олмайди. Маст одам олдига келса депсиниб, ер тепади, нари кетишга интилади. Шунинг учун уни бошқа ишга қўймоқчи бўлиб юрган эдим.

— Ундай бўлса, айб ўзида экан. Юкларни акт қилиб, тезроқ бериб юбориш керак. Ҳарҳолда бизнинг ишимиз, деб хўжалик заар кўрмаслиги керак.

Сиддиқов озгина сабр қилиш керак, гап фақат экспедиторда эмас, хўжалик базасининг ходимлари, ҳайдовчилар ҳам жиҳдий текширилиши керак, демоқчи эди, айтолмади.

— Раҳмат. Базадагилар билан ўзим гаплашиб оламан. — Унинг ўрнига гапирди Султонов. Унинг бу гапи текширишларга ҳожат йўқ, дегани эди. Ўша куни яна иккита юқ машинаси тутилди. Ўргатилган искович итлар уларда янчилган кўкнори борлигини аниқлади. Аммо Жалоловнинг буйруғи билан бир ярим тонна кўкнори «Шифокор» хўжалигига акт қилиб берилди.

Алиев булардан бехабар эди. Ишдан бўшаганидан бери Сиддиқов унга бир марта ҳам телефон қилмади. Бир марта у бозорга кеттанида, вазир ёрдамчисининг телефон қилганини Санобар айтди. «Нима деб қўяй?» деган саволига ёрдамчи ўзим телефон қиласман, дебди. Лекин телефон қилгани йўқ. Алиев ҳам биринчи бўлиб телефон қилмади. Бўлаётган ишлардан капитан Раҳмонов, Исмоилов, Маҳкамовлар уни хабардор қилиб туришарди, уйга келишарди. Алиев уларнинг келишидан хурсанд эди. Лекин ишларидан норизо эканликларини кўриб, уларга ачинарди. Янги бошлиқ, билан

ишилай олмаслигини биринчى бўлиб Раҳмонов айтди. Бундай дейишта унинг асослари кўп эди. Сиддиқов расмий равишда ишга келган кунининг эртасига ёқ, унинг Йўғонтепага алоқадор ҳамма ишларини тўхтатди. Заводларга қатнашини бекор қилди.

— «Тумор» деган корхона ташкил бўлибди. Италия билан бирга. Шунга таклиф қилишяпти. Аввал бир ярим ой Миланда ўқиб келарканман, — деди у бир куни келганида.

— Нима иш қиласан бу корхона? — қизиқиб сўради Алиев. Чунки уни ҳам бир-икки жойга таклиф қилишаётган эди.

— Уй-рўзгор буюмлари ишилаб чиқарар эмиш. Эллик фоизи республикада қолар экан, эллиги чет элларга валютага сотилар экан. Хом ашё биздан. Мармар чиқиндиси, қум, соз тупроқ... яна оёқ остида эътиборсиз ётган алланималар. Хуллас, йўқдан бор қила-диган корхона бўлар экан.

— Нима қиласан?

— Бораман. Ишилаб кўрай, — қатъий равишда гапирди Раҳмонов. — Унгача сени қайтаришар жойингга. Балки вазир ўринбосари ҳам қилишлари мумкин. Бу аҳвол узоқ давом этмаслигига кўзим етиб турибди. Лекин ҳозир у ерда ишломайман. Кейин биласанми, қўрқяпман.

— Қўрқяпман? — ҳайрон бўлиб сўради Алиев.

— Ҳа. Туҳмат билан бирон нарсани бошимга ташлаб юборишлари мумкин.

— Бу гапингга мен ҳам қўшиламан, — рози бўлди Алиев. Жалолов, Султоновга ўҳшаганлар билган, истаган ишини қилиши мумкинлигини у тушунган эди. — Унда тезроқ кет.

— Аризам ёнимда.

Орадан икки кун ўтмай, Раҳмонов истеъфога чиқди. Учинчи куниёқ, ўртоғиникига келиб, «Тумор»га ишга кирганини, бир ҳафтадан сўнг Италияга кетаётганини гапириб берди.

— Мен нима қиласан? — сўради ундан Алиев.

— Менинг йўлимдан юр. Таклифлар бор, деяпсанку.

— Таклифлар бор. Лекин анави бечора Фотима-Зухралар кўз оддимдан кетмаяпти. Бошлиғингга билдирамай бу ишни охирига етказмасам, тинчимайман. Ўзимни гуноҳкор ҳис қиласаман.

— Йигитлардан илтимос қилдим. Йўғонтепа иши бир ёқлик бўлмагунча жойларида бўлишади, кетишни ўйлашмайди.

— Мана бу гапинг яхши. Раҳмат, Маҳкамов ҳам айтди.

* * *

Санобар эрининг ишдан бўшаганини эшитиб, аввал ишонмади. Кейин боши осмонга етиб севинди. Равшан эса ажабланганини яширмади.

— Дада, бу ожизлик эмасми? — деди у.

— Билмадим, — самимий жавоб берди Алиев. — Балки қолиб курашиши қеракмиди? Гапинг тўғридир. Лекин бу ожизлик эмас. Мен ишни ташламайман. Охирига етказаман.

Санобар эрининг режаларини билиб қолиб, хавотирга тушди. Уни бу йўлдан қайтаришга уриниб кўрди. Аммо Алиев Фотима билан нима бўлганини, Абдуллајон Салимов, сержант Исматоловларнинг ўлимларини айтиб берганидан кейин, у қаршилик қилмади.

— Фақат энди жудаям эҳтиёт бўлишингиз керак, — илтимос қилди у. — Сизга тухмат қилишлари, хуруж қилишлари мумкин. Болалар ҳам эҳтиёт бўлишлари керак. Энди уларни ҳеч ким кўриқламайди.

— Райхонга мен жавобгарман, — ваъда берди Равшан.

Абдулла Салимов ва Фотималарнинг йигирмасига у ўз «Жигули»сида борди. Ҳамон уни кузатаёттанликларини билганидан, у секин юрди. Шу туфайли одамлар сийраклашиб қолганда кириб борди. Исмоилов кўча оғзида уни қутиб олди. Эшик олдида Абдуллажоннинг амакиси, куёвлари билан туришарди. Зухра кўринмади.

— Қаердалигини биламан, — деди Исмоилов улар кўчага чиқишиганда.

— Қабристонда, — тахминини айтди Алиев.

— Борасизми?

— У билан учрашишим керак. Фотиманинг хатини қайтардингми?

— Эртасига ёқ берганман, — Исмоилов собиқ, бошлигининг нима учун хатни эслаб қолганини англамади. Алиевнинг ўзи тушунтириди.

— У акасининг овозини таниганини ёзади. Шундайми?

— Ха.

— Акасини йўқ қилганлар, Фотимани зўрлаганлар, Абдулла акани ўлдирганларнинг ўзи бўлса-чи? Сен шуни ҳеч ўйлаб кўрдингми? Акаси Фотималигини билмаган, дейлик... Лекин Фотимани Ҳамидулланинг синглиси эканлигини улар билган, фақат биздан кўрқсан, барибир бир кун бизни сотади, деб ўйлашлари мумкин эмасми?

— Мумкин, — қўшилди унинг фикрига Исмоилов. — Аммо исбот учун зарур бўлган машина Янтоқда ёниб кул бўлди. Қоннинг эгаси топилсагина биз Сотиболдиевларни олишимиз мумкин. Ана ўшанда акаси ҳақида гап бўлишини умид қиласиз. Сиз уни ўлдиришган, деб ўйлайсизми?

— Ҳа. У уларнинг ичida бўлган, раиснинг ҳам баъзи ишларидан хабардор, кўкнори бу ердан кимларга кеттган — билган бўлиши керак. Кейин яна ким билсин, Шоҳида билан нима бўлганини ҳам у билгандир. Синглисининг ўлими уни афдар-тўнттар қилиб юборган. Бунинг устига хат. У хатни ўқиган. Зухра шундай деялтику? Шуларнинг ҳаммаси унинг адасини кутмасдан уйдан чиқиб кетишига, кимнингдир олдига бориб, ҳисобкитоб қилмоқчи бўлишига мажбур қилмаганмикан? Шунинг учун уни ўлдириб, худди адасидек бирон жойга олиб бориб ташлашган. Менимча, шундай. Мен ўзими кечирмайман. Уни кўрдим ўша куни. Нега кетидан бормадим? Борганимда, омон қолармиди?!

— Ўлганига мен ҳам кўпроқ ишонаман, — қўшилди Исмоилов. — Лекин хаёлимда бир фикр юрибди. Фотима номусига чидолмай ўзини осди. Ҳамидулла ҳам синглисига ўхшаши мумкин эмасми? Ҳарҳолда, қон бир. Масалан, тоқقا чиқиб, бирон қоя устидан ўзини ташлаб юбормаганмикан? Агар шундай қилган бўлса, ётгандир ўлиги бирон қоянинг тагида. Биз у томонларни қидирганимиз йўқ. Вертолёт бир айланиб чиқди, холос.

— Билмадим, — Алиев елкаларини қисди. — Хўп. Мен кетдим. Зухра билан ўзим учрашаман. Гапим битта. У бизга ишониши керак. Мен ундан хавотирдаман. Олов қиз. Алам устида у ҳам ўзича бир нарса қилиб қўймасин.

Улар Алиевнинг машинаси олдида хайрлашдилар.

Исмоилов Турсунов билан учрашиши, унга билдирамасдан, Алиқул отбоқарнинг ўлими билан шугулланиши керак эди. Алиев билан унинг фикрича, бу ўлим ҳам тасодифий эмас эди.

Алиев Зухрани худди тахмин қылганидек отаси ва Фотиманинг қабрлари олдида кўрди. У қалин ўт устида эркаклардек чордона қуриб ўтиради.

Зухра унинг қелганини сезмади.

— Яхшимисиз, Зухра?

Алиев қизни чўчитиб юбормаслик учун паст овозда сўрашди. Шундай бўлса ҳам Зухра бир сесканиб тушди.

Зухра ўрнидан турди.

— Ўзоқ қолиб кетдингиз, — деди Алиев. — Шунинг учун қелдим. Бундай ёлғиз юрманг.

— Шунча ўлим етмасмикан? — киноя билан жавоб қилди Зухра.

— Барибир сизни ўз қизимдек кўраман, Зухра.

— Сизга ҳам ишониш қийин.

— Нега? — ҳайрон бўлди Алиев.

— Мени қизингиздай кўрсангиз, нега ишдан бўшаб кетдингиз?

Зухра қабристон дарвозаси томон йўл олди. Алиев унинг ёнига ўтди.

— Сиздан яширадиган жойи йўқ. Ҳа, мен бўшадим. Лекин бу бошланган ишни ташлаб кетиш деган гап эмас. Менинг энди чекланадиган жойим йўқ. Ўзим хон, ўзим бекман. Билганимча қотилларни топишга интиламан. Охирига етмагунимча қўймайман. Менга, синглим, ишонинг. Адия ходими учун бегуноҳ одамнинг ўлимидан кучли жазо йўқ. Мен шундай жазо олишни истамайман.Faқат кучли рақибларга дуч келдик. Айрим одамлар уларни суяяпти. Аммо барибир ҳақиқат рўёбга чиқади. Дунёда яхши одамлар кўп. Милицияда ҳам.

Зухра жавоб бермади. Алиевнинг юз-кўзидан яхши одамлиги билиниб турибди. Лекин у фақат милицияга ишониб ўтирмайди. Ўзи ҳам бир нарса қилиши керак. Энди у бевақт, фожиали ҳалок бўлган отаси учун ҳам қиз, ҳам ўғил. Фотима учун ҳам сингил, ҳам ука. Алиев, Исмоилов, умуман, милиция, прокуратура ўз йўлига. Зухра ўзи ҳам бир нарса қилиши керак. Бўлмаса, ёлғиз қолди эзилаверади, кўз олдидан Фотиманинг маъюс қиёфаси кетмайди, адасининг молхонада осилиб турган Фотимани кўриб, ўкирганини унуголмайди. Наҳотки қотиллар, ўша зўравонлик қилганларнинг отоналари йўқ, опа-сингиллари йўқ? Наҳотки, одамлар шунчалик ўзларининг одамлик башараларини йўқотганлар? Уларнинг яшаши, минглаб, миллионлаб адаси, Фотимага ўхшаганлар орасида юриши, улар билан гап-

лашиши, овқатланиши, тўй-ҳашамларда бир лагандан ош ейишлари қайси мантиққа тұғри келади?

Алиев ўз машинасида уни уйга олиб келиб қўйди. Хайрлашаётіб, уй манзили, телефони ёзилган таклифномасини берди. Зухра уни оларкан, акасининг ўрнидан топиб олган клуб таклифномасини эслади, уйдан олиб чиқиб кўрсатди.

Алиев капитан Раҳмоновнинг шу клуб ҳақидағи гапларини хотирлади.

— Ҳозир бундай клублар кўп очиляпти. Мен суриштираман. Зухра, Тошкентта тушганингизда бизни кириңг. Один телефон қилинг. Уйдагиларга сизни айтиб қўйганман.

Алиев машинаси томон кетаётіб, яна тўхтади.

— Албатта ўқишингиз керак. Ҳужжатларни топширадиган вақт бўлиб қолди. Адангиз ҳаёт бўлганларида мен ҳеч қандай маслаҳат бермасдим. Энди эса менинг гапимга қулоқ, солинг.

Зухра миннатдорчиллик билдириб, хайрлашди.

Уйга кирганда амакиси уни олдига чақирди.

— Зухра, болам, йигирмани ҳам ўтказдик. Қишлоғингга раҳмат. Ҳамма харажатни ўзи кўтарди. Кексалар охиригача туриб беришди. Энди менга рухсат. Опоқойингни ёлғиз қолдириб бўлмайди. Кетаман. Кетиши олдидан сенга айтадиган икки оғиз гапим бор.

Ҳожумурод ака бошини ҳам қилиб бирпас ўйланаб ўтири-да, кейин Зухрага қаради.

— Қабристонда узоқ қолиб кетдинг. Ниятинг кўзла-рингдан билиниб турибди. Адангдан, Фотимадан бизни жудо қилганлардан ўч олмоқчисан. Формали, беформа мелисалар ҳам уйингта тез-тез келадиган бўлиб қолибди. Кекса қариндошларингни хафа қилма. Бўлар иш бўлди. Энди ўзингни ўла. Улар ёмон йўлга кирган одамлар. Қўлидан ҳар бало келади. Сендан ҳам ажраклиб қолишимиз мумкин. Мелисаям уйингта келмасин, сен ўзинг ҳам тек ўтири. Мактабни битирдинг. Тошкентта тушиб ўқимоқчи бўлсанг, ана, ўқи. Аммо ҳеч кимни қидирма, ҳеч кимга ўчакишишма. Мени кечир. Яқин қариндошларингдан амманг билан мен қолдим. Мен ҳам ёнингда яшолмайман. Шунинг учун ёрдам беролмайман сенга, ёнингда туролмайман. Нечакуним қолди, худо билади. Иннакейин, ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора. Күёвларим машиналарида олиб келмаганда, ўзим келомасдим. Уқдингми, болам, гапларимни? Сен омон бўлишинг керак, туп қўйиб, палак

ёзишинг, Абдуллајон жиянимдан бир зурриёт қолиши керак. Оғиз очмай қўя қол. Менинг гапимга қулоқ тутсанг, гўримда тинч ётаман.

— Амакижон! Нега унаقا ёмон ният қиласиз?

— Гапнинг рости ҳам шу. Сезиб турибман, бу охирги келишим. Ҳудога илтижо қиласман, сенлар мендек узокроқ умр кўринглар. Эварали, чеварали бўлларинг. Ҳа, айтгандек, уйда ёлғиз яшащдан қўрқсанг аммангницида тур. У билан гаплашганман, рози. Лекин ҳовлини сота кўрма. Ўзингта керак бўлади. Қани, омин!

Хожимурод ака фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди. Зухрани бағрига босиб, пешанасидан ўпди. Унинг бағридан келган ўтқир, аммо ёқимли, нимаси биландир адасининг ҳидини эслатадиган бўй Зухрани ҳаяжонга солиб, ўзи сезмаган ҳолда тўлқинланиб кетди, қўзлари намланди.

Хожимурод ака эшик томон йўл олди. Күёвлари, қизлари ҳам Зухра билан хайрлашиб, машиналарига ўтиришиди.

Зухра анча вақт ўйланиб қўчада туриб қолди. Шу алпозда қанча турди, билмайди, бирдан қўзлари чараклаб кетди. Уйдан юз қадамча наридаги муюлишда у ўзининг синфдош ўртоқларини кўрди.

Зухра югуриб улар олдига боргиси, ҳар бирини қучоқлаб ўпгиси келди. Улар уни кўргани келишар эди.

Улар келишиб, ўғил болалар қўйл бериб, қизлар қучоқлаб кўришишаётганда, Зухра ўзини ушлаб туролмади, қизлардан кимнингдир елкасига пешанасини кўйиб, йиғлаб юборди. Бу йиғи ҳам алами, дарди, ҳам уни, Фотимани унутмаган, хурмат қилиб келган синфдошларига раҳмати эди.

— Қабристондан келяпмиз, — деди ҳамманингномидан Рамз. — Фотима билан адангизнинг қабрига ҳам гул қўйдик. Ўқитувчилар ҳозир ўша ерда.

— Раҳмат. Қани, ичкарига киринглар, бу ерда турманглар.

Зухра ҳаммадан олдин айвонга кўтарилиб, жой ҳозирлай бошлади. Аммо ўртоқлари уни ҳеч нарсага уринтиришмади.

— Сен ўтири, биз ўзимиз қиласиз! — деди дугоналари ичида энг чаққони Мунира.

— Биз, фақат сени кўргани келдик. Дастурхонга уннама, — деди Зухранинг партадош дугонаси, ёшлигида ўриқдан йиқилиб, оқсоқ бўлиб қолган Нозима.

— Йўқ-йўқ, ҳамма нарса тайёр. Бир пиёладан чой ичирмасдан кетказмайман сизларни!

Зухра шундай деб, ўчоқ, бошига юрди. Ортидан икки-уч ўртоқдари эргаши.

Учта чинни лаганда ош сузигб келди. Мунира чой дамлади.

— Олинглар.

Болалар ошга қўл узатишашётганда, кимнингдир эси-га тиловат қилиш лозимлиги тушиб қолди-ю, ҳаммалари бир-бирларига қараб қолишиди. Кўпчилик болалар Куръоннинг оғиздан-оғизга ўтиб юрадиган машхур сураларини билишса-да, лекин бундай кунда тиловат қилишмаганидан тортиниб туришар эди. Шу пайт кимнингдир майнин, ҳали қотмаган, аммо беихтиёр ўзига торадиган овози эшитилди.

— Авзу биллаҳир минаш-шайтонир рожийм, Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм!

Зухра уни таниди. Синфдаги энг охирги партада ўтириб, доска ёнига чиқишидан ҳар доим чўчийдиган, зўр-базўр мактабни тамомлаган, аммо ҳамма яхши кўрадиган Забиҳилла эди. Бўйи пастлигидан кўпчилик уни «Забиҳ, пакана» деб чақиравди. Зухра унинг шундай шираги овози борлигини, қироат билан ўқишини биринчи марта эшитиши эди. Бошқалар ҳам унга ичларида ҳавас билан қараб қўйишиди.

Ҳозиргина, алланарсаларни бир-бирларига шивирлаб, ош келиши билан шошилинч унга қўл чўзган болалар бирдан сипо тортиб қолишган эди. Қироатдан сўнг Зухра бошқатдан овқатта таклиф қилишга мажбур бўлди. Улар ошни гап-сўзсиз ея бошлидилар. Зухра уларни шутобда ҳам таниб, ҳам танимай қолди. Ўйга ботиб, чайналиб ош ейишар экан, у ўртоқларининг ҳар бирига битта-битта қараб чиқди. Биронтаси битирув имтиҳонлари пайтидаги, ҳатто битирув кечасидаги ўртоқларига ўхшамас эди ҳозир. Ҳаммалари бирдан бошларига катта ташвиш, қайгу тушган, олис, мashaққатли йўл бошида турган йўловчиларга ўхшашарди. Нима кутаётган экан уларни олдинда? Забиҳилла тиловат қилган пайтда, балки улар Куръоннинг сехрли сўзлари оҳангидага ўз тақдирларини ўйлаб кетишгандир?! Ўйчан, маъюс бўлиб қолишгани балки шундаандир? Нима бўлмасин, биронтасининг тақдирли Фотиманикига, адасиникига ўхшамаслиги керак. Бунинг учун биринчи галда, Фотимаю адасининг қотилларини топиши керак.

Унинг хаёлида ҳам, дилида ҳам энди шу фикр эди.

Амакисининг маслаҳатларига у қулоқ сололмайди. Қулоқ соладиган бўлса, яшамагани маъқул. Нега энди бир одам иккинчи одам устидан зўравонлик қилиши керак? Тўғри, беш панжа баробар эмас. Лекин биттасини тишласангиз, ҳамма бармоқларингиз оғрийди. Одамлар тенг яратилган. Тенг баҳт топишга ҳаққи бор, ахир.

Адаси ҳам ўлгач, шу ва шунга ўхшаш фикрлар Зухранинг бошида кўпроқ ўралашадиган бўлиб қодди. Камбағал-ожизларни ҳимоя қилган паҳлавонлар эсига туша бошлади. «Минг бир кечা», «Рустами достон», «Алпомиши» қаҳрамонлари хаёлига суқилиб келарди. Демак, ҳозир ҳам шундай паҳлавонлар, ўзини бошқалар ҳаётининг ҳимоясига бағишлийдиганлар бўлиши керак. Балки бордир, шундайлар? Уларни фақат Зухра билмас? Аммо уларниңг қишлоқларида, бундай одамлар йўқ, ҳисоби. Бўлишганида, Фотимани ҳалок қилганлар, отасини азоблаб ўлдирганлар тинч юрармиди? Зухра нима учун ўша кинода кўрган корейс қизига ўхшаши мумкин эмас? Барчинга-чи? Гап жуссада эмас, корейс қизи Зухрадан ҳам нимжон эди. Демак, гап юракда. Юрак ботир бўлса, қўл ҳам ботир бўлади.

Болалар лаганларни йиғиштиришди. Кимдир Зухрага ҳам чой узатди.

Забиҳилла яна тиловат қилди. Фотиҳадан сўнг, баъзи қизлар Зухрага ёрдамлашгани ошхонага ўтишди. Қолганлар ўз режаю мўлжаллари ҳақида гаплаша кетишиди. Кўпчилик Тошкентга тушиб, институтта кириш ниятида эди. Қишлоқда қоладиган фақат икки киши бўлиб чиқди. Биттаси Забиҳилла, иккинчиси Фотиманинг орқасидаги партада ўтирадиган, тўладан келган қиз — Маъфират. Забиҳилла оиланинг каттаси эди. Кетиб қолса, уйидагилар қийналиб қолишади. Маъфиратни эса узатишашётган экан. Афтидан, у хафа эмас эди. Ўқимоқчи бўлганларнинг бирдан кайфиятлари бузилиб кетди. Махғузанинг адаси Тошкентдан топиб келган хунук хабар бунга сабаб бўлди. ТошМИга киришга ёрдам бермоқчи бўлган таниши йигирма минг сўраганмиш.

— Вой-бў! Купша-кундузи шилиш-ку бу! — деди йигитлардан бири.

— Ундан ҳам баттар! — деди бошқаси. — Қани, айтинглар, шу йигирма минг сўраган одам бизнинг кўзимизга қандай қараб ўқитади?

— Қарамай ўқитади-да! — киноя қилди қизлардан бири.

— Халқ хўжалиги институтида ҳам ўн мингдан кам эмасмиш кириш. — Света шундай дея, уялиб бошини эгди. Отаси келишиб келганини у Зухрага айтган эди.

— Бунаقا қилиб ўқигандан ўқимаган маъқул.

— Мен бормайман ТошМИсига, — деди бир чеккада ўтирган хунуккина қиз — Солиҳа. — ТошМИга фақат чиройли қизлар киаркан. Аёл дўхтирларга қара, ҳаммаси бир-биридан кўхдик. Мен нимамга... кира-ман.

— Қаердан топдинг бу гапни? — бидиллашди қизлар.

— Телевизордан. Қайси аёл дўхтир телевизорга чиқиб гапирмасин, ҳуснига одам маҳлиё бўлиб қолади.

— Телевизорга чиройлиларни топиб чиқаришади,вой сени қара-ю.

— Мен барибир бораман ўша ТошМИсига! — деди Маҳфуза. — Ўз кучим билан кираман, кўрасанлар.

— Сен-чи, Зухра, нима қилмоқчисан? — сўради дугоналаридан бири.

Ҳамма ялт этиб унга қаради.

Зухра шу савонни кутган эди. Алиевнинг маслаҳатидан кейин у ўйланиб қолган, албатта бирон қарорга келиши керак эди. Ўқимаса, уйда қолса, далада ишлайди. У буни истамасди. Тешабой Султонов қўл остида ишлаш унинг учун Фотима хотирасига, адаси хотирасига хиёнат қилиш билан баробар эди. Ҳали бирон нарсани тайинли билмаса ҳам, у Фотима, адаси фожиаларини негадир раисдан кўрарди. Бунга сабаб — акасининг ялтоқданиб раис билан гаплашиб турганини кўриб қолгани эди. Ўшанда хаёлидан кўп нарса ўтди. Ўтди-ю, буваси тенги одамни, кўпчилик соясига салом берадиган одамни ёмон кўриб қолди.

— Билмадим, — ростини айтди Зухра. — Аммо уйда қола олмайман. Тошкентта кетсам керак. Ўқийманми, ишлайманми, ҳозирча аниқ ўйлаганим йўқ. Сизлар бир маслаҳат берарсизлар?

Болалар бир нарса дейиша олмади. Зухра қисқа вақт ичида жуда ўзгариб кетган, улгайиб қолгандай эди. Унга қандай маслаҳат бериш лозимлигини ҳам улар билишмасди. Лекин бу уйда ёлғиз туролмаслиги ҳаммага тушунарли.

Зухра ниятини сал очди:

— Фотима пединститутга кирмоқчи эди. Ўрнига мен ҳаракат қилиб кўрсаммикан?

— Хўжалик ҳисобидан борсанг, кирасан, — деди Рамз.

Зухранинг жаҳди чиқди.

— Қаёқдаги гапларни айтасан! — унинг гапини кесди Зухра. — Энди келиб-келиб шуларга ялинаманми! Ўзим кираман. Маҳфуз, сен ҳам ТошМИга бор. Ҳусн билан, пул билан доктор бўлганларнинг ҳеч кимга кераги йўқ.

Болалар унинг гапларига қўшилишди. Сўнг бир оз гаплашиб ўтириб туришди. Эшикка чиқишганда, у Рамздан бир дақиқага қолишини илтимос қилди. Ҳамма хайрлашиб кеттач, сўради.

— Фотимани чиндан ҳам... яхши кўрармидинг?

— Ишонмайсанми? — ҳайрон бўлди Рамз. — Кейин, нега сўрайасан?

— Уни азоблашган, биласан.

Рамз бошини эгди.

— Милиция ҳеч нарса қилолмаяпти. Топилмаяпти. Кимгadir қотиллар топилмагани маъқул. Биламан, бу ерда милиция, прокуратура ҳеч нарса қилолмайди. Терговчи бир марта ҳам келгани йўқ. Мен борсам, ўзимиз керак бўлганда чақирамиз, дейишади. Мени ёш бола қилишяпти. Шошмай туришсин, қотилларни ўзим топмасам...

— Нима? — тушунмай, анграйиб қолди Рамз. — Ўзим топмасам?

— Ҳа.

— Эсингни ебсан! Сени ҳам ўлдириб кетишади-ку. Уларни билмас экансан!

— Кимдир шугулланиши керакми? Ё шундай қолиб кетаверсинми? Мен сендан зарур бўлиб қолса ёрдам берасанми, демоқчи эдим, холос.

— Зухра, тушун, — оғир хўрсинди Рамз. — Улар кўпчилик. Милиция эплолмаёттан ишни биз қандай эплардик? Иккаламизниям бўғизлаб кетишади.

— Бўлди, тушунарли, — деди Зухра. У дилида шундай жавоб олишини билган, сўраганига пушаймон эди. — Гапимиз шу ерда қолсин. Ҳеч кимга айтиб юрма.

— Мени кечир, Зухра. Бунаقا ишлар қўлимдан келмайди. Сенга... сенга ҳам маслаҳат бермайман. Ахир, сен...

— Хайр! Келганинг учун раҳмат.

Зухра ўтирилиб ҳовлига кириб кетди.

— Зухра!

Аммо Зухра тўхтамади. Рамз эшик олдида турди-турди-да, кейин уйи томон жўнаб кетди.

У Зухрага тилёғламалик қилолмади. Отаси ҳақ. Бу хонадондан энди у ўзини тортиши керак. Зухранинг ниятларига шерик бўлса, ўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўлган ўлди, бўёғи синди. Бу ёғига у узок яшashi, ўзига дое туширмаслиги керак.

Шунинг учун у Зухрага берган ваъдасида ҳам турмади. Зухранинг гапларини ўша куниёқ отасига айтиб қўйди. Отаси уни маъқуллади ва ўз навбатида Абдулла муаллимнинг қизи нима ниятда юрганини Тешабой Султоновга етказди. Ўзича у савоб иш қилган эди. Йўғонтепада юз бериши мумкин бўлган фожиаларнинг олдини олган, Абдулла муаллимнинг иккинчи қизини ножўя ҳаракат, фалокатлардан асра-моқчи эди...

* * *

Зухра айвонга яқинлашганда, Светанинг ошхонада ивирсиб юрганини кўриб қолди. Кўпчилик ичиди у ҳам чиқиб кетган бўлса керак, деб ўйлаган эди. Шу ердалигини кўриб севинди ва югуриб олдига борди.

— Кетмаганинг яхши бўлиби, Света!

— Ёлғиз қолиб, эзилмагин дедим.

Света ҳақ. Ёлғиз қолса, барча воқеаларни эслаб эзилаверади-эзилаверади. Ҳозир эса ўртоғининг олдида анча хотиржам тортиди. Чинданам, аввало, милицияга бориб учрайди. Нима қилишни аниқлаб олади. Кейин уйлари-нинг калитини Ким амакига ташлаб, биттасини ўзида қолдиради. Учинчи боғлам калит — Фотиманинг калитлари қаерда экан? Юраги бир «шиғ» этиб кетди. Отасининг қотиллари бўлса-чи? Балки кечаси бостириб келиб қолишар. «Келишса нима?» — у ўзини тинчитди. Уйда улар оладиган нима ҳам бор? Тилла бўлмаса, пул бўлмаса, нимани олишади? Зухранинг кўз олдидан кинода кўрган корейс қиз ўта бошлади. Тўрт киши кечаси бостириб киришди уйига. «Қиз уларнинг келишини кутган, шунинг учун устидаги кўрпанинг остига ханжар яшириб қўйган. Панжалари унинг баңдига тегиб турибди. Қароқчилар яқинлашганда, бир силтаниб ўрнидан турди-да, биттасининг қорнига ханжарни санчди. Бундай тез ҳаракатни кутмаган қароқчилар довдираб қолишлиди. «Қиз шундан фойдаланиб, кўрпага ўрниб ўзини оёқдари остига ташлайди ва икки қароқчи мувозанатини йўқотиб йиқилади. Қиз ўрнидан тура солиб эшикка

югуради. Қароқчиларни устидан қулфлаб, уйга ўт кўйиб юборади.

Икки ўртоқ сухбатлашиб ўтириб қолищди. Тошкентта жўнашга қарор қилишди. Бир ҳафтадан сўнг институтларда ҳужжатларни қабул қилиш бошланади, эртароқ тинчид олиш маъқул, деди Света. Унинг халқ хўжалиги институтига кириши аниқ эди. Зухра нима қилади? Боя ўртоқлари олдида педагогика институтини гапирди. Ҳақиқатан ҳам шу институттага киргани яхшидир?

— Адам ўқитувчи эдилар. Мен ҳам ўқитувчилик қиласман. Агар кира олсам, — деди Зухра.

— Кирасан, — далда берди Света. — Яхшилаб тайёрлансанг, кирасан. Агар Фотимага ўхшаб қунт қилганингда, сен ҳам медаль олардинг!

Йўқ, — унинг фикрига кўшилмади Зухра. — Фотима ақлли эди. Бир марта ўқигани шундай миясига қуийиб қоларди. Мен унга ўхшамайман. Озгина уйдан четроқда юриб келишим кераклиги учун ўқишга кирмоқчиман.

— Унақа дема, сен уйга боғланган одамсан. Яхшиси, ҳар ҳафтада келиб турайлик. Ётоқ излаб юрма, холамларникида бирга турамиз.

— Яхши. Бораверайлик-чи олдин...

Зухра ўртоғининг қўлини маҳкам сиқди.

Света чиқиб кеттач, Зухра барибир уйда ўтира олмади. Туман прокуратурасига отланди. Акасининг иши билан шугулланаётган терговчини топса бас. У прокуратурага кириб борганда терговчи Нозим Фузайлов ўзида экан. Зухрани кўриб негадир энсаси қотди. Зухра унинг бу гал ҳам мужмал жавоб қилишини сезди. Қанақа лоқайд одам экан, ўтган гал сиз овора бўлманг, мен ўзим бораман, деган одам ўн бир кун ичида бир марта ҳам хабар олгани йўқ.

— Мен ўзим борардим, — деди у яна. — Чакки овора бўлибсиз.

Ҳар куни овора бўлишга тайёрман, иш юришса бас. Бирон янгилик борми?

— Янгилик шуки... — Фузайлов ямланди.

— Гапираверинг!

— Акангизнинг ишини... мен... — қайтариб бердим, — деди ниҳоят Фузайлов ва оғир юқдан қутулгандек, Зухрага қаради.

— Нега? — ҳайрон бўлди Зухра. Терговчининг айтган гапи яхшими, ёмонми, у тушунмади.

— Сизга ростиини айтсам... — терговчи шундай

деди-ю, яна мижғовланиб, тўхтаб қолди. Зухра ўзини босди. Индамай кутди. Ниҳоят, терговчи гап бошлади. — Биласизми, мен... туманингизда янги одамман. Атиги уч ой бўлди шу ерга ишта чақиришганига. Ҳали, ҳатто кўчиб ҳам келганим йўқ. Акангизнинг иши иккинчи мен текшираётган иш эди. Лекин... ё мен ёқмай қолдим бу ердагиларга, ё акангизнинг ишини очишни исташмаяпти. Иккита-учта ёмон хат олдим... Машинамни уриб кетишиди. Бир одам телефонда ё кетасан, ё ўласан, деб дўй, урди. Нима қилганим маъқул, ҳали аниқ билмайман. Прокурор хабардор. Лекин ҳеч нарса дегани йўқ. Афтидан, менинг баъзи гапларим унга ёқмади. Акангизнинг иши унинг қўлида. Кимга беради билмайман. Мендан хафа бўлманг. Назаримда, мен бу ерга тўғри келмадим. Ундан деса, сизнинг оиласиз ҳам бу ерда кимларгadir тўғри келмаган. Мен кетаман. Шу тўғри бўлса керак. Сиз озгина кутинг. Прокурор бутун-эрта янги терговчи белгилайди.

— Зухра йигитнинг гапларини эшишиб, Алиевни эслади. Бу ердан у ҳақиқат топиши амри маҳол эди. Терговчи унга ишониб, бор гапни айтган бўлса ҳам, Зухра ундан астойдил хафа бўлди, ҳатто унинг силлиқ, тоза, оппоқ юзига, бежо ўйнаб турган қўзларига қараб, жирканиб қўйди.

— Қўрқдингизми? — дея кесатиб ўрнидан турди. Унинг қандай жавоб беришидан қатъи назар, энди у билан гаплашиш бефойда эди.

— Тўхтанг, — Фузайлув чаққонлик билан ўрнидан туриб, унинг йўлини тўсди, — менинг гапларим фақат...

— Кўрқманг, шу гап шу ерда қолади. Аммо шу юрак билан қандай терговчилик қилиб юрибсиз? Бўшатинг йўлни.

Фузайлув қизариб кетди, аммо ҳеч нарса демай, ўзини четта олди.

Зухра прокуратуранинг қўримсиз ҳовлисига чиқиб, бирпас туриб қолди. Фазаби сал босилгандек бўлди. Сўнг прокурорга кириб, ишни кимга топширишини суриштирмоқчи бўлиб, орқасига ўтирилди. Аммо шу заҳоти фикридан қайтди.

XII

Ўт ўчирувчилар ҳам, милиция ҳам кечиккан эди. Худди бирор атайин қилгандек, уйнинг ҳамма хоналаридан ўт бирдан чиққан, шу заҳоти ёқ, ўчоқ бошидаги

газ турган иккита баллон ҳам портлаб, ҳаммаёқни остин-устин қилиб юборган эди. Кимдир, аёл киши, хабар бергандан кейин етиб келган ўт ўчирувчилар ҳеч нарса қилишолмади. Уй тамом ёниб тушибди.

Эрталаб бутун қишлоқ шу ерга йифилди. Кечагина ўтган-кетганинг ҳавасини келтириб турган, баланд томига оқ тунука ёпилган уйдан қурум босган деворларигина қолган эди.

Зухра Светанинг ёнғин ҳақидағи гапларини хотиржамлик билан эшилди. Зокир семизнинг ўзи ҳам ёниб кетсек яхши бўларди!

Зухра индамади. Фотиманинг хатини у Светага кўрсатган эди. Ўшандан бери Света газабда. Фотимани зўрлаганларни кучи етса, бўғиб ўлдиришга тайёр эди. Ўшалардан биттасининг уйи ёниб, кул бўлгани уни севинтирган, хушхабарни шошиб ўртоғига етгалиш ниятида югуриб келган эди. Зухранинг бепарвонлигидан ичида жиндек хафа бўлди. Севиниши керак бунга! Ҳали бу оз, Зокир, унинг шериклари бошига бундан ҳам оғир қулфатлар ёғилади ҳали. Худо етими ни хафа қилганларни кечирмайди.

— Буларнинг бошлиғи Тўхта қийшиқмиди? Ўшанинг ҳам уйи ёниб кул бўлсайди.

Зухра ўртоғининг кўзларига ялт этиб қаради. Йўқ, Света ҳеч нарса сезмаган, бу гапни у астойдил уни, Фотимани яхши кўрганидан айтган эди.

Шундай бўлса ҳам у чап қўлининг куйиб, қабариди чиққан кафтини ўртоғидан яширди.

— Нега индамайсан? Бир нарса десанг-чи! — деди Света унинг елкасига туртиб.

— Ўйлаяпман.

— Нимани?

— Улар шунаقا жазолангани билан Фотима ёки адам тирилиб келишармиди? Ё акам топилармиди?

— Баригар, — Светанинг жаҳли чиқди. — Улар жазосини олиши керак. Бўлмаса ёмонлар ёмонлик қилаверади, яхшилар ўлиб кетаверади. Шундай бўлишини истайсанми? Зухра, сен мени тўғри тушун. Мен қондан жудаям кўрқаман. Қасос олиш қонхўрлик эмас. Қасос олиш ҳар хил бўлади. Менинг холам қамалиб чиққан. Унга тухмат қилишган. Тўрт йил ётиб чиқдилар. Отиши биладилар, каратэ, у-шу, яна қандайдир кураш, муштлашиш турларини биладилар. Уни қаматтандарнинг баъзиларидан ўзи ўчини олган. Қандай қилиб олган — буни айтмайди, дадамга ҳам айтмаган. Агар шундай

қилмасам, умр бўйи эзилиб ўтардим. Улар эса устимдан кулишарди, дейди. Мен холамни тушунаман. Сенга эса ҳайрон бўлиб турибман. Менга ўхшаб сен ҳам севинишинг керак. Милиция эплолмаган ишни тақдир қиляпти, худо қиляпти. Зокирнинг ўзи ҳам ёниб кеттагни яхши эди. Балки шундай бўлгандир? Нима дейсан?

Зухра елкаларини қисди. Албатта, бундай эмас эди. Зокир уйда йўқ эди. Зухра ҳамма хоналарга кириб чиқди — Зокир йўқ.

— Майли, шу ҳам катта гап. Энди бундай уй кўриши амри маҳол.

Света ўртогини қучоқлаб, юзидан «чўлп» этиб ўпдида, уйига кетди.

— Кечқурун чиқаман! — Йўлақдан унинг овози келди.

Зухра анча тинчиidi. Ўзидан ҳам кўнгли тўлгандек бўлди. Биринчи иши муваффақиятли чиққан эди. Мұхими ҳеч ким, жонажон ўртоги ҳам ундан гумонсирамади. Зухра, куйган кафтини пуфлаб, оғриқни босган бўлди ва негадир йиғлаб юборди.

Унинг бу йиғиси алам билан бирга қиз бошига тушган дастлабки ишнинг ўнгидан келганидан эди. Ҳали олдинда қанчадан-қанча шундай ишлар турибди. Иккинчи қиладиган ишини, худди унинг дилидагини ўқигандек, Света айтиб берди. Тўхта қийшиқнинг уйи ҳам ёниши керак. Бунинг учун идорага боради. У ерда кадрлар бўлимининг мудири Малоҳат опани топади. Бу хотиннинг билмаган одами йўқ. Манзиллар ҳам унинг қўлида.

* * *

Малоҳат опа хонасида эди. Зухрани қўриб, кўз ёши қилди. Уйда ёлғиз ўтирмасликни, Тошкентга бориб ўқишига кириш кераклигини маслаҳат берди. Қандай қоғоз керак бўлса, қилиб беради. Жамоа хўжалик стипендиатларига ҳам қўтиб қўяди. Нима, қўшимча юз сўм олиб турса ёмонми? Яна нималарнидир гапирди. Зухра бошини эгиб қулоқ солди.

— Худо бор, болам, худо бор! Ана Худонинг ғазабига учради-ку, Зокир. Раисимиз, Тешабой ака, катта одам, тилла одам. Лекин тийин устида ўн думалоқ ошади. Йўлини топиб, шу қиморбозларнинг ҳам пулини оляпти! Мен шунга ҳеч қўшилолмайман. Қиморбозларнинг ҳеч маҳал бири икки бўлмаган. Уларнинг

шулида барака бўлмайди. Нега десанг, пешана тери билан, меҳнат билан топилмаган. Кап-катта одам, шуни билмайди, билсаям, ҳаром-харишдан ўзини тортмайди. Жамоа учун агар зарур бўлса, ўғрини ҳам ишлатман, дейди. Бир-икки айтдим, шуларни бўшатиб юборинг, деб. Қани қулоқ солса.

Шу ерга келганда Зухра чидамади.

— Менга ҳам, Малоҳат опа, шулардан биттаси керак эди.

— Ким? — ҳайрон бўлди у.

— Тўхтамурод ака.

— Вой, Тўхта қийшиқми?

— Ҳа.

— Уни сен нима қиласан? — Малоҳат опанинг жаҳли чиқди. — Зокирдан ҳам баттар-ку.

— Биламан, эшитганман, — деди Зухра қайсарлик билан.

Малоҳат опа энди негадир ўрнидан туриб, столни айланиб ўтди ва Зухранинг ёнига келиб, қулоғига шивирлади.

— У ўтакеттан хотинбоз! Отделкадр бўлиб, мен ҳам ундан қўрқаман!

Малоҳат опа семиз бўйни-ю лўппи юzlарини силаб қўйди.

— Нима ишинг бор эди унда? Ё сирми буям? — деди жойига қайтиб.

— Нега сир бўлсин, Малоҳат опа. — Кап-катта хотин тик тургани учун Зухра ҳам ўрнидан турди. — Акам бедарак кетган куни шу Тўхтамурод ака билан кўришган экан. Сўрамоқчи эдим, зора бирон нарса билса?..

— Унда бошқа гап. Лекин эҳтиёт бўл. Ёлғиз борма, ўртоқларинг билан бор.

Малоҳат опа жавонлардан биттасини очиб, қофозларни титкилади бошлиди.

— Хўш, Тўхтамурод Очилов... эллик саккизинчи йилда туғилган. Буни сенга кераги йўқ. Туар жойи... Дуркент, генерал Гуломов кўчаси, 35-уй. Ёзиб оласанми?

Малоҳат опа манзилни қайтарди, кейин папканни ёпиб жойига қўйди.

— Мени яхши эшитдинг-а! Битта ўзинг борма. Аканг мўмин-қобил бола эди. Армиядан бузилиб келди. Наша чекаркан. Шуниси ёмон бўлди. Бечора... Омон бўлса, шу пайтгача дараги чиқарди. Мени кечиргин-у, юрагим сезиб турибди, акангни ўлдириб кетишган. Бирон жарда, тошларнинг тагида ётиби. Биз томонда

бұнақа жойлар күп. Қизим, болажоним, ўзингга әхти-
ёт бўл, ҳамма нарса пулга чақирадиган пайтда одам-
лар бузилиб кетди. Ҳозир шундай бўляпти. Билмадим,
охири нимага бориб тақалар экан?

Зухра ойисининг сергап, аммо кўнглида кири йўқ
ўртоғи билан хайрлашиб, бозорга борди. Туман мар-
казидан келадиган автобуснинг сўнгти бекати шу ерда
эди. У кўп кутмади. Автобус келиб, ўн дақиқалардан
сўнг қўзғалди.

Генерал Фуломов кўчаси универмагнинг чап биқи-
нидан бошланар экан. Зухра шу ёқقا бурилганда
бир қўлида бола, бир қўлида беш-олтита гижда нон
кўтарган аёл кетаётганини кўрди. Аёл шошмасдан,
секин бораради. Қўлидаги бола ҳали кичкина бўлса
керак, думалоқ бошини онасининг елкасига қўйиб,
бош бармоини сўрарди. Зухрага кўзи тушиб, у бо-
шини кўтарди, қўлини оғзидан олиб жилмайди. Зухра
нима учун у иштаҳа билан қўлини сўраётганини ту-
шунди — тиши чиқаётган экан. Жилмайганида паст-
ки қип-қизил милкини ёриб чиқаётган иккита оқшоқ-
дек тиши кўринди. Зухра беихтиёр унга қараб бар-
моқларини ўйнатди. Бола қийқириб кулди. Шунда
онаси тўхтаб, орқасига ўтирилди. Ёшгина жувон экан.
Зухра салом берди.

— Мени кимгадир ўхшатди.

— Ҳаммага шунақа қиласди, — аёл хурсанд бўлиб
гапирдими, хафа бўлибми, Зухра англамади.

— Яхши одати бор экан, ётсирамас экан. Отинг
нима сени, болакай?

— Дилмурод, дегин, — онаси ўғлини эркалаган
бўлиб, бошидан ўпди.

— Жуда яхши, ширин бола экан. — Зухра ўтиб
кетмоқчи эди, негадир тўхтади. — Ўттиз бешинчи уй
шу ёқдами:

— Ҳа. Ким керак эди? — сўради аёл.

— Шу уйдагиларни кўрмоқчи эдим, — Зухра но-
аниқ бир гап қилди. Яна бир нарса демоқчи бўлган
эди, аёл уни тушунгандек бўлиб, баҳона қидириб ўти-
ришга ҳожат қолдирмади:

— Ижроқўмданмисиз?

— Ҳа, — бошини қимирлатди Зухра.

— Юринг мен билан. Ҳов анави кўк дарвоза.

Аёл олдинда кўринган дарвозалардан биттасига
ишора қилди. Зухра у билан ёнма-ён юришга мажбур
бўлди. Бола у томонга энгашиб, қўлларини ёзди.

— Жим тур! — уришди онаси. — Уят бўлади.

Бола яна талпинди.

Зухра уни қўлига олди.

— Майли. Бола-да.

«Унинг ҳам шундай ширин-ширин болалари бўлсанчи?» — яна хаёлидан ўтказди Зухра. Майли, нима бўлса бўлди. Ҳозир уйга кириб билади. Болалари бўлса, ота-онаси бўлса, бошқа чора топишга тўғри келади, бошқа режа тузади.

Кўк дарвозанинг бир табақаси очик эди. Жувон уни яна озгина итариб очди.

— Келинг.

Зухра ҳайрон бўлиб қолди.

— Вой, Сиз шу уйда турасизми?

— Ҳа, шу уйда турман. Юринг. Тортинманг.

Жувон уни ичкарига бошлади.

«Тавба! — ўйлади ўзича Зухра. — Ҳаёлим тўғри чиқди-қўйди. Нима қиламан энди, бу уйда? Кетиш керак. Тезроқ Тошкентга бориш керак. Тўхта қийшиқнинг ўзини топиш керак!»

— Сиз Тўхтамурод Очиловнинг оиласири бўласизми?

— Ҳа. У кишида нима ишингиз бор эди?

Зухра яна ўзини ноқулай сезди. Боя аёл ўзи уни «ижроқўмданмисиз?» деб қутқарган эди. Шунинг учун баҳонани шу томондан қидирди.

— Фақат у кишини эмас. Ҳамма оила аъзоларини янгидан рўйхаттга олиб қўйиш керак экан.

— Ундей бўлса бошқа гап. Мен жиндек хавотир олдим, — аёл боласини сўрига ўтқазиб, жилмайди. — Тўхтамурод акамнинг командировкалари жуда кўп. Ҳозир ҳам йўқлар, қаердаликларини билмайман. Экс-педиторлар, биласизми машҳур «Шифокор» жамоа хўжалигини? Ана шу ерда ишлайдилар. Хўжалик раиси у кишини жуда яхши кўради. Ҳамма қийин ишларни у кишига топширади. Мол қидириб кетишган.

— Қанақа мол? — қизиқди Зухра.

— Ҳар гал ҳар хил. Бир қишлоқдан шаҳарга мол олиб кетишади. Доривор ўт, сабзвот, полиз... Бир шаҳардан қишлоқда мол олиб келишади. Ўтган баҳор машина-машина тахта олиб келишди. Бу гал билмадим, нима олиб келишаркин.

Шу пайт бир қиз ҳовлига кириб келиб, аёлни қучоқлади.

— Опанг билан саломлашмайсанми?

- Ассалому алайкум!
- Ваалайкум ассалом.
- Нечанчи синфдасан?
- Иккинчига ўтдим. Ҳамма баҳоларим беш!
- Қизча ойисига қараб қўйди.
- Отинг нима?
- Элёра.
- Элёра. Жуда чиройли исминг бор экан.
- Опамларники ҳам чиройли. Сайёра.

Зухрага аёл ҳам, болалари ҳам ёқди. Наҳотки шу одамлар Тўхта қийшиққа алоқадор бўлишса? Аёл уни эрим деса, болалари дада, дейишса? Наҳотки шу фариштадек одамларни алдаб, уйга келмай, бирорларга зўравонлик қилиб, қон тўкиб яшашни у ярамас ҳаёт деб билса!

Зухра Тўхта қийшиқнинг хотини ҳеч нарсани билмаслигини кўриб ҳам ҳайрон бўлди, ҳам унга ачинди. Бир кун келиб билади, ҳамма сирлар фош бўлади, эрининг қандай ваҳший одамлигини эшитади. Балки ҳозир ҳам билар? Балки Зухранинг олдида ўйин қилаётгандир? Йўқ, бунга ишониб бўлмайди. Агар эрининг қандай одамлигини билганида, ўзини бундай тутмасди. У баҳтсиз аёла ўхшамасди. Тўхта қийшиққа Зухра бир ҳисобдан қойил қолди. Шунчалик маккорлик қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

— Элёра, жоним, битта қалам билан бир варақ қофоз бер. Шошиб келаверибман.

— Дарров бер, қизим! — шоширди қизини аёл.

Зухра сумкасига битта дафтар солиб олмаганига пушаймон бўлди. Индамай кетса, Сайёра унга ишонмаслиги мумкин эди. Эрига айтса, у Зухрани қидиришга тушишдан ҳам тоймайди. Ҳозир ҳам эрига айтиши мумкин. Лекин ҳозир қофоз эсимдан чиқибди дегани, ёзмасдан кетди, деганидан ишончлироқ эди. Шундай бўлса ҳам Зухра ёлғон гапираётганидан, ёлғон иш қилаётганидан уялиб турарди, тезроқ кетишга интиларди. Шошиб Элёра узаттан қофозни олдида, ёза бошлиди.

— Очилова Сайёра, Очилов Элмурод, Очилова Элёра. Ўртоғингизни ёздим.

— Ёшимиз керак эмасми? — сўради Сайёра.

— Ҳар эҳтимолга қарши ёзиб олай.

— Ёзиб олинг. Керак бўлиб қолади. Адамиз ўттиз иккига кирдилар яқинда. Мен олтмиш тўртда түғилганман. Элёра саккизга киряпти. Паҳлавонимиз Элмурод бир ярим ёшда.

Зухра раҳмат айтди-ю, қоғозни сумкасига солиб, эшик томон юрди. Кўчага чиққанида ўзини жуда ёмон ҳис қилди. Кимга қўл кўтармоқчи эди? Шу болаларгами? Шу аёлгами? Яхшиям, келди. Ёлғон-яшириқ баҳоналар билан бўлса ҳам уйга киргани яхши бўлди. Эсиз болалар, эсиз аёл. Улар Зухрага жуда ҳам ёкиб қолишган эди. Йўқ, у бу уйга иккинчи келмайди. Бечора соддадил жувонга, унинг қувноқ болаларига буюрсин бу уй. Аммо Тўхта қийшиқ билан у учрашади. уни қидиришни Тошкентдан бошлияди. Осмонда бўлса ҳам, ернинг тагида бўлса ҳам топади, ҳаммаларини топади. «Худоё, ўзинг менга мадад бер! Бегуноҳ ўлганлар ҳаққи, ниятларимга етказ!» Зухра беихтиёр шундай деди ва ўзида қандайдир енгиллик ҳис қилди.

* * *

Эшик аввал тақиллади. Сўнг қия очилиб, эркак кишининг боши кўринди. Зухра хўжалик молбоқари Толиб полвонни дарров таниди. Алиқулга ўхшаб, у ҳам Зухрани биларди. Бошқа мактаб болаларидан кўпроқ Зухра фермага борарди. Мактабнинг физкультура ўқитувчиси фермада чавандозлар тўгарагини очган эди. Ўғил болалар қатори Зухра ҳам шу тўгаракка қатнашарди.

— Келинг, Толиб ака, — деди Зухра ажабланиб. — Тинчликми?

— Э, сўрама! — Толиб полвон олазарак бўлиб атрофига қаради. — Йўлакка кириб гапирай. Кўриб қолмасин тагин бирор!

— У ичкарига кириб эшикни ёпди. Зухра уни айвонга бошлаётган эди, тўхтатди.

— Йўқ, шошиб турибман, жиянимникига ўтиб келяпман. Зухра, менга қулоқ сол. Тошкентдан сизларникига милиса идорасидан келиб туришибди. Шуларга айт. Толиб полвоннинг зарур гапи бор экан, де. Мана адрес. Мен энди қишлоқдан кетдим. Бола-чақамга жияним қараб туради. Жойлашиб олиб, келаман. Уларни ҳам олиб кетаман. Тешабой Султонов раис экан, энди менга тинчлик йўқ. Алиқул туман қатталарига шикоят қилди. Оқибати нима бўлди, биласан. Мен туманга бормайман. Жим ҳам юрмайман. Айт, албатта мен билан учрашишсан. Хўпми?

У бир парча қоғозга ёзилган манзилини Зухрага узатди.

— Йўқотма. Йўқотсанг, жиянимдан сўра. Фақат сенга айтади қаердалигимни.

Толиб полвон эшикни қия очиб кўчанинг иккала томонига бир-бир қаради-да, чиқиб кетди.

— «Нима бўляпти ўзи? — хаёлидан ўтказди Зухра. — Илгари ҳам шундаймиди? Одамлар шундай хавфсираб яшашармиди, ё энди шундай бўлиб қолишидими?»

Зухра шу ўй билан айвонга кўтарилиб, ўз хонасига кирди. Бирдан ёзув столи ёнида Фотима ўтиргандек бўлиб кетди. Тисарилиб, эшикка суюнди. Яна стол томонга қаради, ҳеч ким йўқ эди. Столга айвондаги устуннинг сояси тушиб турарди. У стол ёнига бориб ўтириди. Шу тоб Фотиманинг хатига кўзи тушди. «Ўтган кунлар»нинг ичидан четлари чиқиб турарди. Хатни ёдан билса ҳам, яна ўқий бошлади. Йўқ, ўқимади, қулоги остида Фотиманинг ширали овози янграй бошлади.

«Зухра! Мендан бир зумгина кичкина синглим, дил-каш ўртоғим, ақаллигим, меҳрибоним!..»

Дераза олдида ироқи дўппи, атлас кўйлак кийган Фотима турарди. Майда ўрилган соchlарининг ярмини у негадир кўкрагига ташлаб олибди. Битта ўrimини эса бармоғига ўраб Зухрага кўрсатяпти.

— Сенинг ҳам сочингни шунаقا ўриб қўяйми? Юр! Бу ёққа чиқ! Мен сочингни ўраман, сен бекор ўтирамай ўсма эзасан. Юра қол!

Фотима уни имлаб тисарилди. Зухра беихтиёр ўрнидан турди ва отилиб айвонга чиқди. Айвонда ҳеч ким йўқ эди. Молхона томондан товуқнинг қа-қағлагани эшитилди. Таниди, бу олачипор товуқ эди. Фотима уни яхши кўрарди. Тухум илитиб ютишадиган бўлса, Фотима шу товуқнинг йирик, пушти ранг тухумини танларди.

«Софинибди, — хаёлидан ўтказди Зухра. — Мен ҳам софиндим. Олдига бориб келаман. Бошқа қиладиган ишм ҳам йўқ, кечгача».

У қабристонга етиб келганда, қуёш энди дарахтлар ортига ўтган, ҳали ботишига анча бор эди.

Фотима билан отасининг қабрлари кўча деворига яқин, катта оқ тутнинг тагида эди. Зухра оёқ томонга ўтириди. Ичida салом берди, ўзи билган суралардан ўқиб, тиловат қилди.

— Мана, келдим, Фотима, ада, — Зухра кафтлари билан иккала қабрни силади. — Софиниб кетдим. Нима қилмай, қаерда бўлмай, кўз олдимдасизлар. Лекин

кўрмайман. Йўқ, кўраман, гаплашаман сизлар билан. Аммо яқинлашганимда, бағримга олмоқчи бўлганим, юз-кўзларингиздан ўпмоқчи бўлганимда, йўқ бўлиб қоласизлар. Уйда бўлсам ҳовлини икки-уч айланаман. Аммо сизни тополмайман. Адажон, Фотима! Мени қўрқади, деб ўйламанглар. Сизларсиз, бошимга тушган ёлғизлиқдан қўрқаман. Сизларни эса кўргим келади, юрагим тўлиб кетди, гапирадиган гапларим кўп.

Зухранинг бутун вужудини титроқ босди, ичиди ийифи тўлқинланиб келиб, кўзларига ўтди. Лабларига оқиб тушган шўртанг томчиларни кафти билан артар экан, беихтиёр қулоқ солди. Қабристон жимжит эди. Фақат тепада нимадир шитирлади. Зухра бошини кўтариб қаради. Тут шохига чиройли бир мусича келиб қўнди. Тумшуғини патларига бир-икки ишқалаб, ку-кулади. Кўп ўтмай унинг ёнида иккинчи мусича пайдо бўлди. У ҳам бир-икки қанотини қоқди, шохлар орасидан бошини энгаштириб Зухрага қарандек бўлди.

— Бу ким? — сўради шеригидан.

— Танимадингми? — жавоб қилди олдин қўнган мусича. — Ёш умри хазон бўлган Фотиманинг эгизак синглиси Зухра.

Зухра уларни эшилди ва ҳайрат ичиди уларнинг гапларини кута бошлади. Қизиқ, нима дейишар экан яна? Нималарни билишар экан?

— Бечора анча ўзгарибди! Энди танияпман. Қандай шўх, қувноқ қиз эди!..

Иккинчи мусича бошини бир-икки силкитиб ўртоғига яқинроқ сурилди.

— Мен ҳам унга жуда ачинаман, — деди биринчи мусича. — Ёш бошига шунча ташвиш.

— Отаси, Фотиманинг дардлари етмас эканми унга?

— Ташвиш шуки, қотиллардан ўч оляпти. Биттасининг уйига ўт қўйди. Яна кўп ишларни мўлжаллаб қўйган.

— Покиза, ҳалол одамлар бундан хурсанд бўлишади, диллари ёришади.

Иккинчи мусича энгапиб Зухрага яна бир разм солди-да, гапида давом этди.

— Унга кўп одамлар ёрдам берди. Буни у ҳали бўлмайди. — Қиз бола бўлатуриб, отаси, опаси учун курашмоқчи экан, уни ёлғизлатиб қўйиш ёмон. Биз ҳам қараб турмайлик...

— Нима қилмоқчисан?

— Уни Фотима билан учраштиromoқчиман. У Фотимани кутяпти. Боя уйида Фотима уни чақирган эди.

— Фотима боя унинг хаёлида пайдо бўлди. Чакиргани йўқ. Фотима уни чақиргани ботинмаяпти.

— Нега?

— Қўрқитиб юбораман, деб ўйлаяпти.

— Йўқ. Зухра қўрқадиган қизлардан эмас. Фотимани, адасини кўриш учун у ҳамма нарсага тайёр. Мен биламан. Агар у қўрқадиган бўлса, бу ерга келармиди?

— Ундай бўлса эшит. Бугун Фотима ўз дугоналари билан уйига боради. Фотимага ўхшаганлар, бирорларнинг айби ва зулми билан ҳаётдан кўз юмганлар, ойига бир марта мажлис қилишади. Ўз уйларида қилишади. Бугунги мажлиснинг бекаси Фотима. Зухра уни, дугоналарини ҳам ўз уйида кўриши мумкин.

— Қандай қилиб кўради?

— Жуда осон. Ҳовлиниинг этагида катта бир туп ёнғоқ бор. Қизлар шу ёнғоқ тагида ўтиришади. Фотима ҳозир жой ҳозирлаяпти. Зухра қўлида ёқиғлик шам билан шу ёнғоқ тагига келиб, уч марта Фотимани чакирса, Фотима уни эшитади ва шу заҳотиёқ иккалови бир-бирини кўради.

— Қачон?

— Ҳамма гап шунда. Қизлар қуёш нурлари ой бетига тушиб, тун ойдин бўлганда йиғилишади. Биринчи хўрозд қичқиргунча базм қилишади. Зухра шу вақт ичида келса, Фотимани кўради. Фақат битта шарти бор. Зухра шу шартни бажариши керак. Фотима иложи борича ўзини осган жойни бориб кўргиси келади. Ингичка ипак арқонни қидиради. Зухра шу арқонни Фотимадан беркитиши керак. Мабодо топиб олса, бир дардига минг дард қўшилади..

— Топмайди! Беркитиб қўяман! — қичқирди Зухра.

Кушлар жавоб беришмади. Қанотларини ёзиб, биринки қоқишида-да, учиб кетишиди. Зухра улар ортидан қараб, қайси томонга учишганини кўролмай қолди. Ҳаяжонга тушиб турганида, дарвоза томонга кимдир чопиб ўтганини пайқади. Гурсиллаб қадам ташлашидан, қўлларини бесўнақай силкиб боришидан, бу Одамбой эди.

Уйга у қандай етиб келганини билмади.

...Енгил шаббода ҳовлиниинг деярли учдан бирига

соя ташлаб турган ғалвирак ёнгоқнинг йирик баргларини ҳилпиратиб турарди. Зухра ердаги сояга қараб туриб, кўзлари жимиirlашиб кетди. Шунда пайқади, ёнгоқнинг ости, умуман, ҳовли чиннидек топ-тоза эканлигини. Қачон супурди экан? У эслолмади. Аммо шу заҳоти эсига мусичаларнинг гапи тушди: «Фотима жой ҳозирлаяпти». Наҳотки, Зухра келгунича, у супуриб-сидириб кетган бўлса? Шунақага ўхшайди. Зухра «Фотима!» — дея чақиргиси келди-ю, аммо ўзини босди. Ҳали қушлар айтган шартларни бажариши керак. Бўлмаса Фотима келмаслиги, келса ҳам у билан кўришолмаслиги мумкин.

Ҳовли саранжом-саришта бўлса ҳам, Зухра атрофга синчилаб қараб чиқди. Ошхона, молхона томонларга ўтди. Беихтиёр кир арқонга кўзи тушди. Фотима ишлаттан арқон бошқа бўлса ҳам уни ечиб, ошхонага ўтди-да, тандир ичига ташлаб, оғзини беркитди. Анави ингичка ипак арқон қаерда экан? Зухра қидира бошлади. Қарамаган жойи қолмади. Бу орада қоронги туша бошлади. Зухра айвонга ўтиб, ҳовлининг, молхона, ошхоналарнинг чироқларини ёқди. Яна қидиришга тушди. Товуқхонанинг бурчагида бир нарса илондек бўлиб чўзилиб ётарди. Бу ўша арқон экан. Афтидан отаси Фотимани кўтариб, бўйнидаги сиртмоқни бўшатган маҳали уни қирқиб, алам ичига шу ёққа улоқтирган чамаси. Зухра уни олиб, ҳовлига чиқди. Юраги яна гурсиллаб ура кетди. У шундай кунлар бошига тушишини, ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Демак, одам ўлмайди, у мангу, бу дунёда йўқотганини у дунёда топади. Лекин ҳамма ҳам мангумикан? Умри бировларни эзиш, ҳақига хиёнат қилиш, алдап, зўравонлик билан ўтганлар ҳам мангуми? Асли эзилганлар роҳатда, уларни эзганлар эса азобда бўлишса керак. Шунда тарози тенг босади, шунда ҳақиқат рўёбга чиқади. Бировлар айби билан ёш жонига қасд қилган қизларнинг бутунги мажлисими Зухра шундай ҳақиқат деб тушунди.

Арқонни силкитиб, чангини қоқди. Уни ҳам тандир ичига яширмоқчи бўлди-ю, яна фикридан қайтди. Битта-яrimta тандирни очса, кўради. Қаёққа қўйишини билмай, айвонга олиб борди. Қаёққа қўйса экан? Икки қулочлик арқон ҳозир бутун хаёлини банд қилиб олган эди. Охири жой тополмай, сумкасига солиб қўйди. Энди ўзи билан олиб юради. Ҳар кўрганида сергак тортади. Танлаган йўлидан, қиладиган ишлари-

дан қайтмайди. Сигир маъраб, Зухра уни соғиш ло-
зимлигини эслади. Айвон четида тўнкариғлик турган
челакни олиб, молхонага югурди.

Ярим кечага ҳали анча бор бўлса ҳам, Зухра бето-
қат бўлиб ҳовлиқаётганини сезди. Нима қилиш ке-
рак? Нима чала қолди яна? Фотимани кўриши ростми
ўзи? Кўшларнинг гапини у ростдан эшигдими? Ё хаё-
лида эдими? Нима бўлса ҳам у кечаси қушлар айтган-
дек қилади. Уч жойдаги чироғдан ёришиб турган ҳов-
лиларини яна бир айланаб чиқди. Қачон йифиштириди
экан ҳаммаёқни? Қанча ўйламасин, эслолмади. Итти-
фоқо кўзи ошхона устунига суюб қўйилган хокандозга
тушди.Faқат Фотимагина шу ерга, шундай қилиб қўяр-
ди. Зухра эса айвонга чиқиладиган зинапоянинг орқа-
сига қўярди. Супургини ёнига ташларди. Мусичалар
тўғри айтишибди. Фотима келиб кетибди. Демак, ал-
батта бутун у дугоналари билан келади. «Фотима! Жон-
гинам! Қани энди, мен ҳам сен билан бўлсам?! Сен-
сиз, адамсиз эзилиб кетдим!..»

Зухра овози чиқмайдиган қилиб телевизор қўйди.
Яна қандайдир кино кетаётган экан, учирди. Уйга ки-
риб, қора атлас кўйлаги, бинафша ранг дуррасини
шкафдан олиб, каравот устига ёзиб қўйди!

Аста-секин ҳалиги оқариб турган юлдузлар ёна бош-
лади. Қовун тилимидек ой бир томондан олтиндек сар-
гайиб кела бошлиди. «Вақт бўлди, — деди ўзича Зухра
ва водопровод тагига бориб, шарқиратиб сувни очди-
да, оёқларини тутди. Муздек сув сескантариб юборди.
Аммо ёқди. Ҳаво ранг шоҳи кўйлагини ёқаларигача
хўл қилиб, мириқиб ювинди. Уйга кириб, ечинди, тай-
ёрлаб қўйган кийимларини шошмасдан кийди. «Шам
қаерда эди?». Бирпас ҳаяжонга тушиб, уйни қараб
чиқди. Эсига тушиб, тинглангандек бўлди. Жавоннинг
тортмасидан битта шамни олиб айвонга чиқди. Чироқ-
ларни учирниб қўйиши керакмиди? Кўшлардан шуни
сўрамабди. Улар ҳам айтишмади. Нима қилишни бил-
май, бирпас ўйланиб турди. Йўқ, учирмайди. Қоронги
бўлиши керак бўлса, шам ёқиб бор, дейишмасди. У
шам ёқиб боради-ку! Демак, чироқлар халақит бер-
майди. Шундай ўйлаб, у ҳовлида уч жойда ёқиғлик
турган чироқларнинг биттасини ҳам учирмади.

— Шамни ёқ! — деди кимдир. Овоз ўзиникимиди, ё
бошқа бирор айтдими, у фарқига етолмади. Аммо шамни
ёқди. Қизғиши олов унинг учидаги липиллаб ёна бошлиди.

Зухра уни шамол ўчириб қўймасин, деб, чап кафти билан тўсдию, битта-битта босиб ёнгоқ томонга юра бошлади. Ҳаммаёқ жимжит эди. Водопроводни яхши беркитмабдими, чакиллаб томаёттани қулогига чалинади. Беркитмоқчи бўлди-ю, аммо орқага қайтгиси келмади. Ўрикнинг тагидан ўтди. Бу ер ҳам жимжит эди. «Келишмаса-я?! — у хавотирланиб юришини секинлатди. Ёнгоқ остига етиб қолган эди. Яна икки қадам босса етади. «Худо! Ўзинг мадад бер!» — деб юборди ичида Зухра ва қадамини санай бошлади. «Бир!.. Икки!..» У тўхтади. Нима бўлса бўлди. Қушлар айттанини барибир қиласди. У шундай ўйлаб, шамни баландроқ кўтарди, ҳаяжондан бир-икки ютинди-да:

— Фотима! — деб чақирди бўғиқ овозда.

Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳаммаёқ жимжит эди. Ёнгоқнинг ҳар томонга кенг қулоч ёзган шохларида ҳам ҳеч ким кўринмасди.

— Фотима! Фотима! — чақирди яна Зухра.

«Уч марта чақирдим. Бўлармикан?» — хаёлидан ўтказди у ва атрофига қаради. Ёнгоқ ости секин-аста оқара бошлади. Ёнгоқнинг йирик баргларидан тушиб турган соялар ёйилиб, йўқ бўлиб кетди. Қандайдир қушларнинг қанот қоққанлари эшигилди.

— Зухра! Сингилгинам!..

Бу Фотиманинг овози эди. Зухра аланглаб атрофга қаради. Юраги дукирлаб ура бошлади. Аммо ҳеч кимни кўрмади. Бирдан қўлидаги шам сирғалиб тушди-да, ёнида, елкаси рўпарасида муаллақ туриб қолди. Шу пайт Зухра аввал Фотиманинг унга узатилган қўлларини кўрди. Кейин олдида чўғдек кўзлари, юзи пайдо бўлди.

— Фотима?! — қичқирди Зухра.

— Манман, Зухра, менман!

Бу Фотиманинг овози эди. Бир маҳал унинг қўллари Зухранинг қўлларини олиб, ўзига тортди. Фотиманинг ёқимли ҳиди димогига урилди. Зухра ҳозир юзи-юзига тегишини куттган эди, Фотима уни қучоқдамади, ўзига тортди-ю, лекин бағрига босмади. У ўша-ўша, Зухра ҳар куни неча марталаб кўрган гўзал, қора қош, қора кўз, юзларида доим табассум ўйнаб турадиган Фотима эди!

— Фотима! Жонгинам! Қанчалик хурсандлигимни билсанг эди!

Зухра шундай деб, ўзи уни бағрига босмоқчи бўлди. Аммо Фотима эътибор бермади, турган жойида қўллари билан унинг билакларидан ушлаганича тураверди.

— Мен ҳам, Зухра. Лекин мен сени кўраман. Кечалари кўзларинг бир зумгина илинганда кўраман, тепандга бўламан, соchlарингдан силайман. Сен буни билмайсан.

— Фотима унга меҳр тўла кўзларини қадади. Зухра бу кўзларни яхши танирди. Фотиманинг кўзлари эди улар. Лекин... Ҳозир уларнинг қорачиғлари чўғдек, қип-қизил бўлиб ёнарди.

— «Фотимами бу ўзи?! — кўрқув аралаш сўради ўзидан. — Нега қучоқдамоқчи бўлсам, истамаяпти? Нимага кўзлари қизил бўлиб ёняпти?»

— Хавотир олма, мен Фотимаман, — деди кулиб Фотима. — Кўзларимдаги қизил чўғ менинг бедор ўтадиган тунлардаги чироғимдир. Бағримга сени босолмайман. Чунки мен руҳман. Мени кўришинг мумкин, қандай бўлган бўлсам, шундай тасаввур қилишинг мумкин. Зухра, бутун менинг куним. Мен каби жабр кўриб, у ҳаётдан бегуноҳ кўз юмғанларнинг бугун мен бекасиман. Ҳар ойда бир марта биз каби аламдийда қизларнинг мажлисини қурамиз. Шу куни ҳеч ким ўз ўтмишини эсламайди. Фақат аянчли ўтмишнинг белгисигина қолади. У доим эгаси билан бўлади. Мана, қара, бўйнимдаги чизиқни кўряпсанми? — Фотима узун, нозик бўйнига тақиб олган гулчамбарни кўтарди. Зухра у чизиқни таниди. — Ҳа, бу чизиқ сиртмоқни излари. Сиртмоқни ўзим боғлаганман. Лекин мендақалар кам. Ҳинҷ, Суматра қизлари шундай қилишар экан. Қолганлар ўзларини ёқишади. Ана, қара, аугоналарим йиғилишяпти. Кўряпсанми уларни? Фаришталар менга айтишиди, қабристонга борган экансан бугун ҳам. Иккаламизга раҳм қилишиб, бизни учраштиришиди. Мен улардан жуда миннатдорман.

— Мен ҳам! — деди тўлиб Зухра.

— Ана, қара, — Фотима қўллари билан Зухрани даҳанидан ушлаб, юзини бурди. — Ҳали кўп бўламиз бирга. Фақат менга қарайверма. Қизларга қара. Кўряпсанми? Бўйинларига гулчамбар осиб олганлар менга ўҳшаганлар. Қолган қизларнинг юракларига қара. Оловдек ёниб турибди. Улар ўзларини ёқишган. Фақат ўзбек қизлари эмас, ҳамма оловбардор бўлган ҳалқарнинг қизлари ўзларини ёқишади. Улар кўп. Ёшига қараб гуруҳ-гуруҳ, бўлиб олганмиз. Кўряпсанми? Ҳаммаси гўзал, ҳаммаси бир хонадонни гуллатадиган қизлар, элининг гурури, элининг обрўйни бўладиган қизлар...

Зухра атрофга қараб, лол бўлиб қолди.

Ёнғоқнинг таги катта боғга айланиб қолган эди. Ўртада кўз илғамас баландликка сувлари отилиб, кумуш танталардек сочилаётган атлас ранг фаввора. Унинг атрофида, рангдор мармар тошлари кўриниб турган ҳовузчаларда камалактус ўрдаклар сузиги юрибди. Минг хил шакл, рангдаги гуллар орасида думларини ёйиб товуслар турибди. Ёнғоқнинг баланд шохларида турли-туман қушлар ўтиришибди. Улар ҳам базмга келган. Тўтилар, майналар...

Шундай ёнғоқнинг тагида ўтирган Фотима бир маҳал енгил чапак чалди. Бое оралаб юрган, қизлар, унинг атрофига йигилишиди. Кимдир юмшоқ болишга ёнбошлиди, кимдир арғамчи курсига ўтириб, тебрана бошлиди. Лекин ҳамма бир жойга тўпланди.

Зухра уларга қараб маҳлиё бўлиб қолган эди. Шундай чиройли, шундай қувноқ, кўзларидан доноликлари ҳам билиниб турган қизлар Фотимадек, ҳаётдан жуда эрта кўз юмган эдилар. Уларнинг оппок, ҳарир кўйлаклари енгил шаббодада титрар, юраклари ўрнидаги муштдек чўғ эса улар билан бирга тебранар ва қандай йўл билан умрларини қирққанларини билдириб туради.

Муножотни эслатадиган сехрли куй янграй бошлиди. Зухра ким чалаётганини кўрди. Юраги ловуллаб турган қизлардан бири эди у. Фотиманинг ёнида ёнғоқ танасига ёпишиб турган ёстиқقا суюниб, бешикка ўхшаган катта қутининг олтин торларини чертарди у. Кўп ўтмай куй ҳамманинг эътиборини тортди. Зухрани ҳам сехрлай бошлиди. Унда, бу куйга ҳамманинг нозик ҳистийгулари ўз аксини топган эди. У гёё майнин овозда ҳамманинг дардини айтиб йифларди, ҳаммага чидам, сабр-тоқат тиларди. Бирдан куйнинг оҳангига ўзгарди. Ҳозиргина дилларни пора-пора қиласай деган куй, момоқалдириқдек гумбирлаб кетди. Қанчадан-қанча ҳали ҳаёт завқ-шавқини кўрмаган қизларнинг дод-фарёди ҳаммаёқни тутиб, чақмоқ, чақди. Зухра сезиб турибди, чақмоқдан сўнг қуяилиб келган жала суви эмас, шу хўрланган қизларнинг кўз ёшлари эди. Куй яна ўзгарди. Жанговар тус олди. Бирин-кетин Фотиманинг, Зухранинг атрофида ўтирган қизлар ўртага тушишди. Ҳар ким бу жанговар куйни ўзича тушуниб, ўйнай бошлиди. Зухра умрида бундай алам ва ғазаб тўла раксларни кўрмаган эди. уни Фотиманинг ўзи ҳам ҳайраттга солди. Оҳиста, қўлларини зўрга кўтариб ўйин бошлаган Фотима қиличбозлиқда тенги бўлмаган афсонавий Рустамдек бўлиб кетди. Боягина қизариб турган кўzlари олов пуркаб

ёнди, қўллари олтин қилич бўлиб куй оҳангига мос ҳавони кеса бошлади.

— Зерикмадингми? — деди Фотима рақс тугагач, унинг ёнига келиб. — Энг қизиги ҳозир бошланади. Ҳинд ва турк дугоналаримиз ўйнайдилар. Биласан, улар ўз дардлари, орзуларини ўйинда ифода қиласдилар. Ҳамма шундай. Лекин буларники бошқача. Уларга ўйнагани йўл қўйишмаган. Ҳинд дугонамиз Приманинг оёқларини синдиришган. Зубейданинг эса отаси бўғиб ўлдирган.

Икки хил оҳанг, икки хил ўйин бир-бирига қўшилиб, шундай бир гўзал манзара пайдо бўлди, Зухра буни ҳеч қаерда кўрмаган эди. Иккала қиз ҳам бири-биридан чиройли, рақса бир-биридан нозик ва тенгсиз эди.

Фотима уларни бўйинларига ишора қилди. Зухра эзилиб кетди. Ҳудди Фотиманикидек, иккала қизнинг бўйинларида ўлим излари — қора чизиқлар бор эди.

— Бу кетмайди, — деди Фотима. — Бу излар доим биз билан. Шу чизиқлар, ловуллаб турган юраклар, биз чекккан дард, аламларни эслатиб туради.

— Фотима! Сени қийнаганлардан қасос оламан. Битасининг ўйини ёндиридим. Бу бошланиши.

— Биламан. Миннатдорман сендан Зухра. Лекин қўй, бу шаштингдан қайт. Мен уларни унутдим. Сен ҳам унуг.

— Йўқ. Уларни деб, сен ҳаётдан кўз юмдинг. Мен ёлғиз қолдим. Адам уларнинг қўлида азоб чекиб ўлдилар. Уларнинг яшашга ҳаққи йўқ.

— Кўй, Зухра. Билсанг, адам ҳам уларни унутдилар.

— Кўрдингми?

— Йўқ. Лекин юрагим айтиб турибди. Улар ҳам шундай дейдилар.

— Кўрасанми уларни?

— Кўраман. Бир-биримизни албатта топамиз. Кейин биргаллашиб ойимларни ҳам топамиз.

— Мендан салом айт. Зухра ҳар куни бизни ўйлайди. Биз билан гаплашади, де. Бизни жудаям-жудаям соғинган, де.

— Албатта айтаман, Зухра, сингилгинам, сен ўзингни асра. Улар кўпчилик. Ер юзида ҳали бойлар, камбағаллар бор экан, безорилик, зўравонлик бўлади. Сени ҳам менинг кунимга тушишингни истамайман. Адамлар учун, мен учун сен яшашинг керак. Бизнинг авлоддан ҳам бир зот қолиши керак. Сенинг бурчинг бу.

— Фотий! Қачон яна кўришамиз? Агар бугун қабристонга бормаганимда, сени кўрмасдим.

— Кўрадинг. Фаришталар сенга айтишарди.

— Ўша мусичалар фариштами?

— Ҳа. Фаришталар истаган шаклларига кирадилар. Биз ҳам. Мен тез-тез сендан хабар олиб турман. Мени кўрасан. Йиғлаяпсанми?

Фотима Зухранинг бошини силай бошлади. Унинг муздек қўллари ҳаяжондан бутун вужуди ёниб турган Зухрага ёқди.

Зухра вақт қандай тез ўттанини билмай қолди. Ой бети оҳиста оқара бошлади. Дараҳтлар шохларидағи қушлар сийраклашди.

— Зухра, шамингни ўчирсанг бўларди энди. Тонг отяпти. — Зухра овозни таниди. Ўша мусичалардан бири эди. — Фотима билан кўришдинг. Хайрлаш энди.

Зухра гап қайтармади. Аста-секин ўз шаклини йўқотаётган фаввора олдидаги қизлар билан гаплашиб турган Фотима томон юра бошлади.

— Зухра!

Фотима унинг қаршиисига югуриб келарди.

— Фотима! — Зухранинг юраги ҳаприқиб кетди.

XIII

Республика прокурори Қодир Алиевни маҳсус ишлар бўйича терговчи вазифасига таклиф қилганини ва Алиев рози бўлганини эшигиб, Исмоилов ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди.

— Энди ишлаймиз! — деди у Алиевга. — Қўлингиз энди ҳар қаёққа етади.

— Ким билади, — деди эҳтиётлик билан Алиев. — Бу ерда ҳам Султоновнинг ошналари чиқиб қолиши мумкин.

— Лекин прокурор кейинги пайтда нима билан шуғулланыёттанингизни билади-ку?

— Билар экан, — Алиев прокурор билан бўлган сұхбатини хаёлидан ўтказди. — Ҳаммасини билар экан. Кейин мен ўзим ҳам айтиб бердим.

— Нима деди? — қизиқди Исмоилов.

— Бу ишни охиригача етказмагунингизча бошқа иш билан шуғулланмайсиз, деди.

Улар университетнинг эски биноси олдидағи боғ ичида ўтиришарди.

Алиев ишдан бўшаганидан бери эрталаб, пиёда олти-

етти чақирим юришни одат қилган эди. Бугун ҳам у шу одати бўйича уйдан чиқиб, шу хиёбонга келиб қолган, қайтаёттанида Исмоилов билан дуч келган эди.

— Қачон ишга чиқасиз? — сўради у сигарета ту-татар экан.

— Бугун соат ўн иккида колектив билан таништи-ришади.

— Соат ўн иккида, — ўйланиб қолди Исмоилов ва соатига қаради. Кейин Алиевга бурилиб деди. — Уч соат вақтингиз бор экан.

— Нима эди? — қизиқди Исмоилов.

— Салоҳиддинова билан учрашиб келайлик?

— Улгурармиканмиз? Мен ҳали уйга бориб, бош-қатдан кийинишим керак.

— Шундай ҳам зўрсиз!

Алиев жилмайди.

— Йўқ. Уйга ўтмасам бўлмайди. Жуда бўлмагандар, галстук тақиб олай.

Исмоилов рози бўлиб, ишхонасига йўл одди. Алиев кетганидан бери вазирликка оёғи тортмай бораарди. Тузукроқ бир одам келишига умиదвор эди. Битта у эмас, бўлимдагиларнинг ҳеч қайсиси Алиевнинг ўрнига Сиддиқов, ташаббуссиз, қофозбоз, оғиркарвон одам келишини кутишмаган эди.

Собиржон ака ўзи билан бирга янги одам олиб келмади. Ким билади, балки Жалолов шундай масла-ҳат бергандир? Бўлимдагиларнинг ҳаммаси билан яхши муносабатда бўлишга, иложи борича уларнинг кўнглини олишга интилди. Лекин иш тўхтаб қолди. «Оч қорним, тинч қулоғим». Бу мақол унинг энг яхши кўрган ма-қоли ва ҳаёт дастури эди. Қизифи шўнқаки, у раҳбар-ларнинг кўпига маъқул эди. Уни ҳурмат билан тилга олишарди, ўқимишли, доно офицерлардан, деб ҳисоблашарди. Исмоилов буни бир неча марта сезди. Аммо ҳамма нарса таққослаганда яққол кўринади. Алиев кетганидан кейин ходимлар вазир ўринбосари катта хато қилганини кўрдилар. У билан Сиддиқов ўртасида осмон билан ердек фарқ бор эди. Капитан Раҳмонов, лейтенант Маҳкамовлар бўшаб кетишиди, ўринлари бўш қолди.

Исмоилов Алиевнинг бир кунмас-бир кун ишга ке-лишини яхши биларди. Лекин шахсан республика про-курорининг чақиришини хаёлига келтирмаган эди. Йўғонтепа воқеаларига вазирликнинг муносабати би-лан прокуратуранинг муносабати кескин ажralиб тур-

танини кўриб, у қувонди. Алиевнинг ўша ёққа чақирилганидан боши осмонга етди ва ичида у билан ишлайдиган одамларга рапшки келди.

Сиддиқов ходимларнинг биронтасига Йўғонтепа ишлари ёпиљди дегани йўқ. Лекин келганидан бери ҳеч кимни шу ишлар билан шоширгани ҳам йўқ. Кўлга туширилган юқ машиналари, рефрежераторлар билан ҳеч ким кутмаган ҳодиса юз берди. Кўкнорининг ҳаммаси — янчилгани ҳам, поялиги ҳам хўжаликка берилди. Ҳайдовчилар озод қилинди. Сиддиқов уларнинг қўлида химфармзаводининг наряди борлигини рўйач қилди. Юзаки қараганда, у ҳақ эди. Аммо капитан Раҳмоновни ҳам, Исмоиловни ҳам ўйлаттан саволлар шу қадар кўп эдики, ҳайдовчилардан ҳеч нарса суриштиrmай қўйиб юборилиши, Сиддиқов ҳақида оз бўлса ҳам дилларида бўлган илиқликини, ҳурматни мутлақо қўтариб ташлади. Алиевнинг гумони тўғри эканлигига яна бир марта ишонишиди. Йўғонтепада юз берган воқеалар, бегуноҳ, одамлар бошига тушган кулфатлар энди бу бўлимда очилмаслигига ҳеч кимда шубҳа қолмаган эди. Алиевнинг кетиши шунинг учун керак бўлганлигига ҳамма тушуниб етган эди.

Лейтенант Маҳкамов Одамбойни қочириб юборган куни, Исмоилов қўлига ғалати бир нарса — сопи фил сиягидан ишланган қилич тушган эди.

Маҳкамов билан борган иккита милиционер Одамбой гойиб бўлгач, боғдаги хоналарни қарашади. Милиционерлардан бири шу қиличини кўриб қолди. Унинг гапича, қилич тошойналик стол устида ётган экан. Кўзига ғалати кўриниб, томоша қилибди. «Жойига қайтариб қўйиш эсига келмай, ўзи билан олиб кетибди. Меҳмонхонага келишганда Маҳкамовга кўрсатади. «Автомат, тўппонча даврида қилич нега керак бўлиб қолди экан», — ўзича ўйлади Маҳкамов ва маслаҳат қилиш учун Исмоилов олдига кирди. Исмоилов қиличини кўриб, ҳангуга манг бўлиб қолди. Бу яқин орада ясалган қилич эмас эди. Уни ҳеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайдиган тарихий бир мўъжиза, деса бўларди. Эртасига ёқ, Тошкентта тушиб, уни Алиевга кўрсатди ва у билан келишиб, республика Фанлар Академиясининг археология институтига олиб бориб, шахсан ақадемик Салоҳиддинованинг қўлига тошириди. Сабоҳат опа Исмоиловдан кўпроқ ҳайратта тушди. У қиличининг тарихини билар экан. Қиличининг сўнгти эгаси Қўқон хонлигининг ҳарбий вазири ва лашкарбошиси Алимкул-

бек экан. Сабоҳат опа лупа билан қиличнинг соли ёнидаги ёзувни Исмоилов олдида ўқиди. «Бисмилла-ҳир роҳманир роҳийм. Ушбу шамширни қўлига олган дили, нияти пок одамга ҳазрати Али мададкор бўлсин!»

— Бу қилични биз кўпдан бери қидирамиз, — деди академик. — икки-уч кун муҳлат беринглар. Дуркент экспедициясини янгидан ташкил этамиз. Сўнгти экспедиция уруш бошланишидан олдин ишлаган эди.

Исмоилов институтта келганидан хурсанд бўлди. Сабоҳат опанинг гапларидан кейин қилич қандай қилиб Тепабоқقا тушиб қолганини, кимдан буни суриштириш лозимлигини ўйлаб кетди. Қизик, Тешабой Султонов қиличнинг тарихини билармикан?

* * *

Алиев ҳам шу учрашув хаёлида уйига борди. Машхур лашкарбоши ҳақида у эшитган, аникрофи ўқиган эди.

Лекин ҳозир унинг учун энг муҳим нарса республика прокурорининг бугун чиқарадиган буйруғи эди. Ҳошим Ҳасанов ундан тўрт йил бурун юрфакни битирган, прокурор назоратига тегишли ишларнинг энг пастидан, энг юқорисигача ўрганиб чиққан республиканинг обрўли аддия арбобларидан эди. Алиев иш юзасидан унинг ёрдамчилари, ҳамкаслари билан учрашиб турар, лекин ўзи билан кам мулоқотда бўлган эди.

Таништириш, одатда, узоқ давом этмайди. Лекин саволлар кутилмаганда тушиб қолиши мумкин. Масалан, нима учун муҳим бўлимни ташлаб кетдингиз ва ҳоказо. Вазирликдаги вазиятни сўрашлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Алиев ҳаммасини рўй-рост айтиши ўйлаб қўйди. Гаплари етиб борса, ўзларидан кўришсин. Лекин Йўғонтепа ишларидан кўп гапирмайди. Шубҳаларини прокурорга айтади, шу кифоя. Прокурор уни қувватляпти, шу катта гап. Энди унинг Сиддиқовга, вазир ўринбосарига ялинадиган жойи йўқ. Мустақил ўзи текшираверади. Улардан эса ўзи яхши билган, ишонган одамларни сўрайди фақат. Беришмасдан иложлари йўқ. Ҳа, Йўғонтепа ишлари янгича тус олди энди. Фақат, прокурор ҳақ. Ҳеч нарсада енгиллик қилиб қўймаслик керак. Улар кўпни кўрган одамлар. Ҳеч нарсадан тойишмайди...

Санобар унинг кийинишига разм солиб турарди.
Алиев кулди.

— Ҳа, янгидан хуштор бўляпсанми?

— Арзийсиз хуштор бўлсан!

У эрига яқинлашиб, елкаларидан қучоқлади. Галстугини тўғрилаб қўйди.

— Ишқилиб бу ишда қийналманг!..

Алиев индамади. Ойнага яна бир марта қараб, хотинини бағрига босди, пешанасидан ўпди.

— Нима овқат қиласай?

— Ош-да.

— Биринчи кунданоқ ётиб олманг у ерда. Вақтли келинг.

Алиев бошини қимирлатди. Кўп вақтдан бери у ҳеч бундай тинч, хотиржам эмас эди.

Беш дақиқаси кам ўн иккида у прокурор қабулхонасиға кириб борди. Котиба уни табриклаб, кичик залга одамлар йигилаётганини айтди. Бундай тантанали йифилишларни кўп кўрган бўлса ҳам, Алиевни ҳаяжон босди ва ичидаги яна бир марта Ҳасановга миннатдорчиллик билдириди. «Яхши одамлар кўп. Ҳақиқат албатта юзага чиқади», хаёлидан ўтказди у.

Таништириш узоққа чўзилмади. Ҳасанов билан иккалови залга кириб боришганида, одамларнинг қарашларидан ҳамма нарсани билишлари аниқ сезилиб турарди. Алиевнинг назарида уни «ёвқарааш» билан кутуб олган одам залда йўқ, эди.

Ҳошим Ҳасанов унинг ишларини қисқача таърифлади. Анчадан бери билишини айтди. Янги ишда ютуқлар тилади. Битта ҳам савол тушмади. Ҳасанов йигилганларга жавоб бериб, Алиевни иш жойигача кузатиб қўйди. Аппарат ходимлари олдида унинг бу ҳаракати эътиборсиз қолмади. Ҳамма Алиевнинг яхши мутахассислиги билан бирга, прокурорнинг чексиз ҳурматини қозонган одам эканлигини англади. Буни Алиевнинг ўзи ҳам сезди. Таништиришни шахсан прокурорнинг ўзи ўтказиши шарт эмас эди. Умуман, мажлис қилиб таништириш шарт эмас эди. Аммо прокурорнинг шундай муносабатда бўлганидан Алиев хурсанд эди. Албатта, уни қандай кутиб олишгани, прокурор нима дегани, кабинетигача кузатиб қўйгани прокуратурада ўрнатилган демократик тартиб билан бир қаторда янги терговчига бўлган ишонч ва ҳурмат эканлиги вазирликка етиб боради, айрим одамларнинг фашига тегади. Алиев Сиддиқовни, сўнг Жалоловни кўз олдига келтирди.

Хонада Ҳошим Ҳасанов яна Алиевнинг қўйини қисди.

— Ўн кун сизни безовта қилмайман. Ўн кундан сўнг ўзингиз Йўғонтепа воҳеаларини гапириб берасиз. Келишдикми?

— Келишдик.

Бош прокурор хайрлашиб чиқиб кетди. Алиев эшикни ёпиб, ёзув столи ёнига, янги жойига келиб ўтири. Хона вазирлиқдаги кабинетига ўхшаб кетарди. Дераза кўчага қараган, телевизор, учта телефон... Беихтиёр столнинг биринчи тортмасини очди. Унда янги блокнот, йиртма тақвим, Хитойнинг олтин пероли авторучкаси, бир кути рангли, бир кути қора қалам турарди. Кўз оддига прокурор қабулхонасидаги ўрта ёшли аёл келди. Унинг кулиб қўйганини эслади. Хонани тайёрлаб қўйган албатта ўша аёл бўлиши керак. Раҳмат унга. Диҳли аёлга ўхшайди.

Телефон жиринглади. Қайси бири бўлди бу учта телефондан? Учалови ҳам бир хил оқ, учаловининг ҳам рақамлар терилган доирасида давлат герби бор эди. Овоз энг четдагисидан келаётгандек бўлди. Адашмади.

— Табрикласам бўладими энди?

Бу Исмоилов эди. Алиев беихтиёр соатига қаради. Соат беш дақиқаси кам бирни кўрсатиб турарди.

«Бундай одамлар билан тонгни талқон қиласа бўлади!» — ўзининг собиқ ходимидан хурсанд бўлиб қўйди Алиев.

— Мен тайёрман. Сабоҳат опа боришимизни бўладими?

— Ҳа, кутяптилар.

Исмоилов билан улар археология институтига келишганда, институт директори билан академик Салоҳиддинова кутиб туришарди. Сабоҳат опа ўзида йўқ шод эди.

— Икки кундан бери ухлаганим йўқ, ҳаяжондаман, — деди у. — Ажойиб совға қилдиларинг биз тарихчиларга. Минг тўққиз юз қўирқ биринчи йили июнь ойининг бошида Йўғонтепада ўн бир кишидан иборат экспедиция ишлаган. Экспедиция раҳбари менинг эрим, раҳматли Маъруфжон Салоҳиддинов эдилар. Биласизми-йўқми, Тошкентни ўн икки тепа ўраб туради. Шулардан биттаси Йўғонтепа. Минг саккиз юз олтмиш иккинчи йили чор Россиясининг босқинчи қўшинлари билан Қўқон хонлигининг аскарлари ўртасида қонли жанг бўлган. Жанг шу Йўғонтепа пастидаги ялангликда икки кун давом эттан. Босқинчиларга қарши фақат хон аскарлари эмас, паркентликлар, тошкентлик,

қўқонлик, қўйинг-чи, ҳар қаёқдан келган кўнгиллилар ҳам қўтарилишган. Лекин катта-катта замбараклари, янги чиққан, узоққа, олти юз-саккиз юз метрга отадиган милицилари бўлган армияга қарши бизникилар нима қилиша оларди? Жуда кўп одам қирилган, рус солдатлари қуролсиз, фақат теша, болта, калтак қўтариб жанг қилган одамларимизга қойил қолишган. Ўша жангда «Қўқон хонлигининг ҳарбий вазири, лашкарбоши Алимқулбек оғир ярадор бўлади. Уни жанг майдонидан олиб чиқиб, қаёқладир яширишади. Бизгача етиб келган маълумотлар бўйича, қимматбаҳо қурол-аслаҳа, эгар-жабдуқ, лашкарбошининг дубулғаси, совути шу Йўғонтепадаги форларга яширилган. Маъруф ака экспедицияси кўп нарса топган. Уруш бошлиниб қолиб, иш тўхтатилган, тахмин бўйича, Алимқулбекнинг дубулғаси, қиличи Йўғонтепада бўлиши керак эди. Сизлар қилични топиб келдинглар. Демак, Маъруф аканинг тахминлари тўғри экан. Архивда Йўғонтепадаги қайси жойлар текширилгани ёзилган. Мана, директоримиз розилар, янги экспедиция уюштирамиз. Мен ўзим бораман. Иккита форга йўл ийқ. Бу форлар Кураманинг одам оёғи етмаган оралиғидан бошланади. Қаёққа олиб чиқади, маълум эмас. Шунинг учун иккита вертолёт оламиз. Гапга тушиб кетиб, сизларга чой ҳам қўймабман. Мен ҳозир.

Ёшлардек даст ўрнидан туриб эшикка чиқиб кетаётган Сабоҳат опани Алиев тўхтатди.

— Овора бўлманг. Чойни экспедицияда ичамиз. Ишингиздан хабар олиб турамиз. Биздан қандай ёрдам керак?

— Ҳозирча ҳеч қандай. Лекин экспедиция унумли бўлса, қимматбаҳо буюмлар чиқса, унда ёрдам берасизлар. Ўғри-пўғрилар биздан юлиб кетиши маслиги учун.

— Бўлти, — Алиев ўрнидан турди. — Вертолёт қачон берилар экан? Хабарингиз йўқми?

— Эртага ё индинга, — гапга аралашди директор. — Жой бор. Агар истовчилар бўлса, bemalol.

— Мен бораман, — деди Исмоилов.

Улар шунга келишиб хайрлашаётганларида телефон жиринглади. Директор трубкани олди.

— Ўртоқ Алиев. Сизни сўрашяпти.

— Алиев ҳайрон бўлди, прокурор ўн кун тегмайман, деган эди, нима бўлдийкин?

— Эшитаман, — деди у трубкани олиб.

— Ишлаш ўрнига, музейларда лақиллаб юраркан-
сиз-да, — деди йўғон эркак овози ва хаҳолаб кулди.

— Кимсиз? — ҳеч нарсага тушунмай сўради Али-
ев.

— Қулоқ сол, Алиев! — Йўғон овоз бирдан дўйқقا
ўтди. — Сени ишдан кетганингта хурсанд бўлган эдик.
Ақл кирибди, бола-чақасини, ўзини ўйлабди, деган
эдик. Сен одам бўлмабсан. Агар Йўғонтипа ишларини
ташламасанг, ўзингдан кўр. Бу охириги огоҳлантири-
шимиз. Агар қулоқ солмасанг, ўзингдан кўр.

— Мен нотаниш одамлар гапига қулоқ солмай-
ман, — деди Алиев имкони борича совуққонлик би-
лан. — Кимсиз, десам, жавоб бермаяпсиз. Учрашай-
лик. Нега учрашишдан қочасиз?

— Гапни чўзма, Алиев! — деди йўғон овоз. — Уч-
рашиш қочиб кетмайди. Аммо қачон учрашишни сен-
дан сўраб ўтирамаймиз. Бутун хотинингни қачон қўр-
динг?

— Нима? — Алиевнинг юраги дукиллаб уриб кет-
ди. — Тушунмадим. Қайтаринг.

— Хотинингни ҳали соғинмабсан. Соғинсанг. Ден-
дропаркдан қидир. Юмшоқ ўт устида мазза қилиб ётиб-
ди:

— Ярамаслар. Нима қилдиларинг?! — Алиев труб-
кага бақириди.

— Ўзингни бос. Хотининг ҳозирча омон. Лекин
билиб қўй. Бундан кейин аяш йўқ.

Йўғон овозли шундай деб трубкани қўйди.

— Тинчликми? — хавотирланиб сўради Сабоҳат
опа.

— Ҳозирча тинчлик. Кечирасизлар, менга рухсат.

Алиев шошиб эшик томон юрди.

— Мен ҳам сиз билан бораман. — Исмоилов унга
эрглаши.

Ўн беш дақиқада машина Дендропаркка етиб бор-
ди. Алиев шошиб тушаркан:

— Сен орқа томондан кир! — деди Исмоиловга.

— Машина бир силтаниб, жойидан қўзғалди.

Алиев сомсаҳонанинг ёнидаги чойхонадан ўтиб,
боққа кирди. Ҳаммаёқ жимжит. Боғда ёз бўлишига
қарамай, ҳеч ким йўқ эди. Одамлар асосан овқат пи-
ширилаётган жойда — чойхонада эди. Тахминан эллик
кишича чиқарди. Лекин уларнинг юз-кўзидан бирон
фожианинг гувоҳи бўлганлари билинмасди. Ҳамманинг
диққати чаққонлик билан оп сузаётган ошпазда, унинг

қўлидаги қапгирда, бир эгилиб, бир қаддини ростлаб узун чўмичда сомса узаётган қип-қизил юзли сомса-пазда эди. Шу ҳолатда биронта одам паркнинг ичида бирорни ўлдириб кетишса ҳам сезмасди, кўрмасди, қўпол қилиб айтганда, парво ҳам қилмасди. «Уришяпти, бир-бири билан», деб қўя қоларди.

Алиев негадир қозон ва тандир олдида тўдаланиб турган шу одамлардан хафа бўлди. Унинг хотинини қаңдайдир ярамаслар машинага босиб олиб келишса-да, боғда ҳеч ким бунга эътибор бермаса? Алиев шу хаёл билан одамлар ҳақида нотўғри ўйлаётганини билса ҳам, ўзини алам ва жаҳлдан тиёлмасди. Наҳотки биронта одам Санобарни кўрмаган, унга ёрдам бермаган бўлса?!

Сомсахона, чойхона ортда қолди. Деворлар, дараҳтларнинг тагида ҳеч ким кўринмасди. Нима деди? Юмшоқ ўт устида ётибдилар, деди. Ифлос! Қани ўша юмшоқ ўт? Алиев атрофга қаради. Боннинг орқа томонида нимадир қуриляпти. Пойдевори қазилган жойда тупроқ тоғ бўлиб ётибди. Шу томонга юрди. Аммо у ерда ҳеч ким йўқ эди. Шу тоб қулоғига кимнингдир инграган овоз эшитилди.

— Санобар?! — деб қичқириб юборди Алиев.

Девор тагида тарвақайлаб ўсиб кетган дараҳтнинг остида нимадир қимирилагандай бўлди. Алиев шу томонга югурди. Уч-тўрт қадам қолганда таниди. Кўк гулли қўйлагидан таниди. Санобар қўл-оёғи боғлиқ, хас-хашакка беланиб ётарди.

Алиев югуриб келиб унинг бошини кўтарди. Ҳайтовур кўзлари очиқ эди. Оғзига эса сариқ пакетга ўроғлиқ тўғралган сабзи тиқиб қўйилган эди. Алиевнинг биринчи қилган иши шу пакетни олиб ташлади.

Кейин ингичка илак арқон билан танғиб ташланган қўл-оёқларини еча бошлади. Санобарни йўтал аралаш йиғи тутди.

— Бўлди, бўлди, Санобар, жоним!.. Ўзингни бос. Тирик экансан, шу катта баҳт! — Алиев хотинининг боғланган жойлари, қабариб кетган қўллари, оёқларини силай бошлади. — Уришмадими?

— Йўқ, уришмади. Лекин Қодир ака, уришгандан баттар бўлдим. Нафасим қайтиб ўламанми, девдим. Ер юткурлар.

— Ким экан улар, билдингми?

— Йўқ. Лекин биттасининг оти Пўлат. Қулоғимга кирди. Кўрсам иккаловиниям танийман. Биттаси ёш.

Иккинчиси, боғлагани, оғзимга сабзи тиққани сиз тенги, қирқ-қирқ беш ёшларда. Гавдали, полвон одам. Қўнғиз-дек мўйлов қўйган. Вой, Қодир ака! Улардан ҳар балони кутиш мумкин. Бу ёққа олиб келишганда ўлдиришади деб қўрқдим. Биттасини, қаттасининг тўппончиши бор. Сизга ўхшаб қўлтиғида олиб юаркан. Ер юткурлар!

Санобар яна йиглай бошлади.

— Бўлди, бўлди, Санобар! Шукр қил, омонсан.

Алиев унинг елкаларини, бошини силаб, ўтқазди. Ўзи олдига чўккалади.

— Бир чимчилаб кўринг. Ростдан тирикманми? Ҳеч ишонмаяпман.

Алиев унинг елкаларини ушлаб енгил силкитди.

— Тириксан. Ўзингни бос. Санобар. Ҳозир уйга кетамиз. Дам оласан, ювинасан. Туш деб ўйла буни. Ёмон туш, деб ўйла. Айб менда, уйнинг эшигини икки қулфлик қилиб қўйишим керак эди. Шуни қилмадим. Қандай киришди айтгандек? Эшик очиқмиди?

Санобар эрининг саволларидан бир оз ўзига келди.

— Уйга келишгани йўқ. Уй қулф. Мен бозорда эдим.

— Бозорда? — Ҳайрон бўлди Алиев — Бозорда нима қилиб юрувдинг?

Шу пайт Исмоилов етиб келди.

— Соғмилар?

Санобар мажбуран жилмайди. У аста-секин ўзига кела бошлаган эди. Бунинг устига Исмоиловдан уялиб, ўзини анча босди.

— Кўрқмай-чи?! Бир кунда адойи тамом бўлдим. Мелисага хотин бўлмай мен ўлай!

Алиев Ўқтам Қўчқоровичга қараб кўзини қисиб қўйди. У алам ва ғазабга тўла бўлса ҳам, хотинининг сўнгти гапидан бир оз юмшади.

Мехр билан хотинига қараб, ўрнидан турди-да, қўлтиғидан кўтарди.

— Қаердан олиб кетишиди?

— Э, сўраманг. Айб ўзимда. Тўғралган сабзи олай деб, бозорга борувдим. Кийинганим ҳам йўқ. Чиқаётганимда иккита одам йўлимни тўсади. «Опа, сизни қидириб юрибмиз, — деди биттаси. — Уйингиз қулф. Қўшнингиз «бозорга кетдилар», деди. «Тинчликми? — деб сўрадим, юрагим уриб кетди. «Тинчлик. Қодиржон акам аварияга учрадилар. ТошМИдалар. Ҳавотир

олманг. Тузукла. Сизни кўрмоқчилар», дейишиди. Ҳеч нарсадан хавотир олмай, машиналарига ўтиридим.

— Қандай машина? Ранги қандай?

— Жигар ранг «Жигули». Ўтиридим...

Санобар бир йиғлаб-бир овуниб, бўлиб ўтган гапларни айтиб берди.

Машинага ўтиришганда, Санобар анчадан бери чанқоқ қийнаётганини эслади.

— Тўхтантлар! Битта сув ичиб олай!

У машинадан тушмоқчи бўлиб, эшикни очди. Аммо Исмоилов уни тушгани қўймади.

— Мен ҳозир!

Зум ўтмай у икки шиша «Фанта» кўтариб келди.

— Тошкент суви йўқ экан.

— Шу ҳам бўлаверади.

Санобар битта шишани олиб, оғзига тутди. «Ҳаёт қандай яхши!» — ҳаёлидан ўтди унинг. Бир соат бурун у ўзини лаҳатда ётгандек тасаввур қилган, эри келишига, уни озод қилишларига ишонса ҳам, бундай аҳволга тушиб, қўл-оёғи боғлиқ ётишини тушида ҳам кўрмаган эди. «Яшаш яхши. Қодир акам буни билиши керак. Айтаман унга. Рози бўлсин. Наҳотки ўша кўкнори ўлгур биздан афзал бўлса?!»

* * *

— Зухра Салимовани қачон кўрдинг охирги марта? — деб сўради машина деразасидан кўчага қараб сигарет чекиб кетаётган Исмоиловдан.

— Ўн кундан ошди. Ҳозир Тошкентда бўлса керак. Институттга хужжатларини топширяпти.

— Пединституттами?

— Шундай девди. Ҳозир билмайман. Уни биласизку, ғалатироқ.

— Яхши қиз, — деди Алиев. — Уни ёлғизлатиб қўймаслик керак.

— Унинг хаёли акасида. Гўё ўлигими, тиригими топилса, ҳамма нарса равшан бўлади. Оиласи бошига тушган фалокатлар сабаби очилади.

— У биздан хафа. Арзийди хафа бўлса. Битта ярамасни бундай қўлидан ушлаб, мана отангни ўлдирган, деганимиз йўқ шу пайтгача.

— Бекор ҳам ўтирганимиз йўқ, — ўзини оқлаган бўлди Исмоилов. — Ҳамма жиноятлар бир-бирига боғланиб кетганлигини унга тушунтириш қийин бўляпти. Боргим, ҳол-аҳвол сўрагим келади. Сизга ўхшаб, ха-

вотир ҳам оламан. Лекин борганимда шундай қарайдики, гёё мен қотилларнинг шеригиман. Жўрттага пайсалга солиб юрибман.

— Бечора нима қиссин? Сенга тиржайиб қарасинми?

Алиев эртагаёқ ундан хабар олишни, Тошкентда бўлса, уйига олиб келишни дилига тутиб қўйди. Нега телефон қилмади экан?

* * *

Зухра тинч эди. Лекин унинг шу кунлари қилган ишини биронта милиция ходими ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Дутонасининг илтимоси билан у ўн кундан бери Света билан бирга унинг холасиникида эди. Анна опанинг ҳеч кими йўқ эди. Олти сотиҳдан зиёд ҳовлиси бўлган тўрт хоналик уйида ёлғиз ўзи туради. У битта катта хонани ўзига хос машқ залига айлантирган, ён-атрофдаги ўн-ўн беш қизга каратэ усулларини ўргатар эди. Света билан Зухра аввал томоша қилиб ўтиришди. Кейин Анна опа уларни ўртага тортди. Зухра мактабда ўғил болалар қатори спортта қатнашиб юргани учун машғулот енгил кўчди. Ҳар куни кечқурун ётиш одидан шугулланадиган бўлди.

— Машғулот қўлдан ҳам кўра иродани мустаҳкамлади, — дерди Анна опа. — Биронта ярамас дўқ урса,вой, деб қочмайсан. Тик борасан. Баъзилар шу қарашингдан ниятларидан қайтишади. Қайтмаганининг гарданигами, биқинигами, кутилмагандан туширсанг борми? Кисавур, қиморбоз ҳалқи дўқ билан иш қўради, аёллардан-ку, ҳеч қаршилик кутмайди, ана шу пайтда сен ҳунарингни кўрсатсанг, у тамом бўлади-қўяди.

Анна опа яхшигина ўқитувчи ҳам эди. Зухра Светанинг гапига кириб, ётоқхона сўрамасдан, холасиникида турганидан жуда курсанд эди. Ҳужжатларни топширишди.

Уларнинг иккаловига Анна опанинг қандай яшаётгани, ҳукумат идораларига иши тушмай, ҳатто қариллик ғамини ҳам еб қўйганлиги жуда маъқул келган эди.

— Ўзинг учун ўл, етим! Ўзбекларда яхши мақол бор, — дерди кўпинча Анна опа. — Одам ўз ғамини ўзи ейиши керак. Шунда обрўни йўқотмасдан, амалдорми, бойвуччами, ҳамма билан баравар гаплашадиган бўлади одам. Бирорвга озгина бўйин эгдингми, тамом, умрбод эгилиб ўтасан. Мустақиллигинг, ихтиёринг ўзингдан кетади.

Бир куни у иккаловига узунлиги тахминан бир қарич келадиган чуст пичноғидан олиб келиб берди.

— Сумкаларингда доим шу турсин. Замонга ишониб бўлмайди. Бир хил аҳмоқ одам бир сўм учун ҳам ҳужум қилиб қолиши мумкин. Кейин, фира-ширада кўчада қолиб кетишларинг бор. Иккаловинг ҳам кўзга яқинсанлар. Фотиманинг куни бошларингта тушмасин. Қандоқ, ишлатишни кўрсатаман.

Анна опа чиндан ҳам пичноқ ушлашни, уришни, отишни ўргатди. У жуда мерган эди. Ўн қадамдан истаган жойни мўлжаллаб отиши мумкин эди.

Бир куни пичноқларини эмас, қўлларини амалда си nab кўриш имконияти пайдо бўлиб қолди.

Нима овқат қилишни ўйлаб, иккала қиз паловда тўхташди. Уйда памилдоридан ташқари ҳамма нарса бор эди. Кўкча бозорига икки чақирим ҳам келмасди йўл. Иккови Ҷелофан сумка олиб кўчага чиқишиди. Бозор ҳали гавжум эди. Олма нусха памилдоридан икки килограмм олишиб қайтишаётганида, битта қизча болалар аравачасида иссиқ, ҳали буғи чиқиб турган нон олиб келди. Света билан Зухра ҳам олмоқчи бўлиб яқин боришиди. Шу топ икки йигит келиб, уларнинг олдига ўтиб олишиб-да, қўполлик билан нон танлай бошлашди. Битта нон ерга думалаб кетди. Аммо йигитлар эътибор беришмади. Қизча югуриб бориб, нонни олди. Келиб, йигитларга узатди. Аммо улар қизчага эътибор беришмади.

— Неча пулдан? — сўради биттаси, ингичка мўйловлиси.

— Бир ярим сўм, — деди қизча.

— Бир сўм ҳам етади! — мўйлов қўйган йигит шундай деб бешта нон олди-да, беш сўм узатди.

— Кам бу, — деди қизча.

Йигитлар мазах қилиб кулишиб ва кета бошлашди.

Света чидай олмади. Мўйловли йигитнинг тирсагидан ушлаб, тўхтатди.

— Қизчани хафа қилманг!

— Сен кимсан? — мўйловли йигит бир силтаниб, тирсагини бўшатди-да, Светанинг кўкрагини чангallab, итариб юборди.

Света гандираклаб кетди. Зухра шу пайтда нон олаётган эди. Нонни қўйди-да, мўйловли йигитнинг олдига бориб, ўнг қўлинин зиҳи билан томографига урди. Йигит энтикиб кетиб, бошини эгди. Зухра худди шуни кутиб тургандек, чап мушти билан орқа миясига ту-

ширди. Йигит аввал чўккалади, кейин бошини ушлаб ёнига ағдарилди.

Қўлларини боксчиларга ўхшаб кўкраги устида туга бошлаган иккинчи йигит буни кўриб, орқага тисарилди. Бир зумда юз берган воқеадан у ҳайрон бўлиб қолган эди. Кейин бирдан ўзини Светага ташлади. Света яшин тезлигига энгашди. Йигит қўлларини чўзганича, унинг устидан ўтаман, деб йиқиди.

— Кетдик! — қичқирди Света.

Нон олишни қолдириб, иккалови ўз кўчаларига чопиб кириб кетишиди. Юз метрча ютуришганларидан кейин тўхтаб, орқаларига қарашибди. Ҳеч ким йўқ эди. Шундай бўлса ҳам улар тез-тез юриб, дарров уйга етиб келишиди. Киришлари билан эшикни занжирлаб олишди. Энтикиб, бирпас бир-бирларига қараб туришида-да, кейин ўзларини тутолмай кулиб юборишиди. Иккови ҳам ўғил болалар билан шундай уришиб, ғолиб келишлари мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган эди.

* * *

Света холаси кетиши билан шаҳарга тушиб чиқишини, жуда бўлмаса, институт томонга ўтиб келишни таклиф қиласади. Бир-икки кун Зухра бирга юрди. Кейин турли баҳона билан алоҳида юрадиган бўлди. Бекорчи одам, одатда, бозорни куннинг биринчи ярмида қиласади. Зокир, Тўхта қийшиқлар агар Тошкентда бўлишса, албатта, бозорга бир кунмас-бир кун тушишлари керак. Бекиниб юрганлари учун кун бўйи бекор. Демак, куннинг биринчи ярмида тушишлари мумкин бозорга. Акаси уларга ош қилиб берар экан, демак, ошни яхши кўришади. Уларни учта жойда кўриш мумкин. Нон бозорда, сабзи қаторда, гўшт қаторда. Эски шаҳар бозорида, нон қаторда уларни кутиш қулай эди. Зухра уч кун шу ерга келиб кеч киргунча турди. Зокир семиз кўринмади. Кейинги икки кун Олой бозорига бориб, сабзи қаторда айланиб юрди. Сабзишурушлар бу ерда қатор ўтиришарди. Эски шаҳар бозоридаги сингари бир кило, ярим кило қилиб қоғозга ўраб айланишмасди. Аммо бу ерда ҳам Зухра уларни учратмади. Кейин яна Эски шаҳарга, нон бозорга ўтди. Кейинчалик фақат шу ерга келадиган бўлди. Ун тақчил, нон дўконларида одам кўпайиб қолди. Зокирларни навбат кутиб, нон олишга албатта тоқатлари бўлмаслиги керак. Шу ерга келиб нон олади.

Қодир Алиевнинг хотинини ўғирлаб кетилган куни

Зухра ниҳоят ниятига етди. Тахминан соат бирларда қора түн, сидирға мош ранг дўппи кийган тўладан келган одам унга танишдек кўринди. У қоғоз пакетга янги келган патирдан олиб солаётганда, Зухра уни кўриб қолди. Ҳеч шубҳасиз, бу Зокир семиз эди. Унинг қўлида бошқа, гўштми, ёғми солинган қоғозхалта ҳам бор эди. Патирларни жойлаб, ҳисоблашди-да, гўшт қатор томонга юрди. Зухра унга эргашди. Гўшт бозордан тушганда, Зокир семиз бешикчилар дўконлари ёқалаб Сағбонга қараб йўл олди.

Зухранинг юраги дукиллаб юриб кетди. Зокир семизни бозордан чиқиб машинага ўтиради, деб кўркқан эди. Йўқ, у пиёда кетди. Икки қўлида иккита қоғоз халтани кўтариб борар экан, уни ҳеч ким энди ўттизларга борган қирчиллама йигит демас эди. Одамлардан, милициядан қочиб юришнинг ўзи бўлмаса керак. Зухра у таниб қолмасин деб, анча орқароқда юрди.

Уч чақиримча йўл босида. Зокир семиз тор кўча олдида тўхтадида, ён-верига қаради. Кейин шу тор кўчага кирди. Зухра уни йўқотиб қўймаслик учун югурди. Тор кўча бошига етиб келганда, Зокир семиз кўчанинг охиридаги битта машина кира оладиган икки тавақали дарвозани елкаси билан итариб очаётган эди. Зухра жойида қотиб қолди. Ҳайтовур, Зокир семиз орқасига ўтирилмай, ичкарига кириб кетди. Дарвоза ўзи секин гирчиллаб ёпида.

Зухра оҳиста юриб бориб, дарвоза олдида тўхтади. Ичкарига кириш хавфли эди. Орқасига қайтиб, милицияга телефон қилинми? Алиев ёки Исмоиловга телефон қилиши ҳам мумкин. Иккаловининг телефонлари сумкада. Йўқ, телефон қilmайди. Милицияга ҳам хабар бермайди. Аввал ўзи улар билан гаплашади. Шундай қасам ичтан эди, қасамдан қайтмайди.

У дарвоза тирқишидан ичкарига қаради. Чорси ҳовлининг тўри иморат эди. Кундузи бўлишига қарамай, битта хонада чироқ ёниб турибди. Шу хонада Зокир пайдо бўлди. Қўлларини пахса қилиб, ерда ўтирган одамга нималарнидир гапирди, кейин орқасига ўтирилиб чиқиб кетди. Қаёққа кетди? Зухра дарвоза тирқишида кўролмади. Бу ердан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Шунинг учун дарвозани секин итариб, қия очди, чап томонда, шундай дарвоза ёнида эшик ўрнига қоракуя юқи қоп тортилган ҳужра кўринди. Ёни ҳожатхона бўлса керак, тор фишт йўлкада обдаста турарди. Ундан кейин

тор айвоннинг кичик бир бўлаги кўринди. Нима қилиш керак? Уйда албатта Зокир семиздан ташқари яна бир одам бор эди. Ким у? Наҳотки Тўхта қийшиқ бўлса? Мантиқан у бўлиши мумкин. Иккалови доим бирга эди. Бу ерда ҳам бирга бўлишлари керак.

Шу пайт катта куч билан «ғийқ» этиб тор кўча бошида битта машина тўхтади. Зухра беихтиёр ўтирилиб қаради. Бу жигар ранг «Жигули» эди. Машина секин бурилиб, тор кўчага кирди. Зухранинг ичкарига киришдан бошқа иложи қолмаган эди. У қия очиқ дарвозадан кирди-ю, ўзини ҳужрага, қоракуя қоп орқасига олди.

Машина тўппа-тўғри шу ҳовлига келди. Дарвоза олдида тўхтади. Барваста, қўнғиз мўйловли бир одам дарвозани тарақдатиб очди-да:

— Зокирвой! — деб қичқирди ичкарига кириб.

Унинг овози худди арслоннинг ўкиришига ўхшарди.

Машина ҳовлига кирди.

Йўғон одам дарвозани ёпмади. Ҳожатхонага кириб кетди. Рулда ўтирган жиккак, ёш йигит машинадан тушиб, дарвозани ёпди.

Унинг бурчагидан, ўша томонда ичкари хоналарга ўйл бўлса керак, Зокир семиз кўринди. У капгир кўтариб олган эди. Демак, ўчақбоши ўша томонда.

— Келдиларингми? — деди у тиржайиб. — Эллик дақиқада паловхонтўра тайёр бўладилар. Еб кетасизлар. Ишлар қалай?

Жиккак йигит елкаларини қисди. Ҳожатхонадан чиққан йўғон одам унинг гапларини эшитган кўринади, жавоб қилди:

— Ҳаммаси мўлжалдагидек. Ота хурсанд бўлдилар. Мунча ошга ҳаялламасанг?

— Бозорда жиндек қолиб кетдим. Қўчкор сўйилаётган экан, шуни кутдим. Аммо-лекин мазза қиласизлар. Эллик дақиқа алаҳсиб турсаларинг бўлди.

Йўғон одам кўлларини ювиб, бурчакда фойиб бўлди. Ўша томонга жиккак йигит ҳам йўл олди. Зокир семиз бирпас ўйланиб турди-да, капгир билан пешасини қашиб, бурчакка кириб кетди. Кўп ўтмай, ўша томондан тутун чиқди, доф бўлаёттан ёғ ҳиди келди.

Ош бир соатдан кейин тайёр бўлади. Ейишиб бўлгандан кейин нима қилишади? Зухра ўзи нима қилмоқчи? Тўрт киши уни эзиб, Фотиманинг кунини бошига солишлари ҳеч гап эмас. Нима қилиш керак?

Зухра шуларни ўйлаб, аввало қоронги тушишини кутишга аҳд қилди. Ҳозир эса кетади. Уйга боради. Бир амаллаб кунни кеч қиласи. Йўқ, уйга бормайди. Борса, кечқурун чиқиши қийин бўлади. Анна опа, Света унинг қаёқса кетаётганини билмасликлари лозим.

У ҳовлига қаради. Кетмоқчи бўлиб, яғири чиқиб кетган қопнинг бир четини кўтараётганда бурчакдан жиккак йигит чиқиб келди. Машинанинг юқдонини очиб, бир яшик пиво, қандайдир ичимликлар солинган сумкани олди. Юқдонни ёпмай шуларни кўтариб, ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай қайтиб келди. Юқдондан яна нима балоларни қидириб, сўкинди. Кейин чўккалаб, машина рақамини еча бошлади. Зухра рақамни кўрди. Эслаб қолишга ҳаракат қилди.

Жиккак йигит рақамни ечиб бўлиб, бир чеккага қўйдиди, юқдондан бошқа рақам олди. Бирпасда тақиб қўйди. Кейин олдинга ўтди.

Зухра янги рақамни ҳам яққол кўрди. Буни ҳам эслаб қолди.

Жиккак йигит юқдон олдига келиб, уни ёпди. Ечиб олган рақамларни кўтариб, ичкари томон кетди. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Ўчоқбошидан қовурилаётган пиёз билан гўшт хиди келиб, димоқقا урилди. Капгирнинг тез-тез қозонга урилаётганда чиқадиган таниш овози эштилди. Машина рақамини алмаштирганларидан икки киши кетадиганга ўхшайди. Ошни еб кетишади...

Зухра кўчага чиқсанда, ҳеч кимни учратмади. Бу жуда тинч тор кўча эди. Афтидан бу ерда турадиганлардан камдан-ками кундузлари уйда бўлади. Ҳаммалари ё ишда, ё бозорда. Ҳаммалари ўзлари билан ўзлари овора. Уларни иккита нарса фақат бирлаштиради, йиғади. Ўлим ва тўй. Қолган пайтда ҳар ким ўз тириклиги билан шугулланади. Зухра шундай тахмин қилди. Тахмини тўғри эди. Ҳар бир ўзбек маҳалласида, кўча, тор кўча, боши берк кўчада аҳвол шундай. Ҳар ким ўз қозонини ўзи қайнатади. Биронвонида қарамайди. Ўзининг ўчогига ўхшаб, қўшнисиникидан тутун чиқиб турса, хурсанд бўлади. Кўпчиликнинг эътибори тутун, шовқин чиқиб турган хонадонда эмас, тинч, жимжит хонадонда бўлади. Ўйдагилар соғмикан? Бирон фалокат башларига тушмадимикан? Балки бир коса иссиқ, овқатта муҳтоҷлик бордир? Бирин-кетин шу жимжит уйдан ҳабар олишади, ёрдам лозим бўлса, ҳаммалари бирдан ёпирилиб ёрдамлашишади, осойишталик бўлса,

кўнгиллари тинчиб тарқалишади. Шаҳарда ҳам шундай, қишлоқда ҳам. Зухра буни болалигидан билади. Шунга барча ўзбек болалари сингари одатланган, қонига сингиб кетган.

Уйга бормасликка аҳд қилди. Кунни кўчада кеч қиласди. Кинога боради. Бозорга яқинлашганда қорни очганини сезди. Сумкасида икки дона қофозга ўроғлиқ Анна опа берган шоколад бор эди. Лекин егиси келмади. Иссик, гўшти нарсани кўнгли тусади. Ноң бозорга ўтиб, уйда қилиб чиқишағидан тандир сомсадан иккита олди.

Зухра овқатланиб бўлиб болалар театрининг олдинга келганда, телефон-автоматта кўзи тушди. Ишлайпти шекилли, трубкани илиб, бир киши будкадан чиқди.

Зухра нимани гапиришини билмаса ҳам Алиевга телефон қилишни ўйлаб, будкага кирди. Сумкасидан кичкина дафтарчасини олиб телефонни топди. Икки тийинлик чақаси йўқ экан, ўн тийинлик ташлаб, рақамни терди.

— Алло! Эшитаман! — эркак овоз келди трубкадан. Бу Алиев эмас эди.

— Менга Қодир ака керак эдилар, — сўради Зухра.

— Қодир ака, адамлар ишга кетгандар. Ким сўрапяти?

— Сиз ўзи ким бўласиз? — деди Зухра.

— Қизик, — трубкада кулги эшитилди. — Қодир ака адам бўлганларидан кейин, мен ким бўламан? Ҳар эҳтимолга қарши мени тўғри тушунишингиз учун айтишим мумкин. Мен Қодир ака Алиевнинг ўвли бўламан. Отим Равшан. Эшитяпсизми? Энди кимлигимни тушундингизми?

— Тушундим.

— Адамга нима деб қўяй?

— Адангизнинг қишлоқи бир танишлари бўламан. Келганларида исмимни Зухра деб айтсангиз таниб оладилар.

XIV

Тўхтамурод билан Зокирларнинг ошиғи олчи эди. Ота бало. Ўзи эктирган кўкнорини хуфя кўкнори тошилди, деб милицияни роса овора қилди, қидиртирмаган жойи қолмади. Уларнинг олдида ўзини кўрсатиб, бирга қидирди. Ўша кўкнорининг ҳаммаси энди

очиқдан-очик, ўзига қайтиб келди. Миллион-миллион пул бу. Ўшандан Тўхтамурод билан Зокирга беш мингдан чиқибди. Истроилдан бериб юборибди. Фатҳилла ака билан Пўлат албатта кўпроқ олишган. Савдо уларда. Тўхтамурод яна бир марта отага қойил қолди. Шерикларини унинг саломатлигига ичишга мажбур қилди. Ойига беш мингдан тушиб турса, мана, уч йил бўлди шунга, ёмонми?

Ошдан сўнг Фатҳилла ака, Истроил, жиккак Пўлат йўлга тушишди. Ота чақирибди. Истроилнинг онаси ёмонмиш. Ҳарҳолда кўришиб қўйсин, дебди ота. Бўлмаса уни Йўғонтепага бормагани маъқул эди. Лейтенант И smoилов уларнинг кетига астойдил тушган. Афтидан, Турсуновнинг кимлигини билиб қолди. Ўзи қидирялти. Турсуновнинг одамларига ишонмай қўйди. Шундай бўлса ҳам Истроил қишлоққа бориб келади. Иложи бўлса, онаси ҳарҳолда ўлмайдиган бўлса, гирапширадаёқ қайтади. Ўладиган бўлиб қолса, расво бўлади. Қўлга тушди деган гап. Эшик тагида туриши лозим. Жанозага қатнашиши зарур. Шуни ота билан кўришиб, маслаҳатлашади. Онасини қўйиб келишгунча аввало ҳеч ким унга тегмаслигини сўрайди. Қўйиб келгандан кейин қолиб кетишса бир амаллаб чиқариб олишни илтимос қиласи. Ҳаммасини ўзига олади. Ҳеч кимни айтмайди. Шунга яраша, тезроқ уни чиқариб олишларини, имкони бўлса, судгача чиқариб олишларини сўрайди. Отанинг қўлидан келади шундай қилиш.

Аслида улар билан Тўхтамуроднинг ҳам бориб келгани маъқул эди. Истроилнинг қамашларини кутиб ўтирмасдан. И smoиловдан кутилиш масаласини қўярди. Лекин ҳеч ким отанинг гапини иккита қилмаган. Истроил онасини кўриб кетсин, дебди. Бошқа ҳеч нарса демабди. Демак, ҳали сенлар чиқадиган пайт келгани йўқ, деяпти. Индамай ўтириш керак. Зокир Истроилдан уйга нима бўлганини, ўт ўзидан-ўзи чиқиб кетибдими, бир суриштиргин, деди. Тўхтамурод жеркиб берди. Уларнинг соғлиги, озодлиги олдида, эллик-олтмиш минглик уй нима бўлибди?! Ота янгисини кўтартириб беради. Зокир қаршилик қилмади. Йигитларнинг гапи тўғри эди. Отанинг измидан чиқмаган одам ютади. Ўзбошимчанинг аҳволигавой. Ўзбошимчалик қилиб Ҳамидулла нима бўлди? Йўқ у. Қаерда, нима бўлган унга? Фақат ота-ю, унинг буйруфини бажарган одам билади. Зокир семиз анчагина довюрак одам бўлса

ҳам, отага ҳеч тик боқолмасди. Отанинг кўзида жин бор, дев бор. Битта қарадими, тамом, тиззалари ўзи-дан-ўзи қалтираб, бутун аъзои баданинг қақшаб адо бўласан-кўясан. Уй нима бўлиби?! Омон бўлса, йигит киши бундай иморатдан беш-олтитасини қуриб юборади.

Зокир Фатҳилла ақаларни жўнатиб, дарвозани ёпар экан, соатига қаради. Коронги тушиши билан иккита жонон келади. Кеча келишиб қўйган. Аммо унинг дилини фаш қилиб келаётган бир нарса бор эди. У ҳам бўлса Исмоиловнинг Йўғонтепада ўралашиб қолгани. Ёш бўлса ҳам бу одам Алиевнинг нусхаси эканини у эшитган эди. Биринчи бўлиб уни мақтаган мактабдош дўсти мархум Ашурали мелиса эди.

— Зокир, — деган эди у. — Кўзинига қараб юр. Алиев билан Исмоилов келяпти. Уни кўп эшитганман. Пўлатнинг ўзи. Ҳеч ким уни қайириб ололмайди.

— Ота қайириб олмаган одам йўқ! — қўшилмади Зокир.

— Иннакейин биласан, мен якка эмасман. Кўрқадиган жойим йўқ.

— Мен айтдим-кўйдим. Ёлғизсан, биринчи жувонмарг бўладиган сен бўласан. Отанг ҳам, ошналаринг ҳам биринчи сени қалқон қилишади. Мана мени айтди дейсан.

Ашурали тўғри фол очмади. Зокир, мана, ҳаёт. Ашурали йўқ. Ёш-ёш болалари билан хотини қақшаб қолди. Отанинг айттанини қилиб, уларга қўшилганда Азимбекдек пичоги мой устида бўларди. Энг муҳими, омон бўларди. Унинг гаплари тўғри чиқмади-ю, лекин Исмоилов ҳақида айттанилари қулогида қолди. Исройлнинг онаси ҳақиқатан ёмон бўлса, оламдан ўтса, Исройл қўлга тушди, деган гап. Унинг қандайлигини Зокир яхши билади. Бояги гаплари ҳаммаси қуруқ олифтагарчиллик. Битта дўқдаёқ ҳаммани сотиб юборади. Биринчи галда уни. Зокирни сотади. Негаки, Зокирдан ҳеч нарча унга тушмаган. Иккалови тенг. Аяшига, чўчишига ҳожат йўқ.

Уйга кириб, Тўхтамуродга шу гапни айтди.

— Биринчи мени сотади у зиқна. Сиздан, Тўхтаака, қўрқади.

— Хавотир олма. — Тўхтамурод қўлидаги бўш пиёлани унга узатди. — Аввало билиб қўй, ота уни қаматтириб қараб ўтирумайди. Исмоиловнинг кетказиб юборса юборади-ки, уни қаматтириб қўймайди.

— Зокир, ўзингни бос, ука. Кемага тушганинг жони бир. Менга ишон. Ота биттамизни ҳам бераб юбормайди. Биз унга керакмиз. Яхши ишлайпмиз унга. Битта одамнинг жони йигирма беш минг экан унингча. Бу яхши ишлаганимиз эмасми?

— Тушунмадим, очиқроқ гапиринг, — Зокир унга тикилди.

Тўхтамурод илжайди.

— Беш мингни нимага олдинг?

— Нимага?

— Абдулла муаллимга!

— Бештамизга беш мингдан йигирма беш минг. Бу озми, қўпми?

— Билмасам? — елкаларини қисди Зокир.

— Оз! — Тўхтамурод пиёлани дастурхонга улоқтирди. — Оз! Лекин биз индамаймиз. Ота шуни билади. Чунки бошқа ҳеч ким бизга беш мингдан бермайди. Одамнинг қадри йўқ, ҳозир.

— Муаллимнинг отага нима алоқаси бор? Мен тушунмадим. Биз уни ўлдирмасак, у бизни ўлдиради. Ахир, қизи деб келди-ку бизникига?

— Қизи деб келди, тўғри, — энсаси қотиб тушунтирди Тўхтамурод. — Биз отанинг одамларимиз. Биттамизни ўлдирса, иш мелисага тушарди. Мелисада гапчувалашиб, отага бориб тақаларди. У муаллимни йўқотинглар, дегани йўқ. Лекин унинг йўқ, бўлганидан тинчили. Шунинг учун бизни уришгани йўқ. Қайтанга хурсанд қилди.

Зокир индамади. Тўхтамуроднинг мантиқига у барабири тушунмади. Дида у ҳамма шерикларидан, отадан хавфсиради. Уларнинг биттасига ҳам ишонмасди. Бўлар иш бўлди. Туман марказидаги ҳунар мактабига қатнаб юрганида бир ошнаси унга эговдан ясалган ханжарини кўрсатди. Узунилиги бир қаричгина келадиган олтиндек сап-сариқ ханжарни кўриб, Зокир ҳам шунаقا бир пичноқми, ханжарми ясашга аҳд қилди. Мактабда ҳамма нарса бор эди. Фақат ўқитувчилар кўриб қолмаса бўлди. Ўн кун дарсдан кейин қолиб, ўша ошнаси билан шундай ханжар ясадики, ўзининг ҳам ҳаваси келиб кетди. Сариқ темир йўқлигидан, унинг ханжари оқ, эди. Бир куни у мактабдан қайтёттанида, тўрттами-бешта ўзи тенги бола унинг йўлини тўсди. Болаларни у танимасди. Ниятлари яхшимаслигини башараларидан билди. Ошиқча пули йўқ, эди. Атиги беш сўмми-олти сўм пули бор эди ёнида. Беих-

тиёр ханжари ёдига тушди. Брезентдан қин қилиб, камарига осиб юрарди. Улар ханжарни сўрашди. Битта-яримта уларга айттан бўлса керак, унинг ханжари борлигини. Нима қилиш керак? Йўқ, деса, улар кўпчилек. Баравар ёпишиб, тортиб олишади. Дўйпослашади! Хўп, деб бериб юборишга эса алам қиласди.

Улардан қўрқсан бўлиб, ҳозир, деди-да, ханжарига кўл узатди. Шундай қинидан сугуриб энг яқин турган боланинг қорнига бор кучи билан урди. Бола инграб юборди. Зокир ханжарни сувурганда боланинг қорнидан қон фонтандек отилиб кетди. Зокир қўрқувдан нима қилишини билмай, орқага тисарилди, кейин мактаби томон қочиб кетди.

Эртаси куни уни милицияга олиб кетишиди. Ўша ерда ярадор боланинг ўлганини эшитди. Ўшанда у ўн тўрт ёшда эди.

Қамоқхона, колония, ахлоқ тузатиш лагерлари уни кўп нарсага ўргатди. Биринчи галда, осон пул топишга ўргатди. Ҳаётнинг қадр-қиймати куннинг қандай ўтишига қараб белгиланади, деган фикрни миясига қўйди. Куни ўтса бўлди, эртага худо подшо! У билан бирга бўлғанларнинг қонуни шундай эди. Зокир давлат тарбиячилари, назоратчиларининг қонунларини қабул қилмади, тақдири бир акалари, тенгдошларининг фақат бугунги кун билан яшаш ҳақидаги қонунларини қабул қилди. Озод бўлиб Дуркентга келганида. Тўхтамурод уни бағрига олди. Икки йил уницида турди. Тўхтамурод уйланган йили эса, участка қилиб чиқиб кетди. Тўхтамуроднинг тўйи куни у пешанасига шапати туширди. Юрагини гулгула босди. Қандай яшаёттанини ўйлади. У ўзидан норизо бўлди. Кўлида гулдек темирчилек хунари бўла туриб, нималар билан шуғулланаяпти ўзи? Кундузлари юриш йўқ. Кечалари ўғирлик молларни ташийди, йўл пойлайди. Кимларни дир олиб келиб, Тўхтамуродга рўпара қиласди. Шунга пул олади. Иш яхши унган куни зиёфат қуюқ бўлади. Ичкилик дарё. Зокир кўкнорига ҳам, нашага ҳам ўрганмади. Лекин Тўхтамурод нима қилса, шуни қилди. Ичди, юрди. Кўп пул топди. Лекин йифолмади. Пул қўлнинг кири, деб бекорга айтишмаган экан.

Тўхтамуроднинг тўйидан кейин ҳам нима билан шуғулланаёттанини ўйлади. Лекин ҳеч нарса қилмади: иродаси етишмади. Муҳими, бошқа иш билан шуғулланишга ҳеч ким йўл қўймасди. «Нарёқдаги» «поки-за» одамлар, давлат идоралари одам ўлдирган, ўгри,

қароқчига ишонмасди. Буни Зокир яхши биларди. Қамоқдан чиққан куниёқ билган эди. «Бериги ёқ»даги ўзига ўхшаганлар эса, уни бир қадам бўлса ҳам четта силжитишмас эди. Сал йўлдан тойдими, тамом, ўлдириб юборишлари ҳеч гап эмас эди. Зокир буни ҳам кўрган эди. Шунинг учун у ҳаммадан, у томондаги, ўз тили билан айтганда «покиза»лардан ҳам, ҳамтовоқларидан, устоз акахон, отахонларидан ҳам хавфсиради. Лекин иложи борича буни сездирмасди.

Тўхтамурод Фатхилла aka олиб келган пулларни «Абдулла муаллим» учун деб тушунтиргани билан Зокир унга ишонмади. Тўхтамурод қанча тушунтирмасин Зокирнинг миясига ўтиришиб қолган ўзининг мулоҳазаси бор эди.

У ота билан кам учрашган. Лекин унинг ўта муғомбир, ақлли, айёр одамлигини дарров пайқаган эди. Шунинг учун беш минг ўн кунлик югуриб-елиши эвазига катта пул бўлса ҳам уни қувонтирмади. Аксинча, унинг жуда секин, минг томонга алаҳсиб ҳаракат қиласидиган миясига бир фикр келди-ю, маҳкам ўрнашиб қолди. Энди уни темирчининг болгаси билан ҳам уриб, чиқариш амри маҳол эди. Унинг назарида, ота ниманидир эвазига уларни сотган эди. Бешаловини бўлмаса ҳам, Фотимани зўрлаганларни, Абдулла муаллимни ўлдирганларни, яъни Тўхта акасини, Исройлни, уни. Нега? Бунга ҳам Зокир ўзича жавоб топиб қўйган эди. Раис ота-болани нобуд қилғанларга шерик бўладиган анойи одамлардан эмас. Сағонга қаматтириб қўйгани — ўзидан четроққа ташлагани. Иккита ўлимни тан олиш аҳмоқлик. Шунинг учун пул жўнатгани — тек ўтиринглар, дегани. У ҳам Тўхтамурод билан Зокирдан қўрқадиган бўлиб қолган. Буни Зокир юрагидан сезади. Одамбойдан, Фатхилла акадан у қўрқмайди. Улар сотмайди отани. Тўхтамурод эпчил, уста бўлса ҳам сотқинлиги бор. Майдა-чуйда нарсаларда билиниб қолади. Зокир ўзини жуда яхши билади. Қўлга тушса биринчи сўроқдаёқ ҳаммани сотади. Нега? Чунки уларга ишонмайди. Улар қўлга тушишса ҳамма айбни биринчи галда Зокирга қўйишади. Қотил ҳам шу, ўғри ҳам шу, йўлтўсар ҳам шу. Буни Зокир билади. Бир куни ширақайф Тўхтамурод гап орасида очиқдан-очиқ шундай деб юборган ҳам. Бу Зокирнинг эсидан чиқмайди. Шунинг учун Зокир пулни олатуриб, хаёлга чўмиб кетган эди. Унинг назарида эркин қушдек тўрт-беш

йил юрганлари тугади, бугун бўлмаса, эртага уларни босишади. Ота ҳеч нарса қилмайди. Қайтанга, уларга қилмаган ишларини ҳам ёпишитиради.

Зокир шу хаёллардан қутилиш учун аёлларни ча-кырганини хурсанд бўлиб эслади. Ошхонага ўтиб, қозон кабобга керак бўладиган гўштларни, зира, пи-ёзни ҳозирлади. Кейин қозон ёнига қўйиб қўйган ароқ-дан тўлатиб бир пиёла қуйиб ичди-да, Тўхтамурод-нинг олдига келди. Тўхтамурол чалқанча ётиб, хуррак отарди. Зокир дёразаларни титратиб хуррак отаётган Тўхтамуроддан, ўзидан жирканиб кетди. Кўз олдига охирги гуноҳлари, Абдулла маулумнинг газабли ба-шараси келиб кетди.

Зокир яна тўлдириб бир пиёла оқидан ичди. Нега-дир унга ичкилик бугун таъсир қилмаётган эди. Ўчоқ-бошига бориб, газни ёқди. Қозон қизиши билан зира сепиб қўйилган қовурғаларни битта-битта тера бошлади. У овқат ейищдан ҳам кўра овқат қилишни яхши кўрарди. Бояги ош ҳам яхши бўлди. Бир косагина қолди. Беен киши бир ярим килолик ошни тит-питини чиқариб еб ташлашди.

Гўштни териб бўлиб, қозон тагида жизиллаган то-вуш чиқиши билан сопол лаган билан ёпди, устидан тахта тувоқни бостириб қўйди. Қирқ дақиқадан кейин очса бўлади. У соатига қаради. Тўртдан чоракта ўттан эди. Ҳозир қизлар келади.

Шу пайтда у яқин орада бир бало юз беришини, ота уларни бу ерга қамаб қўйиб, фалокатга ўйлиқти-ришини қандайдир ички бир сезги билан сезган бўлса ҳам, фалокат оёғи остида турганини ва уни ким бошлаб келишини билмасди. Зухранинг келишини эса хаё-лига ҳам келтирмасди.

* * *

Зухра кинотеатрга борди. Одам кам бўлганлигидан орқа қаторнинг энг четига бориб ўтирди.

Зухра кирганига ачинмади. Фильм воқеаси шу кун-ларда Америка Қўшма Штатларида юз беради. Ёшгина негр қизи онаси билан магазиндан чиқаётганида, ик-кита полиция ходими уларни тўхтатади. Онаси ҳайрон бўлади. Полиция ходимларидан биттаси уни ўғрилиқда айбланаётганини айтиб, полиция идорасига бориши ке-раклигини талаб қиласди. Онаси, қизимни уйга қўяй-лик, кейин майли, бораман, лекин бу қандайдир анг-лашилмовчилик, дейди. Полиция ходимлари рози бўла-

дилар. Қиз уйда қолади. Аммо туни билан мижжа қоқмай чиқади. Онаси келмайди. Эрталаб у онасини қидириб, полиция идораларини айланба бошлайди. Онасини олиб кеттган полиция ходимларини қидира-қидира топади. Аммо улар бундан тонадилар ва қизни идорадан ҳайдаб чиқарадилар. Унинг бормаган жойи, мурожаат қилмаган одами қолмайди. Аммо ҳеч ким уни эшитмайди. Охири президент қабулига ёзилади. Бир неча кундан кейин президент ёрдамчиси уни қабул қиласди. Эшитиб, ёрдам берамиз, дейди-ю чиқиб кетаёттанды «иккинчи бу қизни киритманглар», деб телефонда буйруқ беради. Қиз буни эшитиб қолади. Уйга келиб, ўзини осади.

Зухра кинодан йифлаб чиқди. Камбағал, қўли қалта одамга ҳамма ерда қийин экан. Жаннат деган ўша Америкаларида одамга муносабат шундай бўлгандан кейин... Зухра бундан буён нима қилиши кераклигини дилига тутиб қўйди. Йўқ, у негр қизга ўхшаб ўзини осмайди. Ҳақиқат йўлида қурбон бўлиб кетса-да, ҳеч кимга ялинмайди. Қурбон бўлса, тезроқ Фотимага етишади, адаси, онасини кўради.

Зухра сумкасини очиб, овлолган нарсаларини бир кўздан кечириб қўйди. Гугурт, кичкина целофанда авиа-бензин, эssa отиладиган совуқ кўпик, бир боғлам ингичка ипак арқон — ҳаммаси жойида эди. Анна опа совфа қилган пичноқ ҳам шу нарсаларнинг тагида ётарди.

* * *

Зухра дарвоза эшигини секин итарди. Эшик занжирлоғлиқ эди. Қия очилди-ю, занжири тортимиб қолди. Зухра чап қўлини секин сукди. Билагигача борди қўли. Ишқилиб, илгақдан чиқаролсин-да. Қулф солиб қўйилган бўлса, эплай олмайди. Унда ошиб тушишига тўғри келади. Тимирскилаб кўрди. Йўқ, қулф солинмаган экан. У эҳтиётлик билан занжирнинг учини илгақдан кўтара бошлади. Аммо бутунлай чиқаролмади. Илгакнинг боши кенг эди. Охири йўлини топгандай бўлди. Билагини бурмасдан занжирнинг сўнгги ҳалқасини итарган эди, занжир илгақдан чиқиб, ширин, этиб пастга тушди. Зухра ҳеч ким эшитмадимикан деб, бир-пас кутиб турди. Йўқ, сезишмади. Аммо уйда одам борлиги аниқ эди. Уч жойда чироқ ёқиб қўйилган эди.

Зухра ичкарига секин кириб, эшикни занжирлади ва дарҳол ҳужрага ўтиб олди. Шу ердан бутун ҳовлини, айвон ва уйнинг бурчагидаги ошхонагача кузатиш

мумкин эди. Айвон томонда эшик очилгани ва оёқ шарпаси, кейин аёл кишининг кулгиси эшитиљди.

Зокир аёлни қучоқлади. Иккови бирпас шу ҳолда туришди-да, сўнг гандираклаб ичкарига кириб кетишиди. Зухра хужрадан чиқиб, уйга яқинлашди. Дераза ёнига бориб, оқ суруп парданинг тепасидан ичкарига мўралади. Аёлнинг шериги Тўхтамуроднинг тиззасида ўтиради. Тўхтамурод сигарет тутатиб, унга нималарни дидир гапирарди. Зокир билан кирган аёл ерга ёзилган дастурхон устидан коњяк шишасини олиб, иккита пиёлага қўйди. Биттасини ўзи олиб, иккинчисини Зокирга тутди.

Зухра деразадан кўзларини олди. Нима қилиш керак? Шу туришларида ёқиб юборсинмикан? Ё аёлларнинг кетишини кутсинми? Уларнинг ким, қандай бўлишларидан қатъи назар, Зухра уларга ҳам ачинди, ҳам жирканиб кетди. Уларда уят-номус йўқ экан. Бирга, бир хонада шу иш билан шуғулланишлари уларни ҳар нарсага тайёрликларини биљдириб турарди. Шундай бўлса ҳам, Зухра кутишга қарор қилди-да, ошхонага ўтди. Бу ерда ҳам табиий газ йўқ эди ҳали. Иккита қизил баллон турарди. Ҳовлидаги чироф ёруғида ошхонадаги ҳамма нарса аниқ кўринарди. «Керосин бормикан?» — ўзича хаёлидан ўтказди Зухра ва атрофни синчиклаб қараб чиқа бошлади. Йўқ, йўққа ўхшайди. Нима бор экан? Газ плитанинг ёнидаги стол устида уч-тўртта шиша кўринди. Бу пахта ёғи эди. Биттаси очиқ, озгина ишлатилган. Шу шишани олиб, Зухра дераза ёнига қайтди. Ичкарига қарамай, токчага қўйди. Ҳаммасини қўйди. Ёғ сизилиб токчадан деворга, девордан йўлкага оқиб тушади бошлади.

Зухра иккинчи шишани бориб очди. Айвонга кўтарилиб, ичкари уй эшигига шиша оғзини тутди. Ёғ се-кин эшик зихларидан оқиб полга тушди. Эшик таги бирпасда қорайди.

Шу пайт, кутилмаганда, эшик очилди. Зухра шошиб, ўзини четта олди. Оёқяланг Зокир ёғдан тийфониб, гурс этиб айвонга йиқилди. Болаҳонадор қилиб сўқинди. Зухра бундай бўлишини, Зокир ўзи чиқиб, оёғи остига йиқилишини кутмаган эди. Аммо фикри ўқдай ишлаб, сумкасидан яшин тезлигида ипак арқонни олдида, бир силкитиб ёзиб, иккала тирсагига тиравиб туришга интилаётган Зокирнинг тепасига келди. Аввал қўлларини боғлади. Кейин арқонни тортиб, оёғига ўтди.

— Нима қиляпсан? Турғазмоқчимисан? — чайналиб, тили келишмай сўради Зокир.

— Турғизмоқчиман! — деди секин Зухра ва оёқларини бир-бирига чандий бошлади.

— Айнанай сендан! Вой! Оғрітвоссан-ку оёғими! — йиғламсираб ғингшиди Зокир.

Нима бўлайётганини у ҳамон тушунмас эди.

— Ҳой! Қаёқда қолиб кеттийз?!

Ичкаридан боя ҳовлига тушган аёл чиқди. Унинг ҳам афти-башарасига қарашга одам уяларди. Аёл ерда чалқанча ётган Зокирни кўриб тўхтаб қолди. Зухрани кейин кўрди. Кўрди-ю, ҳеч нарса демай, орқасига ти-сарила бошлади.

— Тўхтанг! — буюрди дўқ билан Зухра. — Ҳозир бу уйни милиция босади. Дарров кетинглар. Чақиринг ўртоғингизни!

Зухра аёллар чиқиб кетгач, эшикни занжирлади. Айвонга чиққанида, Зокир пишиллаб ухларди.

Зухра ундан жирканиб кетди. Шундай бўлса ҳам унинг оёғи томонга ўтиб, сумкасидан пичоқни олдида, арқоннинг ортиқчасини Тўхтамуродга атаб қирқиб олди. Кейин Зухра ўша хонага қадам қўйдию қотиб қолди. Яланғоч Тўхтамурод эшикка тикилганича, чордона қуриб ўтиради.

— Кел, келавер!..

Зухра унинг қарашидан, гап оҳангидан Зокирга ўхшаб фирт маст эмаслигини пайқади.

— Ўртоғинг қани?

— Шўтта.. Ҳовлида.. — деди Зухра ва нима қилиши кераклигини ундан кўзини узмай ўйлай бошлади.

Биринчи галда пичоқни олиши кераг-ов. У секин сумкасини кўйлаги билан сидириб орқасига сурди. Очиб, пичоқни олди. Лекин қинига солиб қўйган экан, қин тўп этиб, ерга гилам устига тушди. Буни Тўхтамурод сезмади. У кўзларини унинг юзидан узмай тикилиб туради. Афтидан у пичоқни олганини ҳам сезмади. Зухра аввал ҳайрон бўлди, кейин тушунди. У Зухрани танимади. Иккинчи аёл, деб ўйлади.

— Сен қачон келдинг? — сўради Тўхтамурод жойидан қимирламай. — Сани биламан. Кўрганман. Шу уйга келгансан. Келгансан?

Зухра индамади. Секин унга қараб юра бошлади.

— Кел. Келақол. — Худди шуни куттганцек кўлларини ёзib чақирди Тўхтамурод ва бирдан сакраб ўрнидан турди.

У нимадандир қўрқиб кеттан эди. Аммо оёқда ту-
ролмади. Ёстиққа уралашиб йиқиди.

— Сани, қаерда кўрганман? Айт, кимсан?

Тўхтамурод ўрнидан туришга интилиб эмаклай
бошлади. Шу ҳолида у бесўнақай бир ҳайвонга ўхшаб
кетарди.

— Мен Фотимаман!

Зухра шундай деб юборганини ўзи сезмай қолди.

— Сен ифлос қийнаб ўлдирган Фотима бўламан
мен. Ўч олгани келдим энди.

Тўхтамурод тахта бўлиб тили гапга келмай қолди.

Зухра шундан фойдаланди. Кўлларини орқасига
қайириб боғлаб ташлади.

Унинг кўнгли ағдарилиб-ағдарилиб кела бошлади.
Бир кўнгли, югуриб чиқиб кетгиси келди. Лекин ўзи-
ни тутди. Энди ёқиш керак бу уйни. Ёқиш керак!..

... Кўкчага қайси кўчалардан, қандай етиб келгани-
ни билмай қолди. Тўхтамурод чиқолганмикан уйдан, ё
қолиб кетдимикан? Кап-катта одам, ўлибдими оловни
сезмай? Эмаклаб бўлса ҳам чиққандир? Шундай ўйлаб
бораётган Зухранинг кулгиси қистади. Агар уйга ав-
вал қўшилар киришган бўлса, иккита шармандани
кўриб роса сўкишган бўлса керак? Маҳалладан кўчи-
риб юборишлари аниқ. Лекин қочиб улгuriшган бўл-
сачи?

Зухра Анна опанинг уйига етай деганда, шу хаёлга
бориб қолди. Қочиб кетишича чиндан ҳам?

У орқасига қайти. Кўкча бозорчасининг олдида
телефон-автомат бор, Исмоиловга ёки Алиевга теле-
фон қилади. Кимлар оёқ-қўли боғланиб, ёнаётган уйда
ётганлигини айтади.

У телефон тераётган жойида тўхтади. Йўқ, телефон
қилмайди. Уй ёнаётганини, отасининг қотиллари ўша
ерда эканини у қаердан билади? Айтса, ўт қўйган у
бўлиб чиқадику?

Зухра телефон қилмади. Қочиб кетишича ҳам энди
уларни топиш қийин эмас.

Света хавотирланиб эшикни очди.

— Энди кўчага чиқмоқчи бўлиб турувдик! Қаёқда
қолиб кетдинг?

— Кейин айтиб бераман. Ҳозир ўлгудек қорним
оч.

Зухра ҳовлига тушиб, водопровод тагида уч-тўрт
қайта атир совунда қўлини ювди. Зокир билан Тўхта-
муродни қандай ахволда кўрганини, ҳозир қандай ёт-

ганини эслаб, яна кўнгли ағдарилиб келди. Муздек сув ичиб, ошхонага борди.

Анна опа Тошкентча ошга уста эди. Бу гал озгина нўхот ҳам солибди. Зухра кеч келганидан уялди. Роса уни кутишганга ўхшайди. Лекин мазза қилиб ошни еди. Бир сиқим ҳам косада қолмади. Анна опа хурсанд бўлиб кетди.

— «Тақсим»га олиб бораман, деб қўювдим ичимда сизларни. Яқинда битта ансамблъ келар экан. Билет заказ қилиб қўйдим. Борасизларми?

— Бўлмаса-чи! — деди холасини қучоқлаб Света. — Кўп эшиттанман шу клуб ҳақида. Бориш керак. Сен-чи?

— Мен ҳам жон деб бораман, — деди Зухра ва сумкасида шу клубнинг қофози борлигини айтди. Дарров олиб, Анна опага узатди. Анна опа кўзойнагини тақиб, «визитка»га тикилиб қолди.

— Менимча, бу клуб аъзосининг ҳужжати. Номери ҳам ёзиб қўйилибди. Уч юз етмиш бир. Шу ҳужжат билан клубга bemalol ҳар доим кириш мумкин. Бегоналарга бўлса кириш чегараланганд. Кириш нархи ҳам қиммат. Бу кимнинг ҳужжати? Сеникими, Зухра?

— Йўқ, акамнинг хонасидан чиқди.

— Демак, акант клуб аъзоси бўлган.

— Билмадим, — Зухра ўйланиб қолди. — Йўқ, акамники бўлмаса керак бу ҳужжат. Агар акам клубга аъзо бўлганида билардим. Тўхтанг! Нега қоғозда фамилияси ёзилмаган? Одатда, аъзолик билетида фамилия туради-ку? Бунда фақат рақам.

Анна опа ҳам бунга ҳайрон бўлди. Дарҳақиқат нима учун фамилия ёзилмаган? Бунда бир сир бўлиши керак, ё бўлмаса, бу бошқа нарсанинг рақами. Қанча одам аъзолигини ҳам билдириши мумкин бу рақамлар.

— Яхшиси, бориб кўриш керак, — таклиф қилди Света. — Зухра, ўзинг бориб кел. Биласан, қўясан. Ансамблъ келганда ҳаммамиз бирга борамиз.

Бу гап Анна опага маъқул келмади.

— Мен олиб бораман. Биронтанг у клубга ёлғиз бормайсан.

Қизлар рози бўлишиди.

— Қани, энди айт-чи, қаёқда сандирақлаб юрувдинг? — сўради Света ётишгач.

Зухра бошини кўтарди.

- Ҳеч кимга айтмайсан, хўлми?
- Ҳўл.
- Ман Фотимани зўрлаганларни топдим. Кун бўйи шуларнинг кетида юрган эдим. Ҳозир Зокир ва Тўхта қийшиқ турган уйдан келяпман.
- Қаерда экан?
- Энди уларнинг уйи йўқ.
- Нега? — ҳайрон бўлди Света.
- Ёниб кетди, — деди хотиржамлик билан
- Зухра. — Ҳозир ҳам ёнаётган бўлса керак.
- Сен қаердан биласан? Нега ёниб кетади?
- Мен ўт қўйиб келдим.
- Сен-а?
- Ҳа.
- Шу гапдан кейин Светадан ҳеч нарсани яширишга ҳожат қолмаган эди.
- Зокирнинг Йўғонтиепадаги уйига ҳам мен ўт қўйганман.
- Вой! Зухра! Нималар деяпсан ўзинг? Қўрқмайсанми?
- Света ўз қаравотидан тушиб, ерда ётган Зухранинг ёнига келди. Ёнига ётиб, қучоқлади.
- Йўқ, қўрқмайман. Бошида қўрқувдим. Энди қўрқмайман. Бугун, ҳатто уларни ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Қўрққаним йўқ. Адам учун, Фотима учун, акам учун ҳам ўч олишга қасам ичганман.

* * *

Зухра Фотиманинг қабрлари тепасида ўтирганида бир одам уни кўриб, қочганини эслади. Унинг назарида ўша одам Одамбой эди. Одамбой ундан қўрқиши керак. Нега қочди бўлмаса? Толиб полвоннинг гапи тўғрига ўхшайди. Акасини у ўлдирган. Аммо ўз ихтиёри билан эмас. Кимdir унга буюрган. Ким? Зухра кимлигини узоқ ўйлаб ўтирмади. Акасини ўлдиришни буюрган Тешабой Султоновдан бошқа ким бўлиши мумкин? Албатта, ўша. Лекин буни Одамбойнинг ўзидан сўраш керак. Акасини у ўлдирмаганда, ундан қочмасди. Зухрадан чўчиган. Тагин уни қабристонда кўрди. Фотима, Зухра, Ҳамид акаси — учалови бир-бирига жуда ўхшаб кетишарди. Одамбой шундан чўчиган — Ҳамидулланими, Фотиманими кўргандек бўлиб кетган.

У билан ўзи гаплашиши керак. Шундай қиласди. Эртагаёқ Йўғонтиепага жўнайди.

Икки ўртоқ тун бўйи гаплашиб чиқишиди. Севинишди, қайфуришиди. Тонгга яқин, Зухра Светанинг бағрида ухлаб қолди. Унинг нозик қомати, озиб, чакка сую克拉рининг ўзи қолган юзига қараб, Света ҳайрон эди. Қандай қилиб ёш боладек сесканиб-сесканиб унинг қучорида ётган қизда шунча ирова пайдо бўлди экан? Фам уни шундай қилдими, ё азалдан шундаймиди?

Света секин унинг бошини кўтариб, ёстиқقا қўйди. Устига юпқа чойшабни ёпди-да, ўз жойига ўтиб ётди.

* * *

Исмоилов водопровод ёнида, Анна опа қўйиб берган қамиш стулда ўтиради. Зухрани кўриб ўрнидан турди-да, жилмайиб унга қўлини узатди.

— Бу ердалигимни қаёқдан билдингиз? — деди Зухра у билан кўришгач.

— Келган кунингиздан бери биламиз. Мен ҳам, демак, Қодир Алиевич ҳам. Билиш қийин эмас.

«Тўғри одамни қаердалигини билишади, жиноятчини топишолмайди», — аччиқ ўй Зухранинг юрагини бир тимдалаб ўтди.

Шу пайт Анна опа уларни чақиради.

— Зухра! Мехмонни чақир. Чой тайёр.

У ток тагига жой қилган эди.

— Юринг, — деда Зухра ва ўзи йўл бошлади.

Исмоилов ийманиб орқасидан эргашди. Аммо ҳеч нарса демади. Чой ичаётганда ҳам нега келганини айтмай ўтираверди. Зухра унинг ўзини бундай тутишидан Анна опа олдида уялиб кетди.

— Булар адамнинг қотилларини қидиришаётни, — деб тушунтируди ноилож.

— Ҳа, — тасдиқлади Исмоилов пиёлани столга қўяр экан. — Янги фактлар топилди. Қотиллар қўлимизда. Бугун кечаси қўлга туширдик.

— Иккаловиними? — шошиб сўради Зухра.

— Иккитасини, — совуққонлик билан деди Исмоилов. — Учинчиси ҳам бор. Лекин уни ҳали тутганимиз йўқ. Тутилади. Оз қолди.

— Тутинглар ишқилиб! — Анна опа тутоқиб, ғазабланиб гапиради. — Бу қанақаси? Мамлакат бедарвоза бўлиб кетдими? Ким нима қилса қилаверадими? Одам ўлдириш, тағин, бегуноҳ одамни ўлдириш ҳеч гап бўлмай қолди. Қоронғи тушди дегунча, юрагингни ҳовучлайсан одам.

— Эркинликни бизда нотўғри тушуниб кетишиди да, опажон. Энди бизга рухсат. Зухра, сизни ўртоқ Алиев кўрмоқчи эдилар. У киши янги ишга кирдилар.

— Тез қайтадими? — Анна опа хавотирланди.

Зухра Исмоиловга қаради.

— Тез қайтади. Икки соат ичида ўзим олиб келиб қўйман, — деди Исмоилов.

Чамаси йигирма дақиқа ўтганда республика прокуратурасига етиб келишиди.

Алиев уни жуда илик, ўз қариндошидек кутиб олди.

— Безовта қилганимиз учун узр, — деди асосий мақсадга кўчиб. — Кеча адангизнинг қотиллари тутилди. Зокир, унинг шериги Тўхтамурод. Биз уларни тутишга шошилмаган эдик. Кўпдан бери кузатиб, кимлар билан алоқада бўлишаётганини билмоқчи эдик. Лекин кимдир бизни шошириб кўйди. Кеча Сағбонда раис бир пайтлар хўжалик савдо мудири учун олиб кўйган уй ёниб кетиб, уларни қамоқقا олишимизга тўғри келди. Уйга ўт қўйган одамлар, ҳозирча бизга маълум эмас, иккаловини чилвир билан боғлаб ташлашибди. Улар чақирган аёллар ҳам тутилди. Уларнинг гапи бўйича, бир ёш қиз уларни ҳайдаб юборганмиш. Шундан қейин кўп ўтмай уй ёниб кетган. Албатта уйга ким ўт қўйгани аниқланяпти, ким уларни боғлаб кетган, бу ҳам маълум бўлади яқин орада! Хафа бўлманг, шуғулланяпмиз. Отангизнинг қотиллари, ҳаммаси албатта тутилади, жазосини олади, мен шуни билдириб айтиб қўймоқчи эдим. Фақат биз ўйлагандек бўлиб чиқмади. Режамиз озгина бузилди. Улар ёлғиз эмас, уларнинг катталари ҳам бор. Ана шу катталари ни жиноят устида қўлга туширмоқчи эдик. Кимдир шошиб, режамизни бузиб кўйди.

Зухра Алиевни индамай эшилди. У битта нарсани ўйларди: ким уйпи ёндирганини, ким уларни боғлаб кетганини билишармикан, ё Алиев тусмоллаб гапираяптими?

— Майли, биз ундан хафа эмасмиз, — гапида давом этди Алиев. — Алами кучли бўлса керакки, шундай қилган. Лекин ўлдириб кетса ёмон бўларди. Жавобгарликка тортиларди.

— Қотилларни ўлдирган бўлса ҳам-а? — ўзини тутолмади Зухра. — Улар ахир одаммас-ку?!

— Тўғри. Лекин қонун йўл қўймайди бунга. Қотилларни тутиб, суд қилиш керак. Назаримда уларни боғлаб кетган одамлар қонуларни озми-кўпми би-

лишса керак. Билишмаса, ўлдириб кетишлари ҳам ҳеч гап эмасди. Иккалови ўзини билмайдиган даражада маст экан. Тўғри қилишган ўлдирмай. Мана энди суд бўлади. Тегишли жазони олишади. Ундан оддин биз сўроқ қилиб ҳаммасини суриштирамиз. Фотимани азоблаганларию акангиз билан қандай муносабатда бўлгандаригача, адангизни кимнинг топширифи билан Тошкентта олиб келганлари ва ҳамма ҳаммасини суриштирамиз. Мен ўзим шуғулланаман. Шуни сизга айтиш билан яна бир нарсани сиздан илтимос қилмоқчи эдим. Уларнинг уйига борган ўша қиз, шубҳасиз, довюрак қиз экан. Ниятлари ёмон эмас. Бундай қараганда, у милицияга, прокуратурага катта ёрдам қиляпти. Лекин шошилиб, ҳол қўяяпти. Кўп нарса кўкнори савдоси билан шуғулланиб келаётган идора раҳбарларига бориб тақаляпти. Буни биз биламиз, сиз ҳам хабардор бўлиб қўйинг, деб айтяпман буни. Келишдикми?

Зухра иккиланиб бош силкиди.

— Бамаслаҳат иш қилиш керак, дейсиз-да? Шундайми?

— Баракалла. Қани энди у ҳам шундай қилса. Аммолекин ўша қизга жуда ҳавасимиз келди. Ботир қиз экан. Лекин булар билан ўйнашиб бўладими? Биз ташвишдамиз, унинг ҳаётига зомин бўлиб қолмасак эди деб.

Зухра индамай қўя қолди. Аммо ўзи улар ҳамма ишларидан хабардор эканликларини пайқаб ташвишга тушди.

— Хўжалик фермасида Толиб ака деган одам бор, молбоқар. Ҳамма уни Толиб полвон дейди, — деди ниҳоят Зухра энди ўзи билган нарсаларни айтиши лозимлигини сезиб. — Ўша одам сизларни кўрмоқчи. Айтадиган зарур гапи бор экан.

— Яхши, — деди Исмоилов. — Мен бутун Дуркентта боришим керак, учрашаман.

— Мен ҳам қайтаман. Анчадан бери борганим йўқ уйга.

— Унда бирга кетамиз, майлим? — таклиф қилди Исмоилов.

У уйига таклиф қилмоқчи эди, хотини ҳали ўзига келмаганини эслаб, индамай қўя қолди. Зухрага нима бўлганини айтиб ўтирмади. Аммо Зухра унинг дилига малҳам бўлган бир хабарни — жигар ранг «Жигули»ю, унинг қишлоқ рақамини, Исмоил икки киши

билан, биттаси йўрон, қўнғиз мўйловли, иккинчиси жиккак йигит билан шу машинада кеттанини айтиб уни жуда севинтирди. Дуркентта бориши билан шугулланади. Бу ерда ҳам йигитларга тайинлаб қўйса тузук. Балки шу рақам билан ҳам шаҳар ичида юришгандир?

Зухра қўшнилариникида телефон йўқлигига ҳозир ачинди. Телефон бўлганида Светага тайёрланиб тур, кетяпмиз, деб қўярмиди?..

Исмоилов билан Зухра Анна опанинг уйига боришиб, Светани ҳам олиб, Дуркентта жўнашди.

XV

Тешабой Султонов ҳаддан ташқари хуноб эди. Фатхилла бозорқўм айттанингиз ҳаммаси бўлди, деб ултурмасидан Тошкентдан янги хабар келди. Зокир семиз билан Тўхтамурод қийшиқ ушланди. Йигирма йилчадан бери, керак пайтларда ҳожатига яраб турган уйёниб кетибди. Қизиги шундаки, шу ишларни кичкина бир қиз қилибди. Афтидан, Зокирнинг Йўғонтепадаги уйига ҳам ўша ўт қўйган. Тешабой Султонов Сиддиқовнинг гапларига ишонмай иложи йўқ, эди. Телефонда узоқ гаплаша олмади. Сиддиқов кимдан гумонсираёттанини эҳтиётлик билан айтди. Султонов тушунди ва унинг гумонига қўшилди. Тешабой Султонов Фатхиллани Абдулла муаллимнинг уйидан хабар олгани жўнатди. Шундай, дабдурустдан эмас, балки ёлғиз қолган қиздан ҳол-аҳвол сўраган киши сифатида юборди. Уйдамикан, қаерда экан бу қиз? Уйда бўлмаса, қаердалигини суриштир, деб тайинлади.

Фатхилла отанинг айттанини қилди. Сабзавот омборига ўтиб картошка, пиёз, сабзи олиб, юк машинасига юклади. Шу ердан тўгри фермага борди. Тожибой ака уни кутиб турган эди. Кунжара, кепак, беда жойлаб берди. Шуларни олиб, у Абдулла муаллимни кига бориб, эшигини тақиллатганда, ичкаридан бир корейс хотин чиқди. Қўшниси экан. Зухра унинг қизи билан Тошкентда эмиш. Фатхилла ҳайдовчи билан юкларини туширибօқ қайтишга шошилди.

— Раис бериб юборди. Яна у-бу керак бўлса, келганида айтинг, раисга учрасин экан, — деди.

Аёл миннатдорчилик билдириди.

— Айттандек, қачон қайтишади Тошкентдан? — сўради Фатхилла.

— Қайдам? Ўқишига киргани кетишган. Синглим-никида туришибди.

— Ётоқхонадан кўра яхши-да. Айниқса, ҳозир, — маъқуллари Фатхилла. — Институтларига яқинми иш-қилиб.

— Кўкчада.

Фатхилла шу тарзда осонлик билан қизларнинг ман-зилини билиб олди.

Тешабой Султонов яна нима қилиш лозимлигини ўйлаб ўтирганда, Азим Турсунов кириб келди. Исмоилов Фатхилланинг «Жигули»си кетига тушганмиш. Ви-лоят ҲАИдан телефон қилиб, машинани, унинг эга-сини суриштиришибди. Исмоиловнинг ўзи бу ёқقا ке-лаёттаги эмиш.

— Машинани тоққа чиқариб юбор. Рақамини ечиб қўйсин. Фатхиллага айт, қариндошларимга бериб юбор-ганман, десин. Унгача янги рақам қилиб бер. Эскисининг ҳужжатларини йўқот.

Турсунов ўйланиб қолди. Ота айтганидек қилса, ҳамма машмаша унинг бошига тушади.

— Қўрқма, — деди Тешабой Султонов. — Фатхил-лага айт, тоғдагилардан биттасига ишонч қоғози қилиб берсин. Ўтган ой билан.

Турсунов шу нарса эсига келмаганидан ачинди. Раис бало экан.

— Исмоиловни нима қиласай? — сўради у кетишга ҳозирланиб.

— Менга қолса, йўқот.

Турсунов ялт этиб унга қаради. Ота кейинги пайт-ларда «йўқот»ни кўп ишлатадиган бўлиб қолган эди. Қарибими, ё аҳвол чиндан ҳам ёмонлашяптими, ҳар-ҳолда Турсуновнинг назарида у асабийлашиб, қаҳри қат-тиқ, бўлиб бораёттган эди. Фермадаги воқеа унинг ҳам қуловига етиб келди, ҳалигача нима учун Аликулни йўқот-ганига тушуммаган эди. Мана энди Исмоиловни йўқот, деяптими — ҳаммаси тушунарли. Милиция офицерини йўқотиш осон эканми, бу ўзини балонинг оғзига рўпара қилиш билан баробар-ку. Наҳотки у шуни тушунмаса? Ё унинг учун энди ҳеч нарсанинг фарқи қолмадими?

— Бу... бу иш қўлимдан келмайди, — дея олди у зўрға.

— Қайси иш? — ҳайрон бўлди Султонов.

— Исмоиловни йўқотиш-да..

Султонов киноя билан кулди.

— Азимбой! Нима деёттанимни яхши биламан. Шун-

дай қылгинки, иккинчи бу ёкқа қадам босмасин! Бунинг учун нима қиласан. Оёқ-қўлини синдирасан, таомом. Вассалом. Кейин уч-тўрт ой гипсга ўралиб ёта-веради. Ёки яна бир ўғил бола гап — пора ваъда қил. Ўн минг нақд мен ўзим бераман. Рози бўлишига кўзинг етса, икки баравар кўпайтири. Рози бўлмаса, қўрқит. Иккинчи менга қорасини кўрсатмасин. Ёш ҳали. Ўссин. Бола-чақасини кийинтирсинг. Тоғнинг этагидан, ён-ғоқзор томондан ер берайлик. Яхши бир боғ қилсин. Нима дединг? Гапим маъқулми?

— Маъқул, ота.

— Ана энди бор. Фақат билиб қўй. Бир қадам ҳам ундан жилма. Бирон нарсанинг ҳидини билсанг, дарорвайт. Кўлдан чиқарсанг, ўзингга ёмон.

Отанинг бу огоҳлантириши шунчаки гап эмаслиги ни Турсунов яхши билади. Фатхилла аввал ким эди-ю, ким бўлиб қолгани, бунинг яқдол исботи. Собиқ милиция майори эди, унинг гапига кирмагани учун милициядан кетишга мажбур бўлди, лекин бир амаллаб бозорга директор бўлиб олди. Аммо пора олаёттанида қўлга тушиб, қамалди. Ана ўшандан бери тавбасига таяниб, отанинг тилсиз қулига айланган.

* * *

Султонов ҳамон жойидан жилмай ўтирап ва ўйларди. Оғир қунлар бошланган эди. Шунча ҳаракат қилди, лекин Алиевни қўлга ололмади. Республика прокурори ўзининг янгилигидан фойдаланиб, уни ишга олди-кўйди. Энди уни жойидан силжитиш осон эмас.

Тешабой Султонов соатига қаради. Ҳали пешинга анча бор экан, Тепабоқча чақиради ҳозир Усмоновни. Овқат устида у билан гаплашиб олсамикан?

У билан гаплашадиган гаплар кўпайиб қолган эди. Охирги кўкнори карвонидан унга ўз қўли билан юз минг олиб берди. Ҳарҳолда катта пул. Лекин Усмонов хурсандлик билан олгани йўқ. Кўнгли тўлмаганлиги шундайгина сезилди. Шунгами, «эҳтиёт бўлинг, атро-фингизда гаплар кўпайди», деди. Чиндан ҳам гап кўпайдимикан, ё ўзи тўқиётганимикан? Албатта унинг туманда бўлгани яхши. Лекин норизо бўлиб юрадиган бўлса, иштаҳаси очилаверса, унда бунинг ҳам чорасини кўришга тўғри келади. Ҳали ҳеч қайси котиб туманга усиз келгани ҳам йўқ, усиз кеттани ҳам йўқ. Бу гал ҳам шундай бўлади. У шундай ўйлаб, телефон рақамини терди. Трубкани котиба қиз олди.

— Ҳа, Лола, аканг ўзидали?

— Ўзларидалар. Лекин ҳеч кимга жавоб бермаяптилар. Ҳеч кимни қабул ҳам қилмаяптилар, — деди котиба.

— Нима бўлди?

— Нарсаларини йигиштиряптилар.

— Йигиштиряпти? Нега? — тушунмади Султонов.

— Ҳайронман. Менга ҳеч нарса деганлари йўқ.

— Радиодан ёзиб кетишувди. Эрталаб беришди. Бир яхши гапирдилар!

— Гаплари ёқмаганмиш.

— Кимга?

— Нариги ёқقا-да. Тағин билмадим. Буни Саида опам айтдилар. Тешабой ака нима, битта гап билан кетаверадими одам?!.

Султонов трубкада йиги овозини эшилди.

— Ўзингни тий. Мен ҳозир бораман.

Қабулхонада ҳеч ким йўқ эди. Фақат Усмоновнинг котибаси ҳамон йигидан ўзини тиёлмай, кўзларига дастрўмол босиб ўтиради.

— Мени ҳам киритмаяптилар!.. — деди у Тешабой Султонов келиши билан. — Ичкаридан беркитиб олганлар эшикни.

— Тавба!.. — ҳайрон бўлди Султонов. Қани бир тақиллатиб кўрай-чи! Сен анави эшикни ёп.

Лола қабулхона эшигини ёпди. Султонов эшикни аввал секин, кейин қаттиқ-қаттиқ тақиллата бошлади. Ҳеч ким жавоб қилмади.

— Бу мен, Тешабой акангизман. Зарур ишим бор, очинг! Эшиктаяпсизми? Мен Тешабойман!

Султонов шундай деб, эшикка қулоғини тутди.

Бир оздан сўнг ичкаридан оёқ, товушлари эшитилди. Кейин эшик секин очилди. Ранги қув ўчган, кўзлари киртайиб, кичкина бўлиб қолган Усмонов пайдо бўлди.

— Тинчликми? — деди Султонов орқасидан эшикни ёпиб. — Нега беркиниб олдингиз? Нимани қидираяпсиз?

Китоблару қоғозлар узун стол устига бетартиб сочиб ташланганини, сейф очиқ турганини кўриб, Султонов хавотирга тушди.

— Қидираёттаним йўқ, — бўғилиб деди Усмонов ва столни айланиб ўтиб, ўзи яхши кўрадиган, қайси бир Тошкент театридан илтимос қилиб олган айланма креслога бориб ўтиреди. — Мени жин урди, Тешабой ака, жин урди.Faflatda қолдим.

— Нима бўлди?

— Тунов куни Москва радиосидан бир мухбир келувди. Тумандаги ишлардан интервью олган эди. Тилим қичиб тургандек, баъзи Политбюро аъзоларини, секретарларни мақтаб қўювдим. Бугун аzonда шу гапимни шарҳлаб, ёмонлаб эшиттирди.

— Нега ёмонлади? Эси жойидами ўзи?

— Мухбирни-ку эси жойида. Мен аҳмоқлик қилиб қўйибман.

— Нега бундай дейсиз? Тушунмадим.

— Хабарингиз йўқми? — сўради Усмонов синчковлик билан Султоновга тикилиб.

— Йўқ. Нимадан?

— Мен мақтаган одамлар кеча ЦҚдан чиқарилди, партиядан ўчирилди.

— Кабинетни шунинг учун йигиштиряпсизми?

— Мен энди кетдим. Ўзим кетмасам, кетқазишади.

— Ваҳима қилманг. Мен зарур бўлса Тошкентта тушиб чиқаман. Гаплашаман.

Усмоновнинг чехраси энди сал ёришгандек бўлди.

— Ҳозир бир иш қиласиз, — Султонов столни айланиб ўтиб, унинг елкасига семиз, япалоқ қўлини қўйди. — Бу ерда биқиниб ўтиранг-да, Тепабоқقا борамиз. Бирпас мизғисиз. Унгача яхши овқатлардан тайёрлатиб қўяман. Иккаламиз бир дам оламиз. Кечки салқинда мен Тошкентта жўнайман. Йўқ деманг. Бугун менга қулоқ, соласиз.

Усмонов рози бўлиб жилмайди.

Кўп ўтмай иккови Султоновнинг машинасида Тепабоқقا жўнашди. Боғда ўша куни қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ, эди. Лекин Одамбой уйда бўлиши керак. У отанинг топширигини кутиб, ҳеч қаерга жилмай ўтиради доим. Шунинг учун Султонов боқقا боришлиари билан машинасини Одамбойни олиб келишга жўнатди.

— Бугун энди ҳеч қаёқقا боришини, ишни ўйламайсиз, — раис Усмоновнинг тирсагидан олиб, меҳмонхонага бошлади. — Бугун бизнинг ихтиёrimизда бўласиз.

— У кенг хонанинг бурчагида турган музқутини очди. Музқути доим ичимлик, совуқ таомлар билан тўла туради.

У бир шиша лимонли ароқ, бир шиша француз конъягидан олиб, журнал столи устига қўйди. Қази, қарта, яхна гўштлардан қирқди.

— Нима ичасиз?

— Оқидан. Бошни оғритмайди, — деди Усмонов.

— Мен ҳам шуни ёқтираман.

— Султонов рюмкаларнинг ўрнига иккита қизил гулли шиёла олиб келиб, ароқдан қуйди.

— Қани, олсинлар. Банияти шифо.

Номига уриштириб, Усмоновнинг ичиб бўлишини кутмасдан ўзи охиригача ичиб юборди. Усмонов ҳам иштаҳа билан ичди.

Султонов кресло суюнчиғига бутун оғирлигини ташлаб суянар экан, янгидан тўллатган пиёласини қўлига олди.

— Биз бир ипга борланган одамлармиз. Сизни кетқазишса, ўз-ўзидан мен ҳам кетаман. Шунинг учун хотиржам бўлинг. Мен бор эканман, сизга гард юқмайди.

Кўнгли бўшашиб турган Усмонов унга меҳр билан тикилди.

— Раҳмат, Тешабой ака. Яхшиям бу ёққа олиб чикдингиз. Бўлмаса кетаётувдим!

— Сир бўлмаса қаёққа? — қизиқди Султонов.

— Хўжандга. Укаларимнинг олдига. Биз асли ўша ёқданмиз. Коллективлаштириш йиллари бу ёққа бобомиз келиб қолганлар. Мен қолиб кетдим. Укаларим ўқишлирини битириб кетишган. Ишлари, топиштушилари яхши.

Султонов биринчи котибнинг жиддий гапираёттанидан ва уни ниятларидан қайтариб қолганидан хурсанд бўлиб кетди. Қаёққа кетмасин, органдагиларнинг қўли узунлигини, уни ернинг тагидан бўлса ҳам тортиб олишларини биларди. Усмонов қўлга тушгандан кейин унинг ҳам кўп қиммишлари очилиб кетиши, бунга биринчи галда ўзи сабабчи бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас эди. Туман биринчи котиби креслосидагина Усмонов букилмас иродали, бир сўзли одам эди, аммо ўзидан баландроқ одамнинг эса оёғигача йиқилишга тайёр эди. Султонов унинг шу одатини, амалпараст, молпарастлигини билганидан, кабинетини йиғишираёттанини кўриб, хавотирга тушди. Энди кўнгли жойида, хотиржам бўлса бўлади. Ҳали-замон Одамбой келади. Қўли гул унинг. Яхшилатиб битта ош дамлайди, ундан оддин қўйининг қовурғасидан серпиёз қовурдоғ қиласиди. Лекин ошгача бу чидармикан? Ҳозирданоқ кўзлари ола-кула бўлиб кетяпти. Боя хонасида дилидан ўттан фикр Султоновни энди астойдил қийнай бошлади. Боя бу фикрни у ҳайдаган эди,

ҳаттоқи шундай фикр келганидан хафа бўлиб кетган эди. Усмонов кўп жойларда унинг ҳамфикри, шериги бўлиб келди. Нима деса, шуни қилди. Лекин у ўйлаганидан кўп сўрай бошлади. Иштаҳаси очилиб кетиб, уят-андишани унутиб қўйди. Султонов унинг бунчалик беш панжасини оғзига тиқишини кутмаган эди. Бир уялтириди, бўлмади. Икки уялтириди, парво қилмади. Қўрқитган эди, қулди. Султоновнинг рози бўлишдан бошқа чораси қолмади. Бугунги унинг қўрқуви, саросимага тушиб, «кетаманлаб» қолишини у кутмаган эди. Илдизи бақувват деб ўйлаган эди. Ундан қутулиш кепрак, шекилли. Аммо қаерда? Шу ердами? Бу ерга бирга келишганини котиба билади-ку?

Йўқ, унга қаёққа кетишаёттанини айтмади. Ким сўрамасин, билмайман деб, тайинлагин. Ўзим телефон қиласман, деди. Шу ерда бўлса, шу ерда-да. Ким ундан гумон қиласди? Шу ерда бўлса Усмонов учинчиси бўлаади. Биттаси Шоҳида эди. Иккинчиси Ҳамидулла. Шу пайтгача ким билди, улар нима бўлганини? Ҳеч ким. Албатта ундан, Одамбойдан бошқа. Одамбой... Нега ундан дарак йўқ? Эси паст қаерда юрган экан? Унга ишонса бўлади. Бу ишларда у унинг ўзи. На қўли титрайди, на ранги бўзаради.

Баъзан ўзи ҳам Одамбойдан қўрқади. Унинг назарида Одамбой ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одам. Ҳазил қилиб, мени ҳам сиртмоққа сол деса, ҳеч иккиланмасдан бўйнига сиртмоқ тортуб юбориши мумкин. Шу хаёлига келганидан бери ундан аллақандай ҳайиқадиган бўлиб қолди. Кимdir унинг эсини оғдириб, ўзига қаратиб олса, ўшанинг гапи унга гап бўлиб кетиши мумкин. Ҳозиргача Дуркентда бундай одам йўқ. Аммо Дуркентда Одамбойни ундан айнитадиган одам бормикан. Йўқ, чиқмайди. Лекин кўкнори бўйича Тошкентдан Алиевнинг одамлари тез-тез келадиган бўлиб қолганидан бери ўзи сезмаган ҳолда Одамбайнинг қадамини ҳисоблайдиган бўлиб қолди. Имкони борича ўзидан жилдирмайди. Қари, касалманд онасидан аввалгидан тузукрок хабар олдиряпти, ҳеч нарсага зориқтиргани йўқ. Буни кўрган одамларни олдида Одамбойнинг баҳоси яна кўтарилиди, ундан хавотир оладиганлар, қўрқадиганлар кўпайди. Шунинг учун ҳам Толиб полвон унинг таклифини қабул қилмади, қўрқида. Боғда бирга у билан ишлаб бир кунмас-бир кун раиснинг энсасини қотириб қўйса, Алиқулнинг тақдидири бошига тушиб қолишини ўйлади. Султонов ўшанда

ундан хафа бўлмади. Одамбойнинг ёнида, тағин унга ёрдамчи бўлиб ишлаш дўзахга тушиш билан баробар эканлигини у яхши биларди. Кўлдан чиқсан қозидан худонинг ўзи арасин, дейди халқ. Бекорга шундай демаган. Лекин лаънати қанчалик содик бўлмасин, бир кун ундан қутулиш керак. Қулнинг хўжасига содиклиги янги хўжа чиққунча! Алиев у кутмаган даражада ақлли чиқиб қолди. Бир кунмас-бир кун Одамбойни қўлга олади. Агар аллақачон қўлга олмаган бўлса?! Лекин бунга ишониш қийин. Одамбойнинг кўзларида ўзгариш йўқ. Фақат бир нарса уни ташвишга солиб, кимни айблашини — ўзиними ё Одамбайними билмай турибди. Икки ҳафтача бўлиб қолди, балки ундан ҳам ошгандир. Одамбой фордан топиб чиқсан антиқа қилич йўқолди. Кайф устида Усмоновгами, ё унга ўхшаган қадрдонларига бериб юбордими? Балки Одамбой ўмаридекетгандир, айтиш қийин. Йўқолса ундан нари эди. Султоновнинг бундай нарсаларга ишқибозлиги йўқ, лекин кутилмагандан Тошкентдан археологлар келиб қолишиди. Тепанинг нариги томонида тимирскиланиб юришибди. Бир академик хотин уларга бош экан. Султонов эс-эс билади, уруш арафасида шу томонларга археологлар изгиб келишган эди. Аммо ўшанда нима топишгани Султоновнинг эсида йўқ. Энди астойдил ҳаракат қилишяпти. Рус қўшилларининг бостириб келишига қарши турганларга оид материаллар бор эмиш шу тепаликда.

Султоновнинг ўзбеклиги қўзиб бир тили қичиди, алламбало қилич топганини, шу ердаги фордан, яни у ерда дубулғами, қалқонми, шунга ўхшаш нарсалар бор эмиш, деб айтмоқчи бўлди. Аммо ўзини тўхтатиб қолди. Айтса, шарманда бўлиши, анави сирлар очилиб кетиши шубҳасиз эди. У Салоҳиддинова кетиши билан Одамбойни топтириб, тор, ундаги нарсалар ҳақида зинҳор оғиз очмасликни тайинлади. Ўша куни боққа келиб, қилични яна бир кўрмоқчи бўлиб, ётоқхонага кирдию тополмади. Қилич йўқ эди. Қарамаган жойи қолмади. Одамбойдан сўради. Одамбой эса ўшандан бери кўрмаганини айтди. Унга ишонса бўлади. Лекин қилични ким олдийкан? Кимга бериб юборди? Қанча ўйламасин, тагига етолмади. Усмонов шундай нарсаларга ўч эди. У олдимикан? Кўрсатгани эсида. Лекин олиб кетган-кетмаганини билмайди. Усмонов қилични кўриб, ҳангуманг бўлиб қолган эди. Ўзи Султоновга билдиrmай олиб кетган бўлса-чи?

Бўлиши мумкин. Султонов бир неча марта оғиз жуфтади сўрагани. Лекин ботинолмади. Хафа қилиб қўйишдан чўчиди. Аммо археологлар ишлаёттанини айтди. Ҳозир шундай қизиқишлар ортиқча, бир баҳона қилиб тўхтатиш керакми? Одамларнинг гапича, Йўғонтепанинг нариги томонида, ишчилар шаҳарчаси, кон томонда тўрт-беш киши ер кавлаётган эмиш. Султонов шуни эшлиб, Усмоновдан уларни бу ердан жилдириб туришни сўрамоқчи эди. Кетаманга тушиб қолгани учун лозим топмади. Ҳозир анави тайинланган нарса нима бўлди, деб сўраши мумкин. Султонов яна пиёлаларни тўлатди.

— Аммо-лекин мени боя қўрқитиб юбордингиз, — деди пиёлани узатар экан у. — Сизсиз бу ёқдаги ишлар нима бўлади? Мен нима қиласман? Доричилик қўшма корхонаси сизнинг таклифингиз билан очилган. Мана, ёмон бўлмаяпти. Охирги ишдан улушингиз тегди. Ярми ўзимизнинг қоғоз пул, ярми бели синмаган доллардан.

— Ўзи қанча бўлди? — қизиқди пиёлани стол зижига қўйиб Усмонов.

— Бизники юз минг. Мингдан икки минг доллар.

— Доллари кам-ку.

Ҳозиргина қочишни ўйлаб турган одам, бирпасда ўзига келиб пул талашаёттанидан раиснинг жаҳли чиқди.

— Мен нима олсан, сизга ҳам шунча бериб келяпман. Бир тийин кам эмас.

— Бўлмаса, ўзингиз ҳам кам олибсиз. Бизнинг кўкнори энг арzon баҳода сотилаёттанини биласиз-ку? Сал савдолашиш ҳам керак-да. Клубдошларга айтинг. Ичкарини қўяверсин, четни ўйласин. Бизга чет керак.

Усмонов пиёлани бўшатиб, қазидан бир тилимини ҳидлади-да, ўйга ботди. У Султоновга ишонарди. Кечқурун у албатта боради Тошкентта, уни бўшаттирмайди. Лекин барибир кўнгли нотинч эди. Москвадагилар гапи ҳамон гап. Уни бир кечада олиб ташлашлари мумкин. Бундай воқеалар бўлган. Москва телевидениеси ўзбек «порахўрлари» ҳақидаги кўрсатувларини тўхтаттанича йўқ. Аммо республиканинг янги раҳбарлари халқнинг ионини тия қилаёттналарга қарши Москвадан ҳам қаттиқ курашялпти. Агар Усмонов, Султоновларнинг ишлари очилиб кетса, уларни аяб ўтиришмайди. Султоновнинг гапига кириб, боқقا келгани

яхши бўлди. Султонов ҳаракатини қиласерсин. Лекин Усмонов ниятидан қайтмайди. Йиққан молининг кўпи — тилла, дур, валютани укалариникига жўнатди. Ўзидан кейин уч-тўрт авлодга етади. Бутун дунёни чўнтақка ё қорнига солиб бўлмайди-ку. Шунинг учун ўзи битта яхши ариза ёзиб, касалликми, қариликми, майли, баҳона топади-да, ишдан бўшаб қўяқолади. Ҳозирги шароитда шу маъқул. Кейин бир гап бўлар.

Ҳа, унинг фойиб бўлгани маъқул. Аризани ёзадио хайр-хўйсиз жўнайди. Бола-чақани кейинчалик укалари олиб кетишади. Энг тўғри йўл — шу.

Султонов унинг хаёлини бўлиб, археологлар ҳақида гап очди.

— Агар бокқа туташган горни топиб қолишиша, ҳаммамизга ёмён бўлади. Мени тушунинг.

— Айтдим. Вице-президентта телефон қилдим. Биласизми, академиянинг вице-президентини?

Султонов елка қисди.

— Яхши одам. Аммо ўлгудек қўрқоқ. Бу томонда радиация бор. Газетачилар тагин тўполон бошлишмасин. Бизга-ку барибир. Сизга, академияга қийин бўлди. Бошингиз ғалвадан чиқмайди, дедим.

— Яхши қилибсиз, — Султоновнинг кўнгли жойига тушди. — Аммо ҳеч ақдим етмаяпти. Бу экспедиция ўзи нега бирдан пайдо бўлиб қолди?

— Билмасам. Режадаги иш деб эшитдим. Кўпдан бери келишмоқчи экан. Бу ерда қазилма ишлари урушдан илгари бошланган экан.

— Лекин ҳозир бунинг ҳеч кераги йўқ. Бир йил, ярим йилдан кейин уларни ўзимиз чақирамиз. Бизнинг ерми, унинг тагидаги нарсалар ҳам бизники-да.

Усмонов кулди.

— Овқат нима бўлди? Овқат?

Султонов Одамбойнинг аллақачон келиб, эшик тагида буйруқ кутиб ўтирганини шунча сезгирилиги билан билмай қолибди.

— Нега индамайсан? Қачон келдинг?

— Ярим соатча бўлди, ота? Кўриндим. Деразадан. Қарадингиз. Кўрдингиз деб ўйлабман.

— Ҳамма нарсанг бутми?

Одамбой бош силкиди. Султонов шоширди.

— Қовурдоқни тез қил. Бир оёғинг шу ерда, бир оёғинг ошхонада бўлсин. Дарров ошни ҳам бошлаб юбор.

— Бўлди, ота.

Одамбой гап тамомми, дегандек унга бир қарадио ошхона томонга югуриб кетди.

Султонов бирпас ортидан қараб турди. «Яхши хизмат қилди. Лекин чўзилиб кетди хизмати», — хаёлидан ўтказди у.

Ичкарига кирганида, Усмонов креслонинг орқа сунячигига бошини ташлаб ухларди. Унинг хурраги шу қадар кучли эдики, дераза ойналари худди паст учган самолёт тўлқинида титрагандек дирилларди. Бир маҳал жим бўлиб қолди. Ҳеч қандай товуш чиқармади, юзи ўлик одамнинг башарасидек қотиб қолди. Ерга тегай деб креслонинг икки томонидан осилиб турган қўллари қимир этмади. Уйғотиш, уйғотмаслигини билмай, унга тикилиб қолган Султонов хавотирга тушиб, димогига қўлини тутди. Қўлига биринчи котибнинг иссиқ нафаси тегди. «Тавба, бу қандай бўлди. Ё менинг кирганимни сезиб, хуррагини тўхтатдими?» ҳайрон бўлди Султонов ва оҳиста чақирди.

Усмонов жавоб бермади. У жони узилган одамдек даҳнини осилтириб ётарди.

Султонов унинг бу ҳолатидан ғалати бўлиб кетди. Агар у чиндан ҳам ҳозир ҳаётдан кўз юмганда, анча тинчирмиди. Кўп ташвишлардан ўзидан-ўзи қутулиб қолармиди. Унга берадигани ҳам ўзига насиб қиласарди. У шу ўй билан ётоқхонага борганини, у ердан катта пар ёстиқ олиб чиққанини ўзи билмай қолди. Афтидан, у аввал ёстиқни кресло орқа сунячигида осилиб ётган Усмоновнинг боши тагига қўймоқчи бўлди, лекин унга яқин келганида, унинг ҳамон қимир этмай ётганини кўриб, ҳаёlinи бирдан исканжага олган фикрига ихтиёр бериб юборди. Усмоновнинг очиқ юзи, шипга қараган сертук бурун катаклари устига ёстиқни оҳиста қўйди-да, семиз панжаларини ёйиб босди. Усмонов бошини кўтармоқчи бўлиб бир-икки силтанди, кучи етмади. Энтикиб ғалати овоз чиқарди, оёқлари ўзидан-ўзи кўтарилиб, креслога энгашиб турган Султоновнинг орқасига тегай деди, бир-икки бетартиб у ёқ-бу ёқса ташланди, қўллари ёстиққа ёпишди, аммо бир дақиқагина ёпишди, кейин шалвираб икки томонга яна осилиб тушди, оёқлари ҳам чўзилиб, ерга тиралиб қолди. Султонов ёстиқ устидан унинг боши ҳам бўшашганини, бор оғирлигини сунячикча ташлаганини сезди.

Таҳсимчада майда тўтralган оқ пиёз кўтариб келган Одамбой эшик олдида ичкарига киришини ҳам, қайтиб

кетишини ҳам билмай, хўжайинининг ҳаракатларини кузатиб туради. У Усмоновнинг кутилмаганда бошига тушган ўлим билан уйқусираб қурашаётганидан ҳам кўра «ота»сининг авзойидан қўрқиб кетган эди. У Султоновни биринчи марта шундай даҳшатли иш устида кўриб, унинг совуққонлик билан, юзидағи биронта туки қимирламай, ёстиқни эзаётганидан вужудини титроқ босиб кетган эди. Бундай ишни одам ўзи қилгани бошқа-ю, бирор қилаётганини кўриш бошқа экан. Одамбой қўллари, оёклари бўғизланадайтган қўйдек типирчилаган Усмоновга раҳми келди. Ораларидан нима ўтди экан? Иккалови қадрдан эди-ку? Нега уни чакириб ўтирмаи ўзи гумдан қилиб қўя қолди?

Султонов ёстиқни кўтарган жойида уни кўриб қолди.

— Киравермайсанми? — деди у қандайдир зарда билан. — Ёстиқ қўймоқчи эдим. Бошини кўтармаяпти. Қара-чи!

Одамбой Султонов нима деяётганини фаҳмламади, одатдагидек айтганини қилишга шошилди. Тақсимчани столга қўйиб, креслони айланиб ўтди ва пастдан икки қўли билан Усмоновнинг бошини кўтарди. Кейин беихтиёр қўйиб юборди.

— Нима бўлди экан? — ҳеч нарсага тушунмагандек сўради Султонов.

— Ўлибди.

Одамбойнинг ўзгариб кетганини ва ғалати, ер остидан ўқрайиб унга қараб қўяётганини кўрган Султонов бўлган воқеадан хабардорлигини сезди.

— Ҳа?! Сен нега қалтираяпсан? — дўйқ аралаш кулди у. — Ўлим ҳар бир кишининг бошида бор. Ҳамма меҳмон бу дунёга. Албатта, бу ерда ўлгани яхши бўлмади. Телефонни ол!

У Одамбойнинг жойидан қўзғалмаётганини кўриб, ўзи хонанинг бурчагидаги кичкина думалоқ стол устидаги турган оқ телефон олдига борди.

— Райздравни ула! — деди у коммутаторнинг овоздини эшитиб. — Райздравми? Салом. Мен Султоновман. Яхши. Яхши. Козимбек! Тез Тепабоқча етиб келинг. Тез келинг.

У трубкани қўйди.

— Мунча менга тикилиб қолдинг? — У хўмрайиб унга қараб турган Одамбойнинг олдига келди. — Одам ўлганини кўрмаганмисан? Нечтани ўзинг йўқ қилгансан? Қани, айтчи! Қарама бундай менга!

У Одамбойнинг ёқаларидан ушлаб бир-икки силтади.

— Мен йўқ, эдим. Ёстиқ олиб келсам, нафас олмайти. Сени чақирдим. Кўр-чи, дедим. Тўғрими! Айт! Сендан сўраяпман.

— Тўғри, — деди бўғилиб Одамбой.

— Баракалла! Бор, уйингта жўна. Дам ол. Ёш болага ўҳшайсан-а! Тушундингми? Уйга кет. Валига айт, ташлаб келсин.

Одамбой ёқаларини тўғрилаб чиқиб кетди.

— Қозоннинг тагини ўчир! — қичқирди Султонов орқасидан.

Одамбой эшитди, аммо парво қилмади, у дарвоза томон юрди. Нима бўлди ўзи? Нега у ўзгариб кетди, қўрқди? Бундай одати йўқ эди-ку? Сўнгти пайтда иккинчи марта шундай қўрқувга тушиши. Илгарилари бундай бўлмасди. Нимадан экан бу? Биринчи марта Фотимани қабристонда кўриб қўрқиб кетди. Қочди. Нега ўзи қабристонга борди? Фотима унга муштини кўрсатди-да тушида. Аввал имлаб чақирди. Кейин муштини кўрсатди. Кейин қанча ўзини орқага ташламасин, қабристон уни тортаверди. Борди. Қай кўз билан кўрсингки, Фотима ўз қабри олдида чўккараб ўтирибди. Аввал анави Зухра, кичкинаси бўлса керак, деб ўйлади. Яхшилаб қаради. Зухрани ҳам у яхши биларди. Йўқ. Чўккалаб ўтирган Зухра эмас, Фотима эди. Одамбой уни қарашидан таниди. Фотиманинг ўзи. Танидию юраги ўйнаб кетди. Беихтиёр орқага тисарилди.

Дарвозага яқинлашганда Фотима ўрнидан туриб у томон юра бошлагандек бўлди. Одамбой шошиб ўтирилди-да, чопиб кетди. Орқасидан баланд пошналик туфлининг тақ-тақ, тук-тук қилган товушлари эшитиларди. У қаттиқроқ чопди. Лекин Фотиманинг оёқ товушлари пасаймасди. Уйга етиб эшикни ичидан занжирлагунча эшитилиб турди шу овоз.

Ўшанда бир қўрқди. Кечаси билан ухломай чироқларни ёқиб кўйиб, ховлини айланиб чиқди. Онаси ётган жойида уни чақириб сўради, аммо Одамбой айтмади, уяди айтгани.

Бугун у суюкли «ота»сининг қилган ишини кўриб, иккинчи марта қўрқувга тушди. Ота Усмоновни эмас, ёстиқ билан унинг нафасини бўғаётгандек бўлиб кетди.

— Ҳа, Одамбой?! Эрта кетяпсан? — қичқирди бир оёғи ёғоч қоровул чол.

— Хизмат битди, ака.

Шу гап оғзидан чиқиб кетганини ўзи сезмай қолди. Чиндан ҳам унинг бу ерда отасига охирги марта хизмат қилиши эди. Дилининг бир четида у шуни сезди. Тўғрироғи, шу гап оғзидан чиқиб кетганидан кейин сезди. Отасининг нима қилаёттанини кўрмаганда, ҳатто шу ишни унга топширганда, бундай йўламасди. Ҳали кўп керак бўлишини, ўзини отага ниҳоятда зарурлигини ҳис қилиб юраверарди. Аммо отаси бутун уни хизматдан четлатди. Унга зарурати қолмаганини кўрсатди. Демак, унинг ҳам аҳволи танг. Шошяпти. Шундаймикан? Ёки фақат унинг кераги бўлмай қолдимикан? Нима бўлса ҳам, Одамбой ёлғиз қолаётганидан кўрқиб кетди.

— Эрта келдинг, болам? — ҳайрон бўлиб, айни пайтда севиниб сўради онаси.

У айвонда очиқ дераза тагида ётарди.

— Хизмат битди, — қайтарди боғда қоровулга айтган гапини такрорлаб. — Корнингиз очдими?

— Чой ичдим термосдан, — онаси ўғлини дуо қилиб қоқ қўлларини юзига олиб борди. — Озгина мастава бўлса ичардим, болам..

Одамбойга жон кирди. Бир нарсага алаҳсишни ўйлаб турган эди, онасининг илтимосини эшитиб, сакраб ўрнидан турди.

— Ҳозир-да, ой! Бирпасда гатоп қиласман! Манам ичаман сиз билан.

— Умрингдан барака топ, болам!..

Онаси яна нималардир деди, аммо Одамбой эшитмади. Ўчақбошига бориб, дарҳол маставага уннаб кетди. Йўқ, отага у ҳали керак. Ота уни шундай ҳайдаб юборролмайди! Гап фақат унинг қўлларида эмас. У ҳеч қачон отанинг гапини иккита қиласлан эмас. Нима деса, хўп, деб келди. Шундай одамдан индамай воз кечиб кетиб бўладими?!

Одамбой хаёллари тинчлик бермаса-да, яхшигина мастава қилди. Қатиқлаб, куритилган райҳон кукунидан бир чимдим, бир чимдим мурч сепиб, бир коса онасига, бир коса ўзига сузиб келди.

Эти устихонига ёпишиб бораётган кампир терлаб-пишиб зўрга ярим коса ичди. Шу ҳам унинг учун катта қувонч эди.

Одамбой уни баланд ёстиқقا ётқизиб бирпас еллиб ўтирди. Кампир дуо қилди ва кўп ўтмай ухлаб қолди.

Одамбой идиш-товоқларни йифиштириб, ҳовлида олманинг тагидаги ёғоч сўрига чиқди. Қуроқ кўрпачанинг учини қайириб, устига эски духоба ёстиқни ташлади-да, ёнбошлади. Шу алфозда қанча ётди, билмайди, нимадандир чўчиб уйғониб кетди. Шундай тепасида қора шойи рўймол ўраган, худди шундай қора шойи кўйлак кийган Фотима турарди.

— Фотима?!

Одамбой бошини кўтарганича қотиб қолди. Унинг қўллари, оёқлари сўрига чандиб ташланган эди.

— Акам қаерда? — деди у.

Одамбой тирсакларига тиравиб ўрнидан туришга ҳаракат қилди-ю, туролмади.

— Ҳамид.. Ҳамидулла.. — гўлдиради у қўрқув аралаш, бошқа гап тилига келмади.

— Акам қаерда деялман, ким ўлдирганини айтинг! Агар айтмасангиз, шу жойингиздан қайтиб турмайсиз.

Зухранинг қўлида пичоқ ялтираб кетди. Ўткир тифдор пичноқни кўриб Одамбой бу оддийгина пўписа эмаслигини тушунди. Туш ҳам эмас эди. Рўпарасида жиддий ният билан келган Зухра турарди. У таниди. Пичноқни кўрмаганида, Фотима деб ўйлаши мумкин эди. Фотима қўлига пичоқ оладиган қиз эмас эди. Бу Зухра. Демак, қабристонда ҳам уни кўрган. Ҳозир ҳам Зухра тепасида турибди. Қачон уни чандиб боғлашга улгурди экан? Шундай қаттиқ ухлаб қолибди-ми? Ҳа, бу Зухра. Ундан ҳар балони кутиш мумкин. Ўғил боланинг ўзи у.

— Нега индамайсиз? — сўради Зухра ва пичноқнинг учини унинг этига яқинроқ келтириди.

— Аканг.. Ҳамид форда, — ниҳоят тилга кирди Одамбой.

— Қайси форда? Қанақа фор?

— Тепабоғнинг этагида шаршара бор. Шунинг ёнида фор. Ҳеч ким уни билмайди. Отанинг рухсатисиз ҳеч ким у томонга ўтолмайди.

— Ота ким? Раисми?

— Ўша, — бўғилиб жавоб қилди Одамбой.

Зухра Одамбойнинг бундай тез гапга киришини кутмаган эди. Нима бўлди? Наҳотки ҳали ҳам Фотима деб ўйлаёттан бўлса? Қабристонда уни кўриб қочган одам шулиги энди аниқ. Фотима, деб ўйлаган. Афтидан ҳозир ҳам шундай ўйлаб турибди.

— Мен Зухраман, Фотима эмасман.

— Билдим.

— Сиз қотилсиз. Акамнинг қотилисиз.
— Қотил — ота. Мен унинг айтганини қиldim.
— Нега? Акамнинг нима гуноҳи бор эди?
— Билмайман. — Одамбой рўпарасида турган қизга ҳеч нарсани яширмай айтиб берәётганидан ўзи ҳайрон эди. Бир «тўхта, нима деб вадираяпсан?!» деган фикр хаёлидан ўтди. Аммо ўзини тўхтатолмади. Шундок Тепабоғдаги кўргани, суюкли отасининг Усмоновни ўлдириши ва ундан яшириши унинг фикрлариси муносабатини ўзгартириб юборган эди. Кўз олдидан отанинг ёстиқ босиб туриши, Усмоновнинг жон талвасасида оёқдарини типирчилагани ўтарди. Ота истаган одамидан шундай қутулиши мумкин. Ундан ҳам. Боя боғда шу фикр хаёлига келди. Отага кераклигини билганида шундай ўйламас эди. Ота уни уйига жўнатди. Қилаётган овқати чала қолиб кетди. Демак, у раисга керак эмас энди. Бугун бўлмаса эртага, ё индинга ундан ҳам қутулиши мумкин. Одамбойнинг кўп нарсага ақли етмаса ҳам, боши устида қандайдир хавф туғилганини расмана одамларга қараганда эртароқ, аниқроқ ҳис қиласди.

— Билмайман, — қайтарди Одамбой. — Гумоним бор. Отадан айниб қолди назаримда. Ота буни пайқади. Норизо бўлганларни ота ёмон кўради.

— Форда.. кўмилганми?
— Ҳаммаёқ, тош, кўмиб бўлмайди.
— Ҳайвонлар!

Зухранинг fazabdan tiшлари fижирlab кетди. Қўлидаги pичноқни олдида ҳайвондек ётган одамнинг, акаси қотилининг кўкрагига уриб, чавақлаб ташлагиси келиб кетди. Аммо нимадир, жирканишми, ҳазарми, қўлини тутиб қолди. «Тонгни кутиш керак», — хаёлидан ўтказди у. Тонг отиши билан Светаларникига боради. Унинг отаси билан Исмоиловни топади-да, ўша горга боришади. Акасидан нима қолган экан? Кимларга, нималарга ем бўлди экан бечора?

Зухра кўча эшик томон юрганда Одамбой уни чакириди.

— Зухра! Мени шарманда қилма. Тўхта.
Зухра орқасига қайтди.

— Мени бўшат. Биламан, гуноҳкорман. Қўрқма. Қочиб кетмайман. Сенга ҳам тегмайман. Мен кўр эдим. Бугун кўзим очилди. Истасанг, майли, шундай ташлаб кетавер. Истасанг, ишонсанг, бўшат. Акангни олдига ўзим олиб бораман. Истамасанг, илтимос қиласман, ўша

пўлат пичоғингни бўғзимга санч-да кет. Ўлганим яхши бундай шарманда бўлганимдан кўра!..

— Зухра! Қизим!..

Зухра аёл кишининг ҳазин, ингичка овозини эши-тиб, чўчиб кетди. Товуш айвондан келган эди. Наҳот-ки, Одамбойнинг онаси бўлса?

— Уни бўшат, болам!..

Ха, бу Одамбойнинг онаси эди. Зухра уни кўрди. Кампир ўрнидан туриб, айвон зинапоясигача келган, шу ерда устунга суюниб турарди.

— Одамбойда гуноҳ кўп. Нима ёмонлик қилган бўлса, раиснинг гапи билан қилган. Тешабой ҳаром одам, дўзахи. Одамбойнинг отасини ҳам, ўзини ҳам хароб қилган, тўғри йўлдан қайирган шу Тешабой!.. Ташибшиларингни биламан. Ёлғиз қолгансан. Айб Тешабойда. У бор экан, ҳали кўп одам қақшайди, ёстиғи қурийди. Одамбой! Зухрани алдама. Акасини унга ўзинг кўрсат.

Зухра нима қилишини билмай қолди. Кампирга раҳми келди. Бошқа ҳеч нарса демади-да, битта-битта босиб сўрига яқин келди.

— Ойингизни аядим.

— Айттанингни қиласман, Зухра.

Зухра уни бўшатди. Одамбой томири тортишиб қолган қўлларини ишқалаб ўрнидан турди.

— Ойи!

Одамбой айвонга кўтарилиди. Зухра ортидан борди.

— Чироқни ёқ, — деди кампир.

Одамбой унинг айттанини қилди. Уй ёришди. Кампир Зухрага қараб майин жилмайди.

— Барака топ, қизим. Худо ўзи сени асрасин. Умринг узоқ бўлсин, дард кўрмагин.

Зухра дуога кўл очди. Нима бўлса, бўлди. Албатта Одамбойни боғлиқ ёттани, милиция олиб кеттани яхши эди. Лекин бир оёғи гўрда бўлган одамнинг гапини қандай қайтара олади?

— Кетдикми? — унинг хаёлини бўлди Одамбой.

— Боринглар, — кампир яна ингичка мадорсиз қўлларини фотиҳага чўзди. — Сени борма демайман, Зухра. Барчиндек довюрак экансан. Бўлмаса келмасдинг. Одамбойдан одамлар кундузи ҳам қўрқишиади. Кечаси келиб, ёш боладек белаб ташлабсан.

Одамбой уялиб, бошини эгди:

— Ухлаб қолибман.

— Яхшиям ухлаб қолибсан. Худо ўзи асрабди Зухрани, — кампир ўзича ўғлини уришган бўлди.

Одамбой ўрнидан турди.

Улар кўчага чиқишигандан, тун яримлаган эди. Кўчада ҳеч зоғ йўқ. Зухра тинч бўлса ҳам, барибир Одамбойдан хавотир олиб бораради. Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Лекин Одамбой Зухрани ўйламасди. Унинг хаёли ворда, унинг қўли билан ўлдирилган иккита одамда эди. Биттаси Шоҳида, иккинчиси Ҳамидулла, ота хотинликка ваъда қилган Фотиманинг акаси. Шоҳида ҳаддидан ошди, отанинг гапига қўнмади. Қизик, аёлларни тушуниб бўлмайди. Ёмон йўлга кирдингми, эринг бўлатуриб, чида, айтганларини қил. Йўқ, Шоҳида чидамади. Ҳам беш бармоғини оғзига солмоқчи бўлди, ҳам фақат ота билан бўлмоқчи бўлди. Отанинг эса ниятлари бошқача эди. Уни овчи бургутга айлантириб қўймоқчи эди. Ўлжани кўрсатади, Шоҳида бориб олиб келади. Аммо у бу ўйинни қабул қилмади. Одамбой негадир унга ачинмади. Ингичка ипак арқон билан шаршаранинг панасида унинг бўйини қисар экан, битта ҳаромдан отани халос қилгандек ҳис қилди ўзини. Ҳамидуллага жиндек ачинди. Ашурали ўзидан кўрсинг. Нафси бузук эди. Тузалмади. Ота билан беллашганинг аҳволивой. Лекин Одамбой илгари, ҳатто кечагача шундай ўйлар эди. Кеча унинг фикри ўзгарди. Бирдан, кутилмагандан ўзгарди. Отанинг ўша панжалари ҳидини ўзининг димогида туйиб ўзгарди. Ота ундан юз ўтириб, Тепабоғдан ҳайдагандагина пайқади. Бу унинг қуёши ботганлиги билан баробар эди.

Агар Зухра келмагандан, у Тепабоққа бошқа қадам босмас эди. Отанинг башарасини қўрмасликка тайёр эди. Лекин иложи қанча, ваъда бериб қўйди. Онасига, ўша Зухрага. Ота ундан беркитиб, у қиладиган ишларни қилдими, тамом, орани очиқ қилади энди. Одамбой бирдан севиниб кетди. Усмоновни айтиб беради. Ҳойнаҳой ўзи ўлиб қолди, деган гап қилишгандир? Йўқ, Усмонов ўзи ўлгани йўқ. Ота уни «бўғиб» ўлдириди. Одамбой ўз кўзи билан кўрди-ку.

— Зухра! — Одамбой бу сирни ҳозироқ айтиб қўяқолишга қарор қилди. — Тепабоғдаги тўполонни эшилдингми?

— Қанақа тўполон? — ҳайрон бўлди Зухра.

— Биринчи котиб.. Усмонов ўлган. Отанинг ўзи ўлдириди уни. Оғзи-бурнига ёстиқ босиб ўлдириди. Кейин дўхтири чакирди, ўзи ўлиб қолди деб.

— Боғда ҳозир одам бордир?

— Бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин..

Одамбой иккиланиб шундай деди. Ким бўлиши мумкин боғда? Нима қиласди? Ҳамма Усмонов билан оворадир ахир? Чўлоқ қоровулдан бошқа ким ҳам бўларди? Боқقا майшат қилгани келишади, холос. Одам ўлиб турган пайти майшатга бало борми! Тағин ким билади, дейсиз. Отадан ҳар нарсани кутиш мумкин. Ҳамидуллани форга жойлаб чикқанидан кейин ота уни ошга таклиф қилмаганмиди, ахир. Одамбой албатта унамади. Ҳеч маҳал раис билан бир лагандан овқат емаган. Одоб сақларди. Лекин чой олиб кирганида, ота ҳеч гап бўлмагандек ошни иштаҳа билан туширади. Темирдан ота. Агар ҳозир боғда одам бўлсаям унинг меҳмонлари бўлади, отанинг ўзи бўлади. Туман соғлиқни сақлаш бўлими мудирини чақирган бўлиши мумкин.

Одамбой адашмаган эди. Тешабой Султонов Одамбойни жўнатиб, ўзи қозонга уннаб кетди. У безовта бўлганида, ҳаддан ташқари ҳаяжонга тушганида шунақа иштаҳаси очилиб кетарди. Лекин бу гал қорни очган бўлса ҳам, овқат ўтмади. Етилиб, ҳиди гуркираб тутган қозон кабобга қараб қўйди-ю, орқасига қайтди. Босиб икки-уч пиёла аччиқ қора чой ичди. Яна пича кутди. Козимбек Исабеков келганида, у мутлақо ичмаган одамдек тетик, аммо қаттиқ ҳаяжонга тушганигини яширмай ўтиради. Биринчи тахминлари инфаркт бўлди. Исабековнинг айтишича, Усмонов бир марта инфаркт билан ётиб чикқан экан. Бу иккинчи инфаркт бўлиши керак. Бунинг устига қон босими ҳам баланд юрарди. Усмоновни олиб кетишгандан сўнг, бир соат ўтар-ўтмас Исабеков боқقا телефон қилиб, бояги диагнозини тасдиқлади. Усмонов кенг инфарктдан қазо қилган, деди.

Анча хотиржам бўлган Султонов барибир тинчимиади, кечаси соат бирларгача Усмоновнинг ташвиши билан юрди. Уйига бориб таъзия билдириди, шаҳарга, виляятта телефон қилди. Кўмиш маросимига зарур бўладиган ишларни гаплашди. Шундан кейингина Исабековни олиб, боқقا келди. Иккалово алламаҳалгача Усмоновни таърифлаб ўтиришди, ичишди. Султоновнинг елкасидан бир тоғ ағдарилган эди.

XVI

Одамбой боқقا келишга келди-ю, ўзи яшириб қўядиган жой деворнинг кавагидан дарвоза килитини олмади. Калит йўқ эди. Бу унга отанинг ишончи йўқол-

ганининг яна бир дараги эди. Калит шу ерда туришини фақат уч киши — ота, у, қоровул Мамад чўлоқ билишарди. Дарвоза ёнидаги темир эшикни қўнғироғини босишига тўғри келди. Ичкаридан Мамад аканинг овози эшитилди:

— Ким?

«Очмаса, нима қиласи? Девордан ошиб тушадими?» Девор баланд, уч пахсали. Лекин бошқа ҳам иложи йўқ.

— Менман, Мамад ака. Очинг.

— Одамбой кимлигини айтмади. Кимлигини билмоқчи бўлса, эшикни очади. Агар ота Одамбойни киритма, деган бўлса, очганда маълум бўлади.

— Қоровул чолнинг ёғоч оёғини дўқиллатиб эшик олдиги келгани эшитилди.

— Одамбой?

Одамбой индамади.

Қоровул эшикни очди.

— Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

— Э, Мамад ака, кўрмаяпсизми? Отанинг тошириқлари тутармиди?

Одамбой Зуҳрага ишора қилди.

— Қани, юринг, синглим!

Улар ичкарига киришди. Қоровул индамади. Демак, ота ҳали унга ҳеч нарса демаган. Азондами, ярим тундами, одамларнинг келиши, улар орасида аёллар бўлиши эса одатдаги ҳол эди. Қоровул буни биларди. Лекин эшикни қулфлаб, қоровулхонага кирди-ю, меҳмонхонанинг телефонини терди.

— Кечирасан, Тешабой! Одамбой бир қизни етаклаб келди. Сен буюрган эмишсан!

— Нега киритдинг?! — дўқ қилди уйқу аралаш Султонов.

— Менга ҳеч нарса демадинг-ку? — ҳайрон бўлди Мамад чўлоқ.

Султонов жавоб бермади. Мамад чўлоқ трубкани бир-икки кух-кухлаб, жойига қўйди. Катталарнинг ишларига унинг ақди етмасди. Тенгдош ўртоғи шу боғни куриб битирганидан кейин уни чақирди. Икки меҳнат куни берадиган бўлди. Шунгаям ўн йилдан ошибди. Урушда бир оёғини ташлаб келган бесавод Мамад ака тинч ишли бўлди. Овқат текин. Нафақа, икки меҳнат куни, чол-кампирга етиб ортади. Болалар, невара-ларга ҳам у-бу чиқади. Хўжалик ногиронлар минадиган «Москвич» машинаси ҳам берди. Ундан ўртоғи-

нинг нима талаб қилишини биринчи куниёқ билиб олди: мум тишлаб юриши керак. Кўзи бўлатуриб, ҳеч нарсани кўрмайди, қўли бўлатуриб, ҳеч нарсани ушламайди. Бу биринчи талаб. Иккинчиси, бегона одамини киритмайди. Ўртоги ўзи айтмаса, подшоси келса ҳам киритмайди. Лекин ҳозир Одамбойни қўйиб, у хато қилган эди. Бунда кўпроқ ўртогининг ўзи айбдор бўлса ҳам у ранжиди. Бундай жойни топиш осонми?! Киритма, деб қўйса бўларди. Одамбой унинг соясиску?! Киритмай бўладими? Йўқ, бу катталарга ҳеч тушини бўлмади-бўлмади-да.

Одамбой Зуҳрани боғнинг чети ёқалаб тўғри ошхона томонга бошлади. Меҳмонхона билан ошхона ўртасидаги ҳовузли фонтан олдида Султонов уларни қўлларини белига тираб, қарши олди.

— Ҳа, Одамбой? Ярим кечада нима қилиб қиз етаклаб юрибсан?

Одамбой аввал бир оз гангигб қолди. Отанинг салобати босди.

— Зуҳра бу. Фотиманинг синглиси.

— Шунақами? — ўзини билмаганга солди Султонов. Одамбойнинг ёнида келаётган қизнинг Зуҳра эканлигини у дарҳол пайқаган эди. — Абдулла муаллимнинг қизи дегин? Ҳей қиз! Бегона эркак билан бу ерда кечаси нима қилиб юрибсан?

— Акамни қидириб келдим.

Зуҳра Султоновни кўриши билан вужудини титроқ босганини сезди, аммо кўрқмади. Ким билади, нима унга далда бўлди — аҳдими, ё Султоновнинг белига қўлларини тираб, истеҳзо билан қараб туришига ғапи келдими? Ҳарҳолда Зуҳра ундан жудаям чўчимади.

— Аканг шу ерда эканми? — қошлирини чимирди Султонов.

— Ўзингизни билмаганга солманг! Сиз буни мендан яхши биласиз.

— Нима деяпсан ўзи? Эсинг жойидами, Одамбой? Сен нега қараб турибсан?

— Ҳамидулла шу ерда, горда.

Одамбой ошхона томонни кўрсатди.

— Одамбой! Ҳой, эси паст! Ким айтди сенга Ҳамидулла шу ерда деб? Қанақа гор? Бу ерда гор нима қиласди?

— Ўзингизни билмаганга солманг. — Одамбой ўзини анча босиб олди. — Ҳамидулла ҳам, Шоҳида ҳам шу ерда!

— Ё тавба! Ё тавба! Сен жинни бўпсан! Зухра, қизим! — Султонов Зухрага яқинлашиб, унинг тирса-гидан ушламоқчи бўлди, аммо Зухра тисарилди-ю, бир силтаниб қўлини бўшатиб олди. — Бу жинни! Қип-қизил жинни бўпти! Менинг ҳеч қанақа гордан, акангни шу ердалигидан хабарим йўқ. Бу ерда фор борлигини энди эшишиб турибман. Одамбой! Қани ўша фор? Нималар деяпсан, ўзи, аҳмок бола?!

— Эсингиздан чиққан бўлса, юринг, кўрсатаман! — деди бамайлихотир Одамбой.

— Кўрсат! Кўрсат! Фор бормиш! Ҳамидулла ўшатдамиш! Жинни бўпсан, Одамбой!

Ошхона ёнидан ўтиб шаршаранинг шовқини келаетган томонга юришганда, Султонов Одамбойни тўхтатди.

— Ҳой, эсингни йиф-да, орқага қайт. Фор нима қиласди бу боғда?..

Зухра меҳмонхона айвонидан тушиб турган чироғ ёруғида Султоновнинг йўғон гавдасидан бошиқа ҳеч нарсани кўрмасди. Лекин гапидан, Одамбойга қилаёттан муомаласидан чўчиб кетганини пайқаш қийин эмасди.

Одамбой жавоб бермади. Зухра унинг Султоновдан ажралиб, оддинга кетаётганини кўрди. Султонов унга эргашди. У Зухрани ҳам унуттан эди.

— Одамбой! Жиннилик қилма! Пушаймон бўласан, бола!

Одамбой қани қулоқ солса! Шаршаранинг шовқини кучая бориб, муздек ҳаво ва сув зарралари Зухранинг юзига урилди. Оддинда қора чодрадек бир нарса пайдо бўлиб, йўлни тўсиб қўйди. Одамбой ўнг томонга қўлини узаттган эди, ҳаммаёқ бирдан ёришиб кетди. У темир устундаги электр тутгачасини босиб, шаршарадан ўн метрлар наридаги ариқ лаби бўйлаб тортилган чироқларни ёққан эди. Зухранинг хәёли нохуш воқеаларга қочган бўлса-да, буни кўриб ҳайратта тушди. Қураманинг бир этаги шу боққача чўзилиб келган, тўғрироғи, тоғнинг шаршарали этагига боф ёндашиб тушган эди. Тик арчалар, йўлканинг икки томонидаги ҳисобсиз ранг-баранг гуллар бу ер каттагина сайилгоҳ, эканидан дарак бериб турарди. Зухра арчаларнинг орқасида баланд ёғоч сўри турганини кўрди. Унинг ёнига, нақ гулзорнинг ўртасига оврўпоча стол, стуллар қўйилган эди.

— Одамбой! — Султоновнинг кескин овози эшитилди. — Бекор бошладинг шу машмашани. Ўзингта

жавр қиласан. Онангни ўйласанг-чи! Эртага сени олиб кетишса, унга ким қарайди, эси паст!

Бунга парво қилмай Зухрани чақирди.

Зухра терак бўйи баландликдаги тошлар орасидан атласдек товланиб тушаётган шаршарани айланиб ўтиб, Одамбой турган жойга борди.

— Мана, — у катта харсанг ёнидаги ўрани кўрсатди.

Зухра беихтиёр орқага тисарили. Одамбой кўрсатган ўранинг хунук қорайиб кўринган оғзи ютаман дерди. Агар харсанг бўлмаса, шаршаранинг орқасига ўтилмаса, шу ерда фор борлигини одам зоти билмас эди. Харсанг ўранинг оғзини пана қилиб турар эди.

— Пастлигингни билар эдим, — деди Султонов фижиниб. — Аммо бунчалик тез сотасан, деб ўйламаган эдим. Нонкўр экансан!

У шундай деди-да, орқасига ўтирилиб, битта-битта юриб кетди.

Одамбой қаёқдандир арқондан ясалган нарвон олиб келиб, ғорнинг ичига ташлади. Ошхонага бориб, тўр симга ўралган қўл лампа кўтариб келди. Шу ерда ёқди.

— Аввал мен тушаман. Кейин сен. Кўркмайсанми? Ё кун чиқишини кута қоламизми?

— Чуқур эмасми?

Зухра ҳаяжонга тушаётганини сезди. Аммо билдирмади.

— Ўн метрча келади.

Одамбой тош лампани белига боғлаб, ғорга туша бошлади.

Кўп ўтмай, тортилиб, қимирилаб турган нарвон бўшашди, сўнг қимириламай қолди. Одамбой ғорнинг тагига етган эди.

— Тушиб кетдими?

Зухра чўчиб тушди. Рўпарасида Султонов турарди.

— Ким нима деса ишонаверасанми? Акангни қотили шу бўлади.

— Бекор айтибсиз! — деди Зухра. — Ақамнинг қотили умас — сиз! Одамбой сизнинг гапингиз билан ўлдирган экан!

— Жим бўл, манжалаки!

Султонов ғорнинг оғзига энгашди. Ёнидан, камарига осиғлиқ пичоини қинидан олиб, нарвонни кўтарди. Зухра унинг нима қилмоқчи бўлганини англаб, қўлига ёпишиди.

— Тўхтанг! Нима қиляпсиз?

Кучи етмай елкасига тирмашди. Аммо қани жойидан жилдира олса! Ҳозир арқонни кесиб юборса, Одамбой форда қолиб кетади. Зухра то милицияга хабар бергунча, милиция келгунча анча вақт ўтади, ахир. Унгача Султонов Зухрани тинч қўярмиди. Тутиб олиб, форга ташлаб юборса, тамом, ҳаммасидан қутилади. Одамбойнинг онасидан бошқа ҳеч ким уларнинг бу ерга келганини билмайди. Коровул кўргани билан айттармиди. У раиснинг одами-ку.

Султонов ҳамон арқон нарвон билан овора эди. Сунъий ипдан тўқилган йўғон арқонни кесиш анча қийин бўлди. Шу тобда Зухра ўнг қўлининг зиҳи билан унинг ялтираб турган семиз гарданига тушириди. Султонов «их», деб олдинга эгилди ва Зухра иккала қўлинни бир қилиб, яна шу жойга, гарданига урди. Султонов чўккалади ва мувозанатини йўқотиб, форга қулади. Тортилиб турган нарвон, ярим кесилган жойидан узилиб, форга тушиб кетди. Кўп ўтмай фор ичида нимадир гумбурлади. Кейин жим бўлиб қолди.

Зухра бундай бўлишини кутмаган эди. Жон ҳолатда фор оғзига энгашиб, қичқирди.

— Одамбой ака!

Қўнғироқдек овознинг акс-садоси анчагача тўлқин-тўлқин бўлиб жаранглаб турди. Аммо Одамбой жавоб бермади.

Катта боғу аждаҳодек фору қулоқни гаранг қилгучи шаршара олдида ёлғиз ўзи қолган Зухрани қўркув боса бошлади. У беихтиёр орқасига тисарилди. Кейин, шаршараға ўтирилиб, унинг ортидан чиқди-да, ошхона томонга ютурди. Шу ерга еттанида меҳмонхона айвонидаги чироқни кўрди. Чироқ унга анча далда берди. «Ада, адажон! Энди нима қилай?» У ўзига шу саволни бераркан, айвонга қараб чопди. Шу ерда телефон бўлса кепрак. Милиция билан тез ёрдамни чақирмаса иш чатоқ.

Айвонга еттанида аллақаёқда милиция машинасининг чинқирган сигнали эшлилди. Дарвоза томон ёришиб кетди.

Биринчи милиция машинаси меҳмонхонага етиб келганида Зухра айвон зинасида ўтиради. У қаршисига югуриб келаётган И smoиловни кўриб, йиглаб юборди. Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо мадори етмади. Уялиб, четта қаради.

— Қидирмаган жойимиз қолмади сизни! — деди И smoилов унинг рўпарасига келганида.

Иккинчи машина қаттиқ тормоз бериб меҳмонхона олдида тўхтади. Ундан биринчи бўлиб Света тушди.

— Зухра! Соғмисан, Зухра?!

Зухра бошини қўмирлатди. Света кела солиб, уни кучоқлади.

— Нега бизга айтмадинг? Улар қани?

— Ким?

— Одамбой, Султонов?.. — гапга аralашди Исмоилов.

— Улар... Улар форда.

— Фор? Қанақа фор?

— Даҳшатли фор, — деди ўзини босиб олиб Зухра. — Иккита ўлик ётган фор. Акам, Шоҳида опа.

Зухра ўрнидан туриб, Исмоилов билан келган милиция ходимларини, Светани шаршара томонга бошлади.

— Улар шу ерда. Одамбой айтди.

Зухра йиглаб юборди. Света уни бағрига босиб, овуттан бўлди.

— Света! Сиз Зухрани олиб кетинг, — илтимос қилди Исмоилов. — Машина ташлаб келади.

Лекин Зухра кўнмади.

— Акамни кўришим керак. Одамбой олиб чиқаман деган.

Исмоилов индамади...

Тонг ота бошлаганида Ҳамидулла билан Шоҳида-нинг жасадларини олиб чиқишиди. Ҳамма ҳайрон эди. Иккалови ҳам худди бир неча соат илгари жони узилган одамдек ётишарди.

— Ака! — қичқириб юборди Зухра.

У жасадга тегмоқчи бўлиб энгаштанди, Исмоилов қўлидан ушлаб қолди.

— Тегманг. Форда, ҳаво ўтмайдиган бўшлиқда ётишган. Бузилмаганлари шундан. Ҳозир тегсангиз, тўкилиб кетади жасад. Кўряпсизми, қорая бошлади.

— Бўлди энди, кетдик.

Света унинг тирсагидан ушлаб тортди.

Зухра қаршилик билдирамади. Қўлларига кишан солинган Одамбойга у бир нарса демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади. Унга яқин борганда эса айниди, ҳеч нарса дея олмади.

Милиция ходимлари горнинг ҳамма йўлларини қараб чиқишиди.

Лекин Тешабой Султонов ҳеч қаерда йўқ эди.

Исмоилов жасадларни «Тез ёрдам» митти автобусида Тошкентта жўннатиб, Алиевга телефон қилди. Султонов

қаёққа ғойиб бўлиши мумкин? Иккалови ҳайрон бўлишиди. Ҳар эҳтимолга қарши уйи, идора, райком биноси назоратта олинсин, деб буйрук берилди. Алиев ҳозироқ йўлга чиқишини айтди. Кеча кечқурун республика прокурори Усмонов билан Султоновни қамоққа олиш ҳақидаги ордерга қўйл қўйган экан. Энди кечикилгани маълум бўлди. Алиев хуноб эди. Усмонов билан қанча сир кетди экан? Қанча нарса очилмай қолди экан? Агар Сиддиков халақит бермаганда, Усмонов балки ҳозиртирик бўлармиди. Султонов ғойиб бўлмас эдими? Қандай йўқолиши мумкин-а, тавба? Бу ўзи қандай горки, ичида одам йўқ бўлиб кетади?

Алиев билан Исмоиловни яна бир ҳайратта соглан нарса — бу Шоҳида, Ҳамидулла жасадларининг бузилмай шунчак вақтдан бери ёттани эди. Уларнинг жасадлари ёттан жойда қандайдир сир бўлса керак. Фақат археологлар эмас, энди у ерга тиббиёт ходимлари ҳам тушиши керак, текшириш керак.

— Зухра қалай? — сўради Алиев. Нега менга ёки сизга хабар бермади? Шунга ҳайронман. Ўлдириб қўйишлари ҳеч гап эмас эди, ахир.

Исмоилов ундан ранжигани билиниб туради.

— Сен уни тушун. Биз ҳали ҳам унинг ишончини қозонганимиз йўқ. Аммо унга қойил қолиш керак. Довюрак қиз экан.

— Уни Тошкентта жўнатиш лозим. Султоновнинг одамлари пайига тушишса ёмон. Ё ўзи яна бир иш қилиб қўйиши мумкин. Ҳарҳолда энди у четроқда тургани яхши.

— Алиев уни тезда бу ердан жўнатишни таклиф қилди.

— Ўзим олиб бориб қўяйми?

— Қаёққа?

— Ўша корейс қўшнисиникига-да, қаёққа бўларди.

Алиев қўймади.

— Ҳозир хавфли. У ерга ҳам қидириб боришлари мумкин. Кейин кечгача узок. Равшанта айтаман. Ўзимизнинг машинада бизникига олиб кетади. Ҳозироқ уни чақираман.

Кўп ўтмай иккита машина, давлат «Волга»си билан «Жигули» Тошкентдан Йўғонтепа томон йўлга чиқди.

Шу пайт Тешабой Султонов ўз уйида шилингган юзию, пешанасига муз қўйиб ўтиради. У бутун бир ўлимдан қолди. Шундай жаҳаннамнинг оғзидан бутун чиқдими, умри узок бўларкан.

Мувозанатини йўқотиб, у форга қулаганда, ҳаётдан умидини узган эди. Кесилмай қолган арқон уни сақлаб қолди. Муккаси билан қулаётганида, пичоқни ташлаб, икки қўли билан арқонга ёпиши. Шу уни қутқариб қолди. Фор тубига етай дегандагина узилди, уни кўтара олмади. Тирсакларига таяниб, атрофига қаради-ю, ҳеч нарса кўринмади. Ҳаммаёқ қоронгулик қўйнида эди. Одамбой қаёққа кетди экан? Шуни ўйлаб, севиниб кетди. Демак, соғ қолибди. Бели тошга теккан пешанаси оғрияпти, холос. Ўтиб кетар булар. Оғрияптими, ўйляяптими, демак, соғ. Соғ одам йўлини топади. Одамбой юрибди-ку? У ҳам йўлини топар. У эмаклаб беш-олти қадам юрди. Кафтларидан ҳам кўра, тиззалири тошга ботиб оғрий бошлади. Бу ахвозда узоқ юришга кўзи етмади. Секин ўрнидан турди. Ҳеч нарсага боши, қўллари урилмади. Демак, тик юрса бўларкан. Бундан қувониб, қўлларини ёзди. Ўнг қўли деворга, унинг муздек нам тошларига тегди. Шаршара шу томонда эканлигини у тахмин қилди. Шу томондан кўзини олмай юриб кўрди, қани қаёққа чиқар экан? У бирор нарсага қоқилиб кетмаслик учун оёқларини судраб босар экан, қоронгилликка секин-секин ўргана бошлади. Буни сезди-ю, бирдан қўрқиб кетди. Одамбой уни кўриб турган бўлса-чи? Энди улар душман. Одамбой уни соғ қолдирмайди.

— Одамбой?! — секин чақирди Султонов тўхтаб.

Овоз илон вишиллагандек акс-садо бериб, фор ичи-ни тутиб кетди. Аммо Одамбой жавоб бермади.

Султонов олдинга яна нам деворни пайпаслаб юра-бошлади. Юз қадамча босди-ёв, Одамбой ҳам, бошқа нарса ҳам унга дуч келмади. Оёқ ости текис, қуруқ эди. Девор ҳам юрган сари қурий бошлади. Нам юқмай қолди қўлига. Бирдан у сесканиб кетди. Деворни пай-паслаб бораётган ўнг қўли ялт этиб қизариб кетди. Султонов қўрқиб қўлинин тортиб олди. Аммо ялтираган тангадек нарса деворда қолди. Бу нур эди, офтобнинг нури эди. Қаердан тушаётган экан?

Султонов ўзини босиб олиб, нурнинг йўлини кузатди. У тепадан эмас, олдиндан тушаётган экан. Султонов шу томонга юрди. Енги калта йўл-йўл кўйлагининг нўхотдек тутгмалари ялтирай бошлади. Кейин кўйлагининг сариқ йўллари ҳам кўринди. Сариқ брезент этиги энгашганида кўзига тушди. Хайрият. Бир ўлимдан қолди. Энди умри узоқ бўлади. Соғ, ўйляп-

ти, кўряпти, демак, тирик. Бунинг устига йўли ёришиди. Йўлига нур тушди. Шу нурга қараб юради. Албатта нур фордан олиб чиқиши қерак. Деворда нам йўқолгани ҳам яхшиликка. У тепага қараб кетяпти. Шунинг учун намлик йўқолди. Ташқарига йўл бор. Унинг эсига беихтиёр Одамбой шу фордан топиб чиқсан қилич тушди. Демак, қилични ҳам қачондир олиб киришган. Демак, йўл бор, кирадиган йўл. У фордан чиқади. Омон қолдими, йўл ҳам топилади.

У олдинга юрган сари форнинг ичи ёриша борди. Ниҳоят, одам бўйи келадиган баландлиқда туйнуқдек жой оқариб кўринди. Шу пайтгача ўзини овутиб келаётган Султонов бирдан яна қўрқиб кетди. Туйнутикача чиқолмаса-чи? Сифмаса-чи унга? У йўлнинг кескин тепага кўтарила бошлаганини кўрди. Чарчаганиданми, ё ҳаво етишмай қолганиданми, терлаб кетди, нафас олиши қийинлашди, ҳансирай бошлади. Аммо тўхтагани йўқ. Тўхтаса, дам олгани ўтиrsa, негадир шу ерда қолиб кетадигандек эди. Туйнука яқинлашша бошлади. Қизик, туйнук одам боши сифадигандек кўринган эди, қанча яқинлашмасин, у кенгайгани йўқ. Биринчи кўрганида қандай бўлса, шундай турибди. Султоновнинг қўрқуви зўрайди. Йўқ, бир амаллаб чиқиб олади. Бу туйнук бўлмаса бошқасини топади. Одамлар қандай киришган? Киришган-ку?! Нега у одамлар кириб чиқсан жойни тополмайди? Одамбойга йўлнинг кераги бўлмаган, шунинг учун қарамаган, қидирмаган. Богдан тушиб, боқقا арқон билан чиқсан. Йўл топиш кераклигини у хаёлига ҳам келтирмаган. Унинг-ку, эси паст. Султонов нега беҳафсалалик қилди? Нега йўл топтирмади? Ҳозир осон бўларди. Бундай қийналиб юрмасди. Лаънати қиз! Нимжонгина кўринарди, гарданни еди, ҳали ҳам оғриги босилгани йўқ. Майли, чиқиб олсин. Ҳеч биттасини соғ кўймайди.

Султонов туйнутикача еттанда, бутун аламлари, қўрқуви тарқаб кетди. Туйнук ташқаридан топи билан бер-китилган форнинг оғзи эди. Иккала қўли билан у харсангни итарди. Тош оҳиста жойидан жилди. Султонов яна кучаниб итарди. Ёруғиқдан қамашган кўзларини ишқалаб атрофга қаради. Йўғонтепанинг орқа томони эди бу жойлар. Баланд-паст тепаликлардан иборат бўлгани учун биронта дараҳт йўқ эди, ҳар ер-ҳар ерда тўп-тўп бўлиб янтоқми, чўғир ўтми сарғайиб турарди. Уларнинг ёнида нимадир гимирлагандек бўлди. Султонов дарров уларнинг нималигини билди. Севин-

ганидан кўзлари ёшланиб кетди. Фимиirlаган нарсалар шу ердаги тошлар, ўтлар сингари сап-сариқ қўйлар эди. Улар бошларини кўттармасдан иштаҳа билан ерни чимдилар эди.

Султонов ўрнидан турди. Қон қотган пешанасини кафти билан сидирди. Ҳозир у тезроқ уйга бориши керак. Сиддиқовни, Фатхиллаларни топиши керак.

Уни чўпон йигит кўрди. Аммо қаердан пайдо бўлиб қолганини билолмади. Югуриб олдига келганида, Султоновнинг ўзи айтиб берди:

— Тўриқ олиб қочди. Машинанг борми пастда? Юр! Уйга элтиб қўй. Лекин ҳеч кимга айтма. От топилади. Мен уялиб қолмай.

Чўпон йигит Султоновдек одамни ўз машинасида уйига олиб бориб қўйишдан боши осмонга етди.

— Чой ичиб кетмайсизми? Яхши қимиз ҳам бор эди.

— Бошқа сафар. Қани бўл.

Улар ўн дакиқалардан сўнг, чўпоннинг дарё лабидаги ўтowi олдида пайдо бўлипци. Иккита катта бўрибосар уларни кўриб, вовуллаб келди. Аммо эгасини таниб, жим бўлди. Чўпон йигит ўтов орқасида турган қизил «Москвич» машинасини бирпасда юргизиб, юзқўлини юваётган Султоновнинг олдига келди.

— Келинга ҳам айт. Овоза қилмасин.

Қоп-қора обдаста ушлаб турган аёл бошини қимирлатди.

— Хотиржам бўлинг! — тинчиди Султоновни чўпон.

У машинани аямай ҳайдаб, раисни уйига етказиб келди. Аммо ичкарига кирмади. Султонов ҳам зўрламади.

Салтанат опа эрининг аҳволини кўриб қўрқиб кетди.

Султонов жавоб бермади.

— Эшикни қулфла. Ҳеч кимни киритма. Темир қаерда?

— Уйда эди. Ҳозир яна қарайман. Дамир Тошкентда.

— Бисотингни йигиштири. Ҳозироқ Самарқандга жўнайсан. Наримонникига. Ҳамма темир-терсакларингни, пулларингни ол. Уқдингми?

Салтанат опа ҳеч нарсага тушунгани йўқ. Лекин фалокат юз берганини сезди. Шунинг учун хўп, деб қўя қолди.

— Темирга айт. Машинани тайёрласин. У олиб бориб қўяди.

Дам ўтмай Темир кирди.

— Дада, нима бўлди? Нега ойимларни Самарқандга элтишим керак?

— Шундай қилиш керак. Бу ердаги тўполондан онанг нари тургани маъқул.

— Қанақа тўполнон, дада?

Темир дадаси ёнига келиб, диванга чўқди.

— Мен кўп иш қилдим, ўғлим. Биласанми шуни?

Темир бош силкиди.

— Сезганман, дада.

— Сезган бўлсанг, яхши... Лекин бир нарсани биллиб қўй. Нима қилган бўлсам, сенларни деб қилдим. Мендан кейин хор бўлмаларинг, дедим. Ҳаммангта омонат китобчаси очдириб қўйганман. Эҳтиёт қилиб ишлатсаларинг, умр бўйи ҳеч кимга, ҳеч нимага зор бўлмай ўтасанлар. Мендан хафа бўлма. Қани қўлингни бер.

Темир унга қўлини узатган эди. Султонов уни бағрига тортиб кучоқлади, пешанасидан ўпди.

— Энди менга Фатхилла акангни топиб кел. Кейин жўнайсизлар.

— Темир идамай чиқиб кетди. Султонов тахмонда турган темир сандиқни тортмасини ёнида олиб юрадиган калит билан очди. Йкки қатор териб қўйилган пул боғламлари билан унинг тагида турган омонат дафтарчаларини олди. Улар олтитами, еттита эди.

— Салтанат, — қичқирди у.

Қичқирмаса ҳам бўларди. Салтанат опа бутун вужуди титраб эшик тагида киришини ҳам кирмаслигини ҳам билмай турарди.

— Лаббай? — деди у ичкарига ўтиб.

— Алиевлар изимга тушди. Бир-икки ойга йўқ бўлман. Сен Наримонникида тур. Манавилар сенда бўлсин. Сеники, болаларингники. Пулларни ҳам ол.

— Озгина тақинчоқларимни Одамбойнинг онасига бериб қўювдим. Нима қилай? Тураверсинми?

— Йўқ! Ол! Кетаёттанингда кириб ола кет. Одамбой сотқин чиқди. Вақт зик, Фатхилла келиши билан жўналаринг.

Салтанат опа одати бўйича ҳеч нарса сўрамади, ҳеч нарса демади.

Улар шахсий «Волга»ларида Дуркентдан чиқишганда, Сиддиқовнинг келаёттанини кўришди. Лекин

унинг машинаси жуда тез келаётганидан сўрашиш имконияти бўлмади.

— Ойи, — сўради Темир Сиддиқов ўтиб кетганда. — Ишлар чатоқми?

— Қайдам? — Салтанат оға эрининг ишлари қанчалик чатоқлигини билмасди. Лекин кўнглида бу гал умидсизлик, хавф кўпроқ эди. — Дадангнинг бошидан чатоқ ишлар кўп ўтган. Ҳаммасидан кутулиб, қайтанга обрў оттириб чиқсан. Ажаб эмас, бу гал ҳам шундай бўлса...

— Кўп нарсани кечиришлари мумкин. Дадамнинг тажрибалари катта. Одамларни яхши ишлатиб, пул тошиш йўлларини биладилар.

* * *

Хотини билан ўелини Самарқандга жўнатгандан кейин, уй унинг назарида бирдан ҳувиллаб қолди. Ёлғизлиқ ҳиссидан қутуолмай, фикрларини анчагача жамлай олмай ўтиреди. Аммо шошилиш керак эди. Фатхилла уйни кузатишаётганини айтди. Ҳали-замон ўзлари ҳам көлиб қолишлари мумкин. Қамоққа олиш тартибларини у яхши биларди. Бундан у чўчигани йўқ.Faқат озгина беҳафсалалик қилганидан, бир-иккита иши чала қолганидан у ранжиди. Кейин Усмоновнинг уйига ўтмади. Бирров кўриниш бергани яхши эди. Энди эса илож йўқ. Владивостоқдан келадиган мижозлари билан учрашди-ю, ҳисоб-китоб қилолгани йўқ. Лекин улар қочиб кетмайди, алдамайди ҳам. Алдагани унинг азаматлари йўл қўймайди.

— Фатхилла! — чақирди у нимадир эсига тушиб.

Дарвозанинг оддида қизил «Жигули»ни тайёрлаётган Фатхилла қўлларини артиб, унинг оддига келди.

— Иккита иш қиласан. Биттаси хўжаликнинг «Волга»си идоранинг оддидан қимириламасин. Уқдингми? қизларга ҳам айтиб қўй. Ўзлари ҳам қабулхонадан кетишимасин. Иккинчиси — Сиддиқовнинг машинаси-га телефон қил. Биласанми? — Фатхилла бош иргади. — Айт. Бу ёқقا келмасин. Топ дарров!

Фатхилла отилиб чиқиб кетди. Султонов идорага ўзи телефон қилди:

— Ҳа, тинчликми? Яхши. Қулоқ сол. Мен ўзимдаман. Зарур иш билан ўтирибман. Ҳеч кимни кабинетга киритмаларинг. Уқдингми? Баракалла.

Ҳа, унинг режаси ўзгарди. Шошганда шундай бўлади, тўғри фикр кейин келади. Уни ҳозир Сиддиқов билан кўришмагани маъқул.

Нима учун у бирдан шундай фикрга келиб қолди? Ҳеч кимга буни айтгиси келмади. Айтадиган одами ҳам йўқ эди. Битта Фатхилла уни кутиб ўтирибди, холос. Хотини бўлганида ёнида, балки унга айтармиди. Йўқ, унга ҳам айтмас эди.

Ховлиқиб Фатхилла кирди.

— Кеч қолдик. Яқин келиб қолибдилар. Қайтмайман, деялтилар.

— Чой қўй. Кейин ертўлага туш. Анави «Наполеон»-дан, арманникидан катта уйга олиб чиқ. Уч-тўрт шиша машинанита солиб қўй. Қази, гўшт, нон!.. Хуллас, иккичу уч кунлик ейдиган нима бўлса, ол!

Фатхилла ҳовлига чиқиши билан Сиддиқов кириб келди. У формада эди.

— Қаердалар? — омонатгина қўлинни узатар экан, сўради.

— Ётбқхонада. Телефоннинг олдидалар. Ҳозир чақираман.

Фатхилла югуриб Султоновнинг олдига кириб кетди. Сиддиқов кетидан борди.

— Бўлар иш бўлди. Хафа бўлманг, — қаршисига чиқиб келаёттан Султоновни қучоқлади. — Одам кўпайган сари хавф ҳам кўпаяди. Одамбойингиздан олдин анави Тошкентта жўннатганларингиз бири олиб, бири қўйиб гуллаб беришди.

— Таги кўрмаганлар шунаقا сотқин бўлади.

Султонов майорни белидан қучиб, меҳмонхонага бошлиди.

— Нега мени келмасин, дедингиз? — сўради ўтириб фотиҳа қилишгандан сўнг Сиддиқов. — Фатхилла телефон қилганда, кўчангизга кирган эдим.

— Сўраманг, Собиржон!.. Минг хил фикр мияни қовуриб ташлади. Аввал сизни жудаям кўргим келди. Кейин бундай йўлаб қарасам, бутун-эрта кўришмаганимиз маъқул экан.

— Барибир айтмаяпсиз...

Султонов кулди.

— Энди фойдасиз деялман-ку?!

— Аҳвол кеча жиддийлашган. Бош прокурор сизни, ёнингизда бор ёрдамчиларингизни, фармзаводнинг баъзи раҳбарларини қамоққа олишга, уйларида тинтуб ўтказишга розилик берган. Хуллас, бугун эмас, сизнинг масалангиз кеча кечқурун ҳал бўлган эди. Аzonда шуни айтиш учун йўлга чиқмоқчи бўлиб турганимда вазир йўқлаб қолди.

— Дилем сезган эди! Кўришмаслигимиз керак эди бугун... Куним битганини сезиб турибман.

— Нафасни совуқ қилманг.

— Сизни келманг деганимда жон бор. Аввал эши-тинг, Собиржон. Мен тутилдим ҳисоб. Номимни энди булғашади. Сизни четда бўлишингизни истардим. Ке-раксиз бизга. Мени улар барибир қўлга олишади. Чи-қариб олиш сизнинг бўйнингизда. Бу бир. Иккинчи-дан, болаларимнинг тақдири энди сизнинг қўлингизда. Уларга ҳеч ким тегмасин. Биронтасини менга олиб бориб тақашмасин. Мол-мулк, уй-жойни мусодара қилиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас!

Султонов фижим бўлмайдиган япон матосидан ти-килган ва почалари қўқимтири брезент этик қўнжига тиқилган кулранг шими чўнтағидан худди шундай кул-ранг омонат дафтарчасини олиб, Сиддиқовга узатди.

— Сизга омонат дафтарча очдириб қўйганман. Ярми ўзингизга. Ярми мени олиб чиқишга, болаларга доф теккизмасликка ишлатасиз. Етмаса яна кейин ҳисоблашамиз.

Сиддиқов дафтарчани олиб, кўриб чиқди, кейин оқ кўйлагининг кўкрак чўнтағига солиб қўйди.

— Айтганингиздек бўлади. Лекин уларнинг қўлига тушишни ҳозир ўйламанг. Мен битта режа билаҳ кел-япман. Алиев прокуратуранинг машинасида иккита ёр-дамчиси билан ўғлини юбориб, ўзи шахсий «Жигу-ли»сида келяпти. Қандайдир бир мўлжали бўлса ке-рак-да. Демак, ўз машинасида қайтади. Йўлда ёнидан масалан, трактор чиқиб қолиши мумкин, кўпприк ол-дидали, тутзордами, Тангатопидами, майли-да, уни ўйлашиб кўтармиз. Трактор билан тўқнаш келгандан кейин машина ҳам, ундаги одамлар ҳам нобуд бўли-ши мумкин. Лекин на илож? Ҳамма ҳужжат ҳозирча Алиевнинг қўлида. У йўқолса, ҳужжатларни қайтариб олиш қўлимдан келади.

— Барака топинг! — Султоновнинг кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Шунинг учун сизни бир-икки кунига холироқ жойга элтиб қўяйлик. Ўша ерда қимирламай, мени кутиб ўтиринг. Аммо раисликни энди унунтинг. Яхши-си, ўзингиз истеъфога чиқинг. Ҳозир бу сизга жуда керак. Кейин ҳалқ ўзи яна сизни сайлаб олади. Ҳалқ ўзимизнинг ҳалқ, гапга тушунади. Қани, қаёқقا бора-сиз? — Сиддиқов ўрнидан туриб, хонани айланана бошлади.

— Нанайга. У ердаги уйни кам одам билади. Боргансизку? Фақат ўзингиз Йўғонтепадан мени олиб чиқиб қўйинг.

— Тешабой ака! Одам одам билан тирик...

Майор Сиддиқов сидқидилдан шундай деди. Беихтиёр у Султоновга ўтирилди. Икки кун ичида филдек одам... елкалари тушиб, қўллари шалвираб қолибди. Сиддиқов сидқидилдан унга ачинди, айни вақтда ундан ранжиди. Султоновнинг бугунги ахволи унинг қариганидан, илгариги эҳтиёткорлигини йўқотганидан, нафси бузилиб, беш панжасини оғзига тиқа бошлаганидан далолат берарди. Тогдағи кўкнорига, ўзингиз хабар қилдингизми, бўлди, тегманг, ўшанинг даромадидан қечинг, деб маслаҳат берди, аммо Султонов кўнмади. Юк қўлга тушмаганида, ўқитувчини ўлдирган безориларнинг айтганлари туҳмат бўлиб чиқарди. Бриллиант соатларни ҳам «тўқликка шўхлик» тарзда давлатга ўтказиб юбориш мумкин эди. Соҳта ҳужжатлар билан қўлга тушган кўкнори ҳамма ишни бузди, тўғрироғи, ҳамма ишни бир ипга тизиб берди. Ип Алиевнинг қўлида. Ҳужжатлар Алиевда. Алиев йўқ бўлиши билан ҳужжатлар йўқолиши керак. Буни қила оладиган одамлар бор. Эртагаёқ, балки бутуноқ Сиддиқов уларни топади, хурсанд қиласди.

XVII

Алиев Тепабоқقا келиши билан Султоновни сўради.

— Кечиқдик, — уялинқираб жавоб берди Исмоилов. — Ярим соат илгари майор Сиддиқов билан чиқиб кетишибди. Сиддиқовнинг машинасида ўтиришгани учун ҳеч ким тўхтатишга журъат қилолмабди. Мен шу ерда эдим.

— Хўш, нима қиласмиш энди?

— Менимча, энг аввало Сиддиқов билан боғланиш керак.

— Тўғри Тошкентта олиб кетган бўлса-чи? — гумон қилди Алиев.

— Бўлиши мумкин. Аммо ордер сизда-ку?

— Кечаги топшириқ унга маълум бўлиши керак. Аксинча, бунчалик шошилмас эди. Турсунов қаерда?

— Уни мен археологлар ёнига юбордим. Энди горни қидириб нима қилишади? Шу ердан тушаверишин.

— Қани, Сиддиқовга телефон қил-чи!

Улар меҳмонхонага киришди. Исмоилов майор Сиддиқов машинасидаги рақамини терар экан, Толиб полвон билан учрашганини айтиб берди. Бечора бир чўпон ўртоғиникида беркиниб юрган экан, Султоновдан қўрқиб. Жиянлари чақириб келишди.

— Нима дейди?

— Анави клуб мудирасини Одамбой бўйнига сиртмоқ солиб ўлдирганини машина уриб юборган отбоқар Алиқул кўрган экан. Ҳамидуллани ҳам Одамбой ўлдирган эмиш.

— Лекин асосий қотил Султонов-ку.

— Жавоб бермаяпти. — Исмоилов трубкани қўйиб, рақамни қайтадан терди. — Мен бир нарсага тушунмаяпман, Қодир ака. Қимматбаҳо соатни Шоҳидага совға қилгани маълум. Нега совға қилганини тахмин қилиш мумкин. Лекин Фотимага шундай совға қилишдан мақсади нима эди?

— Мақсади битта. Бир кун келиб ундан ҳам Шоҳидаdek фойдаланмоқчи бўлган.

— Собир ака? — қичқирди трубкага Исмоилов. — Салом, бу мен Ўқтамман. Қодир акам сиз билан гаплашмоқчилар.

Исмоилов трубкани узатди.

— Яхшимисиз, — сўрашди ҳеч нарса бўлмагандек Алиев. — Йўғонтепага келдим. Сизни шу ерда юрибдилар, дейишди. Шунга безовта қиляпман. Яхшимиз, Собир ака?

— Раҳмат, — Сиддиқов ҳам сир бой бермай Алиев таклиф қилган хотиржам оҳангда жавоб қилди. — Тешабой акангизда бир иш бор эди.

— Кўришдингизми? Яхшимилар?

— Кўришдим. Иш битди. Шу ерга келиб, қариндошларни кўрмасдан кетиб бўлмайди. Синглимницида эдим. Энди кетяпман. Усмоновнинг уйига ўтмоқчиман. Бормайсизми?

— Кечирасиз, Собир ака! Султонов ҳозир қаерда? Бизнинг ҳам бир зарур ишимиз бор эди.

— Менимча, идорасида. Қаердасиз?

— Тебабоғда. Ўтмайсизми?

— Раиснинг боғига раиссиз кириб бўладими?

— Тушундим, Собир ака. Лекин мени кечиринг. Кечадан бери Тешабой Султонов «Шифокор» жамоа хўжалигининг раиси қамоқча олинган ҳисобланади. Ордер менинг қўлимда.

— Шошилинг бўлмаса, — деди ҳамон овозини ўзгартирмай Сиддиқов. — Тоғли жойда нима кўп, яширинадиган жой кўп.

Сиддиқов трубкани қўйиб қўйди.

— Раис ўзидаими, — деди Исмоилов. — Ўзи трубкани олмаяпти. Лекин котиба ўзларида, деб жавоб қиляпти.

— Ютур! — буюрди Алиев. — Икки кишини олиб ютур. Мен боргунча чиқарма. Равшанни Зухраникига ташлаб ўтаман.

Исмоилов югуриб чиқиб кетди.

Алиев билан Равшан иккита машинада Зухраларни кига келишганда, эшик очиқ эди. Ичкаридан тиловат қилаётган қорининг овози келиб турарди. Алиев эшик олдида тўхтади. Фотихадан сўнг, ҳовлига кирди. Айвонда, ҳовлидаги сўрида ўтирган эркаклар ўринларидан туриб эшикка йўл олдилар.

— Ҳамидуллахоннинг жасади топилганини эшишиб кирувдик, — деди Алиевни илгари кўрганлардан бири. — Раҳматлиниңг жойи жаннатда бўлсин.

Зухра уйда йўқ эди. Одамлар кетиши билан ошхона томондан Света ва унинг онаси чиқиб келишди.

— Чойга туришмади. Керак эмас экан, — негадир уялиб тушунтирган бўлди Светанинг онаси.

— Зухра қаерда?

— Билмадим. Тепабоғдан қайтганимиздан кейин йўқ бўлиб қолди. Адашмасам, қабристонга кетган.

— Битта ўзи-я? — ҳайрон бўлиб сўради Равшан.

— У ҳеч нарсадан чўчимайди, — гапга аралашди Светанинг ойиси. — Кечаси билан уни қидириб чиқдик. У бўлса акасининг қотили билан Тепабоғда юрган экан.

Светанинг ойиси ранжиб гапирдими, ё Зухрадан фуурланиб гапирдими, Алиев ҳам, Равшан ҳам тушунмади.

— Бориб келайми? — сўради Света.

Алиев ўғлига қаради.

— Мен энди кетаман. Сен Света билан бирга бор. Илтимосимни айт. Уйга олиб кет. Бугун у бу ерда қолмагани маъқул.

Улар «Жигули»га ўтириб, йўлга тупшиди. Қабристон олис эмас эди. Кун тиккага келиб қолганидан ҳаво исиб кетган, машинанинг олди жимирларди. Баланд гулдор темир панжарадан ясалган дарвоза олдида улар машиналарини қолдириб, ичкарига киришди. Гуп этиб,

муздек ҳаво юзларига урилди. Яна аллақандай, қабрис-тондан бўлак ҳеч қаерда сезилмайдиган майнин, ёқимли ҳид димоғларига урилди. Бу ҳид турли хил ўтлару хина билан ювилган сочнинг ҳидига ўхшаб кетарди. Аммо шу ҳид, шу салқин ҳаво биринчи қўйилган қадам биланоқ одамнинг кайфиятини ўзгартириб юборади. Ҳозиргина дилни қийнаб турган ташвишлар, алам, ха-фагарчиллик йўқолиб, унинг ўрнини қаңдайдир сокинлик эгаллади. Фикрлари ойдинлашади, вужудини ҳаммага, ҳамма нарсага бирдан пайдо бўлган меҳр қоплайди. Дараҳтларнинг шатир-шутурига, қушларнинг сайрашига мутлақо бошқача диққат ва қизиқиш билан қулоқ солади одам.

Катта йўлқадан бир-икки қадам юришгач, Света тўхтади.

— Балки у ёлғиз бўлмоқчиидир? Шу ерда кутақолайлик?

— Тўғри, халақит бермайлик, — рози бўлди Равшан ва серсоя тут тагида турган узун ёғоч курсига ишора қилди. — Ўтиринг.

Абдулла акаларнинг хилхонаси шундай дарвозадан кириш билан кўринади. Аммо Зухра чўкка тушиб тиззalарига тирагиб ўтиргани ва бутун диққати янги сувоқдан чиққан икки ёнидаги қабрда бўлгани учун уларни кўрмади.

Унинг назарида тут шохига яна ўша таниш мусичалар келиб кўнгандек бўлдилар. У бундан севиниб кетди. Балки шу қушларни кўриш истаги билан уйдан отилиб чиқиб, қабристонга келгандир?

Мусичалар ку-кулаб, бир-бирларига яқинлашишди. Зухра бошини эгиб қимирлашга ботинмай, қулоқ соларди. Аммо қушлар бир-икки ку-кулаб, қанот қоқишиди-да, учиб кетишли.

Бир маҳал кимдир чинқиргандек бўлди. Зухра бошини кўтариб овоз келган томонга қаради. Эндини қанот ёзиб учишни ўрганаётган қарқуноқ бошқа шохга учиб ўтишни билолмай, эгилган ингичка шохга тирмасиб чинқирар, юқорироқда ўтирган онаси эса хотиржамлик билан бошини сарак-сарак қилиб уни кузатарди.

Зухра ўрнидан турди ва шундагина дарвоза олдидаги узун курсида Света билан бир нотаниш йигит ўтирганини кўрди.

Буни кўриб, Света қаршиисига юрди. Йигит унга эргашди.

— Таниш, бу Равшан, — деди Света улар бир-бирларига етишганда. — Қодир ака Алиевнинг ўғиллари.

— Салом, — Равшан унга қўлини узатди.

Зухра қўлини этагига артиб, кўришаркан, юзига қаради.

Равшан бўйи биланми, ё кўзлари билан майин, сезилар-сезилмас жилмайиб боқиши биланми, унга ақасини эслатди ва бирдан дилида бу бегона йигитта яқинлик пайдо бўлди.

— Адам сизни топишни тайинлаб кетдилар, — деди Равшан, ҳаммалари дарвоза томонга юра бошлишганда.

— Тинчликми? — сўради Зухра. — Назаримда ҳамма иш тутади шекилли?

— Билмадим. Менимча жиноят юз берган жойда ҳеч маҳал иш тутамайди. Битта жиноят иккинчисини тортиб чиқаверади.

— Сиз ҳам юристмисиз? — қизиқди Зухра.

— Ҳали студентман. ТошДУнинг учинчи курсида-ман. Сизнинг ҳақингизда уйимизда кўп гапиришади.

Зухра беихтиёр ўгирилиб, бошини у томон бир оз кўтариб қаради.

— Афсуски, менинг ҳақимда яхши гап йўқ.

— Аксинча. Фақат яхши гап айтишади, Зухра! Аввалин оиламиз номидан, шахсан ўзим номимдан сизга чуқур таъзия изҳор қиласман. Бошингизга оғир мусибатлар тушибди. Адамлар шундан хижолатдалар. Вактида фалокатларнинг олдини ололмадик, дедилар. Илтимос, бугун бизникига борасиз. Сизни олиб кетгани келдим. Кечқурун бафуржা адам билан гаплашасизлар.

Зухра бир нарса деб, эътиroz билдиromoқчи эди. Равшан қўймади.

— Истаган пайтингизда, эртагами, индингами олиб келиб қўяман. Фақат бутун ёлғиз қолишингизни адам истамаяптилар.

— Мен ёлғиз эмасман. Ана, Света бор. Жуда кўрқсан, уларнига чиқиб ётаман.

— Тушунаман. Лекин мени ҳам тушунинглар, яхши қизлар. Адамларнинг гапларини иккита қилолмайман.

Равшан айтганидан қайтмаслигини Зухра сезди.

— Майли, олдин уйга ўтайлик. Кейин...

Ўйда Зухра меҳмон ҳурмати янги кўрпача олиб чиқиб ёзди, дастурхон тузади-да, ўчоқбошига ўтди. Чой дамлаб келиб нон синдириди. Аммо Равшан бир пиёлагина чой ичган бўлиб, ўрнидан қўзғалди.

— Адам билан учрашиб келай. Икки соатларда қайт-сам бўладими?

— Майли, мен тайёр бўлиб тураман, — деди Зухра унинг таклифига кўниб.

Равшан чиқиб, Зухра ёлғиз қолди. Энди у бундай ёлғизлика одатлана бошлаган эди. Хонадонлари бошига тушган мушкулотнинг барча тутунлари ечилиб, энди ҳамма нарса ойдинлашган, ноаниқликлар тутаган эди. У энди ёлғиз. На ота-онаси, на опа-укаси бор. Ҳаммаси бу дунёдан ўтиб кетишиди. Унинг ўзи қолди. Бу ёлғизлик қанча давом этади? Энди кимга ишониб, кимга суюнади?

* * *

Султонов Фатхилланинг янги қизил «Жигули»сида Нанайнинг ёнгоқзори ичидаги қўздан йироқ, боғга етиб келганда, кун пешиндан оғган эди. Бу жойни жуда кам одам биларди. Ўзи ҳам кам келарди. Баъзи-баъзида овни ихтиёр қилиб қолган яқинлари катталарни олиб келарди, холос. Ёввойи эчки, жайрон овлашарди. Албатта номига. Ов баҳона, бир кун — икки кун дам олиб, жаннатни овқатлардан оз-оз тамадди қилиб кетишарди. Тиниб-тинчимас Султоновга бу жой унча маъқул эмас эди. Бўғилиб кетарди. Ҳозир ноилож. Ҳозир у шу ерда бўлиб, Сиддиқовдан хабар кутиши керак эди. Хабарнинг яхши бўлишига Сиддиқовнинг ишончи комил эди. Лекин Султоновнинг дили ёришмади.

Камгап, қўпол, ҳазилни мутлақо тушунмайдиган Фатхилла қандай қилиб унинг кўнглини олишни билмасди. Богнинг темир дарвозасини ёпиб, машинасини ошхонанинг орқасига қўйганидан бери, қандай қилиб, нима деб унинг олдига боришини ўйларди. Бирдан хаёлига бир пайтлари тузлаб кетган зирали бир тўрва бедана келди. Ўйдан олиб келган нарсалар ҳам яхши-ю, лекин шу беданаларни серпиеў қилиб қовуриб берса, отанинг чехраси ёришармиди.

...Фатхилла ошхонадаги ишни тутатиб, уйга, ота ёнбошлаб ётган хонага кирди.

Султонов французча конъяк шишасини яримлатиб қўйган эди.

— Кел, — деди Фатхиллани кўриб. — Ўтири. Бир бало қиляпсан шекилли?

— Бедана қовуряпман. Сур бедана бор эди.

— Яхши. Ма, ич. Менга қарама. Кайфим йўқроқ, Собиржон ваъда қилди. Ишимиз эрталарга тинчид

кетади. Мабодо тинчимаса, отангни Сибирда кўрасан..

— Ундай деманг. Сизни қамайдиган одам, ўзи қамалиб кетади. Мана мени айтди дейсиз. Собиржон aka хушхабар билан келадилар эртага.

Фатхилла пиёлани бўшатиб ўрнидан турди.

Кўп ўтмай иккови бир лагандан иштаҳа билан овқатланишни бошлишди. Фатхилла бошқа ичмади. Аммо отани тўхтатишга ҳам ботинмади. Султонов иккинчи шишани ҳам яримлатди. Сиддиқов қанчалик ишонч билан уни тинчитишга ҳаракат қилмасин, негадир ўзини қопқонга тушган қуёндек ҳис қиласр эди. Боққа келиши билан пайдо бўлган шу ҳис қанча ичмасин, қанча вақт ўтмасин барибир тарқамади. Бу бежиз эмас эди. Ҳамма нарса битта Алиевга боғланиб қолгани йўқ. Алиев кўп насралар тўплади унга қарши.

Ақлли одам шундай пайтларда оиласи, бола-чақаси, қариндош-уругларини ўйлади. Уларга гап тегмайдиган йўлларни қидиради. Султонов учун шундай йўллар борми? Жуда бўлмаганди, битта йўл топилар?

— Қуй! — буюрди у Фатхиллага.

Фатхилла аччиқ ҳинҷ чойидан қуийб узатди. — Анавидан қуй! — жеркиб берди Султонов. — Эсинг борми?!

Фатхилла истар-истамас қуиди. Султонов пиёладагини ярмини ичиб, ўрнидан турди. Ҳайтовур, у тетик эди. Ҳарҳолда Фатхиллага шундай туюлди.

Султонов ҳовлига тушиб, боғни бирпас айланди. Боғнинг пастида, ёнғоқзорнинг орқасида нимадир жимирлаб кўринди. Султонов нималигини эсломмади. Оқар сувми, йўлми, билолмади. Йўл тушса, боғнинг тинчи йўқолади. Қайси аҳмок шуни ўйлаб топди экан? У дарвозадан чиқиб, шу ёққа йўл солди.

Кегаётуб, Фатхиллага буюрди:

— Бир ошам бўлса ҳам кечга ош қил.

Фатхилла озгина бўлса ҳам отанинг чехраси ёришганидан хурсанд бўлди ва шу заҳотиёқ ошга уннай кетди.

Ҳа, ақлли одам бола-чақасини ўйлади. Боғнинг панжара деворини айланниб ўтиб, ёнғоқзорга тушар экан, Султонов миясига шу фикр маҳкам ўтиришиб қолганини пайқади. Қачон пайдо бўлди ўзи бу фикр? Кечами? Форда эмаклаб, жон-жаҳди билан ундан қутулиб чиқиши йўлларини қидиргандами?

Ёнғоқзорнинг этагида пишқириб юк машинаси ўтиб

кетди. Нима қилишяпти экан бу ерда? Йўл бўлса, боғни йўқотади, ё бериб юборади. Лагерь қилишсин болаларга.

Ёнгоқзор тугаб, пастда сув кўринди. Аммо ҳозирги турган жойи йўлга ўхшаб қолганидан у ранжиди. Ким bemаслаҳат йўл солиб юборди? У қанча ўйламасин, ҳеч ким эсига келмади. Кейин, бу жойлар уники эмас эди. Азбаройи эркалигидан, обрўйи баландлигидан, шу ерни ажратиб боғ қилганида, ҳеч ким индамади. Ҳеч ким ҳеч нима демаслигини у биларди. Аммо ҳозир, тушаётган йўлни кўриб, хафа бўлди. Икки томонига йўл тушган боғ — боғ бўлармиди?!

Орқадан юқ машинасининг овози эшитилди. Афтидан, у бўшга ўхшайди, ўкириб келяпти, тез келяпти. Яқинлашганда сигнал берди. Султонов эшитди, ўтавер, ўтавер, деди ичида у ва чап қўли билан йўл кўрсатди, аммо ўзини четта олмади. Машина яна сигнал берди. Султонов тўхтаб ўтирилди ва бир қадам чапга оёқ қўйди. Шу топ девдек ўкириб келаётган машинанинг ҳаво ранг тумшуғи Султоновнинг кўзларига рўпара келди. Нимадир турсиллаб унга урилиб кетди. Султонов учеб кетаётгандек, қўлларини ёзди, учгандек ҳам бўлди, кейин нимадир бўйни аралаш юзига ботди. У ерда ёттанини, юқ машинасининг қулочга сифмайдиган фидираклари уни кўкраги, юз-кўзи аралаш босиб ўтаётганини сезди. Хаёлидан бояги ўйлаган гапи «Ақсли одам!..» — лекин давомини эслолмади, тили айланмади, ҳаммаёқ бирдан қоронфилик ичига ғарқ бўлди. Султонов ўлаётганини, оғзига ичидан иссиқ бир нарса қутилиб келганидан билди. Бу қон эди, у ачинишга ҳам, севинишга ҳам улгурмади.

— Ким бор, одамлар! — қичқирди йигит, уни машина остидан тортиб олишга уринар экан. — Ким бор, ёрдам қилинглар.

Ҳеч ким уни эшитмади. Кейин у машинага чиқиб сигнални босиб ушлаб турди. Қозонга сабзи solaёттан Фатхилла буни эшитиб, юраги бир шув этди. Сигнал тинавермагач, газни пасайтириб, ўша томонга югурди.

Тешабой Султоновнинг машина остига ўзини ташлаб ҳалок бўлганини биринчи бўлиб у кўрди.

Султонов ўз ўлими билан Сиддиқовни талай ташвишлардан халос этган, хотини, бола-чақасига, жаноза ташвишларини ҳисобга олмаганда, осойишталик ва етарли бойлик қолдириб кетган эди. Фатхилла телефон қилиб, бўлган фожиани батафсил айтиб берган-

да, Сиддиқов чин юрақдан ачинди, айни пайтда унинг ақли ва жасоратига қойил қолди, кўп ташвишлардан қутилганига севинди. Аммо Алиевни йўқотиш учун кўрилган чораларни тўхтатмади. Алиевнинг ҳаёт бўлганидан, йўқ бўлиб кетгани унга маъқул эди. Султоновнинг ўлими билан иш тўхтамайди. Озгина танаффусдан сўнг узилган арқонлар тикланади, шогирдлар мустақил ишга ўтадилар. Хўжаликка, ҳатто Усмоновнинг ўрнига Наримон Султоновни олиб келиш мумкин! Отасининг ўнг қўли эди у. Олим, институтда ишлайди. Халқа ош берилса, керакли ваъдалар қилинса, бегона одамдан кўра, ўзиникини маъқул кўриб, сайлаб олади. Жалоловга айтиш керак. Балки у киши ўзи шуни Сиддиқовдан яхши билар. Аммо нима бўлмасин, Алиевни бир ёқли қилиш керак.

Сиддиқов Фатхилла айтган хабарни Жалоловга етказиш учун ўрнидан тураг экан, телефонда унинг топширигини кутиб турган Фатхиллага деди:

— Тешабой ака ўзини машина остига ташлагани йўқ. Машина тўсатдан келиб қолиб, уриб юборди. Тушунарлими? Ҳаммага фақат шу гап айтилсин. Ўзингта ҳам шундай де! Эртага пешинда кўмамиз.

У трубкани қўйиб, эшикка йўл олди.

* * *

Равшан ваъда қилган вақтида келди. Света шаҳарга тушмайдиган бўлгани учун Зухрани олиб йўлга чиқди.

Эртанги кун ташвишли, оғир бўлса ҳам Зухра ҳозир Алиевнинг ўли билан Тошкентга, уларникига кетаётганидан хурсанд эди. Алиев: «Соат ҳақида гаплашамиз», дебди. Майли, нима ҳақида гаплашса, гаплашаверсин. Зухра тайёр. Соатни қайтариб беради. Унга ҳаром соат керак эмас. Пули ҳам. Ҳамма саволларига жавоб беради. Аммо Алиев бу билан на адасини, на акасини, на Фотимани тирилтириб беради. Улар энди йўқ, мангу йўқ. Уларни Зухра фақат тушида кўради, ёлғиз қолган пайтлари уларни чақириб дилдан гаплашади, маслаҳатларини олади. Бошқа улар учун қиладиган иши йўқ, қолмади ҳисоб. Анави ифлос Султоновни тутишса, шу билан Зухра тинчиди. Ҳозир ҳам анча тинчили. Шунинг учун Алиевнинг таклифини қабул қилди. Кўпдан бери уйига чақиради. Вақтсоати бугунга тўғри келган экан.

«Жигули» худди дарёда сузиб бораётган қайиқдек

қалқиб борарди. Йўғонтепа ортда қолиб кетди. Йўлнинг икки четида бъязилари битган, баъзилари ҳали битмаган, қўғирчоқдек-қўғирчоқдек боғ уйлар бошланди. Кўп ўтмай Зухра яхши кўрадиган жой келди. Жумабозордан ўтилганда йўлнинг икки километрча келадиган қисми тутзорнинг ичидан ўтади. Шу жойга кириш билан одам ўзини ҳаммаёқдан, умуман ҳаётдан узилиб қолгандек ҳис қиласи. Зич экилган сербарт тут шохлари орасида атроф қўринмас, бирдан ҳаммаёғ жим-жит бўлиб қоларди. Фақат фидиракларнинг асфальт йўлда чипиллаб бориши тинчликни бузарди.

Бирдан оддинда, йўлнинг ўртасида кимдир қўринди. Оппоқ қўйлақда эди у. Бошида ҳам оқ дурра. У машина томон қўлларини силкитиб, югуриб келарди. Бир неча қадам ютурганидан сўнг, бошидаги оқ дурраси учиб кетди. Сочлари тўзғиди. Аммо у парво қилмади. Зухра ҳаяжонланиб кетди. У Фотима эди!

— Тўхтатинг! — Зухра шошиб, Равшанинг елкаларига қўлларини қўйди.

— Нега? — ҳайрон бўлди Равшан ва қалати назар билан унинг елкаларида оппоқ, кичкина қўлларига қараб қўйди.

— Фотима! Фотима! — қичқирди Зухра.

Шу пайт унинг қулоғи остида **Фотиманинг** овози жаранглаб кетди:

— Тўхта, Зухра! Тўхтанглар! Тўхтанглар!

Зухра аниқ эшилди. «Нима бўлди ўзи?» **Фотима** қаёқдан пайдо бўлди? — хаёлидан ўтди.

— Равшан! Сизга айтяпман! Тўхтатинг! **Фотимани** босиб кетамиз!

— Қани? — Равшан тормозни босди.

— Ана! Югуриб келяпти-ку?! Фотима-ку! — **Деди** — бирдан уни йўқотиб қўйди. Йўлда энди ҳеч нарса йўқ, кимсасиз эди.

— Қани? Ким эди? — деди Равшан **ҳамои** ҳеч нарсага тушунмай.

— Мени кечиринг. Менга қўринган экип. **Балки** хайлрлашгани, балки кетишшимни истамай йўлимни **тўғиб** чиққандир, — деди ҳардамхаёллик билан.

Сўнг бир оз қўзини юмиб туриб, очди.

— Кетдик... — деди зўрга. Мижжаларида икки томчи ёш қўринди.